

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Рахматов К.У., Халимжонов Д.Э.

МИНТАҚА ВА МАҲАЛЛИЙ ХЎЖАЛИК ИҚТИСОДИЁТИ

фанидан ўқув-методик мажмуа

ГУЛИСТОН-2015

Рахматов К.У., Халимжонов Д.Э. «Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти» фанидан ўқув-методик мажмуа. 2015 йил. Гулистон. 193-бет.

Мазкур ўқув-методик мажмуа амалдаги дастурлар асосида тайёрланиб, 5230100-Иқтисодиёт таълим йўналишларида таълим олаётган талабаларга мўлжалланган. Ушбу мажмуада минтақа ишлаб чиқаришни бозор иқтисодиёти шароитида ташкил этилиши, унда меҳнат, молиявий ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиш усуллари, меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари ҳамда омиллари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ўзига хос хусусиятлари, уни давлат томонидан қўллаб қувватлаш механизми, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тизими, минтақа молияси ва инвестицион иқлим шароитлари каби долзарб масалалар кенг ёритилган. Бу мажмуада замонавий педагогик технологиялар тизимини амалда қўллаган ҳолда ўқув мақсадлари, мавзуга оид ва мавзунини ечимларига бағишланган муаммолар, назорат саволлари, талабалар мустақил бажариши зарур бўлган топшириқлар, тестлар ва глоссарийлар келтирилган.

Ўқув услубий мажмуа Гулистон ДУ Ўқув Методик Кенгашининг () қарорига асосан нашрга тавсия қилинган.

Масъул муҳаррир: иқтисод фанлари номзоди, доцент О.Т. Сатторқулов.

Такризчилар: Ўзбекистон жаҳон тиллари Университети проректори иқтисод фанлари номзоди, доцент С.О. Абдуллаев. Тошкент молия институти, “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси катта ўқитувчиси, иқтисод фанлари номзоди Т.А.Умаров.

Рахматов К.У., Халимжонов Д.Э. Учебно-методический комплекс по курсу “Экономика региона и местного хозяйства”. Гулистан 2015. 193 стр.

Учебно-методический комплекс подготовлено на основе современных программ и предназначен для студентов, обучающихся по специальности 5230100-Экономика.

Опираясь на систему современных педтехнологий в сборнике приведены цель, проблемы, требующие решения по данной теме, контрольные вопросы, самостоятельные задание для студентов. В данном учебном-методическом комплексе подробно раскрыт экономический механизм рационального природопользования и охраны окружающей среды.

Рахматов К.У., Халимжонов Д.Э. Educational-methodological manual of “Regional economic” Gulistan 2015. 193 pgs.

The Certain educational collection is made on the basis of modern program and intended for students of economy 5230100. According to new pedagogical technology system the certain collection includes aim matters requiring decision of themes, control works, self-directed works.

The teaching aid gives a detailed account of economic mechanism of conservation and environmental protection.

Кириш

Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётига ўтиш ва бозорни бошқариш механизмларини такомиллашиб бориши талабалардан давр талаби асосида иқтисодий билимларини ошириб боришларини талаб этади. Олий ўқув юртларида бугунги кунда иқтисодий билимларни ўрганишга жуда катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистонда борган сари иқтисодий ислохотлар чуқурлашиб бозор муносабатлари асосида мустақил миллий иқтисодиётни барпо этиш жараёнлари тезлашмоқда.

Мустақил миллий иқтисодиёт унинг тузилмавий таркибига мутлоқо янги талабларни қўйди. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек “Тузилмавий сиёсатни амалга оширишда унинг худудий жиҳати ҳам муҳимдир. Чунки иқтисодий жиҳатдан унча ривожланмаган минтақаларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, ишлаб чиқарувчи кучларни энг мақбул тарзда жойлаштириш йўли билан уларга қўшимча сармоялар жалб қилиш имконияти яратилади. Шундагина одамлар турмуш даражасида вужудга келган минтақавий номутоносибликни бартараф этиш, ресурслар ва ишлаб чиқариш имкониятларидан хар томонлама ва самарали фойдаланишни таъминлаш мумкин”¹. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тармоқ ва минтақавий таркибини такомиллаштириш, бой ресурслардан катта имкониятлардан мақсадга муоффиқ фойдаланиш вужудга келган номутоносибликлар ва зидиятларга бархам бериш муҳим иқтисодий вазифа бўлиб қолмоқда. Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг hozirgi босқичида минтақаларда, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантиришнинг минтақавий жиҳатларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Минтақавий- сиёсат энг аввало қишлоқ хужалиги хом ашёси ва менирал ресурсларни чуқур қайта ишлашга технологик циклни тугалланганлик даражасини оширишга мамлакат ёқилғи-энергитика ва озик-овқат мустақиллигини таъминлашга қаратилади. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг асосий қисми минтақаларда ишлаб чиқарилади.

Шунинг учун минтақа ишлаб чиқариши ундаги мулк таркиби ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш тамойиллари маҳалий бюджет таркиби унинг тушумлари минтақа тармоқлари ва уларни тартибга солиш маҳалий ўз-ўзини бошқариш, минтақалар табиий иқлимий шароити, фойдали қазилмаларидан оқилона фойдаланиш минтақалар ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг ўсиш суръатларига таъсир кўрсатади, тузилмавий ўзгаришларнинг йўналишларини белгилайди, аҳоли турмуш даражасини сифат жиҳатидан яхшилаш имконини беради.

Ўзбекистонда бозор ислохотларини амалга ошириш, аввало минтақавий даражада намоён бўлади.

Шунинг учун минтақалардаги мураккаб иқтисодий-ижтимоий муаммоларни ҳал этиш минтақавий ва маҳалий бошқарув органлар маъсулиятини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу ўқув-услубий мажмуада hozirgi кунда минтақавий сиёсат тушунчаси, Ўзбекистонда минтақавий сиёсатнинг амалга оширилиши минтақавий сиёсат бўйича муаммолар ва уларнинг ҳал этиш йўллари иқтисодиётнинг hozirgi босқичида минтақаларда реал ишлаб чиқариш жараёни, янги хужалик механизими, иқтисодий ислохотларнинг жойларда амалга ошириш муаммолари минтақани бошқариш ва режалаштириш муаммолари унинг иқтисодий ва молявий асослари минтақа меҳнат ресурслари ҳамда меҳнат бозори, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш масалаларини ўрганишда талабаларга илмий назарий амалий ёрдам беради.

“Минтақа ва маҳалий хужалик иқтисодиёти” фани умумиқтисодий фанларга мансуб бўлиб, бошқа иқтисодий фанларга шаклан ухшасада мазмунан тубдан фарқ қилади.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: "Ўзбекистон", 1995

Ушбу ўқув методик мажмуа янги давлат стандарти талаблари бўйича тузилган ва Республика мувофиқлаштириш комиссияси томонидан тавсия этилган янги намунавий ўқув дастури асосида ёзилди. Унда дастурдаги барча мавзулар қамраб олинган, лекин ҳажми чекланган бўлганлиги учун кўпгина материаллар иложи борича қисқартириб берилди. Шунинг учун матнда камчилик ва мунозарали жиҳатлар ҳам бўлиши мумкин. Асосий иқтисодий тушунчаларни соддароқ қилиб, оддий тилда мисоллар, жадваллар, графиклар асосида тушунтиришга ҳаракат қилинди.

Мазкур ўқув-методик мажмуада баъзи жузъий камчиликлар, мунозарали қарашлар ва атамалар учраши мумкин. Шунга кўра мажмуа ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдирган ҳамкасбларга муаллиф ўз миннатдорчилигини билдиради.

**Манзилимиз: 707012. Гулистон шаҳри, IV мавзе, Университет,
«Иқтисодиёт назарияси» кафедраси.**

1. Фаннинг мақсади ва вазифалари:

1.1. Фаннинг мақсади- бозор иқтисодиёти шароитида талабаларга минтақа ва маҳаллий хужалик иқтисодиёти фанидан чуқур билим бериш минтақа ва маҳаллий хужалик тушунчаси минтақа ресурслар таркиби маҳаллий солиқ турлари минтақа тармоқлари таркиби ва минтақавий сиёсатнинг аҳамияти ва уни амалга ошириш йўллари тушунтиришдан иборат. Бу борада, бўлажак мутахасислар касб-корининг қандай бўлишидан қатъий назар, у ўз фаолиятининг иқтисодий натижаларини билиш, иқтисодий ҳодисалар моҳиятини тушуниб етиши, иқтисодиётнинг сир-асрорларини моҳиятини идрок этиши талаб қилинади. Мамлакатимиз минтақаларидаги мавжуд иқтисодий шароит ва иқтисодий ресурслардан қайси мақсадларда ва қандай фойдаланишни, ҳамда қандай бошқаришни тўлароқ очиқ бериш, унинг илмий асосланган механизмларини талабаларга ўргатишдир.

1.2. Фаннинг вазифалари-Бизнес ва бошқарув таълим соҳасининг бакалаврият йўналиши талабаларига “Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти” фани бўйича билимларни бериш, минтақаларда бозор иқтисодиёти шароитида маҳаллий хужалик иқтисодиёти, минтақавий иқтисодий сиёсатни амалга ошириш маҳаллий ўз-ўзини бошқариш, минтақа ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, меҳнат ресурслари ижтимоий соҳа табиий ресурслардан фойдаланиш атроф муҳитни муҳоффаза қилиш ҳамда маҳаллий хужалик иқтисодиётини ўзига хос ва мос жихатларини ёритишдан иборат. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек – “Ўзбекистоннинг худудий макон хусусиятлари, унинг жўғрофий ўрни бизнинг ички ва ташқи сиёсатимизнинг танлаш ва амалга оширишда катта аҳамиятга эга. Минтақада ижтимоий- иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган мамлакат, катта маънавий ва маданий куч- қудратга эга бўлган, Ўзбекистон бугунги кунда қушни давлатлар – Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Афғонистон ўртасида боғловчи халқа вазифасини ўтайди.

Буларнинг барчаси республиканинг жоҳон иқтисодиётига интеграциялашуви, чет эл инвестицияларини жалб қилиш, Ўзбекистонни давлатлар ўртасида ўзаро фойдали хамкорликнинг, товарлар ва капитал транзитининг ўзига хос минтақавий марказига айлантиради. Транспорт, сайёҳлик ва молиявий хизматларнинг ривожланиши учун кенг имкониятлар очиқ беради”. Ушбу фаннинг асосий вазифаси Ўзбекистон республикасини худудий сиёсатини уни фаолият кўрсатиш тизимини иқтисодий асосини илмий назарий жиҳатдан асослаб беришдан иборатдир”².

1.3. Талаба эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар ҳамда - “Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

-Республикамизда олиб борилаётган минтақавий сиёсатнинг аҳамияти ва уни амалга ошириш йўллари унинг асосий объектини билиш; минтақа табиий ресурсларини унинг экологик муаммоларини ўрганиш керак; минтақа ва маҳаллий хужалик тушунчаси минтақанинг унумдорлиги табиий ресурслар хажми улардан фойдаланиш йўналишларини билиш; бозор иқтисодиёти шароитида минтақа бошқариш ва режалаштириш тизимини, минтақаларни ривожланишни ҳозирги давирдаги ҳолатини ўрганиш; минтақаларда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш уларнинг таркибий қисмлари иқтисодий ва молиявий асосларини билиш; минтақавий ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва унинг қонуниятларини ўрганиш; минтақа меҳнат ресурслари меҳнат бозори ишсизлик муаммолари бандликни минтақавий асосларини билиш; минтақа саноат ишлаб чиқариши коммуникация комплекси минтақа транспорти инвестиция жараёни қишлоқ хужалиги ишлаб чиқаришини чуқур ўзлаштириш; минтақа ижтимоий соҳа тармоқларини ривожлантиришни молия маблағлари маҳаллий бюджет маҳаллий солиқлар ва уларни йўналишларини ҳамда минтақаларда табиий ресурслардан фойдаланиш минтақаларо экологик муаммоларни ва минтақада фермер хўжалиklarини ривожлантириш асосларини билиши керак;

-талаба иқтисодий-статистик маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, жадваллар тузиш, уларни иқтисодий усулларни қўллаб таҳлил қилиш; курс иши ёзиш жараёнида адабиётлардан, картографик материаллардан фойдаланиш; барча назарий ва амалий билимларни иш фаолиятида қўллай олиш; иқтисодий услубларини методларини амалда

² И.А.Каримов Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт қафолатлари. -Т.;Ўзбекистон. 1997. 227-230 б.

қўллаш; иқтисодий самарадорликни амалга оширишни ташкил этиш; иқтисодий ахборотни йиғиш ва таҳлил қилиш; содир бўлаётган миллий иқтисодий муаммолар ечимини; иқтисодий ривожланган мамлакатларда иқтисодий муаммоларни ҳал этиш ташкилий формаларини; айрим минтақа ва корхоналар миқёсида иқтисодий муаммоларини ечиш тадбирларини; иқтисодиёт соҳасидаги қонунлар, қарорлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни таҳлил қила олиши; барча олган назарий ва амалий билимларини иш фаолиятида қўллай олиш каби кўникмаларига эга бўлиши керак;

-талаба мамлакатимиз минтақаларидаги иқтисодий шароитларини ўзига хос хусусиятларини билиши ва баҳолай олиши; мамлакат иқтисодиёт тармоқлари ва минтақавий таркибини аниқлай олиши ва таҳлил қила олиши; Ўзбекистоннинг янги иқтисодий шароитида ривожланишини иқтисодий ислохотларга боғлиқ эканлиги ва фойдаланишни самарали ташкил этишни; товар пул муносибатларини такомиллаштиришни; бозор иқтисодиётини мазмуни ва ўтиш даври хусусиятларини аҳамиятига баҳо бериш; тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга эътибор бериш; аграр соҳадаги ислохотларни муҳимлигини англаш; иқтисодий ўсиш ҳолатига баҳо бериш; ишчи кучи бандлигини аҳамиятини англаш; молия, пул, кредит, банклар ва уларни иқтисодиётдаги ролини баҳолаш малакаларига эга бўлиши керак.

1.4. Фаннинг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги–“ Минтақа ва маҳалий хўжалик иқтисодиёти” умумиқтисодий фанлар тизимига кириб, минтақа ва маҳалий хўжалик билан шуғулланадиган ягона фан ҳисобланади. Ушбу фан ўз объектини ўрганиш жараёнида режалаштирилган гуманитар ва ижтимоий (иқтисодиёт назарияси, иқтисодий таълимотлар тарихи, фалсафа, сиёсатшунослик), математик ва табиий-илмий (иқтисодий-математик усуллар ва моделлар, иқтисодий география ва экология), умумқасбий (микроиқтисодиёт, статистика, макроиқтисодиёт, минтақа иқтисодиёти, жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар, маркетинг) фанларида эришилган илмий ютуқлардан фойдаланади.

© Университет, 2011

II. Фаннинг мазмуни.

2.1.Ваъз мавзулари, кўриладиган масалалар ва вақт:

№	Мавзу номи	Кўриладиган масалалар.	Вақт, соат
1	Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти фанига кириш. Фаннинг предмети методи ва вазифалари.	Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти фанининг предмети, моҳияти ва ўрганиш объекти, унинг бошқа фанлар билан алоқаси. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти фанининг вазифалари. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиётини тартибга солишда қўлланиладиган тамойиллар ва усуллар. Минтақа комплекс иқтисодий-ижтимоий ривожланишини тартибга солишда маҳаллий органлари ролининг ошиб бориши	4
2	Минтақавий сиёсат унинг аҳамияти ва уни амалга ошириш йўллари.	Минтақа иқтисодий сиёсатни амалга ошириш йўллари ва унинг аҳамияти. Минтақа иқтисодий сиёсат бўйича чет эл тажрибаси. Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистонда минтақавий сиёсатини амалга ошириш йўллари ва унинг аҳамияти.	2
3	Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиётини ташкил этиш ва унинг фаолият кўрсатиш тизими.	Ўтиш даврида республикада ва шу жумладан, минтақа бошқариш ва режалаштириш ташкилотлари тизimini қайта куриш. Минтақаларнинг ривожланиши хозирги давирдаги хусусиятлари. Минтақаларни бошқариш ва режалаштириш ташкилотлари. Вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси унинг функциялари ва вазифалари.	4
4	Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш унинг иқтисодий ва молиявий асослари.	Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш туғрисидаги қонун. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тизими ва уларнинг таркибий қисмлари. Иқтисодий ва молиявий асослари. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш ташкилотларининг ваколатлари.	2
5	Минтақа ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва ривожлантириш.	Ишлаб чиқарувчи кучлар тушунчаси уларни жойлаштириш ва ривожлантириш хусусиятлари. Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш тамойиллари ва қонуниятлари. Ишлаб чиқарувчи кучларни бозор иқтисодиёти механизмлари асосида жойлаштириш ва ривожлантириш.	4
6	Минтақанинг меҳнат ресурслари.	Минтақанинг меҳнат ресурслари ва уларнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги аҳамияти. Минтақада меҳнат бозори ва унинг хусусиятлари. Минтақаларда ишсизлик турлари ва уларнинг моҳияти. Минтақаларда меҳнат биржаларини ташкил этиш ва уларнинг вазифалари.	2
7	Минтақа ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожланишини тартибга солиш.	Минтақа саноатининг таркиби ва уни ривожлантириш. Саноатда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тажрибаси. Минтақа қишлоқ хўжалигининг ривожланиши. Худудда капитал курилишни	4

		ривожлантириш дастури. Худуд транспортнинг ривожланиши. Минтақа транспорти ва теллекоммуникация ривожи. Инвестиция жараёни ва уни минтақалардаги ахволи. Чет эл инвестицияларини минтақаларга жалб этиш муаммолари.	
8	Минтақа ижтимоий соҳа тармоқларини ривожлантириш ва тартибга солиш.	Ижтимоий сиёсат тушунчаси, ижтимоий сиёсатнинг хусусияти ва аҳамияти. Ижтимоий соҳа тармоқларини ривожлантириш зарурияти. Бозор иқтисодиётига ўтишда таълим тизимини тартибга солиш. Ўтиш даврида соғлиқни сақлаш тизими. Минтақада уй-жой ва коммунал хўжалиги ривожланишини тартибга солиш. Минтақада аҳолига маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш	2
9	Минтақаларда табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш.	Ўзбекистонда ва унинг вилоятларида экологик аҳвол. Табиий ресурслар ва улардан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари. Бозор иқтисодиёти шароитида худудлараро экологик муаммолар.	2
10	Минтақа молияси	Минтақа молия маблағлари ва уни бозор иқтисодиётига ўтиш шароитидаги аҳамияти. Маҳаллий бюджет, унинг тушумлари ва харажатлари. Маҳаллий солиқлар ва уларнинг йўналишлари.	2
11	Минтақада фермер хўжаликларини ривожлантириш асослари	Фермер хўжалигини иқтисодий моҳияти. Фермер хўжалигини ривожлантиришнинг ташкилий иқтисодий ва ҳуқуқий асослари. Фермер хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари	2
	Жами:	11 та мавзу	30

2.2. Амалий машғулотлар мавзулари, кўриладиган масалалар ва вақт:

№	Мавзу номи	Кўриладиган масалалар.	Вақт, соат
1	Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти фанига кириш. Фаннинг предмети методи ва вазифалари	Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти фанининг предмети, методи ва ўрганиш объекти, унинг бошқа фанлар билан алоқаси. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти фанининг вазифалари. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиётини тартибга солишда қўлланиладиган тамойиллар ва усуллар. Минтақа комплекс иқтисодий-ижтимоий ривожланишини тартибга солишда маҳаллий органлари ролининг ошиб бориши	4
2	Минтақавий сиёсат унинг аҳамияти ва уни амалга ошириш йўллари	Минтақа иқтисодий сиёсатни амалга ошириш йўллари ва унинг аҳамияти. Минтақа иқтисодий сиёсат бўйича чет эл тажрибаси. Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистонда минтақавий сиёсатини амалга ошириш йўллари ва унинг аҳамияти.	2

3	Минтақа ва маҳаллий хужалик иқтисодиётини ташкил этиш ва унинг фаолият кўрсатиш тизими	Ўтиш даврида республикада ва шу жумладан, минтақа бошқариш ва режалаштириш ташкилотлари тизимини қайта куриш. Минтақаларнинг ривожланиши хозирги давирдаги хусусиятлари. Минтақаларни бошқариш ва режалаштириш ташкилотлари. Вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси унинг функциялари ва вазифалари.	4
4	Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш унинг иқтисодий ва молиявий асослари	Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш туғрисидаги қонун. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тизими ва уларнинг таркибий қисмлари. Иқтисодий ва молиявий асослари. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш ташкилотларининг ваколатлари. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш туғрисидаги қонун. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тизими ва уларнинг таркибий қисмлари. Иқтисодий ва молиявий асослари. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш ташкилотларининг ваколатлари.	4
5	Минтақа ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва ривожлантириш.	Ишлаб чиқарувчи кучлар тушунчаси уларни жойлаштириш ва ривожлантириш хусусиятлари. Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш тамойиллари ва қонуниятлари. Ишлаб чиқарувчи кучларни бозор иқтисодиёти механизмлари асосида жойлаштириш ва ривожлантириш.	4
6	Минтақанинг меҳнат ресурслари.	Минтақанинг меҳнат ресурслари ва уларнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги аҳамияти. Минтақада меҳнат бозори ва унинг хусусиятлари. Минтақаларда ишсизлик турлари ва уларнинг моҳияти. Минтақаларда меҳнат биржаларини ташкил этиш ва уларнинг вазифалари.	4
7	Минтақа ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожланишини тартибга солиш.	Минтақа саноатининг таркиби ва уни ривожлантириш. Саноатда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тажрибаси. Минтақа қишлоқ хўжалигининг ривожланиши. Худудда капитал қурилишни ривожлантириш дастури. Худуд транспортининг ривожланиши. Минтақа транспорти ва теллекоммуникация ривожини. Инвестиция жараёни ва уни минтақалардаги ахволи. Чет эл инвестицияларини минтақаларга жалб этиш муаммолари.	4
8	Минтақа ижтимоий соҳа тармоқларини ривожлантириш ва тартибга солиш	Ижтимоий сиёсат тушунчаси, ижтимоий сиёсатнинг хусусияти ва аҳамияти. Ижтимоий соҳа тармоқларини ривожлантириш зарурияти. Бозор иқтисодиётига ўтишда таълим тизимини тартибга солиш. Ўтиш даврида соғлиқни сақлаш тизими. Минтақада уй-жой ва коммунал хўжалиги ривожланишини тартибга солиш. Минтақада аҳолига маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш	2

9	Минтақаларда табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш.	Ўзбекистонда ва унинг вилоятларида экологик аҳвол. Табиий ресурслар ва улардан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳудудлараро экологик муаммолар.	2
10	Минтақа молияси	Минтақа молия маблағлари ва уни бозор иқтисодиётига ўтиш шароитидаги аҳамияти. Маҳаллий бюджет, унинг тушумлари ва харажатлари. Маҳаллий солиқлар ва уларнинг йўналишлари.	2
11	Минтақада фермер хўжалиklarини ривожлантириш асослари	Фермер хўжалигини иқтисодий моҳияти. Фермер хўжалигини ривожлантиришнинг ташкилий иқтисодий ва ҳуқуқий асослари. Фермер хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари	2
	Жами:	11 та мавзу	34

2.3. Талабалар мустақил ишлари мавзулари ва вақт:

№	Мавзу номи	Вақт, Соат
1	Маҳаллий меҳнат бозори тавсифи. Унинг омиллари ва таркиби.	4
2	Меҳнат бозорида талаб, унинг динамикаси ва омиллари.	4
3	Маҳаллий меҳнат бозорида ишчи кучи таклифи ва ишсизлик.	4
4	Меҳнат бозорини тартибга солиш ва бандлик дастурлари.	4
5	Минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органларининг ислоҳ қилиш йўллари	4
6	Иқтисодиётни давлат томонидан бошқаришнинг асосий вазифалари	4
7	Мол - мулк солиғининг маҳаллий бюджетдаги роли	4
8	Минтақада фермер хўжалиklarини ривожлантириш стратегияси	4
9	Кичик бизнесни мамлакат ривожланишидаги аҳамияти	4
10	Кичик корхоналарнинг ривожланишидаги хорижий тажрибалар	4
11	Кичик корхоналарда меҳнат муносабатлари ва уларнинг хусусиятлари	4
12	Кичик корхоналарни бошқариш тизими	2
13	Вилоят меҳнат ресурслари ва уларнинг бозор иқтисодиётидаги аҳамияти	4
14	Вилоят саноатининг таркиби ва уни ривожланиши	4
15	Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб –қувватлаш ва рағбатлантириш тизими	4
16	Вилоят қишлоқ хўжалигининг ривожланиши	2
17	Вилоятга чет эл инвестицияларини жалб этиш	2
	Жами	62

2.4. Мултимедия воситалари ва такдимотлар рўйхати:

1. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти фанига кириш. Фаннинг предмети методи ва вазибалари.
2. Минтақавий сиёсат унинг аҳамияти ва уни амалга ошириш йўллари.
3. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиётини ташкил этиш ва унинг фаолият кўрсатиш тизими.
4. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш унинг иқтисодий ва молиявий асослари.
5. Минтақа ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва ривожлантириш.
6. Минтақанинг меҳнат ресурслари.
7. Минтақа ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожланишини тартибга солиш.
8. Минтақа ижтимоий соҳа тармоқларини ривожлантириш ва тартибга солиш.
9. Минтақаларда табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш.
10. Минтақа молияси.
11. Минтақада фермер хўжаликларини ривожлантириш асослари.

3. Фан бўйича рейтинг рейтинг ишланмаси ва баҳолаш мезонлари:

3.1. Рейтинг ишланмаси

Т/р	Назорат турлари	Сони	Балл	Жами балл
1.	ЖН 1.1. Амалий ишни бажариш 1.1*. ТМИ 1.2. Фан мазмунига оид асосий адабиётларни, қўшимча адабиётларни ва илмий-назарий манбаларни ўқиб мустақил мавзу танлаш ва таҳлил қилиш – ёзма реферат тайёрлаш	17 2 1	1 7* 9	40 17 14 9
2.	ОН 2.1. Маъруза дафтарини тахлили 2.2. Ёзма иш 2.3. Коллоквиум	1 1 2	6 9 7,5	30 6 9 15
3.	ЯН 3.1. Ёзма иш (3 та савол)	1	(10x3=30)	30
Жами:				100

3.2. Баҳолаш мезони

1. ЖН:

- 1.1. Амалий ишда қатнашиб, унинг топшириқларини тўла сифатли бажарган талабага 1 балл берилади, агар тўла бўлмаса бажариш даражасига қараб 0,5-0,9 баллгача берилади.
- 1.1.* Амалий ишлар бўйича берилган талабалар мустақил ишларининг бажарилиши ҳажми ва сифатига қараб 7 баллгача берилиши мумкин (топшириқлар тўлиқ бўлмаса ва сифатсиз тарзда бажарилганда – 4,5-6 баллгача берилади).
- 1.2. Фан мазмунига оид асосий адабиётларни, қўшимча адабиётларни ва илмий-назарий манбаларни ўқиб мустақил мавзу танлаш ва таҳлил қилиш)–ёзма реферат тайёрланади:
 - рефератда мавзу тўлиқ очилган, тўғри хулоса чиқарилган ва ижодий фикрлари бўлса 8-9 балл;
 - мавзу моҳияти очилган, фақат хулосаси бор – 6-7,9 балл;
 - мавзу моҳияти ёритилган, аммо арзимас камчилиги бўлса–5-5,9 балл берилади;
 - мавзу моҳияти ёритилган, аммо айрим камчиликлари бор бўлса – 4-5 балл берилади.

2. ОН:

2.1. Маъруза дафтарини тахлили бир мартда текширилади, агар хамма маъвзулар тўлик баён қилинган бўлса 6 балл, агар камчилик бўлса 3 ва 4 балл қўйилади.

2.2. Оралиқ баҳолашнинг ёзма шаклида, талабадан 3 та саволга жавоб бериши сўралади. Ҳар бир савол 3,0 баллгача баҳоланади:

-агар савол моҳияти тўла очилган бўлса, жавоблари тўлиқ ва аниқ ҳамда ижодий фикрлари бўлса-2,5-3 балл

-саволга умумий жавоб берилган, аммо айрим фактлар тўлиқ ёритилмаган бўлса 1,5-2,5 балл.

2.3. Оралиқ баҳолашнинг коллоквиум шакли икки маротаба ўтилган мавзулар бўйича 3 та дан саволлар бериш асосида оғзаки кўринишда ўтказилади, ҳар бир саволга берилган жавоб мазмуни ва сифатига қараб 2-2,5 баллгача баҳоланади.

3. ЯН:

3.1. Якуний баҳолашда талаба 3 та саволга ёзма жавоб бериши лозим.

-ҳар бир ёзма саволга 10 балл ажратилади:

-агар савол моҳияти тўла очилган бўлиб, мавзу бўйича талабанинг танқидий нуқтаи назари баён қилинган бўлса – 10 балл;

-саволнинг моҳияти тўла очилган, асосий фактлар тўғри баён қилган бўлса – 8-9 балл;

-саволга тўғри жавоб берилган, лекин айрим камчиликлари бор бўлса – 6-7 балл;

-берилган саволда жавоблар умумий ва камчиликлар кўпроқ бўлса – 1-5 балл берилади.

Эслатма: Талабанинг умумий бали ҳисобланганда яхлитлаб олинади.

Ўзлаштириш кўрсаткичи:

86-100 балл – «аъло», 71-85 балл – «яхши», 55-70 балл- «қониқарли» ҳисобланади.

Саралаш бали -55.

4. Фанни ўқитишнинг концептуал асослари:

Билим олиш жараёни билан боғлиқ таълим сифатини белгиловчи ҳолатлар: дарсни юқори илмий-педагогик даражада ташкил этилиши, муаммоли машғулотлар ўтказиш, дарсларни савол-жавоб тарзида кизиқарли ташкил қилиш, илғор педагогик технологиялардан ва мультимедиа қўлланмалардан фойдаланиш, тингловчиларни мустақил фикрлашга ундайдиган, ўйлантирадиган муаммоларни улар олдида қўйиш, талабчанлик, тингловчилар билан индивидуал ишлаш, ижодкорликка йўналтириш, эркин мулоқотга киришишга, илмий изланишга жалб қилиш ва бошқа тадбирлар таълим устуворлигини таъминлайди. Таълим самарадорлигини орттиришда фанлар бўйича таълим технологиясини ишлаб чиқишнинг концепцияси аниқ белгиланиш ва унга амал қилиши ижобий натижа беради. Фанни ўқитишнинг мақсади ва таълим бериш технологиясини лойиҳалаштиришдаги асосий концептуал ёндашувлар қуйидагилардан иборат.

Фаннинг мақсади. Мазкур “Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёт” фаннинг асосий мақсади, республикада минтақаларининг иқтисодий- ижтимоий ривожланишини уларни ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларига қулай ёки ноқулайлигини уни меҳнат ва табиий бойликлари, саноат, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш кучларининг ривожланганлиги даражаси, географик ўрни ва ижтимоий –иқтисодий инфраструктурани, экологик хусусиятларини уларнинг минтақа ичидаги минтақаларо ва давлатларо иқтисодий жиҳатдан мураккаб бўлган иқтисодий алоқаларини ўрганади. Бу фанни талабаларга ўқитишдан асосий мақсад, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг минтақавий жиҳатларини ўргатишдан иборатдир. Бозор иқтисодиёти шароитида бўлгуси мутахассис, у ўз фаолиятини иқтисодий натижаларини билиши, иқтисодий ҳодисаларни моҳиятини тушиниб етиши, минтақа иқтисодиётнинг сир-асрорларини мукамал билиши ундан ўз иш фаолияти жараёнида фойдаланиши муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада, бўлажак мутахассислар мамлакатимиз минтақаларидаги мавжуд иқтисодий шароит-шароитлардан қайси мақсадларда ва қандай фойдаланишни, ҳамда қандай бошқаришни, ҳар бир минтақани иқтисодий имкониятларини талабаларга ўргатишдир.

Фанни ўқитишнинг вазифалари. Бўлгуси мутахассисларга “Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёт” бўйича билимларни бериш, иқтисодий тушунчаларни, унинг қонун – қоидаларини, тежамли хўжалик юритиш сирларини унумли меҳнат қилиш йўллари ва шакллари билан самарали фойдаланишни, жаҳон тажрибаларидан фойдаланган ҳолда мамлакатимизда қўллашни ўргатиш. Ўзбекистон республикаси иқтисодиётидаги муаммоларини билиш ва баҳолашга, қиёслашга ўргатиш. Дунёнинг турли минтақалари ва мамлакатларида иқтисодий ривожланиш жараёнларни таҳлил қилиш ва уларни баҳолаш, умумийликни икки даражалилик ва хусусийликдан фарқлашга ўргатиш. “Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти”ни назарий услублари ва билимларидан амалиётда фойдаланиш имкониятини беради.

Шахсга йўналтирилган таълим. Ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутди. Бу эса таълимни лойиҳалаштирилаётганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндошишга эътибор қаратишни амалга оширади. Ҳар бир талабанинг шахс сифатида касбий такомиллашувини таъминлайди. Таълимнинг марказига билим олувчи қўйилади.

Тизимли ёндашув. Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жараённинг мантиқийлиги, унинг барча бўғинларини ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги билим олиш ва касб эгаллашнинг мукамал бўлишига ҳисса қўшади.

Фаолиятга йўналтирилган ёндашув. Шахснинг жараёнли сифатларини шакллантиришга, таълим олувчининг фаолиятини жадаллаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида барча қобилият ва имкониятларни, ташаббускорликни очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди. Эгалланган

билимларнинг кўникма ва малакага айланиши, амалиётда татбиқ этилишига шароит яратади.

Диалогик ёндашув. Бу ёндошув ўқув жараёни иштирокчиларининг психологик бирлиги ва ўзаро муносабатларини яратиш заруриятини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолияти кучаяди. Ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликдаги таълимий фаолият юритишига замин яратади.

Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш. Демократлилик, тенглик, таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги субъектив муносабатларда ҳамкорликни, мақсад ва фаолият мазмунини шакллантиришда эришилган натижаларни баҳолашда биргаликда ишлашни жорий этишга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради. Таълим жараёнида "субъект-субъект" муносабатлари таркиб топади.

Муаммоли таълим. Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш орқали таълим олувчи фаолиятини активлаштириш усулларида бири. Бунда илмий билимни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усуллари, диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда қўллашни таъминлайди. Муаммоли савол, вазифа, топшириқ ва вазиятлар яратиш ва уларга ечим топиш жараёнида онгли, ижодий, мустақил фикрлашга ўргатилади.

Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий воситалари ва усуллари қўллаш-ҳозирги ахборот коммуникация технология воситалари кучли ривожланган шароитда улардан тўғри ва самарали фойдаланиш, ахборотларни танлаш, саралаш, сақлаш, қайта ифодалаш кўникмалари ҳосил қилинади. Бу жараёнда компьютер саводхонлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Ўқитиш методлари ва техникаси. Маъруза (кириш, мавзуга оид, визуаллаш), муаммовий усул, кейс-стади, пинборд, парадокслар, лойиха ва амалий ишлаш усуллари. Интерфаол усулларни мавзу мазмунига мос ҳолда танлаш ва улардан самарали фойдаланишга ўргатади.

Ўқитиш воситалари: ўқитишнинг анъанавий воситалари (дарслик, ўқув методик қўлланма, маъруза матни, кўргазмали қуроллар ва бошқалар) билан бир қаторда-ахборот-коммуникация технология воситалари кенг қўламда татбиқ этилади.

Коммуникация усуллари: тингловчилар билан оператив икки ёклама (тескари) алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатларнинг йўлга қўйилиши.

Тескари алоқа усуллари ва воситалари: кузатиш, блиц-сўров, жорий, оралик, ва якунловчи назорат натижаларини таҳлили асосида ўқитиш диагностикаси амалга оширилади. Таълим жараёнида кафолатланган натижага эришиш таъминланади.

Бошқариш усуллари ва тартиби: ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик харита кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати ҳам тартибли йўлга қўйилади.

Мониторинг ва баҳолаш: бутун курс давомида ҳам ўқитиш натижалари рейтинг тизими асосида назорат ва таҳлил қилиб борилади. Курс охирида ёзма, оғзаки ёки тест топшириқлари ёрдамида таълим олувчиларнинг билимлари баҳоланади.

**1-мавзу: Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти фанига кириш. Фаннинг предмети, методлари ва вазифалари.
Фанни ўқитиш технологияси:**

“Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти фанига кириш. Фаннинг предмети, методлари ва вазифалари” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	<p>Тайёрлов босқичи: 1.1.Дарс мақсади: Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти фаннинг предмети методи ва вазифалари ҳақида талабаларга тушунчалар бериш. 1.2.Идентив ўқув мақсадлари: 1.2.1. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти фанининг предмети, моҳияти ва ўрганиш объекти, унинг бошқа фанлар билан алоқасини изоҳлаб беради. 1.2.2. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти фанининг вазифалари тушинтира билади. 1.2.3. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиётини тартибга солишда қўлланиладиган тамойиллар ва усулларни тушинтира олади. 1.2.4. Минтақа комплекс иқтисодий-ижтимоий ривожланишини тартибга солишда маҳаллий органлари ролининг ошиб боришини аниқлаб беради. 1.3.Асосий тушунча ва иборалар: ҳудуд, маҳаллий хўжалик, иқтисослашиш, қўшимча қиймат, меҳнат унумдорлиги, жамғариш қонуни, ҳудуд иқтисодиёти, ҳудудий режа, илмийлик тамойили, ижтимоий самарадорлик, маҳаллий ҳокимият, коммунал мулк. 1.4.Дарс шакли: гуруҳ ва микрогуруҳларда. 1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар: суҳбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, видеоусул. 1.6.Керакли жиҳоз ва воситалар: Ўқув-методик мажмуа, видеопроректор, видеофилмлар.</p>	Ўқитувчи
2	<p>Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи: 2.1. Мавзу эълон қилинади. 2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
3	<p>Гуруҳда ишлаш босқичи: 3.1. Талабаларга муаммоли савол беради . 3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади. 3.3. Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. 3.4. Умумий хулосага келинади.</p>	Ўқитувчи-талаба, 40 минут
4	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи: 4.1.Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: -Фаннинг предмети тушунтиринг? -Фаннинг вазифалари деганда нимани тушунаси? - Бошқа фанлар билан боғлиқлигини тушунтиринг? 4.2.Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
5	<p>Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:</p>	Ўқитувчи,

<p>5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади. 5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади. 5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.</p>	<p>10 минут</p>
--	-----------------

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

- 1.Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти фанининг пердмети, моҳияти ва ўрганиш объекти, унинг бошқа фанлар билан алоқаси ва вазифалари
- 2.Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиётини тартибга солишда қўлланиладиган тамойиллар ва усуллар.
- 3.Минтақа комплекс иқтисодий-ижтимоий ривожланишини тартибга солишда маҳаллий органлари ролининг ошиб бориши

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: ҳудуд, маҳаллий хўжалик, иқтисослашиш, кўшимча қиймат, меҳнат унумдорлиги, жамғариш қонуни, ҳудуд иқтисодиёти, ҳудудий режа, илмийлик тамойили, ижтимоий самарадорлик, маҳаллий ҳокимият, коммунал мулк.

Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:

- 1.Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти фанини ўрганиш бозор иқтисодиёти шароитида долзарб ҳисобланади. Сиз долзарблигини қандай асослайсиз.?
- 2.Минтақа ривожланишидаги энг муҳим вазифалардан бири турли минтақа аҳолисининг турмуш даражаси бўйича тафовутларни бартараф этишдан иборат. Сизнингча буни бартараф этиш ечимлари нимада?

1-савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда «Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти» фаннинг предмети, моҳияти ва ўрганиш объекти, унинг бошқа фанлар билан алоқаси, вазифалари тўғрисида тушунчаларни ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти таърифларини изоҳлай олади.
- 2.Минтақа ривожланишидаги энг муҳим вазифаларни тушунтира олади.

1-савол баёни: “Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти” “Иқтисодиёт” фанининг муҳим бўғинларидан бири ҳисобланади. Минтақа — мамлакат халқ хўжалик мажмуасининг кичик тизими бўлиб, у демографик, табиий-экологик, ижтимоий-иқтисодий ва техник-иқтисодий жараёнларнинг ички алоқаси ва ўзаро муносабатлари туфайли ҳосил бўлган яхлит бирликдир.

“Маҳаллий хўжалик” деб шундай хўжаликка айтиладики, у республика минтақасининг маълум маъмурий қисми- туман, шаҳар ва маҳаллий хўжалик талабларини қондиришга хизмат қиладиган хўжаликлардир.

Маҳаллий хўжалик аҳолининг кундалик талабларини қондиришга хизмат қиладиган халқ хўжалигининг тармоқлари мажмуидан иборат. У ўз ичига қишлоқ хўжалиги, маҳаллий саноат, автотранспорт, маҳаллий коммуникация (алоқа), уй-жой коммунал хўжалиги, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, халқ таълими муассасалари, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот тизимларини олади.

“Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти” фанининг предмети мамлакат ишлаб чиқариш кучларининг жойлашувини, ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, муҳим табиий-иқтисодий, демографик ва экологик хусусиятлар ҳамда уларнинг ҳудудлараро, ҳудуд ичидаги ва давлатлараро иқтисодий алоқаларини ўрганишдан иборат. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак бу фаннинг асосий вазифаси ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳудудий жиҳатларини ўрганишдан иборат.

“Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти” фан сифатида ишлаб чиқариш кучлари ва ижтимоий инфратузилманининг элементлари, қонуниятлари ва тамойилларини ҳудудий жиҳатдан тадқиқ этади, мамлакат умумий стратегиясини ва экологик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш йўналишларини белгилайди, ҳудуд иқтисодиётини ва ҳудудлараро иқтисодий алоқаларни ўрганади.

Бундан ташқари, ҳудудий иқтисодиёт ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантириш масалаларини мамлакат миқёсида яхлит ўрганади, зеро, ҳар бир ҳудуд иқтисодиёти, энг аввало, мамлакат ягона хўжалик мажмуасининг таркибий қисмидир.

Шу билан бирга, мазкур фан мамлакат ва ҳудуднинг табиий ресурс салоҳиятини, мамлакатнинг жаҳон хўжалиги тизимидаги ўрни, аҳоли, меҳнат ресурслари ва ҳозирги демографик муаммоларини ўрганади, бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат ва ҳудуднинг иқтисодий даражасини таҳлил қилади ва ишлаб чиқариш кучларининг асосий омилларини аниқлайди.

Ўзбекистон тубдан ўзгариб бораётган замонавий хўжалик мажмуаси мураккаб тармоқлар тизимини ташкил этади. Мустақиллик йилларида электротехника ва электроника, металлургия, микробиология ва кимё саноати тармоқларида кўпбоянги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Асакадаги “ЎзДЭУавто” ва Самарқандаги “ЎзОтайўл” корхоналари ишга туширилиши билан Ўзбекистон жоҳондаги автомобиль чиқарувчи мамлакатлар сафига кўшилди. Айни пайтда, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш иқтисодиётнинг устивор тармоқлари бўлиб қолмоқда.

Ушбу фан ҳудудий молия-кредит муносабатларини ва ҳудуддаги қимматли қоғозлар бозорининг шаклланиш жараёнини ҳам ўрганди. Бўлажак иқтисодчилар иқтисодий билимларининг шакилланиши иқтисод фанлари тизимидаги конкрет минтақа ва маҳаллий хўжалик билан шуғилланадиган ягона соҳа- минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиётини ўрганишдан бошланиши керак. Дарвоқе, шунга эътибор бериш лозимки, ҳар қандай иқтисодий фаолият муайян минтақада рўй беради. Демак, иқтисодчи минтақанинг ресурс салоҳияти, хўжалик тизими ва унинг ривожланиш даражаси хусусиятларини мукамал билиш зарур.

Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти фани ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантириш масалаларини, мамлакат ва ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни табиий-экологик шароитлар билан биргаликда ўрганадиган фандир.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида республикамиз ҳудудлари иқтисодий жиҳатдан турли даражада ривожланмоқда. Масалан, Тошкент шаҳри, Тошкент ва Фарғона вилоятлари асосий халқ хўжалик тармоқларининг ривожланишига кўра, республиканинг бошқа ҳудудларидан олдинда туради. Аксинча, Сурхондарё, Сирдарё, Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси бу кўрсаткичлар бўйича энг қуйи ўринларни эгаллайдилар. Қишлоқ хўжалигидаги ортиқча ишчи кучларининг мавжудлиги Фарғона водийси вилоятлари олдидаги долзарб муаммолардан ҳисобланади. Сирдарё ва Жиззах вилоятларида эса аксинча, қишлоқ хўжалигини ишчи кучлари билан таъминлаш ўтқир муаммо бўлиб турибди. Навоий вилоятида ишсизлик даражаси юқори.

Умуман, йирик саноат корхоналари жойлашган минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси нисбатан янги ўзлаштирилган, саноати кам тараққий этган минтақага қараганда анча юқори.

Ҳозирги пайтда минтақавий сиёсатнинг муҳим вазифаларидан бири-иқтисодий кооперация ва ҳудудлараро меҳнат тақсимотини такомиллаштиришдир.

Минтақа ривожланишидаги энг муҳим вазифалардан бири-турли минтақа аҳолисининг турмуш даражаси бўйича тафовутларни бартараф этишдан иборат. Ушбу вазифани бажаришда тараққиёт даражаси паст бўлган минтақани ривожлантириш учун махсус Давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, табиий ресурсларга бой минтақаларда минтақавий ишлаб чиқариш ҳудудини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти фанининг объектив асосини ҳар бир минтақада мавжуд бўлган меҳнат тақсимоти ташкил этади. Маълумки, барча иқтисодий формацияларнинг меҳнат тақсимоти пайдо бўлган, яъни ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши билан меҳнат тақсимоти ҳам ривожланган. Меҳнат тақсимоти, ўз навбатида, ихтисослашишни ривожлантирган. Ихтисослашиш минтақаларда бир-биридан

фарқли равишда ривожланган. Меҳнат тақсимоти ва ихтисослашувни ривожлантириш объектив жиҳатдан ҳар бир минтақанинг ўз хусусиятларидан келиб чиқади.

Минтақа деб, мамлакатнинг шундай бир яхлит бўлагига айтиладики, унда қуйидаги учта ўхшаш жиҳатлар мавжуд бўлади:

1. Аҳоли ва унинг хусусиятлари.
2. Табиий-иқлимий шароитдаги ўхшашликлар.
3. Ишлаб чиқариш, ижтимоий инфратузилма ва коммуникация бирликлари.

Минтақанинг маълум ўхшашликлари бўлсада, унинг каътий чегараси йўқ (аҳоли сони, майдони, ишлаб чиқарувчи кучларининг даражаси ҳар хил бўлиши мумкин).

Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти фани кўплаб фанлар, айниқса, макроиқтисодиёт, ижтимоий соҳани прогноз қилиш ва тартибга солиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни прогноз қилиш, тармоқлараро баланс, маркетинг, менежмент, бозор иқтисодиёти асослари, статистика, иқтисодий информатика фанлари билан узвий боғлиқ.

Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти фанининг асосий вазифалари ҳудуддаги барча тармоқларнинг мутаносиб ривожланишини таъминлашдан иборат.

Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига эришиш учун:

- барча ресурслардан (моддий, молиявий, меҳнат) фойдаланиб, ишлаб чиқаришнинг жадаллиги ва мутаносиблигини таъминлаш, шу асосда унинг самарадорлигини ошириш;
- истикболдаги ривожланиш суръатларини аниқлаш, бунда маҳаллий ресурслардан тўла фойдаланишга эътибор бериш;
- фан-техника ютуқларидан ишлаб чиқаришда кенг фойдаланиш, илмий-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг иқтисодий механизмини яратиш, режалаштиришни янада демократиялаштириш, корхоналарга, ҳудудий бирликларга индикатив (тавсиявий) режаларини тузиш учун ҳуқуқий-иқтисодий шароитлар яратиш, бозор иқтисодиёти шароитида самарали рақобат бўлиши учун бозор талабига мос равишда маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;
- ишлаб чиқаришни бозор ҳажми ва талабига мос равишда ташкил этиш;
- валюта тушумларининг кўпайишини таъминлаш мақсадида ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш;
- бозор талаби асосида тез ўзгарувчан янги технологияларни жорий этиш, маҳсулот сифатини ошириш ва ҳоказолар кўзда тутилади.

Назорат саволлари:

1. Минтақа тушунчаси нимани англатади? Унинг моҳияти нимада?
2. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти фанининг предмети ва вазифалари нималардан иборат?

2-савол бўйича дарс мақсади: Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиётини тартибга солишда қўлланиладиган тамойиллар ва усуллар ҳақида билимларга эга бўлиш ва тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиётини тартибга солишда қўлланиладиган тамойилларни тушунтириб бера олади.
2. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиётини тартибга солишда қўлланиладиган усулларни тушунтириб бера олади.

2-савол баёни: “Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти” фанининг илмийлик даражаси иқтисодий қонунлардан онгли равишда фойдаланилишига боғлиқ. Иқтисодий қонунлар объектив равишда ҳаракат қилади Буни англаш ва тафаккур қилиш орқали ҳар бир қонуннинг келажакдаги ижтимоий-иқтисодий оқибатларини кўришимиз мумкин. Иқтисодий қонунлардан фойдаланиш режаларнинг илмий жиҳатдан асосли ва аниқлигини таъминлайди.

Иқтисодий қонунларнинг энг асосийси қўшимча қиймат қонунидир. Ҳар бир капитал эгаси қўшимча қиймат олиш учун узоқ муддатли сармоя қўяди. Ҳозирги кунда

қўшимча қиймат олиш учун кўплаб халқаро фирма, корпорация, концернлар фаолият юритишмоқда, янгилари ташкил қилинмоқда.

Қўшимча қиймат қонунининг асосий моҳияти фойда олиш учун ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва шу асосда жамият тараққиётининг ривожига таъсир этишдир. Қўшимча қиймат қонунини бошқариш амалиётда режалар, дастурлар, концепциялар ва бошқа иқтисодий ҳужжатларда аниқланади.

Бозор иқтисодиётида талаб ва эҳтиёжларнинг ўсиб бориш қонунидан фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Талаб ва эҳтиёжлар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши учун фан-техника ютуқларидан фойдаланиш ва ресурслар чегарасини кенгайтиришга мажбур этади. Қўшимча қиймат олиш учун талаб ва эҳтиёжларнинг доимо ўсиб бориши объектив заруратдир. Режалаштириш принципларига амал қилинаётганда ҳар бир минтақанинг (шаҳарлар, вилоятлар) ва бошқа минтақавий бирликларининг ҳақиқий даражаси ҳисобга олинади.

Муттасил ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларни қондириш режалаштиришда қуйидаги вазифаларни ҳал қилишни тақозо этади:

-бозор шароитини ўрганиш ва бозор ҳажмини аниқлаш. Бу масала иқтисодчилар томонидан доимо ўрганилади ва мос равишда амалий хулосалар қилинади.

Эҳтиёжларни қондириш учун барча ички захиралар, манбалар аниқланади ва тегишли чора-тадбирлар белгиланади. Жумладан, ишлаб чиқариш қувватлари мутаносиблиги ҳисобланади ва қувватлардан фойдаланиш коэффициентини ошириш чора-тадбирлари белгиланади.

-маҳсулотнинг рақобатга бардошлилик даражаси оширилади. Бунинг учун маҳсулотларни сифат ва ташқи кўриниш жиҳатидан дунё стандарти талаблари бўйича ишлаб чиқариш ва уларнинг таннархини минимал даражага келтириш масалалари ҳал қилинади.

Иқтисодиётни тартибга солишда ушбу масалаларнинг ҳал қилиниши иқтисодий самарадорликни ошириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлайди. Шунингдек меҳнат унумдорлигининг муттасил ўсиб бориш қонуни айниқса, пухта ўрганилиши лозим.

Меҳнат унумдорлигининг ўсиши илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш иқтисодиётнинг бошқарув стратегиясини такомиллаштириш ва инсон омилидан фойдаланиш ҳисобига амалга оширилади.

Жамғариш қонуни ишлаб чиқариш билан истеъмолнинг мутаносиблиги белгиланишини тақозо этади. Агар жамғариш кўпайса, истеъмол шунга мос равишда камаяди. Натижада ижтимоий ривожланиш жараёнида қўшимча зиддиятлар пайдо бўлади ва аксинча. Жамғариш қонуни энг аввало жамият ривожланиши учун зарур бўлган мутаносибликларни: жамғариш билан истеъмолни: биринчи-гуруҳ ишлаб чиқариш воситалари ва иккинчи гуруҳ истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни; саноатда А ва В гуруҳлари ўртасидаги мутаносиблик тараққиётнинг ҳар бир босқичида илмий асосланган ҳолда ўрнатилишини тақозо этади.

Минтақа иқтисодиётини тартибга солишда минтақавий режа тузиш тамойилларига амал қилинади.

1) Минтаққада режаларнинг энг асосий тамойилларидан бири-илмийлик тамойилидир. Режаларнинг илмийлигини иқтисодий қонунлар, илмий жиҳатдан асосланган норма ва нормативлар, ЭҲМларда тузилган кўп вариантли режаларнинг оптимал варианты орқали режалаштириш услубиётини такомиллаштириш ва халқаро режалаштириш тажрибасидан фойдаланиш йўли билан таъминлаш мумкин.

2) Режаларнинг ҳақиқийлиги. Режаларнинг ҳақиқийлиги мавжуд моддий, молиявий ва меҳнат ресурслари ҳисоб-китобларига, талаб ва эҳтиёжларга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатига боғлиқ. Ҳақиқий режа-бажарилиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар мавжуд бўлган режадир.

3) Режаларнинг комплекслик тамойили. Бу тамойил ҳудуддаги ишлаб чиқариш, транспорт ва коммуникация соҳалари, аҳоли ва атроф-муҳитнинг узвий равишда ривожланишини

тақозо этади. Ҳозирги даврда комплексликни таъминлаш ижтимоий соҳа ва экологиянинг устун даражада ривожланишини талаб этади.

4) Етакчи бўғинларнинг устивор даражада ривожланишини таъминлаш. Республиканинг барча ҳудудларида халқ хўжалигининг етакчи бўғинлари илмий-техника тараққиёти (ИТТ)ни жадаллаштирадиган соҳалар (электроника, машинасозлик) ҳисобланади. Қайта ишлаш саноатини ривожлантириш ҳозирги даврнинг асосий талабларидан биридир. Ўзбекистонда барча турдаги хомашё ва минерал ресурслар бўлгани ҳолда, бу маҳсулотларни ишлайдиган корхона уларни бирламчи қайта ишлайди, асосий маҳсулотлар эса хомашё сифатида чет элга чиқарилади.

5) Ижтимоий самарадорлик тамойили. Минтақадаги барча ишлаб чиқариш соҳаларининг самарадорлиги минтақа иқтисодий бошқарув тизимларига ҳам боғлиқ. Масалан, маҳсулотларни четга чиқариш учун лицензиялар бериш, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш, экологик муҳитни муҳофаза қилиш минтақадаги иқтисодиёт билан шуғулланувчи ташкилотларнинг асосий вазифасидир. Юқоридаги шарт-шароитларнинг яратилиши вилоят, шаҳар миқёсидаги самарадорлик ошишига олиб келади.

Режаларнинг илмий асосланганлиги, мақсадлилиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларни ишлаб чиқаришда қўлланиладиган усуллар тизими муҳим роль ўйнайди. Минтақа иқтисодиётини тартибга солишда асосий ҳисобланадиган усуллар қуйидагилардан иборат:

1. Баланс. 2. Норматив. 3. Мақсадли дастурий. 4. Иқтисодий математик усуллар.

Режалаштиришнинг баланс усули ёрдамида турли ишлаб чиқариш тармоқлари ва минтақа ривожланишида координация ва пропорцияларни таъминлашда ижтимоий талаб ва ресурсларни бир-бирига боғлаш; норматив усули режалар ижтимоий-иқтисодий мақсадлар ва ИТТ ютуқларини акс эттирувчи норма ва нормативларнинг илғор тизимини жорий этиш йўли билан амалга оширилади. Режалаштириш мақсадли дастурий усули йирик хўжалик муаммоларини, муҳим фан-техника масалаларини асослашда қўлланилади. (масалан, космос дастури, уй-жой билан таъминлаш дастури). Бу дастурлар бир неча республика ўртасида амалга оширилиши мумкин.

Режалаштиришнинг иқтисодий-математик усуллари режаларини оптималлаштиришда ва уларни илмий асослаш мақсадида қўлланилади, ҳисоблаш техникаси ёрдамида амалга оширилади.

Юқорида келтирилган усуллар минтақа иқтисодиётини тартибга солишда бир-бирини тўлдиради. Улардан режаларни тузишда фойдаланилади.

Назорат саволлари:

1. Минтақа иқтисодиётини тартибга солишда қандай тамойиллардан фойдаланилади?

2. Минтақа иқтисодиётини тартибга солишда қандай усуллардан фойдаланилади?

3-савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда .Минтақа комплекс иқтисодий-ижтимоий ривожланишини тартибга солишда маҳаллий органлари ролининг ошиб бориши тўғрисида тушунчаларни ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Иқтисодиётни демократиялаштириш жараёнини мазмунан изоҳлай олади.

2. Маҳаллий ҳокимият органлари ролини тушунтира олади.

3-савол баёни: Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан иқтисодиётда демократиялаштириш жараёни кучаймоқда. Бу объектив жараён маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам берди, маҳаллий ҳокимият идораларининг ваколатлари кенгайишига олиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси бунини “Ўзини-ўзи бошқариш ва халқ депутатлари кенгашлари тўғрисида”ги қонунда вилоятлар ва шаҳарларда тузилган ҳокимиятлар мисолида кўриш мумкин.

Маҳаллий ҳокимиятга бериладиган ваколатлар бозор иқтисодиёти институтларини яратиш жараёни ҳамда бозор стратегиясини яратиш жараёнида янада такомиллашади. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзини-ўзи бошқариш ва халқ депутатлари кенгашлари тўғрисида”ги қонунида маҳаллий ҳокимият идораларига бир қанча ваколатлар берилган.

Унда жумладан, қонуннинг 12-моддасида маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари, уларга берилган вазифалар ва ҳуқуқлардан фойдаланиб, маҳаллий моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишни назарда тутиб, мустақил равишда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланиш режаларини тузадилар, деб кўрсатилган.

Қонунда маҳаллий ҳокимият идоралари тасарруф этадиган коммунал мулкчилик кўрсатилган. Коммунал мулк ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш характеридаги маҳаллий ҳокимиятга тегишли мулклар ҳисобланади.

Коммунал мулкчиликка асосланган корхоналар биринчи навбатда маҳаллий, моддий ва молиявий ресурслардан фойдаланишлари лозим. Маҳаллий ҳокимиятларга бериладиган ваколатлар, айниқса, ноишлаб чиқариш соҳаларида, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда, ер ресурсларини тақсимлашда катта аҳамият касб этади.

Назорат саволлари:

1. Маҳаллий ҳокимиятга бериладиган ваколатлардан қандай фойдаланилади?
2. Коммунал мулкни моҳияти нимадан иборат?
3. Моддий ва молиявий ресурслардан нима учун фойдаланилади.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

Минтақавий иқтисодиёт мамлакат ва ҳудудларнинг табиий ресурс салоҳиятини, мамлакатнинг жаҳон хўжалиги тизимидаги ўрни, аҳоли, меҳнат ресурслари ва ҳозирги демографик муаммоларни ўрганади; бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат ва ҳудудларнинг иқтисодий даражасини таҳлил қилади.

Минтақавий иқтисодиёт иқтисодиёт назарияси, социология, тармоқлар иқтисоди, иқтисодий география, статистика, демография ва бошқа ижтимоий-иқтисодий фанлар билан ўзвий алоқадор.

Минтақавий иқтисодиёт бўйича тадқиқот ишларини олиб боришда тизимий таҳлил, баланс услуби, иқтисодий-географик тадқиқотлар, иқтисодий-математик моделлаштириш, картографик, таксономик ва ижтимоий сўров усулларида кенг фойдаланилади.

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Дорогов Н. Региональная экономика в системе рўночнўх отношений (методологические аспекты управления) http://www.ptpu.ru/issues/4_97/14_4_97.htm
2. Региональная экономика под редакцией ТГ Морозовой ЮНИТИ Масква 2000
3. М. Раҳимова «Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти»; ўқув қўлланма Т.: 2004
4. Тошпўлатова Л.М. Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти. Тошкент, 2004.

2-мавзу: Минтақавий сиёсат унинг аҳамияти ва уни амалга ошириш йўллари.

Фанни ўқитиш технологияси:

“Минтақавий сиёсат унинг аҳамияти ва уни амалга ошириш йўллари” мавзусидаги маъруза машғулотивнинг технологик харитаси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	<p>Тайёрлов босқичи:</p> <p>1.1. Дарс мақсади: Минтақавий сиёсат унинг аҳамияти ва уни амалга ошириш йўллари ҳақида талабаларга тушунчалар бериш.</p> <p>1.2. Идентив ўқув мақсадлари:</p> <p>1.2.1. Минтақавий иқтисодий сиёсатни амалга ошириш йўллари ва унинг аҳамиятини изохлаб беради.</p> <p>1.2.2. Минтақа иқтисодий сиёсати бўйича чет эл тажрибасини тушинтира билади.</p> <p>1.2.3. Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистонда минтақавий</p>	Ўқитувчи

	<p>сиёсатни амалга ошириш йўллари ва унинг аҳамиятини тушинтира олади.</p> <p>1.3.Асосий тушунча ва иборалар: минтақа, маҳаллий хўжалик, ихтисослашиш, кўшимча қиймат, меҳнат унумдорлиги, жамғариш қонуни, минтақа иқтисодиёти, минтақавий режа, илмийлик тамойили, ижтимоий самарадорлик, маҳаллий ҳокимият, коммунал мулк.</p> <p>1.4.Дарс шакли: гуруҳ ва микрогуруҳларда.</p> <p>1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар: суҳбат, маъруза-хикоя, баҳс, видеоусул.</p> <p>1.6.Керакли жиҳоз ва воситалар: Ўқув-методик мажмуа, видеопроректор, видеофилмлар.</p>	
2	<p>Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
3	<p>Гуруҳда ишлаш босқичи:</p> <p>3.1. Талабаларга муаммоли савол беради .</p> <p>3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади.</p> <p>3.3. Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p>3.4. Умумий хулосага келинади.</p>	Ўқитувчи-талаба, 40 минут
4	<p>Мустақамлаш ва баҳолаш босқичи:</p> <p>4.1.Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади:</p> <p>-Минтақавий сиёсатни тушунтиринг?</p> <p>-Минтақавий сиёсат бўйича чет эл тажрибасини тушунтиринг ?</p> <p>- Минтақавий сиёсат бўйича муаммоларни тушунтиринг?</p> <p>4.2.Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
5	<p>Ўқув машғулоти яқунлаш босқичи:</p> <p>5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p>5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади.</p> <p>5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.</p>	Ўқитувчи, 10 минут

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

- 1.Минтақа иқтисодий сиёсатни амалга ошириш йўллари ва унинг аҳамияти.
- 2.Минтақа иқтисодий сиёсат бўйича чет эл тажрибаси.
- 3.Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистонда минтақавий сиёсатини амалга ошириш йўллари ва унинг аҳамияти.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: минтақа, маҳаллий хўжалик, ихтисослашиш, кўшимча қиймат, меҳнат унумдорлиги, жамғариш қонуни, минтақа иқтисодиёти, минтақавий режа, илмийлик тамойили, ижтимоий самарадорлик, маҳаллий ҳокимият, коммунал мулк.

Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:

- 1.Минтақавий сиёсатни белгилашда минтақавий нотенгликларнинг ҳисобга олган ҳолда ёндошиш керак. Ушбу фикрга қандай мулоҳаза юритасиз?
- 2.Минтақавий иқтисодий сиёсатни белгилашда хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва уларнинг илғор тажрибаларини амалда қўлаш мақсадга мувофиқ деган мулоҳазаларга қандай қарайсиз?
- 3.Минтақавий хусусиятларни ҳисобга олиб иқтисодиётни ташкил этиш Ўзбекистон минтақавий сиёсатининг асосий йўналишлари биридир. Сиз бу мулоҳазани қандай изоҳлайсиз?

1-савол бўйича дарс мақсади: Минтақавий иқтисодий сиёсатни амалга ошириш йўллари, унинг аҳамияти ҳақида талабаларда тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1.Минтақавий сиёсатни вазифаларини белгилаб бера олади.

2.Минтақавий нотенгликни фарқлай олади.

1-савол баёни: Минтақавий сиёсат минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг давлат томонидан тартибга солинишидир. Унинг ўрганиш объекти аҳолининг турмуш даражаси ҳамда яшаш шароитидаги, бандлик ва ишсизлик алоҳида ҳудуднинг иқтисодий ўсиш суръатлари ва тадбиркорлик фаолиятининг минтақавий тафовутлари ҳисобланади.

Минтақавий сиёсатнинг асосий вазифаси - мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш ҳисобига барча минтақаларнинг ривожланиш даражасини имкон қадар бири-бирига яқинлаштиришдир.

Аҳолининг турли қатламлари ўртасида моддий неъматлар тақсимотидаги минтақавий тафовутларни энг кам даражага келтириш марказий ҳукуматнинг бошқарув вазифаларини камайтириб, маҳаллий ҳокимиятлар ва ўзини-ўзи бошқариш органлари ваколатларини оширишга қаратилади.

Минтақавий сиёсат вазифасини аниқ белгилаш ва муаммоларини ҳал этишдан аввал минтақавий нотенгликларнинг сабабларини ўрганиш лозим. Бунда қуйидагиларга эътибор берилади:

1) Табиий иқлим шароитидаги кескин тафовутларни айрим минтақада яшовчи аҳолининг турмуш шароити ва тадбиркорлик фаолиятига таъсирини ўрганиш;

2) Минтақанинг унумдорлиги (тараққий этганлиги, ривожланганлиги) табиий ресурслар ҳажми, сифати ва улардан фойдаланиш йўналишлари орқали аниқланади. Бу омил нафақат ер ости бойликларини қазиб олиш, балки қишлоқ хўжалиги ҳамда саноатни ҳам қамраб олади ва кишилар ҳаётига таъсир кўрсатади.

3) Минтақаларнинг чекка минтақада жойлашганлиги туфайли транспорт харажатлари ортади. Бу эса, маҳсулотлар харид нархларининг ортишига олиб келади, оқибатда уларнинг бозори тораяди.

4) Мамлакат иқтисодий ривожланишидаги тенденцияларга кўра, иқтисодий ўсиш даврида қолоқ минтақада янги корхоналар барпо этилади ва уларнинг фаолияти натижасида минтақада иқтисодий ўсиш даражаси ортади, стагнация даврида эса пасаяди.

5) У ёки бу технологияларни ишлаб чиқаришга таъсир этувчи технологик омиллар (хомашё ресурслари, оралик маҳсулотлар, тайёр маҳсулот ва хизматлар).

6) Умумий ва минтақавий сиёсат нормалари мамлакатдаги сиёсий шарт-шароитлар, минтақанинг автономия даражаси, уларнинг ривожланиш даражаси.

7) Ишлаб чиқариш инфратузулмаси-транспорт тармоқлари, саноат майдонлари билан таъминланиши, телекоммуникацион тизимларнинг мавжудлиги.

8) Ижтимоий, маданий омиллар-шаҳарлашув (урбанизация) даражаси, аҳолининг маълумоти, малакаси, илмий марказларнинг мавжудлиги ва бошқалар.

Санаб ўтилган омиллар ёрдамида минтақалар нима учун бир-биридан бундай кескин фарқ қилишининг сабабларини билиш мумкин. Кейинги йилларда минтақалар орасида минтақавий нотенгликлар янги омиллар натижасида келиб чиқмоқда. Булар:

1.Туб иқтисодий ислохотларни амалга ошириш суръатларидаги тафовутлар (масалан, давлат мулкни хусусийлаштириш).

2.Ижтимоий муаммоларни ҳал этиш ва иқтисодиётга таъсир кўрсатиш соҳасида минтақавий, давлат ва ўзини ўзи бошқариш органлари билан марказий ҳукумат ўртасида вазифалар тақсимоти жараёнининг охирига етмаганлиги.

3.Аҳоли даромадларининг тафовутлашув жараёни (турмуш даражасининг пасайиши) аҳолининг алоҳида қатламлари орасида ҳам, минтақа орасида ҳам назорат қилинмаганлиги.

4. Айрим минтақа учун имтиёзлар ва субвенциялар ажратиш жараёнининг назорат қилинмаслиги.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида минтақа сиёсатни амалга оширишнинг 2 хил усули кулланилади:

1) Адолатли усул-ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг шундай турики, унга кўра, мамлакат фукарolari қайси минтақада яшашларидан қатъийназар уларнинг турмуш даражаси деярли бир хил шароит ва имкониятларда бўлиши кўзда тутилади.

2) Самарали усул-умумдавлат манфаатлари йўлида ҳар бир минтақанинг мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятларидан оқилона фойдаланишга қаратилган усулдир.

Ҳар икки усул турли-турли ҳолатларда бир-бирини тўлдирадиган бўлиши мумкин. Бу эса муайян мамлакат иқтисодий тараққиётининг қайси поғонасида турганлигига боғлиқ. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган: АҚШ, Канада, Япония ва Ғарбий Европа мамлакатларида иқтисодий сиёсатнинг адолатли усули кенг қўлланилмоқда.

Назорат саволлари:

1. Минтақавий иқтисодий сиёсат нима?

2. Минтақавий иқтисодий сиёсатни вазифаларини белгилашда нотенглик сабабларини қандай ажратиш кўрсатиш мумкин?

2-савол бўйича дарс мақсади: Талабалар минтақа иқтисодий сиёсат бўйича чет эл тажрибалар ҳақида мулоҳаза ва фикрларга эга бўлиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Минтақавий иқтисодий сиёсатни амалга оширишдаги мақсадларни айтиш бера олади.

2. Хорижий мамлакатларнинг минтақавий сиёсатининг муҳим хусусиятларини гапириб бера олади.

2-савол баёни: Хорижий адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатадики; минтақанинг ривожланиши ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш бўйича турли мамлакатларда хилма-хил йўналишлар мавжудлигига қарамадан, улар ўртасида тафовутлар кам. Минтақа иқтисодий сиёсатни амалга оширишдан мақсад эса қуйидагиларни ҳал этишдан иборат:

1. Иқтисодий қолоқ минтақа ривожланишини рағбатлантириш.

2. Марказий ҳокимият вазифаларининг қатта қисмини маҳаллий давлат органлари зиммасига юклаш.

3. Йирик шаҳарларда саноат ишлаб чиқаришини чеклаш.

4. Янги ўзлаштирилган минтақада ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, уларни ривожлантириш.

Минтақавий сиёсатни амалга оширишнинг энг оммавий усулларидан бири минтақавий ривожланиш жамғармаларини ташкил этиш ҳисобланади. Биринчи марта 1975 йилда Европа Иттифоқи қошида минтақавий мувофиқлаштириш жамғармаси ташкил этилди. Яна бир неча мамлакатда ҳам айрим минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини амалга ошириш мақсадида махсус жамғармалар тузилган. Булар сирасига Италиянинг давлат субсидияси ҳисобига жанубий ҳудуд инфратузилмаларини ривожлантиришга йўналтирилган Жануб хазинасини, Болгариядаги айрим минтақалар ривожланишини жадаллаштириш давлат дастурини таъминлаш бўйича, Венгрияда 3 та мақсадли жамғармадан иборат минтақа ривожланишининг марказий жамғармаларини киритиш мумкин.

Кўплаб хорижий мамлакатлар минтақавий сиёсатининг муҳим хусусияти шундаки, унда йирик маъмурий бирликлар (штат, губерния, провинция) эмас, балки муайян шаҳар ва муниципалитетлар минтақавий ривожланиш маконлари ҳисобланади, жумладан, Францияда кам ривожланган Жанубий-Ғарб ҳудудининг 9 агломерация ва 17 шаҳари, Италияда 12 та саноатни ривожлантириш ареаллари ва 26 та индустриал ядролари, Германияда 300 та аҳоли пунктлари мавжуд.

Бу соҳада нидерландияликлар ва белгияликлар тажрибаси, айниқса, диққатга сазовор. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, шаҳарлар ва қишлоқлар ривожланишини режалаштириш бўйича қонун биринчи марта Белгияда 1915 йилда қабул қилинган.

Кўплаб мамлакатларда минтақавий сиёсат ўзининг ички имкониятлари ва шарт-шароитларидан келиб чиқиб турлича қўлланилиши мумкин. Масалан, туғилишни камайтириш сиёсати ниҳоятда қаттиқ йўлга қўйилган Хитойда зичлик кўрсаткичлари паст бўлган Тибет ва Уйғур-Сянган автоном округи учун болалар сони чекланмаган.

Назорат саволлари:

1. Минтақавий сиёсат бўйича хорижий давлатлар тажрибаси ҳақида нима дея оласиз?
2. Минтақавий сиёсатни юргизишда маҳаллий жамғармаларнинг ролига қандай баҳо берасиз?
3. Минтақавий сиёсатни юргизишда ҳар қайси мамлакатнинг хусусиятларини ҳисобга олиш самарадорлиги нимада?

3-савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистонда минтақавий сиёсатини амалга ошириш йўллари ва унинг ахамияти туғрисида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Мустақиллик йилларида ҳудудий жиҳатдан қандай таркибий ўзгаришлар рўй берганлигини тушутириб бера олади.
2. Мамлакатимизда минтақавий сиёсатининг муҳим хусусиятиларини тушунтира олади.
3. Аҳоли табиий кўпайишида шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовутларни тушунтириб бера олади.

3-савол баёни: Бозор иқтисодиётига ўтаётган бошқа мамлакатлардаги каби республикамиз иқтисодиётида ҳам “самарали” усулни қўллаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Кўплаб фойдаланилмаётган захиралар ишга туширилмоқда; янги корхоналар асосан коммуникациялар билан яхши таъминланган кичик ва ўрта шаҳарларга жойлаштирилмоқда; қишлоқ хўжалигида табиий-иқлим шароитига мос экинлар экиш жорий этилмоқда.

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин, биринчи навбатда бой табиий-иқтисодий салоҳиятга эга ҳудудлар ва шаҳарларни ривожлантиришга, минтақалар иқтисодий тараққиётидаги тафовутларни камайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Қишлоқда саноатни, биринчи навбатда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналарни ишга тушириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратўзилма тизимини шакллантириш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Маълумки, республикамизнинг турли ҳудудлари майдони, аҳоли сони, табиий-иқлим шароити, инфратўзилма объектлари билан таъминланиши, шаҳарлашув даражаси, аҳолининг турмуш шароити ва бошқаларга кўра бир-биридан кескин фарқ қилади. Жумладан, мамлакат маъмурий-худудий бирликлари ўртасидаги аҳоли зичлиги бўйича энг юқори кўрсаткич Тошкент вилоятининг Тошкент туманига тўғри келса (1 км² майдонда 767 киши), аксинча энг сийрак минтақа Навоий вилоятининг Томди тумани (1 км² майдонда 0,58 киши) ҳисобланади.

Сурхондарё вилоятининг Бандихон тумани республика маъмурий-худудий бирликлари орасида аҳоли табиий ўсишининг юқорилиги бўйича энг олдинги ўринни эгаллайди. 2001 йил давомида бу ерда ўар 1000 кишига нисбатан табиий ўсиш 26,9 кишига тўғри келди. Энг куйи кўрсаткич эса Навоий вилоятининг Томди туманида 4,7 кишига тенг бўлди.

Аҳоли табиий кўпайишида шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовутлар яққол сезилиб туради. Хусусан йирик, саноатлашган ва маҳаллий миллат вакиллари нисбатан кам истиқомат қиладиган шаҳарларда аҳоли табиий кўпайиши қишлоқ жойларга нисбатан бир неча бор паст эканини кўришимиз мумкин. Жумладан, Тошкент вилоятидаги Олмалик, Оҳангарон, Чирчиқ шаҳарларида табиий ўсиш республика ўртача кўрсаткичига нисбатан 3-5 марта камдир.

Тошкент шаҳрининг айрим туманлари орасида ҳам шундай тафовутлар учрайди. Жумладан, маҳаллий миллат вакиллари кўп истиқомат қиладиган Шайхонтоҳур туманида аҳолининг табиий кўпайиши Мирзо Улуғбек туманига нисбатан эса 3,7, Ҳамза туманига нисбатан 5,5 марта юқори.

Самарқанд вилояти Ургут тумани аҳоли сони бўйича мамлакат маъмурий-ҳудудий бирликлари орасида энг юқори ўринни эгаллайди. У ерда 335 минг киши киши истиқомат қилади. Бухоро вилояти Қоровулбозор тумани эса, аксинча, аҳолиси энг кам ҳудуд бўлиб ҳисобланади. У ерда 13,6 минг киши яшайди.

Умуман, ҳар бир туман ёки шаҳарнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Мамлакатнинг минтақавий иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда уларнинг мана шундай алоҳида жиҳатлари албатта ҳисобга олиниши лозим.

Назорат саволлари:

1. Мустақиллик йилларида ҳудудий жиҳатдан қандай таркибий ўзгаришлар рўй берди?
2. Минтақавий сиёсатни амалга оширишни қандай энг оммавий усули мавжуд?
3. Мамлакатимизда минтақавий сиёсатининг муҳим хусусияти нимадан иборат?

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

Минтақавий сиёсатнинг ўрганиш объекти турли кўринишдаги ҳудудий нотенгликлар бўлиб ҳисобланади. Минтақавий сиёсат - ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг давлат томонидан тартибга солинишидир.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида минтақавий сиёсатни амалга оширишнинг “адолатли” ва “самарали” усуллари кенг қўлланилади:

Ҳудудларда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш бўйича турли мамлакатлар ўртасида тафовутлар мавжудлигига қарамасдан, минтақавий сиёсатни амалга оширишдаги мақсадлари деярли бир хил.

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Региональная экономика под редакцией ТГ Морозовой ЮНИТИ Масква 2000
2. М.Рахимова «Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти»; ўқув қўлланма Т.: 2004

3-мавзу: Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиётини ташкил этиш ва унинг фаолият кўрсатиш тизими Фанни ўқитиш технологияси:

“Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиётини ташкил этиш ва унинг фаолият кўрсатиш тизими” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	Тайёрлов босқичи: 1.1.Дарс мақсади: Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиётини ташкил этиш ва унинг фаолият кўрсатиш тизими ҳақида талабаларга тушунчалар бериш. 1.2.Идентив ўқув мақсадлари: 1.2.1. Ўтиш даврида республикада ва шу жумладан, минтақа бошқариш ва режалаштириш ташкилотлари тизимини қайта қуришни изоҳлаб беради. 1.2.2. Минтақаларнинг ривожланиши ҳозирги давирдаги хусусиятларини тушинтира билади. 1.2.3. Вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси унинг функциялари ва	Ўқитувчи

	<p>вазифаларини тушинтира олади.</p> <p>1.3.Асосий тушунча ва иборалар: маҳаллий ҳокимият, муниципаллаштириш, ҳудудий органлар, коммунал мулк, маҳаллий бюджет, маҳалла</p> <p>1.4.Дарс шакли: гуруҳ ва микрогуруҳларда.</p> <p>1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар: суҳбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, видеоусул.</p> <p>1.6.Керакли жиҳоз ва воситалар: Ўқув-методик мажмуа, видеопроктор, видеофилмлар.</p>	
2	<p>Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
3	<p>Гуруҳда ишлаш босқичи:</p> <p>3.1. Талабаларга муаммоли савол беради .</p> <p>3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади.</p> <p>3.3. Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p>3.4. Умумий хулосага келинади.</p>	Ўқитувчи-талаба, 40 минут
4	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</p> <p>4.1.Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилди:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Минтақа бошқариш ва режалаштириш ташкилотлари тизимини қайта қуришни тушунтиринг? - Минтақаларни бошқариш ва режалаштириш ташкилотларини тушунтиринг ? - Вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси унинг функцияларини тушунтиринг? <p>4.2.Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
5	<p>Ўқув машғулоти яқунлаш босқичи:</p> <p>5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p>5.2. Мустақил иш топшириқлари берилди.</p> <p>5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.</p>	Ўқитувчи, 10 минут

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

- 1.Ўтиш даврида республикада ва шу жумладан, минтақа бошқариш ва режалаштириш ташкилотлари тизимини қайта қуриш.
- 2.Минтақаларнинг ривожланиши ҳозирги давирдаги хусусиятлари ва минтақаларни бошқариш ва режалаштириш ташкилотлари.
- 3.Вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси унинг функциялари ва вазифалари...

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: маҳаллий ҳокимият, муниципаллаштириш, ҳудудий органлар, коммунал мулк, маҳаллий бюджет, маҳалла

Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:

- 1.Минтақавий ҳокимият ва бошқарув идораларининг бозор ислохотлари жараёнларида тутган ўрни ва мавқеини тобора мустаҳкамлаш учун қандай чора-тадбирларни амалга ошириш керак.
- 2.Минтақа иқтисодиётини баҳолашда аҳолини барча турмуш даражасини белгиловчи омилларни ҳисобга олиш керак. Сизнингча аҳолини турмуш даражасини кўтаришнинг асосий омиллари нимада?

1-савол бўйича дарс мақсади: Ўтиш даврида республикада ва шу жумладан, минтақа бошқариш ва режалаштириш ташкилотлари тизимини қайта қуриш ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.Муниципаллаштиришнинг маъносини тушунади.
- 2.Минтақавий иқтисодиёт органларига қўйилган вазифаларни санаб бера олади.
- 3.Иқтисодиёт бош бошқармасининг йўналиш фаолиятларини айтиб бера олади.

1-савол баёни: Минтақадада ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш масалалари билан вилоят, шаҳар ҳокимиятлари қошидаги иқтисодиёт бош бошқармалари шуғулланади. Ҳокимиятлар қошидаги иқтисодиёт билан шуғулланувчи барча идоралар истиқболдаги муаммоларини режалаштириш бошқармаси билан биргаликда мувофиқлаштирилади. Ҳокимиятлар таркибида иқтисодиётнинг у ёки бу соҳалари билан шуғулланадиган молия бўлимлари, банклар ва бошқа идоралар ҳам мавжуд. Маҳаллий минтақадаги режалаштириш ташкилотлари ўз фаолиятини тегишли вазирлик ва маҳаллий ҳокимият тасдиқланган бошқармасининг фаолият йўналишлари, ҳуқуқлари ва бурчлари кўрсатилаган.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт бош бошқармаларининг раҳбарларини тайинлаш вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тавсиясига кўра, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан, туман ва шаҳар иқтисодиёт бўлимлари раҳбарларини тайинлаш эса, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари тавсиясига кўра, тегишли вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва статистика бош бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Иқтисодиёт минтақавий органларига қуйидаги вазифалар юкланади:

- минтақада бозор ислохотларини чуқурлаштиришга оид тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- минтақавий балансларни, минтақани комплекс ривожлантириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашга оид таклифларни тайёрлаш;
- аҳолини иш билан таъминлаш асосида унинг турмуш даражасини ошириш; истеъмол бозорини товарлар ва хизматлар билан тўлдириш, ижтимоий соҳа тармоқларини ривожлантиришнинг йўналишларини ва аниқ йўллари белгилаш;
- халқаро меъёрлар ва стандартларга жавоб берувчи статистик ахборотларни тўплаш ва қайта ишлаш услубларини жорий этиш, минтақа иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида рўй бераётган жараёнларнинг статистик ҳисоби ва таҳлили тўлиқлиги ва тезкорлигини таъминлаш.

Назорат саволлари:

1. Ўтиш даврида минтақа иқтисодиётини ташкил этиш қандай йўлга қўйилган?
2. Марказлашган бозор тизимининг моҳияти нималардан иборат?

2-савол бўйича дарс мақсади: Минтақаларнинг ривожланиши ҳозирги давирдаги хусусиятлари ва минтақаларни бошқариш ва режалаштириш ташкилотлари тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини режалаштиришда давлат корхоналарининг манфаатларини минтақа иқтисодий манфаатлари билан мувофиқ тарзда олиб бориш зарурлигини асослаб бера олади.
- 2.Режалаштириш босқичларини гапириб бера олади.

2-савол баёни: Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини режалаштиришда давлат корхоналарининг манфаатларини минтақа иқтисодий манфаатлари билан мувофиқ тарзда олиб бориш керак. Корхоналарнинг давлат тасарруфидан чиқиши уларнинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтиради. Мустақил корхоналарнинг фаолиятларини мувофиқ олиб бориш минтақавий самарадорлик оширилишига таъсир этади. Минтақавий режалаштириш ташкилотлари иқтисодий жиҳатдан мустақил корхоналарнинг фаолиятларини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш ваколатларига эгадир. Уларнинг шу каби ваколатлари “Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари тўғрисида” ги қонунда кўрсатиб берилган.

Тармоқлар ва минтақани режалаштириш ташкилотларининг баланс ҳисоб-китобларини бажаради. Бунинг учун моддий, меҳнат ва молиявий баланслар тузилади.

Режалаштириш қуйидаги босқичларда олиб борилади:

1. Ўтган бир неча йиллар иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар, захиралар ва иқтисодий самарадорликни ошириш омиллари аниқланади. Бу ишлар режалаштириш ташкилотлари томонидан бажарилади. Таҳлил яқунлари натижаси бўйича юқори умумрежалаштириш ташкилотларига таклифлар, тавсиялар ва ташаббусли мулоҳазалар берилади.

2. Барча қуйи ташкилотларда аниқланган таклиф ва тавсиялар умумлаштирилади ва тегишли қарор қабул қилинади.

3. Кенг кўламдаги режа ҳисоб-китоблари бажарилади. Режа ҳисоб-китобларини бажариш учун барча режалаштириш ташкилотларига умумий йўл-йўриқ, услубият, ҳисоб-китобларни бажариш тартиби, вақти берилади.

Режаларнинг бажарилишини таъминлаш учун иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий механизмлардан фойдаланилади. Иқтисодий механизм ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга кучли таъсир этади. Иқтисодиётда энг кучли таъсир этувчи механизмларга баҳо, молия, кредит ва иқтисодий бошқариш механизмлари киради.

Назорат ишлари қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

-назорат ўз вақтида ўтказилиши;

-назоратни белгиланган режа асосида ташкил этиш;

-назорат комплекс тарзда бўлиши лозим.

Режаларнинг бажарилишини таъминлаш ишлари билан умумрежалаштириш ва бошқариш ташкилотларидан ташқари банклар, молия бўлимлари, ҳуқуқий ташкилотлари шуғулланади.

Назорат саволлари:

1. Бошқариш ва режалаштириш ташкилотлари, функция ва вазифалари нималардан иборат?

2. Режалаштириш қандай босқичларда амалга оширилган?

3-савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси унинг функциялари ва вазифалари ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Вилоят иқтисодиёт бошқармасини йўналишларини тушунтира олади.

2. Бўлим зиммасига қўйиладиган вазифаларни изоҳлай олади.

3-савол баёни: Вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси қуйидаги йўналишда фаолият юритилади:

-вилоятни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш режаларини белгиланган муддатда ва тартибда ишлаб чиқиш, вилоят ҳудудидаги барча корхоналар, шаҳар ва туманларнинг бизнес-режалари устидан услубий раҳбарлик қилиш;

-республиканинг ишлаб чиқарувчи кучларини жойлаштириш дастурини, минтақавий ишлаб чиқариш дастурларини тузишда бевосита иштирок этиш ва тегишли тавсия ва таклифлар бериш;

-иш жойини ташкил этиш, меҳнат баланси, моддий баланслар тузиш, режаларининг бажарилишини назорат қилиш ва ҳоказо.

Туман, шаҳар, шаҳардаги туман ҳокимлигининг иқтисодиётни мувофиқлаштириш бўлими Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ туман, шаҳар, шаҳардаги туман ҳокимлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида мувофиқ ташкил этилган ҳамда ўз фаолиятида туман, шаҳар, шаҳардаги туман ҳокимлигига бўйсунди ва вилоят истиқболни белгилаш иқтисодиёт бошқармасига (Қорақолпоғистон Республикасида-иқтисодиёт қўмитасига, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида-Иқтисодиёт бош бошқармаларига) ҳисоб беради.

Туман, шаҳар, шаҳардаги туман ҳокимликларининг иқтисодийни мувофиқлаштириш бўлимларига услубий раҳбарликни ва улар фаолиятини мувофиқлаштиришни вилоят Иқтисодий бошқармаси ҳамда Иқтисодий вазирлиги амалга оширади.

Туман, шаҳар, шаҳардаги туман ҳокимликларининг иқтисодийни мувофиқлаштириш бўлимининг бош вазифалари ва фаолияти йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

-табиий, меҳнат ва бошқа маҳаллий ресурслардан, яратилган ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланиш асосида ўзига қарашли минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг қисқа муддатга ва истиқболдаги даврга мўлжалланган истиқболни белгилаш мажмуини ишлаб чиқиш, тасдиқланган истиқболни белгилашларни таҳлил этиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш, статистик ахборотни тўплаш ва қайта ишлаш ҳамда ҳокимият ва бошқарув органларини ишончли маълумотлар билан таъминлаш;

-бошқармалар, бўлимлар, туман, шаҳар, шаҳардаги туман ҳокимликлари, қишлоқ. Шаҳарча ва овул кенгашлари ижроия кўмиталарининг, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш истиқболини белгилаш, ягона статистика сиёсатини юритиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, бу ишга услубий раҳбарлик қилиш ва тажриба алмашиш;

-республика ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган тегишли мақсадли дастурлардан келиб чиқувчи вазифаларининг ҳал этилишини таъминлаш;

-туман, шаҳар, шаҳардаги туман ҳокимликларининг бошқармалари ва бўлимлари, илмий муассасалар билан биргаликда, шунингдек, идоравий бўйсунуши ва мулкчилик шаклидан қатъий назар, туман, шаҳар, шаҳардаги туман ҳудудсидаги корхоналар ва ташкилотлар истисносиз барчасининг таклифлари асосида қисқа муддатли даврларга мўлжалланган иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш истиқболини белгилаш лойиҳаларини тайёрлаш;

-илмий муассасалар билан биргаликда иқтисодий ва ижтимоий дастурлар мажмуи ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

-давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш яқунларига таҳлилий-истіқболни белгилаш жиҳатдан баҳо берилишини, маҳаллий хўжалик ва коммунал мулк шаклланишига, туман, шаҳар, шаҳардаги туманда бозор иқтисодиёти шаклланиши жараёнига баҳо берилишини таъминлаш;

-статистик ахборотни тўплаш, қайта ишлаш ва бериш технологиясининг ягона техника сиёсатини амалга ошириш;

-ижтимоий жараёнларни ўрганиш, аҳолини рўйхатга олиш, ижтимоий-демографик тадқиқотлар, оила бюджетлари, сўровлар ўтказилишини ташкил қилиш, статистика ахборотининг сифати ва тезкорлиги ошишига кўмаклашиш;

-иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича Президент фармонлари, республика ҳукумати қарорларининг ижро этилиши устидан статистика кузатувини амалга ошириш, уларнинг бажарилиши тўғрисида ахборот тайёрлаш, халқ хўжалиги ривожланиши самардорлигини ошириш бўйича таклифлар киритиш;

-туман, шаҳар, шаҳардаги туман ҳокимлиги бўлими истиқболни белгилаш қандай бажарилаётганлигини мунтазам равишда таҳлил қилиб бориш, туман, шаҳар, шаҳардаги туман ҳокимлиги бошқармалари ва бўлимларига айрим тармоқларни ривожлантиришда аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида таклифлар киритиш, тасдиқланган истиқболни белгилашларнинг қандай бажарилаётганлиги тўғрисида туман, шаҳар, шаҳардаги туман ҳокимлигига мунтазам равишда маълумот бериб туриш, туман, шаҳар, шаҳардаги туман ривожланишидаги номутонасибликларни бартараф этиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Бўлим зиммасига қуйидагилар юкланади:

-корхоналар ва ташкилотларнинг, қайси идорага бўйсунуши ва мулкчилик шаклидан қатъий назар, уларда ҳисоботнинг ишончилигини ва дастлабки ҳисобга олишнинг ҳолатини текшириш;

-истикболни белгилаш лойиҳаларини ва алоҳида хўжалик муаммоларини ишлаб чиқиш учун туман, шаҳар, шаҳардаги туман ҳудудидаги илмий-тадқиқот, технологик ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотларини, олий ўқув юртлари ва бошқа муассасаларни, шунингдек, алоҳида олимлар ва мутахассисларни жалб қилиш;

-туман, шаҳар, шаҳардаги туманни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш истиқболини белгилаш ва статистика ахбороти сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқариши ҳамда уларнинг рўёбга чиқарилиши учун амалдаги қонунчилик доирасида барча зарур чораларни кўриш;

-туман, шаҳар, шаҳардаги туман ҳокимликлари бўлимлари ва бошқармаларидан, мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалардан кишлоқ, шаҳарча, овул Кенгашлари ижроия кўмиталаридан белгиланган статистика ахборотини, шунингдек, истиқболни белгилаш кўрсаткичлари ҳамда ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши истиқболини белгилашни, маҳаллий бинокорлик материаллари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш истиқболини белгилашни, ишлаб чиқариш, ижтимоий, маданий-маиший объектларини ривожлантириш ҳамда айрим хўжалик масалалари бўйича таклифлар тайёрлаш учун зарур бўлган бошқа материалларни олиш;

-ўзи ваколатига кирувчи масалалар бўйича туман, шаҳар, шаҳардаги туман ҳокимликлари бўлимлари ва бошқармаларининг, идоравий бўйсунушидан қатъий назар, корхоналар ва муассасалар раҳбарларининг ҳисоботларини акс этириш;

-туман, шаҳар, шаҳардаги туман хўжаликларини ривожлантириш масалаларини муҳокама қилиш учун идоралараро кенгашлар чақириш;

-қўйиладиган талабларга жавоб бермайдиган истиқболни белгилаш лойиҳаларини туман, шаҳар, шаҳардаги туман ҳокимликлари бошқармалари ва бўлимларига, кишлоқ, шаҳарча ва овул Кенгашларига пухта ишлаш учун қайтариш;

-ҳисобот маълумотлари бузилганлиги аниқланган ҳолларда давлат ҳисоботига ўзгаришлар киритиш; тегишли юридик ва жисмоний шахсларга бу тузатишларни дастлабки ва бухгалтерия ҳисобида, бошқа ўзаро боғлиқ кўрсаткичларда акс эттириш мажбуриятини юклаш;

-давлат статистика кузатишларини олиб бориш учун маълумотларни тақдим этмаган ёхуд уларни кечикиб ёки бузилган ҳолда тақдим этган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан белгиланган тартибда жазолар қўллаш.

Бўлим ўз иши тўғрисида туман, шаҳар, шаҳар туман ҳокимлиги, Қорақолпоғистон Республикаси Иқтисодиёт кўмитаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг иқтисодиёт бош бошқармалари олдида ҳисобот беради.

Назрат саволлар:

1. Бошқариш ва режалаштириш ташкилотлари, функция ва вазифалари нималардан иборат?

2. Вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси иқтисодиётни эркинлаштириш шароитидаги истиқболли дастурларни тузишда қандай асосий жиҳатларга эътибор бериш керак?

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

Минтақа иқтисодиётини тартибга солишни ташкил этишда бир қанча режалаштириш ташкилотлари иштирок этади.

Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини режалаштиришда давлат корхоналарининг манфаатлари минтақа иқтисодий манфаатлари билан мувофиқ тарзда олиб борилади.

Режаларнинг бажарилиши назорат қилиб борилади.

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 1992.

2. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-минтақавий тузилиши. Т.: «Ўзбекистон», 1996.
3. «Бюджет тизими тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни. Тошкент 9 октябрь 1999 йил
4. И.А.Каримов. «Ўзбекистон буюк келажак сари» Тошкент «Ўзбекистон» 1997 йил.
5. Ишмухамедов А.Э., Шибаршова Л.И. «Хорижий мамлакатлар иқтисодий тартибга солиш» фанидан маърузалар матни. Тошкент «Иқтисодиёт ва статистика» факультети 2000 йил.
6. Шевелева С.А. Основы экономики и бизнеса: Учебное пособие /С.А.Шевелева, В.Е.Стогов.- 2-е изд., перераб. и доп.- М.: ЮНИТИ, 2005.- 515 с. 1 экз.
7. И. А. Родионова. Мировая экономика. Издательство: Питер, 2005. -253с.
8. Кистанов В.В., Копылов Н.В. Региональная экономика России . Издательство: ФИНАНСЫ И СТАТИСТИКА, 2005. -584с.
9. Коваленко Е. Г. [Региональная экономика и управление. Учебное пособие.](#) Издательство: ПИТЕР, 2005. -152с.
10. Мамаев В.К. [Экономика и управление инвестициями в инфраструктуру региона.](#) Издательство: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. -88с.
11. Деньги, кредит, банки: Учебник /Под ред.О.И. Лаврушина.- 2-е изд., перераб. и доп.-М.:Финансы и статистика, 2004.-464 с. 1 экз.

Интернет веб-сайтлари

1. <http://www.cer.uz> –Ўзбекистон Республикасининг “Иқтисодий тадқиқотлар маркази” нинг “Экономическое обозрение” журналининг электрон манзили. Турли хил иқтисодий мавзуларга оид материалларни олишга имкон беради.
2. <http://www.economyfaculty.uz> – “Микро-макроиқтисодиёт” кафедраси сайти мавжуд бўлган веб-сайт
3. <http://economics.com.ua> –бозор иқтисодиётига тааллуқли бўлган маълумотлар веб-сайти

4-мавзу.Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш, унинг иқтисодий ва молявий асослари Фанни ўқитиш технологияси:

“Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш, унинг иқтисодий ва молявий асослари” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	<p>Тайёрлов босқичи:</p> <p>1.1.Дарс мақсади: Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш, унинг иқтисодий ва молявий асослари ҳақида талабаларга тушунчалар бериш.</p> <p>1.2.Идентив ўқув мақсадлари:</p> <p>1.2.1. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тўғрисидаги қонунни изоҳлаб беради.</p> <p>1.2.2. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тизими ва уларнинг таркибий қисмларини тушинтира билади.</p> <p>1.2.3. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ташкилотларини ваколатларини тушинтира олади.</p> <p>1.3.Асосий тушунча ва иборалар маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари, маҳаллий ҳокимият идоралари, ҳудудий бюджетлар, жамғармалар, маҳаллий бюджет, маҳалла.</p> <p>1.4.Дарс шакли: гуруҳ ва микрогуруҳларда.</p>	Ўқитувчи

	<p>1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар: сухбат, маъруза-хикоя, баҳс, видеоусул.</p> <p>1.6.Керакли жиҳоз ва воситалар: Ўқув-методик мажмуа, видеопроректор, видеофилмлар.</p>	
2	<p>Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
3	<p>Гуруҳда ишлаш босқичи:</p> <p>3.1. Талабаларга муаммоли савол беради .</p> <p>3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади.</p> <p>3.3. Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p>3.4. Умумий хулосага келинади.</p>	Ўқитувчи-талаба, 40 минут
4	<p>Мустақамлаш ва баҳолаш босқичи:</p> <p>4.1.Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади:</p> <p>-Маҳаллий ўз –ўзини бошқаришни тушунтиринг?</p> <p>-Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тизими деганда нимани тушунаси?</p> <p>- Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ташкилотларини ваколатларини тушунтиринг?</p> <p>4.2.Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
5	<p>Ўқув машғулоти яқунлаш босқичи:</p> <p>5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p>5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади.</p> <p>5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.</p>	Ўқитувчи, 10 минут

Кўриб чиқилладиган асосий саволлар:

- 1.Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш туғрисидаги қонун ва уларнинг таркибий қисмлари.
- 2Иқтисодий ва молявий асослари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш ташкилотларининг ваколатлари.

Мавзуда кўриб чиқилладиган муаммолар:

- 1.Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тизимини иқтисодий механизми қандай.
- 2.Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тизимининг иқтисодий ва молявий асослари қандай шаклланади.

1-савол бўйича дарс мақсади: Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тизими ва уларнинг таркибий қисмлари туғрисида талабаларда тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тизимини ёритиб бера олади.
- 3.Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тизимининг таркибий қисмларини айтиб бера олади.

1-саволнинг баёни: Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш (МЎЎБ) идоралари бозор иқтисодиёти талаблари асосида ташкил топади. Минтақадаги иқтисодий жиҳатдан мустақил корхоналар фаолиятларини вазирликлар билан бир қаторда маҳаллий ҳокимият идоралари тартибга соладилар ва мувофиқлаштирадилар. Айниқса хусусий корхоналар, акциядорлик жамиятлари, чет элликлар билан ҳамкорликда қурилган корхоналар фаолиятини самарали мувофиқлаштириш объектив заруратдир.Чунки, мустақил корхоналарнинг тартибсиз фаолиятлари ишлаб чиқариш анархиясига олиб келиши мумкин.

Корхоналар самарали рақобат асосида фаолият кўрсатиши минтақавий ташкилотлар ваколатларининг кенгайиши ва бошқарув стратегиясининг такомиллашуви билан боғлиқ. Шу каби масалаларнинг ҳал этилиши корхоналарнинг иқтисодий имкониятлари кенгайтирилиши билан туман, шаҳар ва вилоят ҳокимиятларининг ваколатлари кенгайишини тақозо этади. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тизимига юқорида кўрсатилган масалаларни ҳал этиш мақсадида ўтилган. Маҳаллий ҳокимият идораларининг ҳуқуқлари, бурчлари, вазифалари Ўзбекистон Республикасида “Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари тўғрисида”ги қонунда кўрсатиб берилган. Ушбу қонун Олий Кенгашда 1990 йилнинг ноябрь ойида қабул қилинган.

Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга ошириш, маҳаллий аҳамиятга молик барча масалаларни қонунлар ҳамда тегишли моддий ва молиявий база асосида аҳолининг манфаатлари ҳамда маъмурий ҳудудий бирликнинг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ бевосита ёки ўзлари сайлаб қўядиган идоралар орқали ҳал қилиш, фуқароларнинг мустақиллигини таъминлаш мақсадида тузилган.

Маҳаллий ўзини-зи бошқариш (МЎЎБ) идоралари минтақа аҳолисининг бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий-иқтисодий фаолиятини оширади ва жамиятнинг барқарор ривожини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади. МЎЎБ идоралари таркибига қуйидагилар киради:

1. Маҳаллий ҳокимият идоралари. Улар минтақадаги барча ижтимоий-иқтисодий масалаларни тартибга солиш ва мувофиқлаштиришга ҳақлидир. Жумладан, МЎЎБ идораларини ташкил этиш, экологик вазиятни муҳофаза қилиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва ҳоказо.

2. Бевосита демократиянинг турли шакллари кўринишидаги МЎЎБ идоралари. Уларга мисол тариқасида маҳаллий референдумларни, фуқароларнинг йиғинларини кўрсатиш мумкин. Ушбу гуруҳдаги МЎЎБ идоралари маҳаллий аҳамиятга эга бўлган қатор масалаларни демократик нормалар асосида эркин ҳал этади ва маҳаллий ҳокимиятга тегишли масалаларни ҳал этиш учун кўмаклашади.

3. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг минтақавий ижтимоий ўзини-ўзи бошқариш идоралари. Буларга мавзеларнинг кенгашлари ва кўмиталари, маҳалла ва уй кўмиталари киради.

Маҳаллий ҳокимият идоралари ҳудудда МЎЎБ идораларининг фаолиятларини бирлаштириб, улар ассоциацияларга айланишлари учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратади.

Назорат саволлари:

1. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари қандай ташкил топади?

2. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари таркибига нималар киради?

2-савол бўйича дарс мақсади: Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тизимининг иқтисодий ва молиявий асослари, улар ваколатларининг кенгайиши тўғрисида талабаларда тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тизимининг иқтисодий асосларини ёритиб бера олади.

2. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тизимининг молиявий асослари, улар ваколатларининг кенгайиши асосларини бера олади.

2-саволнинг баёни: Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идораларининг мулк шакллари асосан коммунал мулкдан ташкил топган. **Коммунал мулк** деб, давлатдан қайтариб бермаслик шарти билан маҳаллий кенгашларга берилган мулкка ва маҳаллий кенгашларнинг ўз маблағлари ҳисобига ташкил қилинган мулкка айтилади.

Агар минтақа аҳолисининг коммунал, маиший-маданий эҳтиёжларини қондириш учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган корхона бўлса, маҳаллий ҳокимият бошқа мулкка

таалукли корхоналар, бирлашмалар, муассасалар мулкининг коммунал мулкка ўтказиш кераклиги тўғрисида ёки маҳаллий ҳокимият сотиб олиши тўғрисида таклиф этиш ҳуқуқига эга. Бундан кўришиб турибдики, МЎЎБ идораларининг ташкил этилиши мулкчиликка ҳам тегишли ўзгаришлар киритади. МЎЎБ идораларининг даромад олиш манбаи табиий ресурслар, коммунал мулк корхоналари ҳисобланади. Шунинг учун коммунал мулк маҳаллий ҳокимиятнинг моддий асосини ташкил қилади. Минтақа аҳолиси номидан коммунал мулкларни топшириш ва бошқариш маҳаллий ҳокимият идоралари зиммасига юклатилган. Коммунал мулк минтақа хўжалигининг турли кўринишдаги ранг-баранг мулкларидан биридир.

Минтақа хўжалигида хусусий корхоналар, кооперативлар, давлат корхоналари, коммунал-мулкчиликка ва бошқа турдаги мулкчиликка асосланган корхоналар мавжуд. Уларнинг йиғиндиси минтақа хўжалигини ташкил қилади. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг иқтисодий асосини маъмурий-минтақавий тузилмаларининг давлат мулки (коммунал мулк) ҳамда вилоят, туман ва шаҳардаги иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга хизмат қилувчи бошқа мулк ташкил этади (коммунал мулк ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш характеридаги маҳаллий ҳокимиятга тегишли мулк ҳисобланади). Шунингдек, бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари фондларининг маблағлари, муҳандислик тизими объектлари ва бошқа объектлар, корхоналар ва бирлашмалар, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, фан ва маданият муассасалари, вилоят, туман шаҳар маблағи ҳисобидан ташкил этилган ёки сотиб олинган, улушбай асосларда бошқа маблағлардан берилган қимматбаҳо қоғозлар ва молиявий активлар вилоят, туман, шаҳар мулки бўлиши мумкин. Вилоят, туман. Шаҳарнинг молиявий ресурсларини бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари фондлар, аниқ мақсадга қаратилган фондлар, кредит ресурслари, шунингдек, республика (вилоят, Тошкент шаҳри) бюджетидан ажратилган субвенциялар ва дотация ташкил этади.

Вилоят, туман, шаҳарнинг молиявий ресурслари ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан биргаликдаги дастурларни, пул билан таъминлаш учун бошқа вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқороларнинг молия ресурслари билан шартнома асосида бирлаштирилиши мумкин.

Ижроия органларини пул билан таъминлаш бюджетда назарда тутилган миқдорларда амалга оширилади.

Вилоят, туман, шаҳар бюджети даромадларига:

- Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ олинадиган солиқлар ва йиғимлар;
- вилоят, туман, шаҳарга қарашли мол-мулкни ижарага бериш ёки сотишдан келадиган тушумлар;
- қонунларда назарда тутилган ҳолда вилоят, туман, шаҳар мулки ҳисобланган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг текшириш вақтида аниқланган, яшириб қолинган ёки камайтириб кўрсатилган даромадларининг муайян қисми киритилади.

Маҳаллий ҳокимият идоралари ҳудуд аҳолисининг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарни рағбатлантиради, аҳолининг иш билан бандлик даражаси ўсишига, ялпи ижтимоий маҳсулотни оширишга, истеъмол буюмларининг ҳажми кўпайишига ёрдам беради. Маҳаллий ҳокимият янги корхоналарни ташкил этиб, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма тармоқларини такомиллаштиришга ва мувофиқлаштиришга масъулдир. Ер ости ва усти бойликларидан миллий манфаатларни кўзлаган ҳолда фойдаланишни ташкил этади. Ишлаб чиқаришдаги хатдан барқарор ривожланишини таъминлайди.

Маҳаллий ҳокимият идоралари ҳудудда маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари фаолиятларини бирлаштириб, ассоциацияларга айланишлари учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратади. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идораларининг фаолиятлари уларга берилган ваколатлар, ҳуқуқлар ва вазифаларда кўринади. Маҳаллий ҳокимият идораларининг ҳозирги даврдаги ваколатларидан бири қурилиш, уй-жой фондидан, ер-сув

ва бошқа табиий ресурслардан фойланишни назорат қилишга қаратилган. Ушбу ваколат иқтисодий жиҳатдан мустақил корхоналарни ҳудудий идоралар томонидан самарали тартибга солиш ва мувофиқлаштириш имконини беради. МУЎБ идораларига банкларда ҳисоб рақамларини очиш ҳамда ишлаб чиқариш соҳасида ҳам фаолият кўрсатиш ҳуқуқлари берилган. Улар белгиланган тартибда кичик корхоналар очиш, кооперативлар, клублар, ҳаваскорлик уюшмалари, дам олиш уйлари ва шу каби муассасалар очишлари, минтақа аҳолисининг турмуш даражасини кўтариш мақсадида молиявий фондлар ташкил этишлари мумкин. Фондлар корхоналар, фуқоролар ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идораларининг маблағларини жамлаган ҳолда ташкил этилади.

Мамлакатимизда маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг роли ошиб, ваколатлари тобора кенгайиб бормокда. Айти мустақиллик даврида ҳар томонлама ўзини оқлаган, тобора ҳаётимизда аҳамияти кучайиб бораётган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари-маҳалла институти, турли жамоат ташкилотларини ривожлантириш ва мустаҳамлаш масаласи доимий эътиборимизда туриши лозим.

Назорат саволлари:

1. Коммунал мулк деб, нимани тушунаси?
2. Вилоят, туман, шаҳар бюджети даромадлари қандай шаклланади?

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари бозор иқтисодиёти талаблари асосида ташкил топади.

Маҳаллий ҳокимият идораларининг ҳуқуқлари, бурчлари, вазифалари Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари тўғрисидаги қонунда кўрсатиб берилган.

Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари таркибига маҳаллий ҳокимият идоралари, бевосита демократиянинг турли шакллари кўринишидаги маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг минтақавий-ижтимоий ўзини-ўзи бошқариш идоралари киритилади.

Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идораларининг мулк шакллари асосан коммунал мулкдан ташкил топади.

Минтақа хўжалигида мулкчиликнинг турли шакллари асосланган корхоналар мавжуд. Уларнинг йиғиндиси минтақа хўжалигини ташкил қилади.

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-минтақавий тузилиши. Т.: «Ўзбекистон», 1996.
3. «Бюджет тизими тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни. Тошкент 9 октябр 1999 йил
4. И.А.Каримов. «Ўзбекистон буюк келажак сари» Тошкент «Ўзбекистон» 1997 йил.
5. Ишмухамедов А.Э., Шибаршова Л.И. «Хорижий мамлакатлар иқтисодиётини тартибга солиш» фанидан маърузалар матни. Тошкент «Иқтисодиёт ва статистика» факультети 2000 йил.
6. Шевелева С.А. Основы экономики и бизнеса: Учебное пособие /С.А.Шевелева, В.Е.Стогов.- 2-е изд., перераб. и доп.- М.: ЮНИТИ, 2005.- 515 с. 1 экз.
7. И. А. Родионова. Мировая экономика. Издательство: Питер, 2005. -253с.
8. Кистанов В.В., Копылов Н.В. Региональная экономика России . Издательство: ФИНАНСЫ И СТАТИСТИКА, 2005. -584с.
9. Коваленко Е. Г. [Региональная экономика и управление. Учебное пособие.](#) Издательство: ПИТЕР, 2005. -152с.

Интернет веб-сайтлари

1. <http://www.cer.uz> –Ўзбекистон Республикасининг “Иқтисодий тадқиқотлар маркази” нинг “Экономическое обозрение” журналининг электрон манзили. Турли хил иқтисодий мавзуларга оид материалларни олишга имкон беради.
2. <http://www.economyfaculty.uz> – “Микро-макроиқтисодиёт” кафедраси сайти мавжуд бўлган веб-сайт
3. <http://economics.com.ua> –бозор иқтисодиётига тааллуқли бўлган маълумотлар веб-сайти

5-мавзу.Минтақа ишлаб чиқариши кучларини жойлаштириш ва ривожлантириш Фанни ўқитиш технологияси:

“Минтақа ишлаб чиқариши кучларини жойлаштириш ва ривожлантириш ” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	<p>Тайёрлов босқичи:</p> <p>1.1.Дарс мақсади: Минтақа ишлаб чиқариши кучларини жойлаштириш ва ривожлантириш ҳақида талабаларга тушунчалар бериш.</p> <p>1.2.Идентив ўқув мақсадлари:</p> <p>1.2.1.Ишлаб чиқариш кучлари тушунчасини изоҳлаб беради.</p> <p>1.2.2. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш тамойиллари ва қонуниятларини тушинтира билади.</p> <p>1.2.3. Бозор иқтисодиёти механизмлари асосида ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва ривожланишини тушинтира олади.</p> <p>1.3.Асосий тушунча ва иборалар: жойлаштириш назарияси, маконий иқтисодиёт, ишлаб чиқариш кучлари, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, хусусийлаштириш.</p> <p>1.4.Дарс шакли: гуруҳ ва микрогуруҳларда.</p> <p>1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар: суҳбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, видеоусул.</p> <p>1.6.Керакли жиҳоз ва воситалар: Ўқув-методик мажмуа, видеопроректор, видеофилмлар.</p>	Ўқитувчи
2	<p>Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
3	<p>Гуруҳда ишлаш босқичи:</p> <p>3.1. Талабаларга муаммоли савол беради .</p> <p>3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади.</p> <p>3.3. Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p>3.4. Умумий хулосага келинади.</p>	Ўқитувчи-талаба, 40 минут
4	<p>Мустақамлаш ва баҳолаш босқичи:</p> <p>4.1.Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун куйидаги саволлар берилади:</p> <p>-Ишлаб чиқариш кучларини тушунтиринг?</p> <p>-Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш тамойиллари деганда нимани тушунаси?</p> <p>- Ишлаб чиқариш кучларини қонуниятларини тушунтиринг?</p> <p>4.2.Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут

5	<p>Ўқув машғулоти яқунлаш босқичи: 5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади. 5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади. 5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.</p>	Ўқитувчи, 10 минут
---	--	-----------------------

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Ишлаб чиқарувчи кучлар тушунчаси уларни жойлаштириш ва ривожлантириш хусусиятлари.
2. Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш тамойиллари ва қонуниятлари.
3. Ишлаб чиқарувчи кучларни бозор иқтисодиёти механизмлари асосида жойлаштириш ва ривожлантириш.

Асосий тушунча ва иборалар: жойлаштириш назарияси, маконий иқтисодиёт, ишлаб чиқариш кучлари, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, хусусийлаштириш.

Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:

1. Ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш ҳудуд ривожланишининг асосий жиҳатларидан ҳисобланади. Ушбу муаммони бартараф этиш ечимларини топиш.
2. Корхоналарни хомашёга яқин жойлаштириш, аҳолига яқин жойлаштирганга қараганда қулайроқ. Лекин бунинг ўзига хос муаммолари мавжуд. Сизнингча ҳудудда бу муаммоларни асосий ечимлари нимада?

1-савол бўйича дарс мақсади: Талабалар ишлаб чиқарувчи кучлар тушунчаси уларни жойлаштириш ва ривожлантириш хусусиятлари ҳақидаги мулоҳазалар билан танишади.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Жойлаштириш назарияларини фарқлай олади.
2. Минтақавий хусусиятларни ҳисобга олиб жойлаштиришнинг амалдаги назариялар ҳақида мулоҳаза юрита олади.

1-саволнинг баёни: Буржуа иқтисодиёт фани ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш муаммолари билан ўтган аср бошларидан буён шуғулланиб келмоқда. Чунончи, аввал И.Тюнен ва кейинчалик А.Вебер айрим корхоналарни энг қулай ерга жойлаштириш назариялари билан чиқдилар.

Жойлаштириш назарияси бўйича дастлабки асар Иоганн Пюненнинг 1826 йилда нашр этилган “Ажралган давлат” асари бўлди. Маклебург яқинида жойлашган Теллер мулкидаги амалий аргономияни кўп йиллар давомида ўрганиш асосида муаллиф умумназарий аҳамиятта эга бўлган бир қанча хулосалар чиқарди.

И Пюненнинг “Ажратилган давлат” асари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини жойлаштиришда қандай ўринда турган бўлса, А.Вебер асари саноатни жойлаштиришда шундай ўрин эгаллади.

А.Вебернинг методологик тавсиялари кўп жиҳатдан И.Тюнен назариясининг тегишли қоидаларига ўхшайди. Бунда ҳам бир қанча ижтимоий-иқтисодий омиллардан келиб чиқиш йўли билан аллақандай мавҳум хўжалик организмнинг “соф” қонунлари ҳақида сўз юритилади. Унда биринчидан, бошқа жабҳалар билан алоқадан ташқарида мавжуд бўлган, ажралган ақлбовар қиладиган хўжалик соҳаси кўриб чиқилган. Шунингдек, саноат хомашё базасини жойлаштириш ўз ҳолича берилган деб қабул қилинади, бу билан хомашё ёқилғи базасининг қайта ишлаш саноатидан мустақиллиги фараз қилинади.

Саноат маҳсулотининг жуғрофий жойлашувига нисбатан ҳам шунга ўхшаш йўл тутилади. А. Вебер тегишли дастлабки шартларни кўриб чиқиб, тадқиқот мақсадлари сифатида қуйидаги 2 масалани қўяди:

-саноат мулжали боғлиқ бўлган хўжалик кучларини очиб бериш, яъни жойлаштириш омилларини;

-бу омиллар ҳаракати қонуниятларини аниқлаш.

А. Вебер жойлаштириш омили деб, шундай иқтисодий омилни айтадики, у хўжалик фаолияти учун бу фаолият қаерда амалга оширилишига боғлиқ ҳолда аниқланади.

Август Лёшнинг “хўжаликни жуғрофий жойлаштириш” ини жойлаштириш муаммолари бўйича энг асосли асарлардан бири деб ҳисобламоқ керак. Кўпгина масалалар ечимига оқилона ёндашиш, муаммони қамраб олишнинг кенглиги ва бошқа хусусиятлар А. Лёш китобини унинг ўтмишдошлари асарларидан ажратиб туради.

Жойлаштириш муаммосини ҳал қилишга комплекс ёндашиш А. Лёшни ажратиб турадиган хусусиятдир. А. Лёш шаҳарларнинг жойлашиш ўринлари юзасидан олим сифатида ўз нуқтаи назарини таърифлар экан, асарининг биринчи бобида шундай ёзади: Иқтисодчининг ҳақиқий бурчи бизнинг шўрлик воқелигимизни изоҳлаб бериш эмас, балки уни яхшилашдир; ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштириш муаммосини ҳал этиш унинг ҳақиқатдан жойлашувини шунчаки тасвирлашдан кўра анча олийжаноброк вазифадир.

Ҳозирги вақтда буржуа иқтисодчилари орасида ҳудудий таҳлил масалалари бўйича энг йирик сиймо шубҳасиз У.Айзарддир. У ўз тадқиқотларини В. Леонтьев раҳбарлигида АҚШ тармоқлараро ва туманлараро мутаносибликларни ўрганивчи мутахассислар гуруҳида ишлаётганида бошлаган эди.

1956 йилда У.Айзарднинг “Жойлаштириш ва маконий иқтисодиёт” деган биринчи йирик асар нашр этилди. Бу асарнинг мақсади, муаллиф сўзлари билан айтганда “жойлаштириш ва маконий иқтисодиётнинг айнан бир умумий назариясини ишлаб чиқиш воситаларида айрим махсус фанлар ҳамда маконий ва ҳудудий асарларини ишлаб чиқиш” эди. У. Айзард ва унинг ходимлари кўп йиллаб давомида олиб борган тадқиқотлари натижасида юзага келган 700 тача саҳифадан иборат бўлган бу асар “Ҳудуд иқтисодий жуғрофияси, иқтисоди ва шаҳарларни режалаштириш” фани бўйича асосий қўлланма, амалий тадқиқотларда фойдали дастурдир.

У.Айзард ўз тадқиқотини пировард ва капиталист нуқтаи назаридан энг муҳим такрор ишлаб чиқариш босқичи бўлган сотишдан бошлайди. Концепцияни умумий баҳолаш учун жуда ибратли бўлган бу факт китобнинг деярли яримини эгаллайди. У талаб муаммоларини, аҳоли динамикасини прогнозлашни ўрганишга, даромадларни шакллантириш ва ҳисоблаб чиқишга мажбур қилади. Шундай қилиб. Талаб ва у билан боғлиқ омиллар биринчи ўринда чиқади ҳамда ишлаб чиқарувчи кучларини шакллантириш, ривожлантириш ва жойлаштириш шартловчи сифатида намоён бўлади.

Назорат саволлари:

- 1.Ишлаб чиқариш кучларининг жойлаштиришни амалдаги назариялари ҳақида гапириб беринг?
- 2.У. Айзарднинг жойлаштириш назариясида асосий эътибор нимага қаратилади?
- 3.Вилоят ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришга қандай баҳо берасиз?

2-савол бўйича дарс мақсади: Талабалар ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш тамойиллари ва қонуниятлари ҳақида тушунчага эга бўлади.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш тамойилларини тушунтириб бера олади.
- 2.Корхоналарни ишлаб чиқариш хусусиятларига қараб жойлаштиришда ажратиб кўрсата олади.

2-саволнинг баёни: Ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштириш муайян иқтисодий шароитлар ҳамда ишлаб чиқариш усулига боғлиқ турли хил қонунлар билан бошқариладиган ягона жараён тарзида намоён бўлади.

Ишлаб чиқарувчи кучлар жойлашуви қонуниятлари ўз навбатида, мазкур қонуниятларнинг аниқ режали амалиётида рўёбга чиқарилишидан иборат жойлаштириш тамойилларининг назарий асоси хизматини ўтайди.

Қонуниятлар ва тамойиллар биргаликда ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш умумий концепцияси асосларини ташкил этадики, бу концепция муайян даврга ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш бош тархи (схемаси) да амалга оширилади.

Ҳозирги шароитда ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш қуйидаги **тамойиллар** билан белгиланади:

-ишлаб чиқаришни барча вилоятлар ва туманлар ишлаб чиқариш аппарати, табиий ҳамда меҳнат резервлардан энг самарали фойдаланишнинг вазифаларига мувофиқ равишда режали ва комплекс жойлаштириш;

-барча вилоятлар ва аҳолисининг ўзаро ёрдами асосида туманлар ўртасида ижтимоий меҳнат тақсимотини ривожлантириш;

-ишлаб чиқариш хомашё ва тайёр маҳсулотни ташишни оқилона ташкил этишнинг барча босқичларида ижтимоий меҳнатни тежаш мақсадида саноатнинг тегишли тармоқларини хомашё манбаларига яқинлаштириш;

-вилоятлар ва туманлардаги, саноат ҳамда қишлоқ хўжалигини тараққиёт учун энг қулай табиий ва иқтисодий шароитлар мавжуд бўлган тармоқларга ихтисослаштириб, комплекс ривожлантириш;

-ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришда мамлакат муҳофаа қудратини ҳисобга олиш;

-туманлар ва ҳудуд ўртасида ҳалқ хўжалигини ҳамда ҳудудий-ишлаб чиқариш алоқаларини иқтисодий жиҳатдан энг оқилона тарзда ташкил этиш.

Ишлаб чиқарувчи кучларни оқилона жойлаштириш муаммосининг қўйилиши умумий қонуниятлар ва тамойилларни тавсифлаш билан бирга жойлаштиришни белгилаб берувчи энг муҳим омиллар ҳамда шарт-шароитларни ажратишни ҳам кўзда тутати.

Энг муҳим ўзига хос омилларга табиий шароитлар, меҳнат ресурслари, ишлаб чиқаришнинг техника даражаси ва техника тараққиётининг суръатлари, ишлаб чиқаришни ижтимоий ташкил этиш шакллари, инфратузилма ҳамда огломерация киради.

Шуни таъкидлаш керакки, жойлаштириш омилларини ҳисобга олиш ва тавсифлаш муаммосига А.Вебер давридан буён катта эътибор бериб келинади. Дарҳақиқат, транспорт, иш кучи ва огломерация омилларини пухта ажратиш ҳамда таҳлил қилишда А.Вебернинг хизматлари катта.

ЭҳМдан фойдаланиш билан боғлиқ ҳозирги минтақавий тадқиқотлар омилларининг жуда кенг доирасини таҳлил соҳасига киритиш мумкин.

Ўзбекистон хомашё ресурсларига ниҳоятда бой. Жаҳон иқтисодий меҳнат тақсимотига қўшилиб бориб, иқтисодиётимизни ривожлантириш учун хомашёларни чиқиндисиз, босқичма-босқич қайта ишлашни йўлга қўйишимиз керак. Бунинг учун саноат корхоналарининг хомашё истеъмол қилишини меҳнатнинг талаби ва ишлаб чиқаришнинг хусусиятига қараб қуйидаги тармоқларга ажратишимиз мумкин:

1.Хомашёга яқин жойлаштириладиган корхоналар. Буларга қуйидаги корхоналар киради:

-тез бузиладиган хомашёни қайта ишлаш корхоналари (консерва, вино, пахта тозалаш, меваларни қуритиш ва шарбатини олиш);

-кўп оғирликдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш корхоналари. (ғишт заводлари, темир-бетон заводлари киради);

-хомашёси тайёр маҳсулотдан бир неча марта оғир бўлган корхоналар (пиво ишлаб чиқариш, кондитер маҳсулотлари, ичимликлар ишлаб чиқариш) .

2.Меҳнатга талаб корхоналар. Уларга асбоб ишлаб чиқариш, электро-механика, радиотехника ишлаб чиқариш корхоналари киради. Юқори малакали ишчи кадрлар билан таъминланган ҳудудга пойабзал, тикувчилик тўқимачилик, трикотаж, атторлик моллари ишлаб чиқарувчи корхоналар жойлаштирилади.

Ёқилги-электроэнергияни кўп талаб қиладиган корхоналар худди шуларнинг манбаларига жойлаштирилади. Масалан, алюмин, никель ва шу каби рангли металл ишлаб чиқарадиган, каучук, пластмасса, кимёвий толалар ишлаб чиқариш корхоналари.

3.Бир неча омилларни ҳисобга олган ҳолда жойлаштириладиган корхоналар. Масалан, кимё комбинатлари жойлаштириладиган ерларда хомашё, электроэнергияси, сув бўлиши шарт.

Агросаноат уюшмаси корхоналарини жойлаштиришда табиий шароитлар ҳам ҳисобга олинади. Ҳозир қишлоқ, хўжалик экинлари турларидан қанча етиштириш масаласи бозор шароити, жаҳондаги мамлакатларнинг талаб ва таклифларидан келиб чиқиб аниқланади.

Бунинг учун Ўзбекистон пахта толаси ишлаб чиқаришининг бир неча хилдаги илмий дастурини ишлаб чиқиши лозим. Унда пахта толасини, айтайлик, 1,0 млн.тоннадан 2-2,5 млн. тоннагача ишлаб чиқара олиш кўзда тутилиши керак. Ишлаб чиқарувчи кучларини жойлаштиришда жаҳоннинг ишлаб чиқаришни ташкил этиш борасидаги илғор тажрибаларидан фойдаланиш масаласи ҳам назарда тутилиши лозим. Масалан, концернлар, фирмалар, кичик корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг иқтисодий алоқаларини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Бозор иқтисодиёти бу масалаларнинг ечимини кўндаланг қилиб қўймоқда.

Назорат саволлари:

- 1.Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришда қандай омиллар ҳисобга олинади?
- 2.Саноат корхоналарини хусусиятларига қараб қандай тармоқларга ажратиш мумкин?
- 3.Ишлаб чиқариш корхоналарини арзон хом ашёга ёки арзон ишчи кучига яқин жойлаштиришни ажратиб кўрсатиш мумкинми?
- 4.Вилоят миқёсида арзон ишчи кучлари мавжуд ҳудудларда қайси ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштиришни таклиф этган бўлардингиз?

3-савол бўйича дарс мақсади: Ишлаб чиқарувчи кучларни бозор иқтисодиёти механизмлари асосида жойлаштириш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ўрганиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.Бозор иқтисодиёти механизмлари асосида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш.
- 2.Мулкни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг асосий қоиди ва йўналишлари ҳақида тушунчалар ҳосил қилади.
- 3.Хусусийлаштириш жараёнида қишлоқ аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш тадбирларини амалга оширишнинг амалда қўлланилаётган жиҳатлари тўғрисида мулоҳазалар ҳосил қилади.

3-саволнинг баёни: Ўзбекистон хом ашё ресурсларига ниҳоятда бой. Жаҳон иқтисодий меҳнат тақсимотида қўшилиб бориб, иқтисодиётимизни ривожлантириш учун хом ашёларни чиқиндисиз босқичма-босқич қайта ишлашни йўлга қўйишимиз керак. Бунинг учун саноат корхоналарининг хом ашё истеъмол қилишини меҳнатнинг талаби ва ишлаб чиқаришнинг хусусиятига қараб қуйидаги тармоқларга ажратишимиз мумкин:

1. Хом ашё га яқин жойлаштириладиган корхоналар. Буларга қуйидаги корхоналар киради:

- тез бузиладиган хом ашё ни қайта ишлаш корхоналари (консерва, вино, пахта тозалаш, меваларни қуритиш ва шарбатини олиш).

- кўп оғирликдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш корхоналари.

Буларга: ғишт заводлари, темир-бетон заводлари киради.

- хом ашёси тайёр маҳсулотдан бир нечта марта оғир бўлган корхоналар буларга пиво ишлаб чиқариш, кондитер маҳсулотлари, ичимликлар ишлаб чиқариш, кон заводлари киради.

2. Меҳнат талаб корхоналар. Уларга асбоб ишлаб чиқариш, электро-механика, радиотехника ишлаб чиқариш корхоналари киради. Юқори малакали ишчи кадрлар билан таъминланган минтақага пойабзал, тикувчилик, тўқимачилик, трикотаж, атторлик моллари ишлаб чиқарувчи корхоналар жойлаштирилади.

Ёқилғи–электроэнергияни кўп талаб қиладиган корхоналар худди шуларнинг манбаларига жойлаштирилади. Масалан, алюмин, никель ва шу каби рангли металл ишлаб чиқарадиган, каучук, пластмасса, кимёвий толалар ишлаб чиқариш корхоналари.

3. Бир неча омилларни ҳисобга олган ҳолда жойлаштириладиган корхоналар. Масалан, кимё комбинатлари жойлаштириладиган ерларда хом ашё, элетроэнергияси, сув бўлиши шарт.

Агросаноат уюшмаси корхоналарини жойлаштиришда табиий шароитлар ҳам ҳисобга олинади. Ҳозир қишлоқ хўжалик экинлари турларидан қанча етиштириш масаласи бозор шароити, жаҳондаги мамлакатларнинг талаб ва таклифларидан келиб чиқиб аниқланади. Бунинг учун Ўзбекистон пахта толаси ишлаб чиқаришнинг бир неча хилдаги илмий дастурини ишлаб чиқиши лозим. Унда пахта толасини, айтайлик, 1,0 млн. тоннадан 2-2,5 млн. тоннагача ишлаб чиқара олиши кўзда тутишлиши керак. Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришда жаҳоннинг ишлаб чиқаришни ташкил этиш борасидаги илғор тажрибаларидан фойдаланиш масаласи ҳам назарда тутилиши лозим. Масалан, концернлар, фирмалар, кичик корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг иқтисодий алоқаларини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Бозор иқтисодиёти бу масалаларнинг ечимини кўндаланг қилиб кўймоқда.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ишончли тизимини жорий этмасдан туриб, республика иқтисодиётида туб ўзгаришлар қилиш мумкин эмас. Маълумки, аҳоли ижтимоий ҳимоянинг объекти саналади. Республикадаги корхоналарнинг маълум қисми учун ҳозир иқтисодий қийинчиликлар шароитида сақланиб қолиш муаммоси кўндаланг бўлиб турибди. Бунда биринчи навбатда ишчи кучини сақлаб қолиш вазифаси кўйилмоқда. Шунинг учун ҳам ўтиш даврида корхоналар миқёсида ишчи ва хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш зарур. Бунда биринчи навбатда уларнинг фақатгина турмуш даражасини ҳисобга олмай, балки меҳнатини рағбатлантириш омили сифатида даромадлари ўсишини таъминлашга, уларни кескин равишда қисқартирмасликка ҳамда таъминлашнинг мавжуд имкониятларини қидириб топишга, давлат корхоналарини хусусийлаштиришнинг энг маъқул йўллари танилашга ва аниқлашга эътибор қаратилган бўлиши лозим.

Ҳозирги вақтда республикамизнинг кўпгина корхоналарида ижтимоий ҳимоянинг анъанавий кўринишлари амалга оширилмоқда. Яъни, даромадларни маълум даражада тутиб туриш, бандликни таъминлаш, иш шароитларини яхшилаш, болалар муассасалари, соғломлаштириш муассасалари, уй-жой хўжалиги хизматлари учун ижтимоий тўловлар каби.

Демак, объектив иқтисодий шарт-шароит олинаётган фойда тақсимланишининг ҳам макро, ҳам микро даражасига бир хил нисбатини белгилайди. Тошкент шаҳрининг 5 та йирик ишлаб чиқариш корхонасида ўтказилган илмий текширув натижасига кўра, 1994 йилда 3 та корхонада маҳсулот ҳажми қиймати ўсиши бўйича 1993 йилдагига нисбатан фақат нарх омили ҳисобига таъминланди. Ҳақиқатда эса, ишлаб чиқариш маҳсулотларининг моддий ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан анча кам бўлди. Пулнинг қадрсизланишини ишлаб чиқариш корхоналари ва унда ишловчи ишчиларига таъсир қилди. Шу боис унинг миқдори ҳар бир ходимнинг ишлаб чиқаришга кўшган ҳиссасига ва корхонанинг молиявий аҳволига боғлиқдир.

Ишончли ва таъсирчан ижтимоий ҳимоя зарурлиги бугунги кун эҳтиёжи билан юзага келган. Бусиз хилма-хил турдаги мулкнинг рисоладагидек ишлашига ва жамият барқарорлигига эришиб бўлмайди.

Шуни ҳам айтиш лозимки, бозор муносабатларига ўтиш билан аҳоли турмуши ва ижтимоий фаровонлиги учун қулай шарт-шароит яратиш худуд тараққиётининг етакчи мақсади ҳисобланади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги бошқа мамлакатлардан фарқли ўларок, Ўзбекистонда мулкни давлат тассаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларида, аввало, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ҳисобига олинмоқда. Амалга ошириладиган

хусусийлаштириш модели унда аҳолининг барча қатламлари аниқроқ ва самаралироқ иштирок этишига имкон беради ҳамда ижтимоий жиҳатдан энг кам ҳимояланган аҳоли қатламлари катта афзалликларга эга бўлади.

Мулкни давлат тассаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шароитда аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг асосий қоидалари ва йўналишлари қуйидагиларда ифодаланади:

-Ижтимоий ҳимоянинг адресли йўналиши; ундан, аввало, аҳолининг ночор қатламларини қўллаб-қувватлашда фойдаланади;

-хусусийлаштиришнинг дастлабки босқичида ҳомиладор аёллар, ногиронларни ишдан бўшатишга йўл қўйилмаслик, корхонанинг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бўйича профилини сақлаб қолиш мақсадида муваққат (3-5 йил муддатга) чекловларни жорий этиш;

-ходимларни қайта тайёрлаш ва янги иш ўринларини вужудга келтириш бўйича ижтимоий дастурларни ишлаб чиқиш;

-фан, маданият, соғлиқни сақлаш ва таълим ходимлари учун уй-жойни бепул (имтиёзли) хусусийлаштириш;

-хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг меҳнат жамоаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жуда эскирган асосий фондларни пулсиз топшириш, корхонадаги ижтимоий инфратузилма объектларидан бепул фойдаланиш имконияти ва бошқалар;

-мулкдорнинг мулкӣ ҳуқуқларини савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари учун ажратилган ер майдонларидан фойдаланиш ҳуқуқини сотиш эвазига таъминлаш;

-хўжаликлар жамоалари томонидан давлат хўжаликлари, фермалар, боғлар, узумзор ва ҳоказоларнинг имтиёзли хусусийлаштирилиши.

Хусусийлаштириш даврида уй-жойни республика фуқороларига мулк қилиб топшириш ижтимоий ҳимоя шаклларида бири бўлди. 1995 йил бошига келиб, 1069,4 минг квартира (улар умумий сонининг 98,99 %) хусусийлаштирилди, уларнинг эгалари мазкур мулкнинг соҳибига айланиб, уни сотиш, мерос қилиб қолдириш, ижарага бериш, улар юзасидан қонунга зид бўлмаган битим тузиш ҳуқуқини қўлга киритди. Уй-жойни хусусийлаштириш дастури республикада ўтказилаётган ижтимоий сиёсатга биноан бажарилди, унга кўра, квартиралар аҳолига имтиёзли шартларда ва бепул берилди.

Худудда ижтимоий тангликнинг олдини олиш учун мухтожларга ёрдам бериш ишини давлат даражасидан ҳудудий бошқарув органларига топшириш лозим, чунки хилма-хил амалий, манзилли ижтимоий ҳимоя уларнинг уддабуронлигига, ташаббускорлиги ва тезкорлигига боғлиқ. Ижтимоий таъминот масаласида ҳудудий органларнинг асосий фаолияти мулкдорлар синфини ижтимоий ҳимоялаш дастурини ишлаб чиқишдан иборат бўлиши керак.

Кам таъминланган ва меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар тоифаларини қўллаб-қувватлашнинг муқобил турларини кенг кўламда ривожлантириш соҳасида ҳудудий муаммоларни ҳал қилиш учун ҳудудий бошқарув органлари ҳузурида оилавий кичик бизнесни ривожлантириш фондини тузиш мақсадга мувофиқдир.

Назорат саволлари:

- 1.Республикамиз саноат корхоналарида ижтимоий ҳимоянинг қандай анъанавий кўринишлари амалга оширилади?
- 2.Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ишончли тизимини жорий этмасдан туриб, иқтисодиётда туб ўзгаришлар қилиш мумкин эмас деган иборани изоҳлаб беринг?
- 3.Меҳнат талаб корхоналарга қайси турдаги корхоналарни ажратиб кўрсатиш мумкин?

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришда учта омил, яъни арзон хом ашё ва унинг захираси, арзон ишчи кучи мавжудлиги, маҳсулотларни сотиш бозори ҳисобга олинади. Ҳозирги даврда ушбу омилларга сиёсий-иқтисодий барқарорлик, ижтимоий омиллар қўшилади.

Саноат корхоналари хом ашё истеъмол қилиши, меҳнатга талаби ва ишлаб чиқариш хусусиятига қараб бир қанча тармоқларга ажратилади; яъни хом ашёга яқин жойлаштириладиган, меҳнат талаб корхоналар.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ишончли тизимини жорий этмасдан туриб, иқтисодийда туб ўзгаришларни қилиш мумкин эмас.

Ҳозирги пайтда республикамизнинг кўпгина корхоналарида ижтимоий ҳимоянинг анъанавий кўринишлари амалга оширилмоқда, яъни даромадларни маълум даражада тутиб туриш, бандликни таъминлаш, иш шароитларини яхшилаш, болалар муассасалари, соғломлаштириш муассасалари, уй-жой хўжалиги хизматлари учун ижтимоий тўловлар.

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-минтақавий тузилиши. Т.: «Ўзбекистон», 1996.
3. «Бюджет тизими тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни. Тошкент 9 октябрь 1999 йил
4. И.А.Каримов. «Ўзбекистон буюк келажак сари» Тошкент «Ўзбекистон» 1997 йил.
5. Ишмухамедов А.Э., Шибаршова Л.И. «Хорижий мамлакатлар иқтисодий тартибга солиш» фанидан маърузалар матни. Тошкент «Иқтисодий ва статистика» факультети 2000 йил.
6. Шевелева С.А. Основы экономики и бизнеса: Учебное пособие /С.А.Шевелева, В.Е.Стогов.- 2-е изд., перераб. и доп.- М.: ЮНИТИ, 2005.- 515 с. 1 экз.
7. И. А. Родионова. Мировая экономика. Издательство: Питер, 2005. -253с.
8. Кистанов В.В., Копылов Н.В. Региональная экономика России . Издательство: ФИНАНСЫ И СТАТИСТИКА, 2005. -584с.
9. Коваленко Е. Г. Региональная экономика и управление. Учебное пособие. Издательство: ПИТЕР, 2005. -152с.
10. Мамаев В.К. Экономика и управление инвестициями в инфраструктуру региона. Издательство: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. -88с.

Интернет веб-сайтлари

1. <http://www.cer.uz> –Ўзбекистон Республикасининг “Иқтисодий тадқиқотлар маркази” нинг “Экономическое обозрение” журналининг электрон манзили. Турли хил иқтисодий мавзуларга оид материалларни олишга имкон беради.
2. <http://www.economyfaculty.uz> – “Микро-макроиқтисодий” кафедраси сайти мавжуд бўлган веб-сайт
3. <http://economics.com.ua> –бозор иқтисодиётига тааллуқли бўлган маълумотлар веб-сайти
4. <http://www.bearingpoint.uz> – “Ўзбекистон иқтисодиёти” кўлланмасининг веб-сайти

6-мавзу.Минтақаларда меҳнат ресурслари

Фанни ўқитиш технологияси:

“Минтақаларда меҳнат ресурслари” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	Тайёрлов босқичи: 1.1.Дарс мақсади: Минтақаларда меҳнат ресурслари ҳақида талабаларга тушунчалар бериш. 1.2.Идентив ўқув мақсадлари: 1.2.1.Минтақа меҳнат ресурсларини изоҳлаб беради.	Ўқитувчи

	<p>1.2.2. Минтақа меҳнат бозори ва унинг хусусиятларини тушинтира билади.</p> <p>1.2.3. Минтақаларда ишсизлик муаммоларини тушинтира олади.</p> <p>1.3.Асосий тушунча ва иборалар демография, меҳнат ресурслари, ишчи кучи, аҳоли зичлиги, иқтисодий фаол аҳоли, ишсизлик даражаси, фриクション, даврий ва таркибий ишсизлик, Ялпи миллий маҳсулот, Оукен қонуни, бандлик назарияси, миллий даромад.</p> <p>1.4.Дарс шакли: гуруҳ ва микрогуруҳларда.</p> <p>1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар: суҳбат, маъруза-хикоя, баҳс, видеоусул.</p> <p>1.6.Керакли жиҳоз ва воситалар: Ўқув-методик мажмуа, видеопроректор, видеофилмлар.</p>	
2	<p>Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
3	<p>Гуруҳда ишлаш босқичи:</p> <p>3.1. Талабаларга муаммоли савол беради .</p> <p>3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади.</p> <p>3.3.Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p>3.4. Умумий хулосага келинади.</p>	Ўқитувчи- талаба, 40 минут
4	<p>Мустақамлаш ва баҳолаш босқичи:</p> <p>4.1.Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун куйидаги саволлар берилади:</p> <p>-Меҳнат ресурсларини тушунтиринг?</p> <p>-Меҳнат бозори деганда нимани тушунаси?</p> <p>- Ишсизликни тушунтиринг?</p> <p>- Меҳнат биржаларини ва уларнинг вазифаларини тушунтиринг?</p> <p>4.2.Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
5	<p>Ўқув машғулотини яқунлаш босқичи:</p> <p>5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p>5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади.</p> <p>5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.</p>	Ўқитувчи, 10 минут

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

- 1.Минтақанинг меҳнат ресурслари ва уларнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги аҳамияти.
2. Минтақаларда ишсизлик турлари ва уларнинг моҳияти.
- 3.Минтақаларда меҳнат биржаларини ташкил этиш ва уларнинг вазифалари.

Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:

- 1.Меҳнат ресурсларини истиқболда сон ва сифат жиҳатдан такомиллашуви муаммоси. Сизнингча бу муаммони ҳал этишда асосий эътиборларни нималарга қаратиш керак?
- 2.Қишлоқ ҳудудларда аҳолининг анчагина қисми ихтиёрий ишсиз. Сизнингча буни баргараф этиш ечимлари нимада?

1-савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда минтақанинг меҳнат ресурслари ва уларнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги аҳамияти ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.Меҳнат ресурслар тўғрисида тушунчага эга бўлади.
- 2.Минтақавий хусусиятларни ҳисобга олиб меҳнат ресурсларини таҳлил қила олади.
- 3.Ишчи кучидан фойдаланишни кўрсаткичлар орқали ҳисоблашни ўрганади.

1-савол баёни: Президентимиз И.А.Каримовнинг 2-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида барча ислохотларнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берадиган инсон омили ва мезонидир, деб таъкидлади.

Бу демографик ва бошқа миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш, яъни кишиларнинг ижтимоий соҳа бўйича талаб ва эътирозларини масалаларига давлатнинг доимий эътиборини ҳар томонлама кучайтириш лозим, демакдир.

Меҳнат ресурслари ҳар бир мамлакатнинг энг асосий бойлигидир. Ҳозирги илмий техника даврида иқтисодиёт ривожланиши инсон омилининг таъсири билан боғлиқдир. Инсон омилининг иқтисодиёт ривожланишига таъсири меҳнат ресурслари муаммолари билан шуғулланишга мажбур этади. Шулардан бири меҳнат ресурсларнинг истиқболдаги сон ва сифат жиҳатдан такомиллашуви муаммосидир.

Бу муаммонинг ҳал этилиши меҳнат ресурсларни режалаштириш ва прогноз қилиниши билан боғлиқ. Меҳнат ресурсларини режалаштириш ҳамда прогноз қилишда уларнинг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олиш зарур.

Ҳудудий хусусиятларни аниқлаш учун меҳнат ресурслари кенг кўламда ўрганилади ва республика ёки унинг бошқа ҳудудий бирликлари билан **таққосланади:**

1. Меҳнат ресурсларининг табиий ўсиши. Бунинг учун болаларнинг ҳар 1000 кишига ёки 10000 кишига тўғри келадиган туғилиши ҳисобланади, ўлими эса айириб ташланади.

2. Малакали ходимлар билан таъминлаш аниқланади. Республиканинг турли вилоятларида малакали ходимлар билан таъминланиш бир-биридан фарқ қилади.

3. Ҳудудларнинг миллий, анъанавий, табиий, иқлимий ва шу каби хусусиятлари бир-биридан фарқланади. Ҳудуднинг хусусиятларини ўрганиш режалаштириш даврида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш имконини беради.

Меҳнат ресурслари қуйидаги қисмдан ташкил топади:

1) Меҳнатга яроқли, меҳнат ёшидаги 16 ёшдан 59 ёшгача бўлган эркаклар ва 16 ёшдан 54 ёшгача бўлган аёллардан (худди шу ёшлардаги ногиронлар, имтиёзли тарзда нафақа олувчилар меҳнат ресурсларига кирмайди).

2) Ижтимоий ишлаб чиқаришда ўз меҳнати билан иштирок этаётган 60 ёшдан ошган эркаклар, 55 ёшдан ошган аёллар ва 16 ёшгача бўлган болалар.

Ишчи кучини ишлаб чиқаришга бир неча омиллар таъсир этади:

-илмий-техника тараққиётининг ривожланиши;

-янги фойдали қазилмаларнинг очилиши ва у ерларда янги иш жойларининг ташкил этилиши;

-қишлоқ хўжалигида янги ерларни ўзлаштириш.

Бозор иқтисодиёти муносабатларининг ривожланиши Ўзбекистондаги ишчи кучини сифат жиҳатидан қайта ишлаб чиқаришни, ишчи кучини ишлаб чиқариш, уни сон ва сифат жиҳатдан такомиллаштиришни тақозо этади. Ишчи кучининг сон жиҳатдан ўсиши-ишчи кучининг мутлоқ кўпайишидир. Сифат жиҳатдан ўсиши эса, ишчи кучининг маълумоти, малакаси, тажрибаси ўсишини билдиради. Ишчи кучидан самарали фойдаланиш бозор иқтисодиёти шароитида ишчи кучининг тўла иш билан бандлиги таъминланишини тақозо этади. Бу алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш қуйидаги вазифалар ҳал этилишини тақозо қилади:

-ҳудуднинг малакали ишчи кадрларга ва мутахассисларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш;

-ҳудуднинг малакали ишчи ходимлар ва мутахассисларга бўлган эҳтиёжини қондириш;

-меҳнат ресурсларининг самарадорлигини ошириш ва ҳалқ хўжалигининг тармоқлараро ва ҳудудлараро меҳнат билан таъминланишини такомиллаштириш;

-аҳолининг табиий ўсиши ва меҳнат ресурсларининг сон ва сифат жиҳатдан таркиб топишини таъминлаш учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратиш.

Меҳнат ресурсларини прогноз қилишда ва тартибга солишда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

-аҳолининг минтақадаги зичлиги =Аҳоли : Майдон; $A_3 = A : M$;

-аҳолининг йиллик ўртача ўсиш суръати=режалаштириш даври*(мисол 2008 йилда) режа даври бошидаги аҳоли сони : шу даврнинг охиридаги аҳоли сони; $Y = nA_n : A_6$;

-меҳнат унумдорлигини ўсиш кўрсаткичи=режа давридаги меҳнат унумдорлиги : базис давридаги меҳнат унумдорлиги; $M_y = M_{yn} : M_{y6}$;

-меҳнат ресурслари самарадорлигини ифодаловчи энг асосий кўрсаткич меҳнат унумдорлиги ҳисобланади. Унинг икки усули бор: ялпи товар ёки реализация қилинган маҳсулот ходимларнинг ўртача сонига бўлинади; $M_y = Y(T)(P) : X$;

маҳсулот бирлигига сарфланган меҳнат сиғими билан, ялпи товар ёки реализация қилинган маҳсулот вақтга бўлинади $M_y = Y(T)(P) : Q$;

Ишчи кучларининг миқдори ва сифати, уларнинг жинси, ёши ва касби мамлакатнинг иқтисодий имкониятига ва улардан самарали фойдаланилишига кучли таъсир кўрсатади. Бошқа томондан, уларнинг ўзи ҳам ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси ва хусусияти таъсири остида бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида ишчи кучи ҳам бошқа меҳнат маҳсулотлари каби товар шаклига эга бўлиб, товар-пул муносабатларига фаол жалб қилинади. Унинг бу хусусияти меҳнат кўрсаткичлари тизимида ўз аксини топади. Улар орасида иш билан бандлик ва ишсизлик кўрсаткичларига муҳим ўрин ажратилади. Бу кўрсаткичларни ҳисоблаш тартиби қуйидаги жадвалда келтирилган:

А. Аҳоли жами	30
Шу жумладан:	
1. 16 ёшга тўлмаганлар ва махсус муассасалардаги шахслар	10
2. Ишчи кучи таркибидан чиқиб кетганлар	8
3. Ишчи кучи (А-1-2)	12
Улардан: ишлаётганлар ёки банд бўлганлар	11,4
Ишсизлар	0,6

Аҳолини уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга 16 ёшгача бўлган болалар ҳамда махсус муассасаларда сақланаётган шахслар киради.

Иккинчи гуруҳга ишлаши мумкин, лекин бир қатор сабабларга кўра ишлашни истамайдиган аҳоли киради. Уларга ўқувчиларни, нафақахўрларни, уйда ишловчиларни киритиш мумкин.

Учинчи гуруҳ ёки қолган барча аҳоли ишчи кучларини ташкил этиб, ўз навбатида, ишлаётганларга ва ишсизларга бўлинади.

Ишлаётган ёки банд бўлган аҳоли деб, меҳнатга лаёқатли ёшдаги ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳолига айтилади. Шартли равишда уларнинг таркибига тўлиқсиз иш кунида банд бўлганлар ҳам киритилади.

Ишсизлик даражаси (I_d) иқтисодиётда ишчи кучларидан фойдаланиш даражасини ифодалаб, қуйидагича аниқланади:

$$I_d = I_c * 100\% : I_k;$$

Ишсизлик даражаси мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ифода этувчи муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлар қаторига киради. Ишчи кучларига бўлган талаб ва таклиф, агарда бозор воситасида бошқариладиган бўлса, мавжуд ишчи кучлари 100% иш билан таъминланганлигини тасаввур этиш мумкин эмас. Оз даражадаги ишсизликнинг мавжудлиги иқтисодий кўтарилиш даврларида ҳам табиий бир ҳолат деб ҳисобланади.

Мамлакатни янада тараққий эттириш минтақаларнинг ривожланиши даражасига боғлиқлиги яхши маълум. Ўзбекистон Республикаси Президенти Каримов И.А. таъкидлаганидек: «Стратегияни амалга оширишда унинг минтақавий жиҳати ҳам муҳим. Чунки фақат иқтисодий жиҳатдан суст ривожланган минтақаларда инфратузилмани ривожлантириш, ишлаб чиқарувчи кучларни оқилона жойлаштириш йўли билангина бу минтақаларга қўшимча қўйилмалар жалб этиш, кишилар турмуш даражасида вужудга

келган худудий номутаносибликларни бартараф этиш, ресурс ва ишлаб чиқариш потенциалидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш мумкин»³.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 апрелидаги «2007-2011 йилларда Ўзбекистонни минтақавий ривожлантиришнинг ягона комплекс дастурини шакллантириш дастурини ишлаб чиқиш бўйича комиссияни ташкил қилиш тўғрисида»ги Қарори⁴ мамлакат минтақаларини ривожлантиришнинг ягона комплекс стратегиясини шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этди.

Мазкур ҳужжатда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилади:

- минтақада мавжуд табиий, минерал-хомашё ва ер-сув салоҳиятидан самарали ва оқилона фойдаланиш даражасини аниқлаш ва баҳолаш;
- минтақадаги демографик аҳволни, меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлиги муаммоларини ҳал қилиш даражасини баҳолаш;
- минтақалар, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг иқтисодий ривожланиш даражасини танқидий таҳлил қилиш, минтақалар ривожланишининг комплекслиги ва мувозанатлашганлигини, яратилган иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш;
- бозор инфратузилмаси, транспорт тармоғи ва муҳандислик–коммуникацион тизимлар (энергетика, иссиқлик таъминоти, табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш) ривожланиш даражасини баҳолаш;
- минтақаларнинг молиявий барқарорлиги (ўз-ўзини таъминлаш даражасини, маҳаллий бюджетлар дотационлиги сабаблари ва омиллари, инвестицион ресурсларни шакллантириш манбалари) даражасини баҳолаш;
- аҳоли турмуш даражасини, ижтимоий инфратузилма ва хизматлар соҳасининг ривожланиши даражасини таҳлил қилиш.

Қарор ижросини таъминлашнинг биринчи босқичи - 2006 йилнинг ўрталарига қадар минтақалар ижтимоий соҳалари ва иқтисодиётни ривожлантиришга ёндашувлар ва усуллар, шу мақсадга йўналтирилган дастурнинг асосий мақсад ва вазифалари белгиланган концепция ишлаб чиқилди. Дастурнинг ўзи эса иккинчи босқичда шакллантирилди.

Бугунги кунда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, макроиқтисодий барқарорлаштиришдан жадал иқтисодий ўсиш суръатларига ўтиш вазифаси турибди. Хусусан, Сирдарё вилоятининг ресурс салоҳиятидан ўрта муддатли истиқболда самарали фойдаланишни таъминлаш ҳисобига минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш суръатлари, аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган стратегия белгилаб олинди ва амалга оширила бошланди.

Ушбу устувор йўналишлар орасида аҳолининг иш билан бандлиги даражасини ошириш алоҳида аҳамиятга эгаллиги яхши маълум. Мазкур муаммони ҳал этишда вилоятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Сирдарё вилояти мамлакат жами меҳнат ресурсларининг 2,6 % ни ташкил этгани ҳоҳда бу меҳнат ресурсларининг 68,2 % қишлоқ жойларида истиқомат қилади. Аммо бу ерларда ҳозирча иш кучи таклифини қондириш учун имкониятлар етарли эмас.

2010 йилда мамлакатда иш кучи таклифининг 74,2 % ни қишлоқ меҳнат бозори ташкил этди. Бу таклифнинг 79,2 % Иш билан бандликка кўмаклашувчи марказлар томонидан қондирилди. Аммо қишлоқдаги иш кучининг 19,8 % ни иш билан таъминлаш имкони бўлмади. Сирдарё вилоятида эса бу кўрсаткич 21,3 % ни ташкил этди. 2010 йилнинг январ-декабрида меҳнат бўлимларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб 671,6 минг фуқаро мурожаат қилди. Бу 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 2,0 фоизга кўпдир.


³ Каримов И.А. Ўзбекистон – иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон. 1995. –52 б.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2006. 4-сон.

Декабр ойи охирида меҳнат бўлимларида иш кидирувчи сифатида рўйхатда турганлар сони 16,2 минг нафарни (2009 йилнинг мос санасида 20,1 минг киши) ташкил этган.

Ишга жойлашиш мақсадида меҳнат бўлимларида рўйхатда турган аҳолининг аксарияти Тошкент шаҳрига – 3,5 минг (республика миқёсида жами рўйхатда турганларнинг 21,4 фоизи), Фарғона вилоятига – 1,9 минг киши (11,8 фоизи), Бухоро вилоятига – 1,4 минг киши (8,9 фоиз), Қашқадарё вилоятига – 1,3 минг киши (8,1 фоизи), Сурхондарё вилоятига – 1,1 минг киши (6,9 фоиз) тўғри келади.

2010 йилнинг январ-декабрида меҳнат бўлимлари томонидан 595,6 минг фуқаро (барча мурожаат этганларнинг 88,7 фоизи) ишга жойлаштирилган бўлиб, бу 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 2,7 фоизга юқоридир. 2010 йилда мамлакатимизда меҳнат бўлимлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони 3-расмда келтирилган. Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгиланар экан мазкур муаммони ҳал этишга алоҳида эътибор талаб этилади. Вилоят аҳолисини иш билан таъминлаш дастурида бу ҳисобга олинган. Жумладан, қишлоқ жойларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер



3-расм. 2010 йилда меҳнат бўлимлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони вилоятлар кесимида (минг киши ҳисобида)

хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-308-сон қарори⁵ асосида қишлоқ аҳолисини чорва моллари ва уларга озуқа билан таъминлаш чора-тадбирлари кўриляпти. Шунингдек, қишлоқ жойларида,

⁵ www.pravo.uz

айниқса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга эътибор кучайтирилган.

Вилоятда ҳар йили аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастури ишлаб чиқилади. Унда янги иш ўрнилари яратиш, ишсизларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни янги касбларга ўқитиш ва бошқа чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Аҳолини иш билан таъминлаш даражасини ошириш меҳнат бозоридаги иш кучи мутахассислиги, касби, малакасига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Мамлакатда иқтисодиётнинг реал секторида талаб қилинаётган мутахассисликларни ҳисобга олган ҳолда таълим муассасаларида уларни тайёрлаш режаларига тегишли ўзгартиришлар киритилмоқда. Жумладан 2008 йилнинг ўзида касб-хунар коллежлари тизимида 80 та ихтисослик бўйича мутахассислар тайёрлаш тўхтатилди, олий таълим тизимида эса 90 та янги ихтисослик жорий қилинди. Бу тадбир-чоралар Сирдарё вилоятида ҳам амалга оширилди.

Фикримизча, минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясидан келиб чиққан ҳолда аҳолини иш билан таъминлаш минтақавий дастурларида бу каби ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда уларни янада такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Сирдарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари минтақавий дастури доирасида аҳолини иш билан таъминлаш комплекс дастурини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Унда қуйидагилар кўзда тутилади:

- вилоятда иш билан бандликни таъминлашнинг устувор йўналишлари;
- вилоятда иш кучига бўлган талаб ва унинг таклифини тартибга солиш бўйича устуворликлар;
- вилоятда аҳолини, аynиқса ишсизларни ижтимоий ҳимоя қилишни такомиллаштириш устувор йўналишлари;
- минтақавий меҳнат бозори инфратузилмаларини такомиллаштириш омиллари.

Аҳолини иш билан таъминлаш комплекс дастури иш кучига талабни ошириш, иш кучи таклифини, аynиқса қишлоқ жойларидаги иш кучи таклифини камайтириш, янги иш жойлари яратиш, аynиқса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси, касаначиликни ривожлантириш ҳисобига янги иш жойлари яратишни кўпайтириш, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор қисми учун квоталанган янги иш ўрнилари яратаётган иш берувчиларни рағбатлантириш, уларга кредит бериш, солиққа тортишда имтиёзлар бериш, меҳнатга муҳтож аҳолини касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, корхона, ташкилот ва муассасалардаги бўш иш жойлари ва вакант лавозимларнинг доимий мониторингини олиб бориш, бундан аҳолини тезкор хабардор қилиш тизимини йўлга қўйиш, ишсизларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва бошқа дастурларни мужассамлаштириши кўзда тутилади. Мазкур ҳар бир дастур мақсад ва вазифалари, улар ижросини таъминлаш манбалари вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш устувор йўналишлари дастурида ўз ифодасини топиши керак.

Комплекс дастур истиқболли (камида беш йил муддатга мўлжалланган) бўлиши лозим. Шу ҳолда вилоятда демографик вазият, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш режалари, аҳоли миграцияси ҳисобга олинган ҳолда аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган йирик лойиҳаларни ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш механизмларини шакллантириш, ижросини таъминлаш мониторингини йўлга қўйиш имкониятлари кенгайди.

Аҳолини иш билан таъминлаш комплекс дастурини амалга оширишнинг молиявий манбалари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- вилоят ҳамда туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг маблағлари;
- иш билан бандликка кўмаклашиш жамғармасининг маблағлари;
- иш билан бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг мақсадли тушумлари;
- бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг жалб этилган маблағлари;
- кредит маблағлари;

- амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган бошқа тушумлар.

Аҳолини иш билан таъминлаш комплекс дастури самарадорлиги унинг таркибий қисми ҳисобланган ҳар бир дастур ижросининг амалий натижалари, айниқса иш кучига талаб ва унинг таклифи ўртасидаги фарқ динамикаси, аҳолининг иш билан бандлиги ва ишсизлик даражаси кўрсаткичларига қараб баҳоланиши керак.

Назорат саволлари:

1. Мехнат ресурслари тушунчаси нимани англатади? Унинг ҳудудий хусусиятлари нимада?
2. Ишчи кучи ва ундан фойдаланишни белгиловчи қандай кўрсаткичлар мавжуд?
3. Аҳолини иш билан таъминлаш комплекс дастурини амалга оширишнинг молиявий манбаларини айтиб беринг?

2-савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда минтақаларда ишсизлик турлари ва уларнинг моҳияти тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Ишсизлик турлари тўғрисида тушунчаларга эга бўлади.
2. Мехнат ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш муаммоларини сўзлаб бера олади.

2-савол баёни: Ишсизлик бир неча турларга: фриқцион, таркибий ва даврий ишсизликка ажратилади. Фриқцион ишсизлик иш қидириш ёки кутиш билан боғлиқ бўлиб, ходимларнинг иш ва турар жойи ўзгариши натижасида, ўқув юртлари ёки мавсумий ишларнинг тугалланиши сабабли юзага келади.

Таркибий ишсизлик ишчи кучлари талаби таркибдаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, мажбурийлик хусусиятига эга. Инсон эҳтиёжларининг доимий ўсиб бориши ва фан-техника тараққиёти натижасида эски тармоқларининг йўқолиб бориши ва янгиларининг пайдо бўлиши иқтисодий таркибий қайта қуришга олиб келади. Бу эса ходимлар ихтисоси ва малакаси ўзгаришини талаб қилади. Бунинг учун маълум вақт керак. Шунинг учун ҳам мехнат бозоридаги мувозанатнинг бундай бузилиши узок вақт давом этади ва ишсизлик жиддий муаммо ҳисобланади. Аммо у фриқцион ишсизлик каби ҳар қандай ривожланаётган иқтисодий муқаррардир.

Даврий ишсизлик-ишлаб чиқаришнинг тушиб кетиши ва ишчи кучларига талаб етарли эмаслиги натижасида келиб чиқади. Даврий пасайиш товар ва хизматларга бўлган ялпи талабнинг пасайиши, шунга мувофиқ, ялпи таклифнинг камайиши, оқибатида аҳолининг иш билан бандлиги қисқариши ва ишсизликнинг ўсишини билдиради.

Жамиятда фриқцион ва таркибий ишсизлик муқаррар экан, ишчи кучининг иш билан таъминланиши доимо 100 % дан кам деб ҳисобланади.

Ишсизликнинг юқорида санаб ўтилган кўринишлари ўтиш даври иқтисодий таркибдан бошдан кечириётган бошқа мамлакатлар каби Ўзбекистон учун ҳам, таълуқлидир.

Ишсизликнинг табиий ёки меъёрдаги даражаси аҳолининг иш билан тўлиқ бандлик шароитидаги ишсизлик даражасидир. Ишчи кучи бозори мувозанатлашган бўлса, яъни иш қидирувчилар сони буш иш жойлари сонига мувофиқ келса, бундай ҳолат содир булиши мумкин. Шундагина мавжуд бўлган барча ишлаб чиқариш қувватлари тўлиқ ҳаракатга келади.

Ишсизликнинг табиий ёки меъёрдаги даражаси ёки тўлиқ бандлик шароитидаги ишсизлик даражаси фриқцион ва таркибий ишсизлик даражаларининг йигиндиси сифатида аниқланади.

Ишсизликнинг табиий даражаси доимий миқдор деб ҳисобланмайди. Ҳар бир мамлакатда фриқцион ва таркибий ишсизлик кўлами иқтисодий вазият, меъёрий-ҳуқуқий асослар ва аҳоли турмуш тарзининг ўзгаришига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Ҳозирги вақтда ишсизликнинг табиий даражаси 6-7% атрофида қабул қилинган бўлсада, бироқ бу фоизлар турли мамлакатлар бўйича тебраниб туриши мумкин.

Барча мавжуд ресурслардан тўлиқ фойдаланиш ёки ишсизликнинг табиий даражаси ҳолатида иқтисодий яратилиши мумкин бўлган маҳсулот ҳажмини

иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш потенциали деб аталади. Одатда, маҳсулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқарилиш ҳажми потенциал ишлаб чиқарилиш ҳажми билан тенг бўлмайди: иқтисодий пасайиш даврида у потенциал ҳажмдан паст, иқтисодий кўтарилишлар даврида, аксинча, барча ишлаб чиқариш омилларидан максимал фойдаланиш натижасида юқори бўлади.

Оукен қонуни. Ишсизликнинг ҳақиқий даражаси унинг табиий даражасидан қанчалик юқори бўлса, ЯММ узилиши шунча кўп бўлади. Ишсизлик даражаси ва ЯММ ўзилиши ўртасидаги микдорий нисбат макроиқтисодий соҳадаги таниқли тадқиқотчи Артур Оукен томонидан аниқланган ва иқтисодий адабиётларда Оукен қонуни сифатида кенг тарқалган. Бу қонуннинг моҳияти шундан иборатки, агар ишсизликнинг ҳақиқий даражаси унинг табиий даражасидан 1% га ошса, ЯММ ҳажмининг орқада қолиши 2,5% ни ташкил этади.

Назорат саволлари:

- 1.Ишсизлик нима ва унинг қандай турлари бор?
- 2.Ишсизликнинг табиий даражаси ва меҳнат ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш муаммолари қандай?

3-савол бўйича дарс мақсади: Минтақаларда меҳнат биржаларини ташкил этиш ва уларнинг вазифалари тўғрисида талабаларда тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.Меҳнат биржаси ҳақида тушунчага эга бўлади.
- 2.Бандликни мумтоз назариясига оид тушунчага эга бўлади.
- 3.Кейнс назарияси сўзлаб бера олади.

3-савол баёни: У ёки бу тарзда ишсизлик мавжудлигини изоҳлашга, унинг учун тавсиялар беришга қаратилаган кўплаб иқтисодий назариялар бор. Бироқ уларнинг барчаси ўз илдизлари билан икки асосий назарияга: мумтоз ва Кейнс назарияларига бориб тақаладики, улар моҳиятидан бир-биридан фарқ қилади.

Мумтоз иқтисодчилар орасида энг машхурлари Д.Рикардо, Ж.Милль, Ф.Эджураат, А.Маршалл ва А.Пигудир. Уларнинг бандлик хусусидаги ишларининг моҳияти қуйидагича: тўлиқ бандлик-бозор иқтисодиётининг мароми, энг мақбул иқтисодий сиёсат-давлатнинг аралашмаслик сиёсатидир.

Мумтоз иқтисодчиларнинг фикрича, бозор тизими ресурсларни самарали тақсимлаш ва улардан фойдаланишни ўзи таъминлай олиши мумкин. Агар корхоналар ё беркилиб, ё ўз ишлаб чиқариш қувватларининг бир қисмидагина фойдаланган ҳолда иш олиб бориш шароитларини вужудга келтирувчи иқтисодий тангликлар рўй бермаганида эди, мумтоз иқтисодчиларнинг бу фикри амалга ошган бўлур эди. Лекин ҳозир миллионлаб ишсизлар пайдо бўлди.

1936 йили Жон Мейнорд Кейнс “Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси” асарини яратади. Унда Кейнс давлатнинг иқтисодга аралашishi зарурлигини асослашга интилди. Чунки, бозор тизимининг ўзи мавжуд ресурсларидан тўлиқ ва самарали фойдаланишни таъминлай олмайди.

Бандликнинг мумтоз назарияси асосида икки ғоя ётади:

-биринчидан, тўлиқ бандлик шароитида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиб олиш учун сарфиётлар даражаси етарли бўмайдиган ҳолат рўй бериш эҳтимолдан узоқ;

-иккинчидан, агар умумий сарфиётлар даражаси етарли бўлганида ҳам, нарх ва иш ҳақи (шу жумладан, фоизда режаси) сингари тартиблаштирувчи омиллар ишга тушади, натижада умумий сарфиётлар камайиши ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми, бандлик ва ҳақиқий даромадлар камайишига олиб келмайди.

Даромадни қўллашни Кейнс назарияси уч қисмга бўлади. Булар:

-даромаддан истеъмол сарфиётлари; -солиқлар тулаш; -жамғармалар учун фойдаланиш.

Бинобарин, солиқлар тўланганидан кейин даромад икки қисмдан-истеъмол ҳамда жамғармадан иборат бўлади. Демак даромаднинг асосий қисми истеъмолга сарфланмайди.

Ўзбекистон Республикасида инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган кучли ижтимоий сиёсат олиб борилиши мамлакат ҳамда минтақавий меҳнат бозорларида иш кучи таклифи ва унга талабни тартибга солиш бўйича ижобий натижаларга эришиш имконини берди. Чунончи, Сирдарё вилояти туман ва шаҳарларида:

1. Янги иш ўрнилари ташкил қилиш бўйича кенг қўламли тадбирларнинг оширилиши минтақавий меҳнат бозорида меҳнатга муҳтож аҳоли сони муттасил камайиб боришини таъминламоқда. Бу борада, айникса, Сирдарё, Ховос, Сайхунобод, Гулистон туманлари Иш билан бандликка кўмаклашувчи марказлар фаолияти самарали бўлмоқда.

2. Сирдарё вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамда туман ва шаҳарлардаги Иш билан бандликка кўмаклашувчи марказлар ҳудудда демографик ривожланиш тенденцияларини чуқур таҳлил этиш, илмий асослаш натижасида меҳнат ресурслари, иқтисодий фаол аҳоли сони кўпайиши башорат кўрсаткичларини ишлаб чиққанлар ҳамда янги иш ўринлари яратиш режаларини белгилаб, уни амалга оширмоқдалар.

Бу тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 апрелдаги “Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-616-сон қарори⁶ асосида амалга оширилмоқда.

4-жадвал.

Сирдарё вилояти шаҳар ва туманларида меҳнатга муҳтож аҳоли сони динамикаси (минг киши ҳисобида)⁷.

Вилоят туман ва шаҳарлари	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
Гулистон шаҳри	1,2	1,2	1,2	1,2
Ширин шаҳри	0,3	0,3	0,3	0,3
Янгиер шаҳри	0,5	0,5	0,5	0,5
Боёвут тумани	1,6	1,6	1,6	1,6
Гулистон тумани	0,9	0,9	0,8	0,8
Мирзаобод тумани	0,9	0,9	0,9	0,9
Оқолтин тумани	1,1	1,1	1,0	1,0
Сайхунобод тумани	1,1	1,1	1,0	1,0
Сардоба тумани	1,1	1,1	1,1	1,1
Сирдарё тумани	2,2	2,1	2,1	2,1
Ховос тумани	2,2	2,2	2,1	2,1
Вилоят бўйича	13,1	12,9	12,8	12,7

Ўз навбатида меҳнатга лаёқатли аҳоли 424,8 минг нафарга (106,2 %), иш билан банд аҳоли сони эса 335,8 минг нафарга (109,5 %) етади. Кўришиб турибдики, вилоятда янги иш ўрнилари яратиш даражаси аҳоли, шу жумладан меҳнатга лаёқатли аҳоли сони ўсиши суръатларидан юқорироқдир.

Вилоят туман ва шаҳарларида, жумладан 2010 йилда 26 713 та янги иш ўрнилари яратиш режаланган. Уларнинг 41,0 % дан кўпроғи, яъни 10 минг 950 таси кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил қилиш ҳисобига яратилади. Шу билан бирга хусусий тадбиркорликни ҳам жадал суръатларда ривожлантириш кўзда тутилган. Шу ҳисобга юридик шахс мақомига эга бўлмаган хусусий тадбиркорлик тузилмаларида 7228 та янги иш ўринлари яратилади.

Ўзбекистон Республикасида бўлгани каби, Сирдарё вилоятида ҳам хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. 2011 йилнинг ўзида бу

⁶ www.pravo.uz

⁷ Манба: Сирдарё вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси маълумотлари.

соҳада 8014 та иш ўринлари ташкил этиш кўзда тутилган.

Кўришиб турибдики, вилоятда янги иш ўрнилари яратиш даражаси аҳоли, шу жумладан меҳнатга лаёқатли аҳоли сони ўсиши суръатларидан юқорироқдир.

Сирдарё вилоятида ишлаб чиқариш кучлари қувватлари ортиб бормоқда. Хусусан 2011 йилда янги корхоналарни ишга тушириш ҳисобига 1012 та, мавжуд корхона уларни реконструкция қилиш ва кенгайтириш ҳисобига эса 1325 та янги иш ўринлари яратилади.

Аҳолини иш билан таъминлашда уй меҳнатини ташкил қилиш тобора катта аҳамият касб этмоқда. Кейинги 2 йилда фақат шу ҳисобга 3924 та, шу жумладан касаначиликда 2340 та, пудрат шартномалари асосида 1056 та, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 528 та янги иш ўринлари яратилади.

Шу билан бирга вилоятда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш натижасида 737 та, бозор инфратузилмалари такомиллаштирилиши натижасида эса 246 та янги иш ўринлари ҳосил қилинади.

Вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, туман ва шаҳарлардаги Иш билан бандликка кўмаклашувчи марказлар янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича манфаатдор корхона, ташкилот ва муассасалар билан қалин ҳамкорликда иш олиб бориш билан биргаликда ҳудудий меҳнат бозорида рақобатбардош бўлган ихтисослик ва касбларга меҳнатга муҳтож фуқароларни ўқитиш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўрмоқда. Энг аввало вилоятдаги олий ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасалари билан амалий ҳамкорликда меҳнат бозорида иш кучига талабдан келиб чиққан ҳолда ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истикболли режаларига мувофиқ мутахассислар тайёрлаш режаларига зарур ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш бўйича амалий таклифлар бермоқдалар.

Иш билан бандликка кўмаклашувчи марказлар айниқса ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг иш билан бандлигини кафолатли таъминлашга эътиборни кучайтирмоқда. Улар амалдаги қонунчиликка мувофиқ туман ва шаҳарлардаги корхоналар, тадбиркорлик тузилмаларида аҳолининг бу тоифаси учун кўшимча иш жойлари яратишга эришмоқдалар.

Шу билан бир қаторда минтақавий меҳнат бозорларидаги вазият аҳолини иш билан таъминлашни бошқаришни янада такомиллаштиришни талаб этмоқда. Айниқса қишлоқ жойларидаги меҳнатга муҳтож аҳолини аниқлаш бўйича доимий мониторингни йўлга қўйиш жуда муҳимдир. Ҳозирча қишлоқ туманларидаги Иш билан бандликка кўмаклашувчи марказлар бу йўналишда тегишли амалий услубларга эга эмаслар. Уларда айниқса замонавий ахборот технологияларни жорий этиш жуда муҳимдир.

Мамлакатда, шу жумладан Сирдарё вилоятида аҳолини иш билан таъминлашда муҳим тадбирлар оширилаётган бўлса ҳам ҳудудий меҳнат бозоридаги, айниқса қишлоқ туманлари меҳнат бозоридаги вазият, иш кучи таклифининг унга талабга нисбатан муттасил ортиб бориши мазкур йўналишдаги ишларни янада такомиллаштиришни талаб қилади. Юзага чиқаётган муаммоларни самарали ҳал этиш учун, фикримизча, уларга комплекс ёндошишни талаб этади. Шу муносабат билан қуйидагиларни таклиф этамиз:

1. Вилоят аҳолисини иш билан таъминлашнинг устувор йўналишлари (2008-2012 йилларга мўлжалланган) комплекс дастурининг ижросини таъминлаш фақат иш билан бандликка кўмаклашувчи марказларнинг эмас, балки вилоят, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари, улар хизматлари, жамоат бирлашмаларининг асосий вазифаси сифатида белгилаш. Уларнинг фаолияти самарадорлигини аҳолининг иш билан таъминланганлиги даражасига қараб баҳолашни йўлга қўйиш.

2. Амалдаги қонунчиликка Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, бошқа манфаатдор идоралар томонидан битта иш жойининг тармоқлар, минтақалар бўйича ўртача стандарт қийматини ҳар йили, инфляция даражаси ҳисобга олиб ўрнатиш, бу белгиланган қийматдан камроқ маблағ сарфлаб кўпроқ иш жойлари яратган корхоналарни рағбатлантириш ҳамда Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобига янги иш жойлари яратишни танлов

асосида амалга оширишни кўзда тутувчи кўшимча ва ўзгартиришлар киритиш таклифини тайёрлаш.

3. Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши тўғрисидаги Низомга бу жамғармага тўловлардан озод қилинган корхоналар рўйхатини янада кенгайтириш, бундай имтиёз бериладиган корхоналар зиммасига имтиёз туфайли ўзларида қоладиган пул воситаларини айнан иш жойлари яратишга сарфлашни кўзда тутувчи кўшимча ва ўзгартиришлар киритишни таклиф этиш.

Назорат саволлари:

1. Бандликнинг мумтоз (классик) назариясини моҳияти нимада?
2. Кейнс назариясининг моҳияти нимада?
3. Иш билан бандликка кўмаклашувчи марказлар фаолиятини моҳиятини тушунтиринг?

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

Меҳнат ресурслари ҳар бир мамлакатнинг энг асосий бойлигидир. Фан–техника тараққиётининг ҳозирги даврида иқтисодиётнинг ривожланиши инсон омилининг таъсири билан боғлиқдир.

Меҳнат ресурсларининг минтақавий хусусиятлари мавжуд бўлиб, уларга – меҳнат ресурсларининг табиий ўсиши, малакали ходимлар билан таъминлаш, минтақанинг миллий, анъанавий, табиий, иқлимий хусусиятлари қиради.

Меҳнат ресурсларининг кўрсаткичлари–аҳолининг минтақадаги зичлиги, меҳнат унумдорлигининг ўсиши, меҳнат ресурслари самарадорлиги ҳисобланади. Шунингдек, иш билан таъминланганлик, малакали мутахассислар сони, ишсизлар сони ва ҳоказо кўрсаткичлар таҳлил қилинади.

Ишсизликнинг фрикциион, структуравий (тузилиши) ва даврий турлари мавжуд.

У ёки бу тарзда ишсизлик мавжудлигини изоҳлашга, унинг учун тавсиялар беришга қаратилган кўплаб иқтисодий назариялар бор. Улар мумтоз (классик) ва Кейнс назарияси алоҳида аҳамият касб этади.

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-минтақавий тузилиши. Т.: «Ўзбекистон», 1996.
3. «Бюджет тизими тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни. Тошкент 9 октябрь 1999 йил
4. И.А.Каримов. «Ўзбекистон буюк келажак сари» Тошкент «Ўзбекистон» 1997 йил.
5. Ишмухамедов А.Э., Шибаршова Л.И. «Хорижий мамлакатлар иқтисодиётини тартибга солиш» фанидан маърузалар матни. Тошкент «Иқтисодиёт ва статистика» факультети 2000 йил.
6. Шевелева С.А. Основы экономики и бизнеса: Учебное пособие /С.А.Шевелева, В.Е.Стогов.- 2-е изд., перераб. и доп.- М.: ЮНИТИ, 2005.- 515 с. 1 экз.
7. И. А. Родионова. Мировая экономика. Издательство: Питер, 2005. -253с.
8. Кистанов В.В., Копылов Н.В. Региональная экономика России . Издательство: ФИНАНСЫ И СТАТИСТИКА, 2005. -584с.
9. Коваленко Е. Г. [Региональная экономика и управление. Учебное пособие.](#) Издательство: ПИТЕР, 2005. -152с.
10. Мамаев В.К. [Экономика и управление инвестициями в инфраструктуру региона.](#) Издательство: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. -88с.

Интернет веб-сайтлари

1. <http://www.cer.uz> –Ўзбекистон Республикасининг “Иқтисодий тадқиқотлар маркази” нинг “Экономическое обозрение” журналининг электрон манзили. Турли хил иқтисодий мавзуларга оид материалларни олишга имкон беради.
2. <http://www.economyfaculty.uz> – “Микро-макроиқтисодиёт” кафедраси сайти мавжуд бўлган веб-сайт
3. <http://economics.com.ua> –бозор иқтисодиётига тааллуқли бўлган маълумотлар веб-сайти
4. <http://www.bearingpoint.uz> – “Ўзбекистон иқтисодиёти” қўлланмасининг веб-сайти

7-мавзу. Минтақа ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожланишини тартибга солиш.

Фанни ўқитиш технологияси:

«Минтақа ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожланишини тартибга солиш. "мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	<p>Тайёрлов босқичи:</p> <p>1.1.Дарс мақсади: Минтақа ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожланишини тартибга солиш ҳақида талабаларга тушунчалар бериш.</p> <p>1.2.Идентив ўқув мақсадлари:</p> <p>1.2.1. Саноат ишлаб чиқаришни изоҳлаб беради.</p> <p>1.2.2. Минтақа иқтисодиёти саноати ўрни ва ролини тушинтира билади.</p> <p>1.2.3. Минтақа транспорти ва теллекоммуникацияни тушинтира олади.</p> <p>1.2.4.Инвестиция жараёни ва уни минтақалардаги ахволи.Чет эл инвестицияларини минтақаларга жалб этиш муаммолари.</p> <p>1.3.Асосий тушунча ва иборалар: саноат, кичик ва хусусий тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги, деҳқончилик, чорвачилик, агроконсорциум, кооперация, капитал қурилиш, капитал маблағ, транспорт.</p> <p>1.4.Дарс шакли: гуруҳ ва микрогуруҳларда.</p> <p>1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар: суҳбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, видеоусул.</p> <p>1.6.Керакли жиҳоз ва воситалар: Ўқув-методик мажмуа, видеопроректор, видеофилмлар.</p>	Ўқитувчи
2	<p>Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
3	<p>Гуруҳда ишлаш босқичи:</p> <p>3.1. Талабаларга муаммоли савол беради .</p> <p>3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади.</p> <p>3.3. Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p>3.4. Умумий хулосага келинади.</p>	Ўқитувчи-талаба, 40 минут
4	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</p> <p>4.1.Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади:</p> <p>-Саноат ишлаб чиқаришини тушунтиринг?</p> <p>-Коммуникация деганда нимани тушунаси?</p>	Ўқитувчи, 15 минут

	- Инвестиция жараёни ва унинг минтақалардаги ахволини тушунтиринг? - Мехнат биржаларини ва уларнинг вазифаларини тушунтиринг? 4.2.Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	
5	Ўқув машғулотини яқунлаш босқичи: 5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади. 5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади. 5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	Ўқитувчи, 10 минут

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

- 1.Минтақа саноатининг таркиби ва уни ривожлантириш ва саноатда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тажрибаси.
- 2.Минтақа қишлоқ хўжалигининг ривожланиши.
- 3.Минтақада капитал курилишни ривожлантириш дастури.
4. Минтақа транспорти ва теллекоммуникация ривожини.
5. Инвестиция жараёни ва уни минтақалардаги ахволи. Чет эл инвестицияларини минтақаларга жалб этиш муаммолари.

Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:

1. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда ҳамон давлат ва маҳаллий ҳокимиятларнинг аралашуви юқориликча сақланиб қолмоқда. Сиз бу мулоҳазани қандай изоҳлайсиз?
2. Кичик ва хусусий тадбиркорлик бозор иқтисодиёти шароитида энг қулай ва аҳамиятли сифатида қаралади. Бу қарашни сиз қандай баҳолай оласиз?
3. қишлоқ хўжалигида зарар куриб ишлаш ва паст рентабеллик жиддий муаммо сифатида қаралади. Бу қарашни сиз иҳолаб бера оласизми?
4. Республикамизда чорвачилик ишлаб чиқариши 96,7 % хусусий секторга туғри келади. Лекин ушбу тармоқда наслчилик йўналиши фаолиятида бозор мунособатларига мослашаолмаган. Сиз бу муаммони қандай талқин қила оласиз?

Мавзуга оид таянч тушунчалар ва иборалар: саноат, кичик ва хусусий тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги, деҳқончилик, чорвачилик, агроконсорциум, кооперация, капитал курилиш, капитал маблағ, транспорт.

1-савол бўйича дарс мақсади: Минтақа саноатининг таркиби ва уни ривожлантиришда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тажрибаси ҳақидаги назарий ва амалий билимларга эга бўлиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1Минтақа саноат таркиби ва уни ривожланишини тушунтириб беради.
- 1.2.Кичик ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб қуватлашни гапириб бера олади.

1-савол баёни: Саноат — минтақа иқтисодиётининг етакчи тармоқларикан биридир. Хар бир минтақадаги мавжуд саноат корхоналари турли вазирликлар ва уюшмаларга (ассоциацияларга) қарашли бўлиб, турли мулкчиликка асосланган. Демак вилоят ҳудудсида давлат, кооператив, хусусий, аралаш, чет эл сармоясига тегишли бўлган корхоналар мавжуд.

Маҳаллий саноат маҳаллий аҳамиятга эга бўлган хомашё ресурслари асосида ривожлантирилади. Маҳаллий саноат корхоналари энг аввало маҳаллий аҳолининг эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Маҳаллий саноатнинг ривожланиши у ердаги хомашё ресурсларига, аҳолининг эҳтиёжига ва бошқа омилларга боғлиқ. Маҳаллий саноат корхоналарида асосан озик-овқат маҳсулотлари, курилиш материаллари, уй-рўзғор буюмлари ва маҳаллий аҳамиятга молик кийимкечаклар ишлаб

чиқарилади. Улар маҳаллий ҳокимиятга белгиланган ваколатлар асосида ҳисобот берадилар.

Маҳаллий саноат корхоналари ҳозирги даврда коммунал мулкчиликка асосланган корхоналардир. Ўз навбатида, маҳаллий ҳокимият маҳаллий саноатни ривожлантириш, хусусийлаштириш ва тартибга солиш ишлари билан шуғулланади.

Кичик тадбиркорлик сектори барча мамлакатлар иқтисодиётида ниҳоятда муҳим вазифани бажармоқда. **Биринчидан**, ушбу сектор бозор шароитида зарур тезкорликни таъминлайди, ишлаб чиқаришдаги чуқур ихтисослашув ва тармоқлашган кооперацияни яратади. Буларсиз юксак самарадорликни тасаввур қилиб бўлмайди. **Иккинчидан**, у истеъмолчилик соҳасида вужудга келадиган туйнукни тезда тўлдиришга қодир бўлибгина қолмай, энг замонавий машина-ускуналар ва технологиядан фойдаланиб, сарфланган сармоянинг ўрнини жуда тез қоплай олади. **Учинчидан**, майда бизнес бозор учун зарур бўлган рақобатчилик муҳитини, тез пайдо бўлиб, йуқолиб кетадиган турли хил шаклларни яратиш беради, у бир зумда ўзгариб турадиган бозор талабига жавоб беришга тайёр булиш қобилиятига эга. **Тўртинчидан**, у шундай тадбиркорлик муҳити ва руҳини яратадики, энг аввало, ишлаб чиқарувчиларнинг шахсий манфаатдорлиги ва ташаббуси асосига қурилган бирорта ҳам бозор иқтисодиёти буларсиз кун кўра олмайди.

Кўпгина ривожланган мамлакатларда кичик бизнес аллақачон иқтисодиётда ўз мавқеини эгаллаган. Масалан, АҚШ да 19 миллионга турли мустақил фирмаларнинг 90 фоизидан ортиғи майда корхоналардир. Японияда урта ва кичик корхоналар жумласига қирадиган 10 миллионга мустақил компаниянинг 99 фоизи кичик бизнес секторига қиради. АҚШда мамлакат ялпи миллий маҳсулотининг қарийб 50 фоизидан зиёди ана шу сектор ҳиссасига тўғри келмоқда ва янги ташкил этилаётган иш ўринларининг 2/3 қисмини майда фирмалар таъминламоқда.

Кичик тадбиркорлик тизими ишлаб чиқаришни монополиядан чиқариш жараёнида катта аҳамиятга эга. У ҳозирги шароитида жамиятда ишлаб чиқаришни айрим кишиларнинг эҳтиёжларини, уларнинг аниқ дидини қондириш сари йўналтириш учун зарур. Бу нарса маиший хизмат кўрсатиш ҳамда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш соҳаларида яққол кўринмоқда. Кичик корхоналар технология янгиликларини жорий этишда ҳам – оят катта аҳамиятга эга. Янги технологик – ояларни тезқоқ қабул қиладиган кичик бизнесда хатар камроқ ва катта туркумдаги ишлаб чиқаришга қараганда ишни тезроқ йўлга қўйиш мумкин, шунингдек, бизнинг шароитда кичик бизнес илмий-техника тараққиётини жадаллаштиришга ёрдам бериши ҳам мумкин.

Аммо иқтисодиётимизни ривожлантиришда кичик бизнеснинг ижобий аҳамиятини эътироф этган ҳолда унинг аҳамиятини ортиқча баҳолаш ҳам ното-ри. Кичик тадбиркорлик фақат муайян доирада фаоллик кўрсата олади. Шу сабабли кичик тадбиркорликни самарали ривожлантириш учун керакли шароитларни яратиш зарур. Бу ишда хориж тажрибасини ўрганиш ҳам фойдадан холи бўлмайди. Кичик ва хусусий тадбиркорлик барқарор ривожлантириш учун молия фондлари (жамғарма)ни ташкил этиш керак. Бу фондлар банклар учун кафил бўлиши, субсидияларга, шу жумладан, қайтариб олинмайдиган субсидияларга (иқтисодиётнинг алоҳида устивор соҳаларидаги корхоналарни ривожлантириш учун) манба бўлиб хизмат қилиши лозим.

Кичик ва ўрта бизнеснинг тараққий этиши кўп устиворликларга эга. Кичик ва ўрта корхоналар ялпи ички маҳсулотнинг ўсишида ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим манбадир.

Ўрта ҳисобда дунёдаги кичик ва ўрта корхоналарга жами банд аҳолининг 50%и ва ЯИМ умумий ҳажмининг 50 -60%и тўғри келади. Ҳозирда Ўзбекистонда 2003 йил якунлари бўйича кичик бизнесда иқтисодиётда банд аҳолининг улуши 57,0 %ни ташкил этди. ЯИМнинг 35,5 %и тўғри келади.

Назорат саволлари:

1. Минтақада саноатнинг ривожланиши қандай аҳамиятга эга?

2. Саноат ривожланишининг асосий вазифалари ва йуналишлари нималардан иборат?
3. Кичик ва ўрта бизнеснинг тараққий этиши устиворликларига нималар киради?
4. Республикамиз кичик ва ўрта корхоналар улуши аҳоли бандлигида юқори лекин ЯИМ улушида паст бўлишини қандай изохлаш мумкин?

2-савол бўйича дарс мақсади: Минтақа қишлоқ, хўжалигининг ривожланиши ҳақида талабаларда тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 2.1. Қишлоқ хўжалигида аграр ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича амалга оширилаётган чора тадбирларни тушунтириб бера олади.
- 2.2. Чорвачилик тармоғига оид ҳисоб китобларни ҳисоблай олади.
- 2.3. Агроконсорциумнинг асосий вазифаларини тушунтириб бера олади.

2-савол баёни: Аграр-индустириал давлатларда жамият осойишталигининг барометри аграр соҳа ҳисобланиб, унинг ривожланиш суръатлари макроиктисодий кўрсаткичлар даражасини белгилайди. Ўзбекистон шундай давлат ҳисобланиб, сувнинг 80 фоизидан ва ер ресурсларининг 70 фоизидан кўпроги аграр соҳада фойдаланилади. Бу соҳада ялпи ички маҳсулотларнинг 25 фоизга яқини яратилаётган бўлиб, биргина қишлоқ хўжалик маҳсулоти мамлакат валюта тушумларининг 55 фоизини таъминлайди.

Ҳозирги пайтда республика аҳолисининг 63 фоизи ёки 14 миллион нафари қишлоқда истикомат қилади. Аграр соҳада 3,5 миллионга яқин киши банд бўлиб, бу, ишчи кучларининг 40 фоизини ташкил қилади.

қишлоқ хўжалигининг ҳудуддаги вазифаларига қуйи. дагилар киради:

ердан (аввало ҳайдаладиган қисмидан) самарали фойдаланиш ва шу асосда ҳосилдорликни ошириш, ернинг мелиоратив ҳолатини комплекс яхшилаш;

сув хўжалиги фаолиятини юксалтириш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш (озир сувдан фойдаланиш коэффициенти КПД-0,65 га тенг), кам сув талаб қиладиган технологияга ўтиш;

илмий асосланган кимёлаштиришга ўтиш, биоусулдан кенг фойдаланиш;

қишлоқ, хўжалиги моддий-техника базасини юксалтириш, уни ишлаб чиқариш воситаларининг энг самарали турлари билан таъминлаш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш;

чорвачиликнинг ем-хашак базасини ривожлантириш, чорва таркибини, наслини яхшилаш, тезкор омиллардан фойдаланиб, маҳсулдорликни купайтириш.

Маҳаллий қишлоқ, хўжалигини ривожлантиришда ҳар бир минтақанинг хусусиятлари, чунончи, жугрофий жойлашиши, табиий шароити, нуфўзи, миллий хусусиятлари, шаҳар атрофига ёки саноат районларига узоқ-яқинлиги, қайта ишлаш саноатига боғлиқ йулар, иқтисодий ихтисослашганлик каби омиллар ҳам ҳисобга олинади. Уларни ҳисобга олиш ижобий омиллардан кенг фойдаланиш ва самарадорликни тусувчи омилларнинг таъсирини йукотишга олиб келади.

Дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни аниқлаш услуги. Дехқончилик ривожини режалаштиришда ер ресурслари ва унинг тузилиши режалаштирилади. Шу мақсадида қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар баланси тузилади. Унда жорий ва режалаштирилган даврлар учун фойдаланадиган ерлар, табиий ўтлоқлар, яйловлар, кўп йиллик ўсимликлар ўстириладиган ерлар, кўриқ ерлар, кумлоқлар майдони режалаштириладиган йилга аниқланади. Ерлардаги режа даврида бўладиган ўзгаришлар асосида, энг аввало, ҳайдаладиган ерлар майдони ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар таркибидаги ўзгаришлар ҳайдаладиган ерларнинг кўпайишига олиб келиш керак.

ҳайдаладиган ерларнинг умумий майдони аниқлангач, уларнинг баланси тузилади.

Режалаштирилаётган йилдаги ҳайдаладиган ерларнинг майдонини топиш учун йил бошидаги ҳайда ладиган ерларга ҳайдаладиган ерларнинг кўпайиши қўшилиб, камайиши айрилади.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг майдонини аниқлашда қуйидаги омиллар ҳисобига олинади: экинлар ҳосилдорлиги, давлат буюртмасининг ҳажми, ихтисослашув даражаси, хўжалик ва минтақавий эҳтиёжлари, экин турларининг самарадорлиги, амалий экиш талабларига риоя қилиш.

Минтақа қишлоқ хўжалигининг экин майдони қуйидаги тартибда аниқланади: 1. давлат буюртмасининг ҳажми юқоридан олинади; 2. Уруғ (чигит) га эҳтиёж аниқланади; 3. Уру- су-урта фонди аниқланади; 4. Ем-хашак фонди ҳисобланади; 5. Боқа фонд вазаҳиралар аниқланади.

Ҳамма моддалар асосида:

1. деҳқончилик ишлаб чиқариш ҳажми аниқланади;
2. абийй ўтлоқлардаги ишлаб чиқариш ҳажми аниқланади;
3. назарда тутиладиган ҳосилдорлик аниқланади.
4. зарур бўлган экин майдони аниқланади.

Чорвачилик, корамолчилик, куйчилик, чучкачилик, паррандачилик, ипакчилик ва ҳоказо соҳаларга булинади. Чорвачилик маҳсулотларига аҳолининг эҳтиёжлари тегишли институтлар ишлаб чиққан, илмий жиҳатдан асосланган нормалар асосида аниқланади. Умумий чорва маҳсулотларига эҳтиёжни аниқлаш учун аҳоли эҳтиёжига қайта ишлаш саноатининг эҳтиёжи, четга чиқариладиган маҳсулотлар нажми ва бошқа заҳиралар кушилади.

Агроконсорциумлар ҳозирда Россиянинг Москва, Ростов, Ярославль вилоятларида ва Украинанинг бир қанча минтақларида ривожланмоқда. Уларнинг дастлабки тажрибаси қишлоқ хўжалиги ва ҳалқ хўжалигининг барча тармоқларига фойда келтирмоқда. Энг асосийси, ишлаб чиқариш ҳажман купаймоқда. Унинг ҳар бир иштирокчиси горизонтал иқтисодий муносабатлар асосида ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширмоқда.

Агроконсорциумнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни купайтириш ва озиқ-овқат бозорини ташкил этиб, биринчи галда агроконсорциум қатнашчилари талабини қондириш;

ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ, хўжалиги, озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари билан ўз савдосини ва хўжалик (жамоа ва ширкат) бозорларида савдони ташкил этиш;

бошқаришнинг демократик усулларида кенг фойдаланиш, ташаббускорликни рағбатлантириш;

қишлоқни вктимойй ривожлантириш, барча қатнашчи корхоналарнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, моддий, молиявий ва банк кредитлари маблағларидан самарали фойдаланиш ва ҳқ

Агроконсорциум уз фаолиятини қуйидаги тамойилларга амал қилган ҳолда ташкил этади:

агроконсорциумга ихтиёрлик асосида бирлашиш ва чиқиш ҳамда уз маблағларининг бир қисмидан ҳамкорликда корхоналар ташкил этиш;

тақсимланиши зарур бўлган маҳсулотдан ва фойдадан ўз ҳиссасини олиш;

агроконсорциумда ишлаб чиқарилган маҳсулот, ҳисобга олинган фойда ёки даромад агроконсорциум қатнашчиларига тегишлидир;

қатнашчи корхоналарнинг юридик ва иқтисодий мустақиллигини сақлаб қолиш;

барча ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш масалаларига илмий жиҳатдан атрофлича ёндашиш;

шахсий, жамоа ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат тамойилларига қатъий амал қилиш ва ҳоказо.

Назорат саволлари:

1. Республикамизда аграрсаноатнинг муҳим тармоқ сифатида қаралишини қандай исботлайсиз?
2. Аграр соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни сўзлаб беринг?
3. Фермер хўжаликлари истикболли хўжалик юритиш шакли сифатида қаралмоқда. Сиз ушбу мулоҳазани қандай изоҳлайсиз?

4. Чорва мол бош сони қандай аниқланади?

3-савол бўйича дарс мақсади: Минтақада капитал қурилишни ривожлантириш дастури ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

3.1. Капитал қурилиш ишлари ҳисоб китобини амалга ошира олади.

3.2. Моддий ишлаб чиқариш тармоғида капитал маблағларга бўлган талабни аниқлай олади.

3.3. Капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичларини аниқлай олади.

3-савол баёни: Бозор иқтисодиётига ўтиш иқтисодиётнинг катта тармоқлари, айниқса, капитал қурилишга жддий таъсир этади. Сабаби, бу тармоқда кооперациялаш тараккий этган, ижара жамоалари бошқа тармоқлардагига нисбатан олдин пайдо бўлган, биринчилар қаторида уз акцияларини чиқарганлар.

Минтақавий қурилиш бозорини вужудга келтириш қуйидаги вазифалар ижроси билан боғлиқ:

бозор субъектларини вужудга келтириш орқали қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва уларни истеъмол қилувчилар орасидаги муносабатларни шакллантириш;

қурилиш бозорини тартибга соладиган ташкилотларни вужудга келтириш;

қурилиш ходимлари малакасини ошириш;

қурилиш корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш; бозор инфратузилмасини ташкил қилиш.

Ишлаб чиқариш куввати ва асосий фондларни ишга тушириш. Ишлаб чиқариш кувватлари соҳанинг асосий тармоқлари ва асосий маҳсулотлари турлари эътиборга олинган ҳолда ишга туширилади.

Капитал қурилиш учун капитал маблағлар зарур. Капитал маблағлар — ишлаб чиқариш фондларининг ишлаб чиқаришга кетган барча молиявий ва меҳнат харажатларидир. Капитал қурилиш учун ҳам дастлаб бундай маблағларга бўлган талаб ва уларнинг манбалари аниқланади. Капитал маблағларнинг асосий манбалари ишлаб чиқариш фондлари амортизация ажратмаси ва давлат бюджетидан ажратмалар, қўшимча манбалари эса; чет эл сармояси; банк кредитлари (асосан саноат-қурилиш банки кредитлари); чет эллик шахсларининг (хусусий шахсларнинг) маблағлари ва бошқа маблағлар ҳисобланади.

Назорат саволлари:

1.Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида минтақада капитал қурилишни амалга ошириш нималардан иборат?

2.Капитал маблағ нима? У қайси қўшимча манбалар ҳисобига шаклланади?

3.Капитал маблағлар самарадорлиги қандай аниқланади?

4.Республикамизда аграрсаноатнинг муҳим тармоқ сифатида қаралишини қандай исботлайсиз?

4-савол бўйича дарс мақсади: Минтақа транспортининг теллекоммуникация ривожини ҳақида билимларига эга бўлиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

4.1. Маҳаллий транспортнинг асосий иш турлари санаб беради.

4.2. Юк ташишга бўлган эҳтиёжни аниқлай олади.

4.3. Транспортни режалаштириш балансида фойдалана олади.

4.4. Теллекоммуникацияни изоҳлай олади.

4-савол баёни: Транспорт халқ хўжалигида муҳим ўрин тутди. У минтақа хўжалиги иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш комплексининг изчил ва муттасил фаолияти билан бевосита боғлиқ. Транспортнинг нормал фаолияти ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар муносабатлари ривожланишига катта имкониятлар яратади.

Юк ташишга бўлган эҳтиёжни аниқлаш ва уни режалаштириш. Транспорт ишини тартибга солишда қуйидаги вазифалар ва режалаштириш ишлари бажарилади:

1. Ҳар бир минтақа бўйича маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш баланси тўзилади.

2. Минтақалараро ва минтақа ичидаги юкларнинг алмашинувини аниқлаш учун шахмат баланслари маҳсулотларнинг нг муҳим турлари бўйича тўзилади.

3. Ташиладиган юклар транспорт турларига таксимланади. 4. Транспортнинг моддий-техника базаси ривожланиши ва иш фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар аниқланади. Транспорт фаолиятини режалаштириш учун юк ташиш нажми аниқланади. Юк ташиш ҳажмини аниқлашда қуйидаги баланслар тузилади:

1. Махсуд ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш ҳудудий баланслари тўзилади. Демак баланс усулидан фойдаланиб, ташиладиган юкларнинг гажми, бир канча истеъмолчилар билан юк чиқарувчи ташкилотларнинг Яртача масофаси аниқланади.

2. Коэффициентлардан, хусусан, юк ташиш коэффициентидан фойдаланиб, ташиладиган юкларнинг ҳажми аниқланади.

3. 1 млн. сумлик маҳсулот ишлаб чиқаришга тўч'ри келадиган юк ташиш нормативи асосида аниқланади. Режалаштиришда барча усуллардан лозим бўлган ҳолларда фойдаланилади

2011 йилда транспорт ва коммуникация қурилишига **Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Кувайт араб иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси ва ОРЕК жамғармаси томонидан 152 миллион доллардан ортиқ маблағ ажратилиши** кўзда тутилмоқда.

Жорий йилда темирйўлчиларимиз олдида ҳам улкан вазифалар турибди. Хусусан, **Жиззах – Янгиер йўналиши бўйича электрлаштирилган икки йўлли темирйўл тармоғи ва Янгиер – Фарход йўналиши бўйича электрлаштирилган бир йўлли темирйўл тармоғи** қурилишини ниҳоясига етказиш, **Мароқанд – Қарши ва Қарши – Термиз йўналиши бўйича стратегик аҳамиятга эга бўлган темирйўл тармоқларини электрлаштириш** лойиҳаларини амалга оширишга киришиш зарур.

Бу, ўз навбатида, **сарф-харажатларни 20 фоизга камайтириш ва йўловчи ҳамда юкларни манзилга етказиш тезлигини 1,3 баробар ошириш** имконини беради.

Шу билан бирга, йўловчи ташиш локомотивлари паркини янгилаш, юк ташиш локомотивлари ҳамда вагонларини модернизация қилиш ва қайта тиклаш, темир йўлларни модернизация қилиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш лозим. Шулар қаторида **Испаниянинг «Talgo» компанияси билан ҳамкорликда Тошкент – Самарқанд темирйўл участкасида Ўрта Осиёда биринчи бор бунёд этиладиган тезюрар темирйўл магистралини қуриш ва фойдаланишга топшириш** ишларининг белгиланган муддатларда яқунланишини таъминлаш даркор.

Ўзбекистон ҳудудида юкларнинг ички ва халқаро транзитини ишончли равишда таъминлайдиган транспорт ва логистика тизимларини такомиллаштиришга қаратилган изчил ишларни 2011 йилда давом эттиришимиз лозим.

2010 йилда ташкил этилган **“Ангрен” логистика марказини янада ривожлантиришни** кўзда тутиш, жорий йилда **“Қамчиқ” довони орқали камида 5 миллион тонна юк ташишни** таъминлаш зарур. Бунинг учун Ҳукумат ушбу марказнинг контейнер билан келадиган юкларни қабул қилиб олиш, сақлаш ва жўнатиш қувватини ошириш, уни Самарқанд автомобил заводида ишлаб чиқарилаётган **“MAN”** автотягачлари билан таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириши керак.

Шунингдек, ҳозирги вақтда халқаро транспорт логистикасининг глобал тармоғида барқарор ўрин эгаллаган **“Навоий” аэропорти** базасидаги Халқаро логистика марказини янада ривожлантиришни таъминлаш даркор. Жорий йилда **“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси** мазкур аэропорт оператори бўлмиш **“Korean Air”** компанияси билан ҳамкорликда ҳаво қатновлари географиясини янада кенгайтириш, аэропорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва ҳажми тобора ортиб бораётган юкларни ташиш учун самолётлар сонини кўпайтириш ишларини давом эттириши зарур.

Бизнинг 2011 йилги ва истиқболга мўлжалланган иқтисодий дастуримизни амалга оширишда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини комплекс ва жадал равишда ривожлантириш устувор йўналишга айланиши даркор.

Бу муҳим устувор вазифани изчил амалга ошириш учун 2015 йилгача бўлган даврга мўлжалланган махсус дастур ишлаб чиқилган бўлиб, у иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакатимиз ҳудудларини истиқболли ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган дастур билан узвий боғлиқдир.

Таъкидлаш жоизки, бу дастурни амалга ошириш мақсадида 85 та инвестиция лойиҳасини жорий этиш ва бу ишларга барча манбалар ҳисобидан қарийб 7 миллиард доллар йўналтириш мўлжалланмоқда. 2011 йилда бу маблағнинг 1 миллиард 200 миллион доллардан ортиғини ўзлаштириш лозим.

Бу борада Ўзбекистон миллий автомагистрالي таркибига кирадиган автомобил йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш, мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ўзаро ишончли боғлайдиган ягона миллий автомобил транспорт тизимини ташкил этиш лойиҳаларини жадал амалга оширишни таъминлашга биринчи даражали аҳамият қаратилиши лозим.

2011 йилда ушбу мақсадлар учун 2010 йилга қараганда 1,4 баробар кўп, яъни **547 миллион доллардан ортиқ капитал қўйилмаларни йўналтириш**, халқаро талаб ва стандартларга жавоб берадиган **302 километрлик автомобил йўлларини фойдаланишга топшириш** кўзда тутилмоқда.

Сизларнинг эътиборингизни яна бир долзарб масалага, яъни Тошкент – Андижон автомобил йўлининг «Қамчиқ» довони орқали ўтадиган тоғли участкасини **реконструкция қилиш**, бу ерда 4 полосали, семент-бетон қопламали йўл қурилиши бўйича ишларни жадаллаштириш зарурлигига қаратмоқчиман.

Биз Фарғона водийси минтақаларини мамлакатимизнинг бошқа минтақалари билан йил давомида ишончли ва қафолатли боғлаб турадиган транспорт алоқасини таъминлашимиз зарур.

2011 йилда транспорт ва коммуникация қурилишига **Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Кувайт араб иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси ва ОРЕК жамғармаси томонидан 152 миллион доллардан ортиқ маблағ ажратилиши** кўзда тутилмоқда.

Жорий йилда темирйўлчиларимиз олдида ҳам улкан вазифалар турибди. Хусусан, **Жиззах – Янгиер йўналиши бўйича электрлаштирилган икки йўлли темирйўл тармоғи ва Янгиер – Фарход йўналиши бўйича электрлаштирилган бир йўлли темирйўл тармоғи** қурилишини ниҳоясига етказиш, **Мароқанд – Қарши ва Қарши – Термиз йўналиши бўйича стратегик аҳамиятга эга бўлган темирйўл тармоқларини электрлаштириш** лойиҳаларини амалга оширишга киришиш зарур.

Бу, ўз навбатида, **сарф-харажатларни 20 фоизга камайтириш ва йўловчи ҳамда юкларни манзилга етказиш тезлигини 1,3 баробар ошириш** имконини беради.

Шу билан бирга, йўловчи ташиш локомотивлари паркини янгилаш, юк ташиш локомотивлари ҳамда вагонларини модернизация қилиш ва қайта тиклаш, темир йўлларни модернизация қилиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш лозим. Шулар қаторида **Испаниянинг «Talgo» компанияси билан ҳамкорликда Тошкент – Самарқанд темирйўл участкасида Ўрта Осиёда биринчи бор бунёд этиладиган тезюрар темирйўл магистралини қуриш ва фойдаланишга топшириш** ишларининг белгиланган муддатларда яқунланишини таъминлаш даркор.

Ўзбекистон ҳудудида юкларнинг ички ва халқаро транзитини ишончли равишда таъминлайдиган транспорт ва логистика тизимларини такомиллаштиришга қаратилган изчил ишларни 2011 йилда давом эттиришимиз лозим.

2010 йилда ташкил этилган “Ангрен” логистика марказини янада **ривожлантиришни** кўзда тутиш, жорий йилда “Қамчиқ” довони орқали камида **5 миллион тонна юк ташишни** таъминлаш зарур. Бунинг учун Ҳукумат ушбу марказнинг

контейнер билан келадиган юкларни қабул қилиб олиш, сақлаш ва жўнатиш қувватини ошириш, уни Самарқанд автомобил заводида ишлаб чиқарилаётган “MAN” автотягачлари билан таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириши керак.

Шунингдек, ҳозирги вақтда халқаро транспорт логистикасининг глобал тармоғида барқарор ўрин эгаллаган “Навоий” аэропорти базасидаги Халқаро логистика марказини янада ривожлантиришни таъминлаш даркор. Жорий йилда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси мазкур аэропорт оператори бўлиши “Korean Air” компанияси билан ҳамкорликда ҳаво қатновлари географиясини янада кенгайтириш, аэропорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва ҳажми тобора ортиб бораётган юкларни ташиш учун самолётлар сонини кўпайтириш ишларини давом эттириши зарур.

Маълумки, биз замонавий компьютер ва телекоммуникация тизимлари ҳамда технологияларини янада ривожлантиришга ғоят муҳим эътибор қаратмоқдамиз.

2011 йилда замонавий кенг форматли ва оптик технологияларни жорий этиш асосида телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва модернизация қилиш, **950 километрдан ортиқ оптик толали алоқа тармоғини фойдаланишга топшириш**, вилоятлар марказларига маълумотлар узатишнинг транспорт тармоғини кенгайтиришни таъминлаш вазифаси қўйилмоқда.

Кўзда тутилган ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобидан **интернетнинг халқаро тармоқларига чиқиш имкониятлари тезлигини 4 баробар ошириш**, турғун стационар алоқа орқали **интернетдан фойдаланувчилар сонини 3 миллиондан 3,5 миллион нафарга кўпайтириш**, кенг форматли телекоммуникация тармоқларидан фойдаланувчилар сонини эса икки баробар ошириб, 100 мингтага етказиш лозим.

Ўқув жараёнига кенг форматли коммуникация тармоқлари ва интернет технологияларини жорий қилиш мақсадида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда “**Электрон таълим**” миллий тармоғини барпо этишни ниҳоясига етказиш ҳамда 2011 йилда мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртларини, кейинчалик эса академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини ягона компьютер ахборот тармоғига улашни таъминлаш вазифаси юклатилади.

2015 йилгача мамлакатимизнинг барча ҳудудларида рақамли телевидениега ўтишни таъминлаш бўйича комплекс дастурнинг амалга оширилиши биз учун алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ушбу лойиҳа доирасида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига 2011 йилда Нукус, Урганч, Андижон ва Қарши шаҳарлари телемарказларида замонавий рақамли узатиш ускуналарини ўрнатиш, аҳолини рақамли форматдаги теледастурлар трансляцияси билан қамраб олишни 23 фоиздан 37 фоизга ошириш, шунингдек, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида рақамли телевидение учун махсус мосламалар ишлаб чиқариш қувватини 50 минг донага етказиш вазифаси топширилади.

2011 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг медиамарказини Япония ва Германиянинг етакчи компанияларида ишлаб чиқарилган энг замонавий мултимедиа техникаси билан жиҳозлаб, фойдаланишга топширишни таъминлаш зарур.

Назорат саволлари:

1. Маҳаллий транспортнинг асосий турига қайси транспорт киради?
2. Юк ташиш ҳажми қандай аниқланади?
3. Автомобиль йуллари қандай категорияларга бўлинади?
4. Теллекоммуникацияни изохлаб беради?

5-савол бўйича дарс мақсади: Инвестиция жараёни ва уни минтақалардаги ахволи. Чет эл инвестицияларини минтақаларга жалб этиш муаммолари ҳақида билимларига эга бўлиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

5.1. Инвестиция жараёни ва уни минтабалардаги ахволини изоҳлай олади.

5.2. Чет эл инвестицияларини минтақаларга жалб этишни изоҳлаб бера олади.

5-савол баёни: Замонавий маҳаллий иқтисодий адабиётларда Ўзбекистон Республикасида инвестицион фаолликни ошириш муаммоси асосан икки ёндашув: биринчидан, ишлаб чиқариш аппаратининг юқори даражада ҳам маънавий ва ҳамда жисмоний эскирганлиги туфайли уни янгилаш зарурияти, иккинчидан эса кўп жиҳатдан ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг жадаллашувига замин яратувчи мамлакат саноатини таркибий қайта қуриш ва унинг бақарор ўсишини таъмин этувчи асос сифатида қаралади. Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида унинг жаҳондаги сиёсий мавқеини ва жамиятдаги ижтимоий барқарорликни белгилаб бергани ҳолда, саноат мажмуи тармоқлари муҳим ўрин эгаллайди. Бюджет танқислигининг сурункали ўсиши, муттасил тарзда тўлов қобилиятининг пасайиб бориши ва пировардида ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин қисқариши билан тавсифланувчи 1990 – йилларда Ўзбекистонда вужудга келган иқтисодий вазият саноатни ривожлантириш учун ўта зарур бўлган инвестицион ресурслар етишмовчилигининг доимий тус олишига олиб келди.

Ҳозирги иқтисодий ўзгаришлар даврида мамлакатимизда янги инвестициялар оқимида бўлган эҳтиёж иқтисодий ўсишни таъминлаш билан боғлиқ бўлган жорий вазифаларни ҳал этиш, ҳамда фавқулодда аҳамият касб этувчи, хусусан, амалда авария ҳолатида ишлашни ҳамон давом эттираётган (саноатда асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача эскириши 2004 йилда 50,6% ни ташкил этган) аллақачон ўз хизмат муддатини ўтаб бўлган машина ва асбоб-ускуналар паркиннинг ялпи тарзда ишдан чиқиши билан боғлиқ бўлган инқирознинг вужудга келиш хавфини бартараф этиш билан изоҳланади.

1990 йилда саноатда ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарининг ўртача ёши 11 йилни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2004 йилга келиб, қарийб икки маротаба ўсди ва 21,2 йилни ташкил этди (1- жадвал). Ҳозирда 11-20 йил аввал ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналар устун мавқега эга бўлса, 1990 йилда 5 дан 10 “ёш” гача бўлган асбоб-ускуналар саноатда устун мавқега эга эди. Бошқача қилиб айтганда, асосий фондларнинг бир мунча фаол қисми- машина ва асбоб-ускуналар вақт ўтгани сари эскириб бормоқда, ишлаб чиқариш аппарати эса сезиларли тарзда ўзининг рақобатбардошлигини йўқотиб бормоқда, бу эса кўп ҳолатларда маҳаллий саноат корхоналарининг рақобатбардошлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

1-жадвал.

Саноатда ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарининг ёш таркиби (%)

Кўрсаткичлар	Йиллар						
	1990	1995	2000	2001	2002	2003	2004
Барча асбоб-ускуналар	100	100	100	100	100	100	100
Шундан ёши: 5 йилгача	29	10	5	6	6,7	7,8	8,6
6-10 йилгача	28	30	11	8	5,8	4,9	5,1
11-15 йилгача	17	22	26	23	20,0	16,4	12,3
16-20 йилгача	11	15	21	22	22,6	22,7	22,5
20 йилдан юқори	15	23	38	41,5	44,9	48,2	51,5
Ўртача ёши, йил	11	14	19	19	20,1	20,7	21,2

Марказдан режалаштириш ва маъмурий бошқарув тизими инкор этилаётган ҳозирги шароитда, биринчи галда давлат функцияларини амалга оширишга хизмат қилиувчи бир қатор тармоқ ва ишлаб чиқаришларни истисно этганда мамлакат саноатини ривожлантириш ҳудудийлаштириш жараёнлари билан тавсифланади.

Минтақавий сиёсат бир томондан минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, маҳаллий бюджет, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, техникавий ва технологик база, инсон ресурслари, молиявий чекловлар кабиларни ўз ичига олувчи талаб ва шартлар асосида, иккинчи

томондан эса саноат сиёсатини амалга оширишнинг шаклланиш манбаи ва минтақани қўллаб-қувватлашнинг асосий дастаги бўлган минтақа инвестицион сиёсатини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади. Бундан ташқари, инвестицион сиёсат саноат сиёсатини мувофиқлаштириш орқали кадрлар, экспорт, ижтимоий, бюджет каби иқтисодий сиёсат кўринишларини ишлаб чиқишга ўз таъсирини кўрсатади.

Умуман олганда саноат сиёсати белгиланган мақсадларга мақсадли тарзда таъсир кўрсатишга хизмат қилувчи бир қатор тузилмавий ташкил этувчилар (инвестицион, экспорт-импорт, пул-кредит ва иқтисодий сиёсат-нинг бошқа кўринишлар)дан ташкил топиши мумкин.

Тузилмавий-инвестицион сиёсат соф бозор воситаси (инструменти) ҳисобланмайди, шу сабабли ҳам у ҳам бозор ва ҳамда маъмурий усуллар уйғунлиги остида амалга оширилиши лозим. Саноат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чоғида инвестицион сиёсатга катта урғу берилади ва унинг асосий йўналишларини белгилаб олишда қуйидаги меъзонлар албатта ҳисобга олиниши лозим: сармоя киритилаётган саноат ишлаб чиқариши маҳсулотига тўловга қобил талабнинг мавжудлиги ва унинг ўсишини таъминлаш; инвестицион лойиҳаларнинг капитал сиғимини пасайтириш; лойиҳаларнинг ишлаб чиқариш ва инвестицион цикли қопланиш даврининг имкон қадар паст бўлиши; қўйилган сармоя ҳисобига мумкин бўлган энг юқори фойда даражасининг таъмин этилиши; инвестицион лойиҳани амалга ошириш натижасида талаб технологик занжирининг энг юқори қиймати таъмин этилиши ва шу кабилар.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, инвестицион сиёсат минтақа саноат сиёсатини тўла қонли тарзда рўёбга чиқаришнинг ҳал қилувчи унсури (элементи) ҳисобланади.

Инвестициялар корхона ривожланиш стратегиясини амалга ошириш-нинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади. Саноат корхонасининг инвестицион стратегияси айна чоғда ўзида корхонанинг иқтисодий ва ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтиришга йўналтирилган сармоя қўйишнинг бир мунча самарали шакллари асослаш ва амалга оширишга қаратилган фаолиятни ифода этади. Ўз навбатида, инвестицион сиёсатни рўёбга чиқариш учун хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тармоқ, ҳудудий ва инвестициялар учун жозибали бўлган белгилари бўйича гуруҳланган реал инвестицион лойиҳалар умумийлигини ифода этувчи инвестицион дастурлар ишлаб чиқилади.

Сирдарё вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати айна вақтда минтақада таркиб топган ўзига хос шарт-шароитларни аск эттиради, чунки мазкур шарт-шароитларнинг қарор топишига туртки бўлган жиҳатларнинг давомийлиги ва йўналиши барча минтақаларда бир хиллик касб этар эди. Иқтисодий пасайишнинг энг муҳим омилларидан бири, йиллар давомида таркиб топган ва аввал бошиданок хомашё етиштириш ва оралик маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган саноат тузилмаси ҳисобланади.

Саноат тузилмасининг оқилона ташкил этилмаганлиги яна шу билан изоҳланар эдики, асосан бошқа минтақалардан келтирилувчи хомашё, ёқилғи, металл, бутловчи қисмлар ҳисобига товар ресурсларини яратувчи тармоқлар бир мунча ривожланган эди. Устига устак бу тармоқлар тайёр маҳсулотни минтақадан ташқарига чиқаришга йўналтирилган эди. Натижада ички истеъмол бозорига ишловчи ишлаб чиқариш қувватларининг ривожланиши анча орқада қолиб кетди.

Режали иқтисодиёт даврида Сирдарё вилояти саноат корхоналарининг асосий қисми собиқ Иттифоқ ягона мудрофаа мажмуининг бўғинлари ҳисобланар эди ва шу сабабли ҳам вилоят корхоналарида халқ хўжалигининг бир мунча йирик бўлган тизимлари учун алоҳида деталаргина ишлаб чиқарилар эди, холос. Илгари таркиб топган тизимлар ва технологик занжирнинг турли бўғинлари ўртасидаги алоқаларнинг барҳам топиши натижасида, тугалланмаган цикл маҳсулотларини ишлаб чиқаришни инкор этувчи ўзгаришлар юз бера бошлади. Иқтисодий вазият (конъюнктура) якуний маҳсулотни талаб этди, бу эса янги технологиялар, сотиш бозорлари ва ҳамкорларни излаб топиш вазифасини кун тартибига долзарб қилиб қўйди.

Бунда, хорижий капитал, яхлит ҳолатда миллий хўжаликнинг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатмаган ҳолда, ҳозирда ишлаб чиқаришнинг бир қатор тор, биринчи навбатда хорижий истеъмолчиларнинг талабини қондиришга йўналтирилган соҳаларида “ўсиш катализатори” вазифасини ўтамоқда. Бизнинг фикримизча, саноат ишлаб чиқаришига инвестицияларни рағбатлантириш чора – тадбирлари қуйидаги йўналишларни қамраб олиши лозим:

- Экспорт қилинувчи хомашёнинг мамлакат ҳудудида юқори даражада қайта ишланишини рағбатлантириш;
- Хомашё ва маҳсулотларга юқори технологик ишлов беришга ихтисослашган халқаро кооперацион занжирларга маҳаллий корхоналарнинг кўшилишига ҳар томонлама кўмаклашиш;
- Мамлакат минтақасида қайта ишловчи ишлаб чиқаришларни жойлаштиришлари учун хорижий компанияларга қулай шарт- шароитлар яратиб бериш ва шу қабилар.

Инвестицияларни минтақалар ўртасида тақсимлаш катта ўрин эгалламайдиган, фақатгина миллий иқтисодиётда умумий миқёсда капитални ўстириш муҳим аҳамият касб этувчи мамлакатлар дунёда кам эмас. Бироқ, бу ўринда сўз ихчам ва кичик бўлган давлатлар тўғрисида бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Йирик давлатлар, хусусан федератив тузилишга эга бўлган ва минтақалар ўртасида табиий ресурслар билан таъминланиш, ижтимоий-иқтисодий омиллар борасида фарқланиш мавжуд бўлган давлатларда бу масала эътибордан четда қолиши мумкин эмас.

Минтақа саноат мажмуини ривожлантириш самарали ва яшовчан стратегиясини рўёбга чиқаришнинг муҳим ва зарурий шarti инвестицияларнинг таваккалчилик даражасини олдиндан аниқлаб берувчи ва минтақада инвестицион фаолият юритиш шартларини белгилаб берувчи, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий ва шу қаби омиллар таъсири остида шаклланувчи минтақа инвестицион иқлими билан белгиланадиган минтақа инвестицион салоҳиятини рўёбга чиқариш ҳисобланади.

Сирдарё вилояти саноат мажмуи учун инвестицион сиёсат ишланмалари асослари тавсия этилган, хусусан инвестицион сиёсат доирасида қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

- Инвестицион фаолият мониторингини амалга ошириш ва инвесторлар ва инвестицион маблағларга эҳтиёж сезувчилар тўғрисидаги ахборотларни тизимлаштириш;
- Республика саноат корхоналари инвестицион дастурларини амалга ошириш учун молиявий маблағларни жалб этиш ва жамлашнинг самарали механизмини яратиш;
- Республикада инвестицион фаолиятни тартибга солувчи қонун ва қонун ости ҳужжатларини ишлаб чиқиш;
- Саноат корхоналари ва ҳамда потенциал инвесторларнинг инвестицион фаоллигини ошириш учун зарур бўлган мамлакат саноат мажмуи инвестицион инфратузилмасини ривожлантириш;
- Ўзбекистон ва унинг ташқарисида минтақанинг ижобий инвестицион имиджини шакллантириш.

Минтақа саноат мажмуига маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб этишни кенгайтириш ва қулай инвестицион иқлимни яратиш борасида ўз ичига қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишни қамраб олган механизм таклиф этилган:

- минтақавий саноат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш доирасида инвестицияларни жалб этишнинг ҳудудий стратегиясини ишлаб чиқиш;
- инвесторларни мақсадли маркетингини амалга ошириш;
- минтақавий инвестицион фондни барпо этиш;
- вилоятда инвестицион сиёсатни мувофиқлаштирувчи ва доимий фаолият кўрсатувчи профессионал тузилма ташкил этиш.

Саноатда инвестицион сиёсатни амалга оширишнинг муҳим истикболли йўналишларидан бири саноат ишлаб чиқаришини кўллаб-қувватловчи минтақавий инвестицион фондларни барпо этиш ҳисобланади, бу эса ўз навбатида янги ишлаб чиқариш лойиҳалари ва минтақада аввалдан фаолият кўрсатаётган истикболли саноат ишлаб чиқариш корхоналарига тўғридан – тўғри инвестиция қилишлари учун маҳаллий ва хорижий инвесторларнинг катта ҳажмдаги маблағларини тўплаш имконини беради. Фонднинг асосий фаолияти корхоналарнинг бозор қийматини ўстириш, товар ва хизматлар сотиш ҳажмини кўпайтириш, солиққа тортиладиган базани кенгайтириш, янги иш ўринларини яратиш ва инвестицион лойиҳани амалга ошириш доирасида инвестор учун мақбул бўлган даромадлиликни таъминлаш мақсадида молиявий маблағларни товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга инвестициялашдан иборатдир.

Бугунги кунда минтақавий ривожланишни баҳолашларга бўлган ёндашувларнинг барчасининг асосида минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланувчи, инвестицияларни баҳолаш ётади. Бизнинг фикримизча, бу қуйидагилар билан изоҳланади: биринчидан, инвестицион иқлимни бошқаришнинг пировард мақсади инвестициялар оқимини таъминлаш ҳисобланади, иккинчидан, инвестицион фаолиятнинг натижаси минтақавий ривожланиш ҳисобланади. Бошқа бир томондан эса, минтақа қанчалик ривожланган бўлса, у шунчалик инвестицион иқлимни яхшилаш учун кўп ресурсларга эга бўлади.

Инвестициялар, рақобатбардошлилик ва инновацияларни бошқариш борасида ўтказилган кўп сонли тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, инвестицион иқлимни бошқариш кўп жиҳатдан минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси билан белгиланади. Мамлакатимиз шароитида бундай ёндашув ўзини тўла оқлайди, зеро ҳар бир ҳудуд ўзининг тарихан таркиб топган шарт-шароитлари билан бир-биридан фарқ қилади, бу эса ўз навбатида бир тармоқнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатса, иккинчи бир тармоқнинг ривожланишини чеклаб қўяди.

Маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар кўпчилик ҳолларда “Кўйилган сармоя учун инвестор қайси минтақада энг паст таваккалчилик даражаси билан энг юқори фойдага эришиши мумкин?”- деган ягона саволга жавоб топишга интилишиб, минтақа инвестицион иқлимини фақатгина инвестор нуқтаи назаридан баҳолашади.

Бироқ, минтақа инвестицион иқлими, биринчи навбатда маҳаллий ҳокимият органлари манфаати нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда баҳоланиши лозим, чунки Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир субъекти ўзининг инвестицион иқлими, яъни инвесторларни жалб этиш борасидаги истикболлари ҳақида ҳаққоний маълумотларга эга бўлишдан манфаатдордир. Мазкур баҳолаш хусусий инвестор ва минтақа манфаатини ўзаро келишувини таъминлаш, минтақа инвестицион сиёсатини ишлаб чиқишда бозор иқтисодиёти унсурларини тўла қонли тарзда ҳисобга олиш имконини беради. Ўз навбатида минтақалардаги инвестицион вазиятни баҳолаш усулларини ўрганишга бағишланган ишлар Ўзбекистон Республикаси субъектларининг инвестицион жозибadorлигини баҳолашнинг усул ва воситаларининг етарлича рангбаранглиги билан тавсифлансада, унга бир қатор камчиликлар хосдир:

1. Кўпчилик тадқиқотчилар минтақа инвестицион фаолиятининг энг муҳим ташкил этувчиларидан бири бўлган- инвестицион фаолликка етарлича эътибор беришмайди. Бундан ташқари, у инвестицион иқлимнинг муҳим ташкил этувчиси ва айни пайтда Ўзбекистон Республикаси субъектларининг инвестицион жозибadorлигини рўёбга чиқаришнинг натижаси ҳисобланади.
2. Айрим инвестицион рейтингларнинг эксперт баҳолашларга асосланганлиги, олинган натижаларнинг кўпчилик вазиятларда субъективлигига сабаб бўлади.
3. Статистик баҳолашларга асосланган услубиётларда умумий натижаларга биргаликда таъсир этувчи кўрсаткичлар таҳлилида узвий корреляцион боғлиқлик муҳим ўрин тутаяди. Ушбу ҳолатда эса, минтақа инвестицион иқлимини баҳолаш натижалари реал воқеликни акс эттира олмаслиги мумкин.

4.Кўриб чиқилаётган инвестицион жараёнлар таҳлиliga ёндашувларнинг ҳеч бирида тармоқ таснифидан фойдаланилмайди, бизнинг фикримизча тармоқ таснифидан фойдаланиш тармоқ ривожланишига инвестицион иқлим омилларининг таъсир даражасини аниқлаш имконини беради.

Инвестицион иқлим моҳиятни очиб беришга қаратилган иқтисодий фанидаги мавжуд қарашларнинг тадрижий ривожланишини ҳисобга олган ҳолда, этимология нуқтаи назаридан “инвестицион иқлим” иқтисодий категориясининг мазмунини очиб беришга мазкур мавзуда катта аҳамият берилган. Иқтисодий адабиётларда мавжуд таърифларнинг таҳлили аниқ тизимлаштирилган ва бир маъноли тушунтиришларнинг йўқлигини кўрсатмоқда, бу эса инвестицион иқлимни шакллантириш, ривожлантириш ва ундан фойдаланиш каби мураккаб жараёнларнинг натижаси ҳисобланади. Мавзуда “инвестицион иқлим” иқтисодий категориясининг мазмунини очиб берувчи муаллифлик талқини берилган, унга кўра инвестицион иқлим инвестицион фаолият субъектлари ўртасида таркиб топган муносабатларга боғлиқ равишда пул ва бошқа ресурсларни қўйишнинг мутлоқ ўртача самарадорлик кўрсаткичларида намоён бўлувчи, маълум бир миллий иқтисодий тизимнинг жорий ҳолати учун хос бўлган иқтисодий шарт-шароитларни ифода этади.

Инвестицион иқлимнинг шакллантириш борасидаги давлатнинг ўрни давлат юритаётган инвестицион сиёсатининг мақсадлари орқали ифодаланади. У мамлакат иқтисодий тараққиётига кўмаклашувчи ва ҳар қандай миллий инвестицион стратегиянинг таркибий қисми ҳисобланувчи инвестицияларни молиялаштиришнинг мумкин бўлган барча маҳаллий ва хорижий манбаларидан фойдаланишда намоён бўлади. Шу сабабли сармоя жалб қилишда барқарор қулай инвестицион муҳит барпо этишга катта эътибор қаратиш жоиздир, бу эса ўз навбатида хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, инфляция суръатларини пасайтириш, самарали ижтимоий сиёсат олиб бориш, инвесторларнинг ҳақ-хуқуқларини таъминлаш ва зарурий молиявий ресурсларни жамлашни кўзда тутаяди.

Қулай инвестицион иқлим ва ҳукумат томонидан олиб борилаётган самарали инвестицион сиёсат мамлакатнинг ўз ички маблағларини, халқаро донорлар маблағларини (ЕТТБ, ХВФ, Жаҳон банки) сафарбар қилиш ва тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш имконини беради.

Тўғридан- тўғри инвестициялар молиялаштиришнинг бошқа шакл-ларини қўллаб-қувватлаши ва фаоллаштириши билан бир қаторда сармоялашнинг миллий манбалари ва халқаро фондлар маблағларига нисбатан бир қатор устунликларга эга:

1. “нау-хау” ларни ўзаро манфаатли айрибошлаш (халқаро бозорларга чиқиш билан) биргаликда амалий кўникмалар ва бошқарув маҳоратининг кириб келишини таъминлайди;
2. нафақат ишлаб чиқариш, балки иқтисодийнинг бошқа соҳаларида ҳам ижобий акс этувчи инвестицион циклни фаоллаштириши мумкин бўлган мультипликатив самарага эга;
3. рақобатни ривожлантиради, ўрта ва кичик бизнес тараққиётига хисса қўшади;
4. оқилона ташкил этиш, рағбатлантириш ва жойлаштириш шароитида миллий иқтисодийда инновацион технология-ларнинг кенг қулоч ёзишини таъмин этади;
5. ишлаб чиқаришнинг моддий асоси (станоклар, асбоб-ускуна-лар, ишлаб чиқариш технологиялари) га қўйилмаларни рағбатлантира бориб, яхлит тарзда иқтисодийга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган чайқов ва нобарқарор портфел инвестицияларга қарши ўлароқ иқтисодий жиноятчилик даражасининг пасайи-шига, ижтимоий-иқтисодий барқарорликнинг мустаҳкамлани-шига замин яратади;
6. бандликнинг ошишига кўмаклашади ва аҳоли даромадлари даражасининг ошишини таъминлайди, солиқ базасини кенгай-тиради;

7. ўрта ва кичик бизнеснинг ривожига, яъни “ўрта синф”нинг қарор топишига кўмаклашади.

Лизинг, венчур капитали, IPO, ЭИХлар инвестицион иқлимни таъминлашнинг асосий инновацион шакллари сифатида қаралади.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида лизинг фаолият кўрсатаётган корхоналарни технологик қайта қуроллантириш ва янгидан барпо этилаётган корхоналарни эса илғор техника ва технологиялар билан жиҳозлашнинг муҳим дастакларидан бири ҳисобланади. Айнан шу сабабли ҳам, лизингнинг иқтисодий моҳиятини қараб чиқиш ва миллий иқтисодиёт доирасида мазкур иқтисодий восита (инструмент)нинг ривожланишини таҳлил этишни зарур, деб ҳисоблаймиз. Мавжуд ишлар асосида лизингнинг асосий авфзалликлари ва камчиликлари ўрганиб чиқилди. Ўзбекистонда, шу жумладан МДҲ мамлакатларида лизинг бозорини шакллантириш ва ривожлантиришнинг долзарблиги биринчи навбатда, асбоб-ускуналар паркиннинг ночор ҳолати (жисмоний ва маънавий эскирган асбоб-ускуналарнинг етарлича катта улуши, улардан фойдаланиш самарадорлигининг пастлиги, эҳтиёт қисмлар билан таъминланмаганлик ва ҳоказо) ва илмий-техник тараққиёт маҳсулот-ларини жорий этиш ҳамда асосий фондларни янгилаш учун айланма маблағларнинг сезиларли даражада етишмаслиги билан изоҳланади. Молиялаштиришнинг лизинг шакли модернизациялаш учун маблағ муам-мосига дуч келган корхона ва кўйилган маблағларнинг қайтарилишининг етарлича кафолати бўлмаганлиги сабабли ушбу корхонага хоҳлар-хоҳламас кредит такдим этувчи банк ўртасидаги зиддиятларни бартараф этади. Лизинг операциялари барча иштирокчилар учун бирдек фойдалидир: бир томон босқичма-босқич тўлаб бориловчи кредит ва керакли асбоб-ускунага эга бўлса, бошқа бир томон эса кредитнинг қайтарилиш кафолатига эга бўлади, чунки охириги тўлов амалга оширилгунга қадар лизинг объекти лизинг операциясини молиялаштирган банк ёки лизинг берувчининг мулки ҳисобланади.

Венчур капиталини иқтисодий тараққиётни таъминлаш ва инвестицион иқлимни барпо этишнинг инновацион шаклларида бири сифатида эътироф этиш мумкин. Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, венчурли молиялаштириш миллий хўжаликни иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим манбаларидан бирига айланиб бормоқда. Мазкур тадқиқот доирасида венчурли молиялаштиришни амалда қўллашнинг маҳаллий ва хориж тажрибаси кенг ўрганилди. АҚШ, Европа мамлакатлари, Япония ва Ҳиндистонда венчур капиталдан фойдаланиш борасида тўпланган бой ижобий тажрибалар венчурли бизнес бугунги кунга келиб, кучли жаҳон индустриясига айланганлигини амалда кўрсатди ва у иқтисодиётнинг истиқболли соҳаларини қўллаб-қувватлашда муҳим воситалардан бири сифатида ўзини намоён эта олди. Венчурли бизнес инвестицион ресурслар-нинг танқислиги ва қимматлигини бартараф этишга кўмаклашгани ҳолда, иқтисодий ўсиш сифатини тубдан ўзгартириши мумкин. Хусусан, Ҳиндистонда дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш соҳасида инвестиция-ларни ва венчурли бизнесни қўллаб – қувватлаш натижасида 1990 йил-ларнинг бошида жуда катта иқтисодий самарага эришилди. Информацион технологиялар экспортидан даромад 1999 йилда 2,7 миллиард долларни ташкил этгани ҳолда, бу кўрсаткич 2000 йилга келиб 4 миллиард доллардан ошиб кетди. Дунё дастурий маҳсулотлар бозорининг йиллик ҳажми ҳозирга келиб, қарийб 140 миллиард долларни ташкил этмоқда, бир қатор баҳолашларга кўра, 2008 йилнинг охирига бориб, унинг учдан бир қисми Ҳиндистон улушига тўғри келиши кутилмоқда (таққослаш учун: Россия Федерациясида нефт ва газнинг экспорти сўнгги 10 йил ичида 40 миллиард доллардан ошгани йўқ). 1990-йилларда венчур индустриясига таянган ҳолда, миллий sanoatнинг йирик тармоғига айланиб улгурган ривожланган юқори технологияли секторни шакллантира олган Исроил давлатининг тажрибаси ҳам ибратлидир.

Венчурли тадбиркорликка инвестициялар, хусусан, юқори малакали мутахассислар бандлигининг ўсишига, аҳоли турли қатламлари турмуш даражасининг яхшиланишига олиб келади. Венчур капиталининг дунё бозори ҳажми 1990 – йилларнинг ўрталарига келиб 100 миллиард долларлик чегарадан ошиб кетди. Венчурли тадбиркорлик

фан сиғимли тармоқларда янги ишланмаларни жорий этишда муҳим ўрин тутди. Молиялаштириш манбалари тузилмаси ва маблағларни тақдим этиш шартлари нуқтаи назаридан у инвестицияларнинг жалб қилишнинг анъанавий усулларидан бир мунча фарқ қилади. Венчурли бизнес инновацион фаолиятнинг инвестицион механизмининг янги типини яратгани ҳолда, иқтисодиётнинг яхлит ҳолда фаолият кўрсатиш самарадорлигини оширади. Бизнинг фикримизча, венчурли тадбиркорликнинг барча авфзалликларидан миллий иқтисодиётнинг барча бўғинларида бирдек фойдаланилиши лозим.

Сўнгги пайтларда мамлакатимиз иқтисодиётида иқтисодий ривож-ланишни таъмин этишнинг шаклларида бир бўлган IPO ларга корхона-ларнинг қизиқиши тобора ортиб бораётганлиги кузатилмоқда. Тадқиқот доирасида миллиқ иқтисодиёт доирасида IPO ларни қўллаш имкониятлари ва уларнинг иқтисодий мазмуни ўрганиб чиқилди. IPOлардан фойдаланишнинг ғарб тажрибаси таҳлил этилди. Ҳозирда Ўзбекистон бозорларида IPOларни амалга оширишнинг бир қатор авфзалликлари кўзга ташланмоқдаки, бу эса иқтисодий тараққиётни таъминлашнинг мазкур инновацион шаклининг оммалашувиға олиб келмоқда. 2006 йилнинг 9 ойи мобайнида IPOларнинг Республика бозорида 12 та умумий ҳажми 13648,0 миллион долларлик акцияларни очиқ жойлаштириш амалга оширилганлигининг ўзиёқ, молиявий ресурсларни жалб этишнинг мазкур воситасиға маҳаллий корхоналарнинг қизиқиши ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Бизнинг фикримизча, иқтисодий ривожланишнинг глобаллашуви шароитида, инвестицион иқлим иқтисодий муносабатларининг инновацион шаклларида бири сифатида инвестицион иқлимни таъминлашнинг инновацион-институционал шакли бўлган эркин иқтисодий ҳудудлар модели муҳим ўрин эгаллайди. Мазкур тадқиқот ишида эркин иқтисодий ҳудудларнинг иқтисодий мазмунини очиқ беришға, улардан фойдаланишнинг жаҳон ва миллий тажрибаларини ўрганишға катта урғу берилган. Эркин иқтисодий ҳудудларни барпо этишнинг жаҳон тажрибасини ўрганиш мамлакатимизда уларнинг самарали институтларини шакллантириш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

ЭИХларнинг умумий жиҳати турли хил ташқи иқтисодий операцияларни амалга ошириш борасида қулай шарт-шароитларни яратилишида ифодалансада, уларнинг функциялари замонавий иқтисодиётнинг мазкур ҳодисасини таърифлашға хизмат қилувчи термин ва тушунчаларнинг кўплигида ўз аксини топади. Хусусан, эркин иқтисодий ҳудудларни таърифлаш ва таснифлашда: эркин божхона ҳудуди, эркин порт, ташқи савдо ҳудуди, ишлаб чиқариш-экспорт ҳудуди, тадбиркорлик ҳудуди, эркин тадбиркорлик ҳудуди, саноат портлари, илмий парклар, технополислар каби 30 яқин тушунчалардан фойдаланилади. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг ҳар бир тури ўзига хос хусусиятға эға, ҳар бир ҳудуд бошқа ҳудудлар қаторида бир ўринда фаолият кўрсатиш ҳуқуқиға эға бўлгани ҳолда, ташкил этишдан кўзланган мақсадларға хизмат қилади. Эркин иқтисодий ҳудудларни барпо этаётган давлат учун, мазкур ҳудудларни ташкил этиш ягона мақсад эмас. Кўпчилик ҳолларда улар миллий иқтисодий ривожланишни таъминлашнинг умумий стратегиясининг ажралмас таркибий қисми сифатида эътироф этилади. Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш:

- иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштириш;
- саноатни модернизациялаш;
- ички бозорларни юқори сифатли товар ва хизматлар билан тўлдириш;
- ички бозорларнинг хорижий мол етказиб берувчиларға қарамлигини пасайтириш мақсадида импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ва сотиш бозорларини кенгайтириш мақсадида ишлаб чиқаришни экспортға йўнал-тириш;
- инновацион технологиялар асосида ишлаб чиқаришни ривож-лантириш каби бир қатор муҳим макроиқтисодий вазифаларни ҳал этишни кўзда тутди.

Бирок, бу мақсадларға ҳамиша ҳам тўғридан – тўғри йўллар билан эришишнинг уддасидан чиқиш қийин. Эркин иқтисодий минтақалар одатда, жаҳон бозори орқали товар

ва хизматлар экспортини ошириш ҳисобига валюта тушумларини кўпайтириш воситасида мазкур масалаларни ҳал этиш имконини беради. Айни вақтда, эркин иқтисодий минтақалар қабул қилувчи мамлакатлар учун бир қатор аниқ вазифаларни ҳал этишга кўмаклашади. Хусусан, у мамлакат иқтисодиётига маҳаллий ва хориж капиталини, илғор технологияларни жалб қилади, саноат ва хизматлар соҳасида бандликни оширади, бошқарув ва маркетинг соҳасида илғор тажрибаларни қўллашни рағбатлантиради, замонавий инфратузилмани барпо этади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, сармояни фаол жалб этиш, ривожланаётган мамлакатлар учун ягона мақсад эмас. Турли хил имтиёزلарни бериш хорижий сармоялар оқимини рағбатлантиради, унинг ёрдамида эса ушбу мамлакатлар – миллий иқтисодиётни кўтариш, марказдан узоқда жойлашган иқтисодий жиҳатдан қолоқ туманларни ривожлантириш, ишсизликни камайтириш, давлат бюджети учун барқарор қўшимча даромад манбаларини яратиш каби мақсадларни кўзлайдилар. Кўпинча ривожланаётган мамлакатлар гуруҳида эркин иқтисодий минтақаларнинг фаолияти жаҳон бозорида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, халқаро иқтисодий алоқаларда хомашё экспортдан воз кечишга интилиш, ҳудудларни хўжалик юритишнинг янги усулларини синаб кўриш майдонларига айлантириш, миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви даражасини яхшилаш каби алоҳида стратегик мақсад ва вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган бўлади.

Инновацион дастурларни амалга ошириш борасида маблағларга эҳтиёжни шакллантирувчи ва айни вақтда, ижтимоий-иқтисодий тизимга бир хил таъсир кўрсатмайдиган, минтақани инновацион-инвестицион ривожлантириш шарт-шароитларини белгилаб берувчи омилларга ойдинлик киритилган. Мазкур омиллар сирасига қуйидагилар киради: 1) инновацион фаоллик ва иқтисодий ўсиш суръатлари даражасига тескари таъсир этувчи, даврийлик омили; 2) аҳоли сони ва таркибининг ўзгариши билан боғлиқ тарзда умумий якуний истеъмол даражасини белгилаб берувчи, демографик омил; 3) атроф-муҳитга инсон таъсирини камайтириш ва қатъий ресурс тежамкорлик асосида инвестицион-инновацион фаолият амалга оширилишини белгилаб берувчи, табиий экологик омил; 4) иқтисодиётни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш асоси сифатидаги технологик омил. Шу тариқа, амалга оширилган SWOT-таҳлил жараёнида аниқланган ҳудудий ижтимоий-иқтисодий тизимнинг “кучли жиҳатлари” ва ташқи муҳит таъсирида вужудга келиши мумкин бўлган хавфларнинг ўзаро нисбати ҳудуд иқтисодиётини инновацион ривожлантириш механизминини шакллантиришни шарт қилиб кўяди. Кўпчилик ҳолатларда мазкур механизмлар қуйидаги гуруҳлардан ташкил топади: инновацион фаолиятни ташкил этиш механизм-лари, инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш механизмлари; интеллектуал мулк механизмлари; инновацион фаолиятни рағбатлантириш механизмлари. Биз инновацион жараён иштирокчиларининг ўзаро таъсирлашуви; инновацион фаолиятни режалаштириш ва назорат қилиш; технологик трансфертлар ва инновацион фаолиятни молиялаштириш механизм-ларини ҳам киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Таъкидлаш лозимки, ушбу ёндашув кўриб чиқилган механизмларни тизимли тарзда баён этиш, яъни барча мумкин бўлган механизмларни албатта тизим доирасида ҳисобга олиш имконини беради. Бу эса айтиб ўтилган гуруҳлар доирасида янги механизмларнинг вужудга келиш имконияти мавжудлигини кўрсатади.

Назорат саволлари:

1. Чет эл инвестицияларини минтақаларга жалб этишни изоҳлаб беради?
2. Венчур капиталини изоҳлаб беради?
3. Инновацион-инвестицион ривожлантириш шарт-шароитларини белгилаб берувчи омиллар аниқланади?

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

Минтақа ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасида саноат етакчи ўринни эгаллайди. Кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши саноат корхоналари фаолиятининг асосини ташкил этади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг асосий васифаси – маҳаллий, моддий, табиий ресурслардан тўла фойдаланиши асосида қишлоқ хўжалигини жадал суръатда ривожлантириш, бунда хўжалик юритишнинг янги шакллари (ижара, пудрат, фермерлик) дан фойдаланиш ҳисобланади.

Дехқончилик ва чорвачилик ривожини режалаштиришда ер ресурслари, унинг тузилиши, чорвачиликнинг йўналишлари ҳисобга олинади.

Қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасини ривожлантириш учун бу жараёндаги ҳар бир элементга эҳтиёж аниқланади.

Қурилиш режалари шаҳарлар ва вилоятларнинг бош режалари асосида, минтақанинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Капитал маблағлар - ишлаб чиқариш фондларининг ишлаб чиқаришга кетган барча молиявий ва меҳнат харажатлардир. Капитал маблағларининг қўшимча манбалари чет эл сармоясини, банк кредитларини, чет эллик шахсларининг маблағларидир.

Транспорт хўжалиги халқ хўжалигини узвий равишда боғлайдиган бўлиб, минтақа хўжалигининг фаолияти билан бевосита боғлиқ. Маҳаллий транспортнинг асосий тури – автомобиль транспортдир.

Транспортнинг асосий вазифаси ишлаб чиқариш билан исьтемомчилар ўртасидаги алоқани сифатли амалга оширишдан иборат.

Транспорт фаолиятини режалаштириш учун юк ташиш ҳажми аниқланади. Унда бир қанча баланслар тузилади: маҳсулот ишлаб чиқариш ва исьтеъмол қилишнинг минтақавий баланси, шахмат балниси ва ҳоказолар.

Автомобиль йўллари 5 та категорияга бўланади. I-III категорияли йўллар юқори категорияли, IV-V категориядаги йўллар паст категориядаги йўллар ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-минтақавий тузилиши. Т.: «Ўзбекистон», 1996.
3. «Бюджет тизими тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни. Тошкент 9 октябр 1999 йил
4. И.А.Каримов. «Ўзбекистон буюк келажак сари» Тошкент «Ўзбекистон» 1997 йил.
5. Ишмухамедов А.Э., Шибаршова Л.И. «Хорижий мамлакатлар иқтисодий тартибга солиш» фанидан маърузалар матни. Тошкент «Иқтисодиёт ва статистика» факультети 2000 йил.
6. Шевелева С.А. Основы экономики и бизнеса: Учебное пособие /С.А.Шевелева, В.Е.Стогов.- 2-е изд., перераб. и доп.- М.: ЮНИТИ, 2005.- 515 с. 1 экз.
7. И. А. Родионова. Мировая экономика. Издательство: Питер, 2005. -253с.
8. Кистанов В.В., Копылов Н.В. Региональная экономика России . Издательство: ФИНАНСЫ И СТАТИСТИКА, 2005. -584с.

Интернет веб-сайтлари

1. <http://www.cer.uz> –Ўзбекистон Республикасининг “Иқтисодий тадқиқотлар маркази” нинг “Экономическое обозрение” журналининг электрон манзили. Турли хил иқтисодий мавзуларга оид материалларни олишга имкон беради.
2. <http://www.economyfaculty.uz> – “Микро-макроиқтисодиёт” кафедраси сайти мавжуд бўлган веб-сайт
3. <http://economics.com.ua> –бозор иқтисодиётига тааллуқли бўлган маълумотлар веб-сайти

8-мавзу. Минтақа ижтимоий соҳа тармоқларини ривожлантириш ва тартибга солиш

Фанни ўқитиш технологияси:

«Минтақа ижтимоий соҳа тармоқларини ривожлантириш ва тартибга солиш "мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	<p>Тайёрлов босқичи:</p> <p>1.1.Дарс мақсади: Минтақа ижтимоий соҳа тармоқларини ривожлантириш ва тартибга солиш ҳақида талабаларга тушунчалар бериш.</p> <p>1.2.Идентив ўқув мақсадлари:</p> <p>1.2.1. Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсатнинг моҳиятини изоҳлаб беради.</p> <p>1.2.2.Уй-жой ва коммунал хўжалигини тушинтира билади.</p> <p>1.2.3. Маиший хизмат, соғлиқни сақлаш ва халқ таълимини тушинтира олади.</p> <p>1.3.Асосий тушунча ва иборалар: ижтимоий сиёсат, истеъмол савати, аҳоли турмуш даражаси, узлуксиз таълим тизими, соғлиқни сақлаш, тиббий хизмат кўрсатиш, коммунал хўжалик, уй жой, кукаламзорлаштириш, маиший хизмат.</p> <p>1.4.Дарс шакли: гуруҳ ва микрогуруҳларда.</p> <p>1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар: суҳбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, видеоусул.</p> <p>1.6.Керакли жиҳоз ва воситалар: Ўқув-методик мажмуа, видеопроректор, видеофилмлар.</p>	Ўқитувчи
2	<p>Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
3	<p>Гуруҳда ишлаш босқичи:</p> <p>3.1. Талабаларга муаммоли савол беради .</p> <p>3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақиради.</p> <p>3.3.Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p>3.4. Умумий хулосага келинади.</p>	Ўқитувчи-талаба, 40 минут
4	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</p> <p>4.1.Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> -Ижтимоий сиёсатни тушунтирин -Уй жой ва коммуналхўжалигини тушунтиринг? - Соғлиқни сақлашни тушунтиринг? - Мехнат биржаларини ва уларнинг вазифаларини тушунтиринг? <p>4.2.Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
5	<p>Ўқув машғулотини яқунлаш босқичи:</p> <p>5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p>5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади.</p> <p>5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.</p>	Ўқитувчи, 10 минут

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Ижтимоий сиёсат тушунчаси, ижтимоий сиёсатнинг хусусияти ва аҳамияти
2. Бозор иқтисодиётига ўтишда таълим тизимини тартибга солиш
3. Утиш даврида соғлиқни сақлаш тизими.
4. Минтақада уй жой ва коммунал хўжалиги ривожланишини тартибга солиш.

Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:

1. Ижтимоий сиёсат бозорт иқтисодиётига утиш шароитида долзарб аҳамиятга эга. Сиз бу иборани қандай изоҳлайсиз?
2. Аҳоли турмуш даражаси аниқлашда истеъмол савати муҳим аҳамият касб этади. Сиз бу мулоҳазага қандай муносабат билдирасиз?
3. Узлуксиз таълим тизими кадрлар тайёрлаш миллий дастурини асосий буғини. Сиз ушбу узлуксизликни қандай баҳолайсиз?
4. Аҳолини дори-дармонлар билан таъминлашни яхшилаш борасида миллий фармацевтика саноатини ривожлантириш. Сизнингча ушбу муаммони юмушатиш учун амалга оширилаётган чора-тадбирлар етарлими?
5. Коммунал хизматлар сифатини ошириш ва коммунал тўловлар интизоми муаммоси.

Мавзуга оид таянч тушунчалар ва иборалар: ижтимоий сиёсат, истеъмол савати, аҳоли турмуш даражаси, узлуксиз таълим тизими, соғлиқни сақлаш, тиббий хизмат кўрсатиш, коммунал хўжалик, уй жой, кукаламзорлаштириш, маиший хизмат.

1-савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда ижтимоий сиёсат тушунчаси, ижтимоий сиёсатнинг хусусияти ва аҳамияти ҳақида тасавурлар ва билимлар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Ижтимоий сиёсатни хусусиятларини тушунтириб беради.
- 1.2. Ижтимоий соҳани ривожлантириш заруриятларини изоҳлаб беради.

1-савол баёни: Ижтимоий сиёсат деганда муайян давлат ҳокимиятининг ижтимоий соҳа бўйича уз олдига куйган вазифа ва мақсадларини амалга ошириш билан боғлиқ сиёсати тушунилади. Бу сиёсат бевосита аҳолининг турмуш даражасини ошириш билан боғлиқ сиёсат бўлиб, унга: даромад сиёсати; ижтимоий таъминот ва меҳнат бозорларини шакллантириш; аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаш кабилар киради. Ижтимоий сиёсатнинг объекти — ижтимоий соҳадир.

Ижтимоий сиёсат предмети бўлиб, фуқароларнинг икки ўзаро боғлиқ гуруҳлари меҳнатга қобилиятли ва меҳнатга қобилиятсиз қисмлари ўртасидаги муносабат муаммолари ҳисобланади.

Ҳар бир давлатда кам таъминланганликни белгилашнинг ўзига хос услублари мавжуд. Масалан, АҚШ, Англия, Германия, Португалия каби давлатларда яшаш минимумининг 40 % дан 60 % гача бўлган, Польша ва Венгрияда эса минимал пенсия миқдори, Болгарияда эса минимал иш хақи миқдори кам таъминланганликни аниқлашда қўлланиладиган воситалардир.

Бироқ кўпчилик мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам бошқа усул-норматив-статистик усул қабул қилинган. Бу усулнинг моҳияти шундаги, камбағаллик даражаси ўз таркибига энг зарур бўлган озиқ-овқатлар, истеъмол буюмлари ва хизматлар тўпламидан иборат бўлган энг кам истеъмол саватининг қиймати асосида аниқланади. Энг кам истеъмол саватини ҳисоблаш таркиби куйидагича: дастлаб озиқ-овқат тўпламининг қиймати, сўнгра оила бюджети маълумотлари асосида кам таъминланган оилаларнинг умумий харажатларида озиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматларининг улуши аниқланади ҳамда бу ҳисса энг арзон нархларда энг кам истеъмол савати қолган қисмининг қиймати ҳисоб-китобига киритилади.

Истеъмол саватининг қиймат ифодаси энг кам истеъмол бюджети деб аталади. Энг кам истеъмол бюджетига ёки кўпинча унинг маълум бир қисмига (масалан, 50% га) мос келувчи даромад камбағалчилик чегараси ҳисобланади. Давлат камбағалчилик чегарасидан паст даражада яшовчи аҳолига маълум миқдорда пулли моддий ёрдам кўрсатади. Аслида ҳам ижтимоий ҳимоянинг барча асосий чоралари аҳолининг айнан шу тоифасига қаратилган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида давлат ижтимоий сиёсатнинг асосини қуйидагилар ташкил этади:

- ҳалқ фаровонлигини ошириш асоси сифатида иқтисодий фаолият эркинлигини таъминлаш;
- меҳнат фаоллигини ошириш;
- йўналтирилган ижтимоий ҳимоялаш, ҳақиқатда ночор аҳоли қатламларини давлат томонидан қўллаб қувватлаш.

Ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналишлари орасида меҳнат муносабатлари муаммоси алоҳида ўрин тутаяди.

Меҳнат соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади:

- сермахсул меҳнат мотиви ва рағбатларини кучайтириш учун иқтисодий ва ижтимоий шароитларни яратиш;
- мулкчилик шаклидан қатъий назар ходимларнинг ойлик маошларини тартибга солиш тизимини яратиш;
- меҳнат моддий техник, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш асосида меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигини ошириш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқариш;
- меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш;
- меҳнат муносабатларига ойдинлик киритиш мақсадида давлатнинг касаба уюшмалари билан ҳамкорлигини кучайтириш;
- аҳоли бандлигини ошириш бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- демографик вазиятни башоратлаш ва меҳнат салоҳиятини шакллантириш.

Юқоридагиларга мос тарзда давлат ва унинг бошқарув тузилмаларилари қуйидаги вазифаларнинг ҳал этилишини кафолатлайди;

Биринчидан, жамият меҳнатга бўлган ҳуқуқий иш жойига эга бўлиш ва меҳнатга ҳақ тўлаш бирга кафолатлайди.

Иккинчидан, жамият давлат органлари ва бошқа ижтимоий тузилмалар тизими орқали иш куни тартиби, иш ҳафтаси, иш йили, юқори меҳнат самарадорлиги асосида узоқ муддат меҳнатга қобилатлилиқни сақлаб туриш учун қулай шароитларнинг қонуний ва бошқа ижтимоий ҳимоясини кафолатлайди.

Учинчидан, жамият аҳоли ижтимоий ҳимояланганлигининг устувор талабларини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий маданий соҳа ривожланишини кафолатлайди.

Ижтимоий ҳимоя қуйидаги ижтимоий ёрдам кўринишлари орқали таъминланади; -пенсиялар, нафақалар, имтиёз, устунлик ва хизматлар, бир марталик моддий ёрдам, ва хоказо.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ўзгаришларнинг пировард мақсади “Ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очик ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқоролик жамиятини барпо этишдан иборатдир.”

Бозор иқтисодиётига ўтиш биринчи навбатда ҳаётимизда, иқтисодиётимизда барқарорликка эришиш билан чамбарчас боғланган. Шунинг учун ҳам иқтисодиётни, молиявий аҳолини барқарорлаштириш иқтисодий ислохотларимизни амалга оширишнинг муҳим шартидир. Иқтисодиёт барқарор ишлангандагина бозор муносабатларига муваффақиятли ўтиш мумкин. Ҳозирги вазият танглиқни бартараф этиш ва пулнинг кадрсизланишини жиловлашни тақозо этмоқда. Аҳоли турмуш даражсининг кескин ёмонлашувига йўл қўймаслик керак. Бунинг учун тезкорлик билан кескин чоралар кўрилиши лозим. Иқтисодиётни барқарорлаштириш бозорни шакллантириш йўлидаги қонуний ва муқаррар босқичдир.

Бозор ислохотларининг ҳамма босқичларида олдиндан ўтказилган кучли ижтимоий сиёсат Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлининг етакчи принципларидан биридир. Бозор иқтисодиётини барпо этиш шундаки бир мақсад эмас. Барча иқтисодий,

демократик, сиёсий ислохотлар пировард мақсадларининг ўзи, энг аввало, инсон учун муносиб турмуш ва фаолият шароитларини яратишдир.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси Президентимиз И.А.Каримов ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга устивор вазифа сифатида қараш кераклигини эътироф этди. Жумладан, кучли ижтимоий сиёсат олиб боришни, бунинг учун эса таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини янада ривожлантириш, нафақа билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш, аҳолини экологик ва бошқа хавф-хатарлардан муҳофаза этиш, қисқача қилиб айтганда, одамларимизнинг социал соҳа бўйича талаб ва эътирозларини қондириш масалаларига давлатнинг доимий эътиборини ҳар томонлама кучайтириш лозимлигини таъкидлади.

Назорат саволлари:

- 1.Ижтимоий сиёсат тушунчаси нима?
- 2.Ижтимоий соҳани ривожлантиришга қандай зарурият бор?
- 3.Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида давлат ижтимоий сиёсатнинг асосини нималар ташкил этади?
- 4.Ўзбекистонда демографик ривожланишнинг ўзига хос хусусияти нималардан иборат?
- 5.Ижтимоий ёрдам кўринишларини айтиб беринг?

2-савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда бозор иқтисодиётига ўтишда таълим тизимини тартибга солиш ҳақидаги тушунчаларни ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.Таълим тизимини ислох қилишда «Таълим тўғрисида»ги қонун, кадрлар миллий дастурларининг мақсад ва вазифалари тушунтира олади.
- 2.Таълим тизимида мавжуд муаммоларни санаб бера олади.
- 3.Узлуксиз таълим тизимини гапириб бера олади.

2-савол баёни: Ижтимоий сиёсатни юргизишда таълим масалалари уч асосий сабабга кўра муҳим аҳамиятга эга:

-кишиларнинг қонунга амал қилиш ва демократияга асосланган жамиятни қуришда иштирок этиш ҳуқуқидан фойдаланишларида таълим асосий омиллардан бири ҳисобланади;

-таълим ижтимоий бойликнинг муҳим қисми ҳисобланади, у ўзбек халқининг бой тафакқури ва миллий меросини тиклашга асос вазифасини ўтайди;

-таълим иқтисодий ўсишни таъминлайди, кишиларга иқтисодиётга моддий ҳисса қўшиш учун зарур бўлган кўникмаларни беради.

1997 йилда Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Мазкур дастурнинг мақсади таълим соҳасини тубдан ислох қилиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий, ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишдир.

Таълим тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ таълим тизимини ислох қилиш давлат ва нодавлат таълим муассасалари ўртасида таълим соҳасидаги рақобат муҳитини шакллантириш негизида таълим тизимининг ривожланишини таъминлашдан иборат. Ушбу мақсадни амалга ошириш қуйидаги вазифаларни ҳал қилишни тақозо этади:

-таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини демократик ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнига мослаш;

-таълим, кадрларни тайёрлаш тизими ва муассасаларни юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш;

-таълим ва кадрлар тайёрлаш муассасалари ходимларини аттестациядан ўтказиш, аккредитация қилиш сифатида баҳо беришнинг холис тизимини жорий қилиш;

-узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан, чет эл инвестицияларини жалб этишнинг реал механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг вазифалари кенг қамровлидир. Аввало, биз кадрлар тайёрлашда рақобатбардошликка асосланишимиз, яъни рақобат муҳитини шакллантиришимиз керак. Мазкур масалалар комплекс тарзда, барчанинг бевосита иштирокида ҳал этилиши зарур.

Таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини янгилаш, ривожланган ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнларига мослаш ҳам асосий вазифалардир. Таълим тизимини ривожланган демократик-ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнига мослаш деганда, ўқувчи миллий ва умуминсоний кадриятларни ўзлаштириши ва шулар асосида мустақил фикрлашга, ўз ҳуқуқ ва бурчларини ўқиш жараёнида ўрганиб бориши тушунилади. Қонунлар мактабгача таълим муассасаларида ўзига хос ўйин орқали, умумтаълим мактабларида боланинг қабул қилиш даражасига қараб ўргатилиши мумкин. Академик лицей ва касб-хунар коллежларида эса қонунлар ўрганилиши конкретлаштирилади.

Масалан, фермерлик бўйича касб-хунар коллежида ўқиётган ҳар бир бўлажак кичик мутахассис-“Фермерлик тўғрисида”ги, “Ер тўғрисида”ги қатор қонунларни, банк билан ишлашни, шартнома тузишни, маркетинг қонуниятларини ва бошқа меъёрий ҳужжатларни билса ва уларга амал қилса, жамият қандай ўзгариш содир бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Республикада таълим тизимини ислоҳ қилиш зарурияти:

- очик иқтисодиёт шароитида аҳолининг меҳнат бозори талабларига мослашув зарурияти ва сифат жиҳатидан янги рақобатбардошли инсон капиталини шакллантириш;
- таълимни жамиятда юз бераётган ўзгаришлар ва бозор иқтисодига ўтиш талабларига мос ҳолга келтириш эҳтиёжи;
- Ўзбекистоннинг демографик хусусияти яъни аҳолининг 43% ни 16 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар ташкил этади, 62% эса қишлоқ ҳудудларида яшаши;
- болалар ва ўсмирларни ўқитиш ва тарбиялаш сифатини ошириш ва уларни баркамол шахс сифатида шакллантириш эҳтиёжи билан боғлиқдир.

“Таълим тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонунининг 3-моддасида таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари баён этилган.

Улар қуйидагилардан иборат:

- таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;
- таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;
- умумий ўрта шунингдек ўрта махсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги;
- ўрта махсус, касб-хунар таълимининг йўналишини: академик лицейида ёки касб-хунар колледжида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;
- таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;
- давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиклиги;
- таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;
- билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;
- таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурнинг **мақсади**-таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва саркитлардан тўла халос этиш ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишдир. Таълим тизимини ислоҳ қилиш миллий дастурдан келиб чиққан ҳолда қуйидаги мақсадларга эришишга йўналтирилган:

- таълим самарадорлиги ва сифатини, ўқувчиларнинг билимини ошириш;
- мажбурий умумий ўрта таълимнинг жорий этилиши натижасида ўқув юртларини замонавий педагог кадрлар билан таъминлаш;
- таълим тизимининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, таълим соҳасида муқобил таълим шакллари жорий этиш учун қулай молиявий шароитлар яратиш;
- таълим оловчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

-таълим ва кадрлар тайёрлаш таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитация қилиш сифатига баҳо беришнинг холис тизимини жорий қилиш;
-таълим тизими самарадорлигини таъминловчи моддий техник ва ахборот базасини яратиш;
-таълим, фан ва ишлаб чиқариш самарали интеграциялашувини таъминлаш;
-таълим тизимини молиялаштиришнинг реал механизмларини ишлаб чиқиш;
-таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш.

Хўш, бугунги кунда таълим тизимини муваффақиятли ислоҳ қилиш учун нима қилиш керак?

Бизнинг фикримизча қўйдаги вазифаларни амалга ошириш зарур:

- 1.Педагог ва мутахассис кадрлар меҳнатини рағбатлантиришни изчил йўлга қўйиш;
- 2.Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга алоҳида эътибор бериш;
- 3.Ўқитиш жараёни ва асосий эътиборни ўқитиш услубиятини доимо янгилаб боришга қаратиш, яъни асосий эътибор талабанинг рейтингини аллақандай усуллар ёрдамида аниқлашга эмас, балки талабага ёки ўқувчига қандай тарзда замонавий билим беришга йўналтирилиши лозим;
- 4.Республикада меҳнат бозори шаклланаётганлигини ҳисобга олиб, таълим тизимида маркетинг хизматини йўлга қўйиш.
- 5.Таълим жараёнини бевосита амалиёт билан узвий боғлаб олиб бориш.
- 6.Таълим тизимида хорижий инвестицияларни жалб қилиш;
- 7.Таълим тизими мониторингини шакллантириш.

2010 йилда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, шунингдек, мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича дастурларни амалга ошириш якунига етказилди.

Умуман олганда, **2005-2010 йиллар давомида 7 минг 800 дан ортиқ умумтаълим муассасаси, қарийб 1 минг 500 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицей барпо этилди** ва реконструкция қилинди. Фақат 2010 йилда мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ва лицейларда 2 минг 300 тадан зиёд компютер техникаси ва мултимедиа ускунаси ўрнатилди.

Униб-ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний жиҳатдан тарбиялаш ва болалар спортини ривожлантиришга қаратилган дастурни амалга ошириш бўйича ишлар изчил давом эттирилди. Бунинг натижасида фақат 2010 йилнинг ўзида **72 та спорт иншооти, 27 та сузиш ҳавзаси** фойдаланишга топширилди, умумий қиймати **3 миллион АҚШ доллари**га тенг бўлган **спорт инвентарлари** ва ускуналар жойларга етказиб берилди.

Бугунги кунда умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг ҳар уч нафаридан бири турли секция ва тўғарақларда спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

Ўтган йилда фарзандларимизнинг ижодий қобилияти ва маънавиятини юксалтиришга қаратилган мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган дастурни амалга ошириш бошланди. Агар **2009 йилда олгита мусиқа ва санъат мактаби** қурилган ва реконструкция қилинган бўлса, ҳисобот йилида **46 та ана шундай мактаб** фойдаланишга топширилди. Уларнинг қурилишига **51 миллиард сўмдан ортиқ капитал маблағ** йўналтирилди.

2010 йилда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, шунингдек, мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича дастурларни амалга ошириш якунига етказилди.

Умуман олганда, **2005-2010 йиллар давомида 7 минг 800 дан ортиқ умумтаълим муассасаси, қарийб 1 минг 500 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицей барпо этилди** ва реконструкция қилинди. Фақат 2010 йилда мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ва лицейларда 2 минг 300 тадан зиёд компютер техникаси ва мултимедиа ускунаси ўрнатилди.

Униб-ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний жиҳатдан тарбиялаш ва болалар спортини ривожлантиришга қаратилган дастурни амалга ошириш бўйича ишлар изчил

давом этирилди. Бунинг натижасида фақат 2010 йилнинг ўзида **72 та спорт иншооти, 27 та сузиш ҳавзаси** фойдаланишга топширилди, умумий қиймати **3 миллион АҚШ долларига** тенг бўлган **спорт инвентарлари** ва ускуналар жойларга етказиб берилди.

Бугунги кунда умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг ҳар уч нафаридан бири турли секция ва тўғарақларда спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

Ўтган йилда фарзандларимизнинг ижодий қобилияти ва маънавиятини юксалтиришга қаратилган мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган дастурни амалга ошириш бошланди. Агар **2009 йилда олтига мусиқа ва санъат мактаби** қурилган ва реконструкция қилинган бўлса, ҳисобот йилида **46 та ана шундай мактаб** фойдаланишга топширилди. Уларнинг қурилишига **51 миллиард сўмдан ортиқ капитал маблағ** йўналтирилди.

Назорат саволлари:

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
2. Таълим соҳасидаги ижобий ишлар ва камчиликлар нималардан иборат?
3. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари нималардан иборат?
4. Демографик тенденциялар таълим тизимига қандай таъсир этади, бу таъсир нималарда намоён бўлади?

3-савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда ўтиш даврида соғлиқни сақлаш тизими ва унда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақидаги тушунчаларни ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Соғлиқни сақлаш тизимида ишлаб чиқилган дастурларни мақсад ва вазифалари тушунтира олади.
2. Соғлиқни сақлаш тизими олдидаги муаммоларни санаб бера олади.

3-савол баёни: Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий соҳанинг бир бўлаги бўлган соғлиқни сақлашга давлат томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда бу соҳани ривожлантириш учун:

- соғлиқни сақлаш тармоқлари замонавий типдаги янги техника ва технологиялар билан жиҳозланмоқда;
- замонавий жиҳозланган бино, иншоотлар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда;
- кадрлар малакаси ва сифатига алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистонда бу соҳага маблағ чегараланганлигига қарамай, аҳвол анча яхшиланди. 1990-2000 йиллар оралиғида болалар ўлими 40 фоизга, оналарники қарийб 3,6 баробар камайди. Аёлларнинг вақт соати етмасдан туғиш ҳоллари 30 фоиздан зиёдга, болалар орасида нафас йўллари касалликлари 40 фоизга қисқарди. Контрацептивлардан фойдаланиш икки баробар ошди.

Соғлиқни сақлаш тизимида бундай ўзгаришларга пухта ишлаб чиқилган бир қатор дастурларни ўтказиш эвазига эришилди. Улар орасида қуйидагиларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин:

- кўп босқичли соғлиқни сақлаш тизимидан маҳаллий ва айниқса, қишлоқ, соғлиқни сақлаш тизимининг аҳамиятини оширишга ўтиш;
- дастлабки ва профилактик соғлиқни сақлаш тизимидаги устивор йўналишларни, айниқса, она ва бола соғлигини муҳофаза этишни молиялаш;
- амалиётчи шифокорларни кўпроқ тайёрлаш, ҳамширалардан самаралироқ фойдаланиш;
- пуллик тиббий хизмат кўрсатишни ривожлантириш;
- касалликнинг олдини олишда ўрта даражали тиббий ходимлар ролини кучайтириш.

Ҳозирги даврда соғлиқни сақлаш тизими олдида ҳам талай муаммолар мавжуд. Уларга:

- аҳолини дори-дармон билан таъминлашни яхшилаш (бу масалани ҳал этиш борасида миллий фармацевтика саноатини ривожлантириш, дори-дармонларни тақсимлаш тизимини яратиш лозим).

-аҳоли юқумли касалликлар билан, айниқса, қишлоқ жойларда касалланишини камайтириш;
-демографик вазиятни, соғлиқни сақлаш тизими ва давлат томонидан таъминлашни ривожлантиришда кишиларни жойлаштиришнинг ўзига хос томонларини етарли даражада ҳисобга олиш зарурати.

Ушбу муаммоларни ечиш соғлиқни сақлаш тизими олдида турган долзарб вазифалар ҳисобланади.

Шундай қилиб, тиббий хизмат кўрсатишнинг янги усулларига ўтиш давомида тиббий ёрдам олганлар сони орди. 2000 йилнинг ўзида қатнаб даволаниш муассасаларида 1,4 млн. нафардан зиёд киши тиббий ёрдам олди. Кундузги стационарларда даволаш кенг йўлга қўйилганлиги натижасида, беморларни касалхонага ётқизиш зарурати камайди, бу касалхоналар сонини қарийб 20 % га қисқартириш имконини берди. Қатнаб даволаниш имконини берувчи жарроҳлик марказлар сони қарийб 3,2 маротаба орди. Беморлар ётиб даволанишга мўлжалланган ўринлар сони 46 %га қисқарди. Кейинги пайтларда беморларни касалхонада даволашнинг ўртача давомийлиги 14,9 кундан 12,9 кунгача қисқарди, шифокорларга қатновчилар сони эса киши бошига 7,2 дан 8,2 га орди. 2010 йилда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, шунингдек, мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича дастурларни амалга ошириш якунига етказилди.

Умуман олганда, **2005-2010 йиллар давомида 7 минг 800 дан ортиқ умумтаълим муассасаси, қарийб 1 минг 500 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицей барпо этилди** ва реконструкция қилинди. Фақат 2010 йилда мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ва лицейларда 2 минг 300 тадан зиёд компьютер техникаси ва мултимедиа ускунаси ўрнатилди.

Униб-ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний жиҳатдан тарбиялаш ва болалар спортини ривожлантиришга қаратилган дастурни амалга ошириш бўйича ишлар изчил давом эттирилди. Бунинг натижасида фақат 2010 йилнинг ўзида **72 та спорт иншооти, 27 та сузиш хавзаси** фойдаланишга топширилди, умумий қиймати **3 миллион АҚШ доллари**га тенг бўлган **спорт инвентарлари** ва ускуналар жойларга етказиб берилди.

Бугунги кунда умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг ҳар уч нафаридан бири турли секция ва тўғарақларда спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

Ўтган йилда фарзандларимизнинг ижодий қобилияти ва маънавиятини юксалтиришга қаратилган мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган дастурни амалга ошириш бошланди. Агар **2009 йилда олгита мусиқа ва санъат мактаби** қурилган ва реконструкция қилинган бўлса, ҳисобот йилида **46 та ана шундай мактаб** фойдаланишга топширилди. Уларнинг қурилишига **51 миллиард сўмдан ортиқ капитал маблағ** йўналтирилди.

2010 йилда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш ва ушбу тизимда сифат ўзгаришларини амалга оширишни таъминлаш борасидаги ишлар давом эттирилди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда сифат жиҳатидан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган ва республика ҳамда вилоятлар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш марказларини ўз ичига олган тиббиёт муассасалари тармоғи шаклланди.

Барча вилоятлар марказларида катталар ва болалар учун кўп тармоқли тиббиёт марказлари, ҳар бир туманда энг замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган **қишлоқ врачлик пунктлари** фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу қишлоқ врачлик пунктларининг сони 2000 йилга нисбатан 2 баробар кўпайиб,

3 минг 200 тадан ошди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича юксак самарали замонавий тиббиёт муассасаларининг мустаҳкам тизими яратилгани шу йўлдаги муҳим қадам бўлди.

Вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида скрининг марказлари ташкил этилди ва уларнинг фаолиятини таъминлаш учун 2010 йилнинг ўзида 4 миллион доллардан ортиқ

маблағ йўналтирилди. 2010 йилда 116 минг нафардан зиёд бўлажак она скрининг марказларида тиббий кўриқдан ўтказилди.

Шу билан бирга, перинатал марказлар тармоғи ҳам жадал ривожланмоқда. Ўтган ўн йил давомида юртимизда **11 та перинатал марказ** ташкил этилди. 2010 йилда уларда 158 минг нафардан ортиқ, яъни 2000 йилга нисбатан 10 баробар кўп она ва бола тиббий кўриқдан ўтказилди.

Бунинг натижасида кейинги ўн йилда мамлакатимизда **оналар ўлими коэффициенти 33,1 промилледан 19,7 промиллега, болалар ўлими коэффициенти эса 18,9 промилледан 10,1 промиллега тушди.** Туғма ва ирсий касалликлар билан туғиладиган болалар сони қарийб икки баробар камайди.

Шу йилларда аҳолининг юқумли касалликлар, жумладан, сил, гепатит каби оғир турдаги ва бошқа хасталикларга чалинишининг умумий даражаси анча пасайди. Бундай натижаларга эришишда шифокорлар ва тиббиёт ходимларининг меҳнатини моддий рағбатлантиришни кучайтириш, уларнинг касб тайёргарлиги даражасини ошириш, мамлакатимиз фармацевтика саноатини жадал ривожлантиришга қаратилган чоратadbирлар ҳам муҳим омил бўлмоқда. Биргина 2010 йилнинг ўзида **32 номдаги янги дори препаратларини** ишлаб чиқариш ўзлаштирилди ва бу 2009 йилга қараганда **23 фоизга** кўпдир.

2010 йилда стационар тиббиёт муассасаларида кўшимча равишда **1 минг 630 та** ёки 2009 йилга нисбатан қарийб **2,5 марта кўп даволаниш ўринлари** фойдаланишга топширилди.

Ҳисобот даврида **соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш учун жами 2 триллион сўмдан ортиқ маблағ** йўналтирилди, бунинг **1 триллион 700 миллиард сўми бюджет маблағларидир.**

2010 йили қишлоқ жойларда биз 2009 йилда бошлаган, қулай ва барча коммунал хизмат шароитларига эга бўлган яқка тартибдаги турар-жой массивларини комплекс куриш ишлари эътиборимиз марказида бўлгани барчамизга маълум.

Айниқса, яқка тартибда қурилаётган уй-жойлар лойиҳаларининг қулайлик нуқтаи назаридан бошқатдан кўриб чиқилиб, ажратиладиган ер участкалари ҳажмини тўрт сотих ўрнига олти сотих қилиб белгилаш тўғрисида қабул қилинган қарорлар алоҳида аҳамият касб этди.

Натижада 2010 йили мамлакатимизнинг барча **159 та қишлоқ туманида намунавий лойиҳалар** бўйича тайёр ҳолда топшириш шарти билан **6 минг 800 та уй-жой** барпо этилди.

Ушбу мақсадларга қарийб **430 миллиард сўм миқдоридаги капитал кўйилмалар**, жумладан, **250 миллиард сўмдан ортиқ узоқ муддатли имтиёзли кредитлар** йўналтирилди. Бу маблағ 2009 йилга нисбатан 9 баробар кўпдир. Дастурни амалга ошириш бошланганидан буён янги массивларда қишлоқ аҳолисининг қулай ва муносиб яшаши учун зарур бўлган **165 та ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объекти** барпо этилди.

Айни пайтда янгитдан қурилаётган турар-жой массивларида замонавий турдаги муҳандислик-коммуникация тармоқлари ҳам жадал бунёд қилинмоқда. **103 километрдан ортиқ газ, қарийб 100 километрлик сув тармоқлари, 71 километрдан зиёд электр узатиш линиялари**, шунингдек, умумий узунлиги **85 километр** бўлган ички йўллар қурилди.

Назорат саволлари:

1. Соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш учун қандай ишлар амалга оширилмоқда?
2. Аҳоли ҳудуд бўйича шифохоналар ва амбулаториялар билан қай даражада таъминланган?
3. Тиббий хизмат кўрсатиш бозори қандай ташкил этилган?

4-савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда худудда уй-жой ва коммунал хўжалиги ва маиший хизматни ривожланишини тартибга солиш ҳақидаги тушунчаларни ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Уй-жой ва коммунал хўжалик тизимини ислоҳ этишни долзарблигини изоҳлай олади.
2. Коммунал хўжаликни давлат тасарруфидан чиқариш тартибларини тушунтира олади.
3. Коммунал корхоналарни таъминланганлик даражасини аниқлай олади.
4. Маиший хизмат кўрсатиш тармоғига кирувчи соҳаларни санаб бера олади.
5. Маиший хизмат кўрсатиш тармоғи фаолиятини барқарорлаштиришни таъминловчи вазифаларини тушунтира олади.

4-савол баёни: Уй-жой, коммунал хўжалиги аҳолининг турмуш даражасига бевосита таъсир кўрсатувчи ижтимоий соҳаларнинг биридир. Уй-жой, хўжалиги коммунал хизматлар билан таъминланса, аҳолининг бўш вақти тежалади. Бўш вақт эса бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг энг зарур бойлигидир.

Уй-жой ва коммунал хўжалик ижтимоий-маданий комплексининг энг йирик тармоқларидан биридир. У бир неча тармоқлардан иборат: газлаштириш, сув билан таъминлаш; канализация; иссиқлик билан таъминлаш; ахлатларни олиб чиқиш ва қайта ишлаш; кўча ва хиёбонларни тозалаш, меҳмонхона хўжалиги; кўча ва хиёбонларни электрлаштириш; электротранспорт; қабристонларни тартибли сақлаш хўжалиги.

Уй-жой ва коммунал хўжалик мажмуи давлат тасарруфидан чиқарилган ва у икки қисмга бўлиб амалга оширилади:

1. Уй-жой қисмини ривожлантиришнинг асосий йўналиши-ҳар бир оилани иложи борича алоҳида уй-жой билан таъминлаш.
2. Коммунал қисми эса давлат томонидан хизмат кўрсатиш шакллари тараққий этириб, барча хизмат кўрсатиш турларини маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш ташкилотларига бириктиришни ўз ичига олади.

Коммунал хўжалик тизимини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни кишиларнинг биринчи навбатдаги эҳтиёжларини қондиришга қаратилади.

Коммунал хўжаликни давлат тасарруфидан чиқариш: ижарага бериш; аукцион; меҳнат жамоалари томонидан сотиб олиш; бошқа шаклларда амалга оширилади.

Коммунал хўжалик уй хўжалигини ривожлантириш билан боғлиқ. Чунки, ҳар бир уйда коммунал қулайлик бўлиши лозим. Уй хўжалиги уйларни сақлаш ва тиклаш вазифаларни бажаради.

Маиший хизмат тармоғи фаолиятининг барқарорлаштирилишини таъминловчи вазифалар куйидагилардан иборат:

1. Маиший хизматларнинг кўп хиллигини таъминлаш ва такомиллаштириш.
2. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг рационал жойлашини амалга ошириш ва уларни замонавий ускуналар билан қуроллантириш.
3. Аҳолига хизмат кўрсатишни ихтисослаштириш ва кооперациялаш.
4. Ишлаб чиқариш қувватлари, транспорт воситалари ва асосий фондлардан тўла-тўқис фойдаланиш.
5. Бажариладиган ишлар ва хизматларнинг техник ва стандарт талабларга жавоб беришини таъминлаш.
6. Тармоқларнинг бошқарув тизимини такомиллаштириб, бозор иқтисодиётига мослаштириш.
7. Қишлоқ аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш даражасини шаҳар даражасига яқинлаштириш.

Хизмат кўрсатишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ходимлар малакасига, рағбатлантириш тизимига боғлиқ. Аҳоли томонидан маиший хизматга сарфланган ҳар бир сўм уй хўжалигини юритишга кетадиган 1,5 соатлик меҳнатни тежаш ва шунга мувофиқ аҳолининг бўш вақтини кўпайтириш имконини беради, яъни ижтимоий натижаларининг иқтисодий қиймати ўн сўмга тенгдир. Демак маиший хизмат корхоналари қанчалик яхши

ривожланса, хизмат кўрсатиш сифати қанча юқори бўлса, умумий ижтимоий самара ҳам шунчалик юқори бўлади.

Маиший хизмат тармоғининг вазифаларига бу хизматларни қишлоқ жойларда ташкил этиш ҳам киради. Бу эса қишлоқларда аҳоли бандлигини оширади, маиший хизматга эҳтиёжни қондиради. 2010 йили қишлоқ жойларда биз 2009 йилда бошлаган, қулай ва барча коммунал хизмат шароитларига эга бўлган якка тартибдаги турар-жой массивларини комплекс қуриш ишлари эътиборимиз марказида бўлгани барчамизга маълум.

Айниқса, якка тартибда қурилаётган уй-жойлар лойиҳаларининг қулайлик нуқтаи назаридан бошқатдан кўриб чиқилиб, ажратиладиган ер участкалари ҳажмини тўрт сотих ўрнига олти сотих қилиб белгилаш тўғрисида қабул қилинган қарорлар алоҳида аҳамият касб этди.

Натижада 2010 йили мамлакатимизнинг барча **159 та қишлоқ туманида намунавий лойиҳалар** бўйича тайёр ҳолда топшириш шarti билан **6 минг 800 та уй-жой** барпо этилди.

Ушбу мақсадларга қарийб **430 миллиард сўм миқдоридаги капитал қўйилмалар**, жумладан, **250 миллиард сўмдан ортиқ узоқ муддатли имтиёзли кредитлар** йўналтирилди. Бу маблағ 2009 йилга нисбатан 9 баробар кўпдир. Дастурни амалга ошириш бошланганидан буён янги массивларда қишлоқ аҳолисининг қулай ва муносиб яшаши учун зарур бўлган **165 та ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объекти** барпо этилди.

Айни пайтда янгитдан қурилаётган турар-жой массивларида замонавий турдаги муҳандислик-коммуникация тармоқлари ҳам жадал бунёд қилинмоқда. **103 километрдан ортиқ газ, қарийб 100 километрлик сув тармоқлари, 71 километрдан зиёд электр узатиш линиялари**, шунингдек, умумий узунлиги **85 километр бўлган ички йўллар** қурилди.

2010 йили қишлоқ жойларда биз 2009 йилда бошлаган, қулай ва барча коммунал хизмат шароитларига эга бўлган якка тартибдаги турар-жой массивларини комплекс қуриш ишлари эътиборимиз марказида бўлгани барчамизга маълум.

Айниқса, якка тартибда қурилаётган уй-жойлар лойиҳаларининг қулайлик нуқтаи назаридан бошқатдан кўриб чиқилиб, ажратиладиган ер участкалари ҳажмини тўрт сотих ўрнига олти сотих қилиб белгилаш тўғрисида қабул қилинган қарорлар алоҳида аҳамият касб этди.

Натижада 2010 йили мамлакатимизнинг барча **159 та қишлоқ туманида намунавий лойиҳалар** бўйича тайёр ҳолда топшириш шarti билан **6 минг 800 та уй-жой** барпо этилди.

Ушбу мақсадларга қарийб **430 миллиард сўм миқдоридаги капитал қўйилмалар**, жумладан, **250 миллиард сўмдан ортиқ узоқ муддатли имтиёзли кредитлар** йўналтирилди. Бу маблағ 2009 йилга нисбатан 9 баробар кўпдир. Дастурни амалга ошириш бошланганидан буён янги массивларда қишлоқ аҳолисининг қулай ва муносиб яшаши учун зарур бўлган **165 та ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объекти** барпо этилди.

Айни пайтда янгитдан қурилаётган турар-жой массивларида замонавий турдаги муҳандислик-коммуникация тармоқлари ҳам жадал бунёд қилинмоқда. **103 километрдан ортиқ газ, қарийб 100 километрлик сув тармоқлари, 71 километрдан зиёд электр узатиш линиялари**, шунингдек, умумий узунлиги **85 километр бўлган ички йўллар** қурилди.

Назорат саволлари:

1. Уй-жой ва коммунал хўжалик қандай ишлар билан шуғулланади?
2. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида уй-жой ва коммунал хўжаликни ислоҳ қилиш қандай олиб борилади?

3. Република ва вилоятларда маиший хизмат кўрсатиш тармоғи қай аҳволда?

4. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоғини янада ривожлантириш учун қандай тадбирларни амалга ошириш зарур?

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

Ижтимоий сиёсат – муайян давлат ҳокимиятининг ижтимоий соҳа бўйича ўз олдига қўйган вазифалари ва мақсадларини амалга ошириш билан боғлиқ сиёсатдир.

Кучли ижтимоий сиёсат таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини янада ривожлантириш, нафақа билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш, аҳолининг иш билан бандлигини ошириш, ишсизликни камайтириш ва кишиларни турли табиий офатлардан ҳимоя қилиш имкониятларини кенгайтиради.

Давлат ва жамият узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими барча учун очик бўлишини ҳамда ўзгаришларга мослаштирилишини таъминлайди.

Инсон ҳуқуқлари, таълим, бола ҳуқуқи соҳасидаги шартномалар ва конвенцияларнинг бажарилиши кадрлар тайёрлаш соҳасида жаҳоннинг илғор тажрибасини ҳисобга олиш узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг барча жиҳатларига даҳлдор бўлиб, унинг ривожланиш омилларидан биридир.

Ижтимоий соҳанинг бир бўлаги бўлган «соғлиқни сақлаш»га давлат томонидан катта эътибор қаратилмоқда.

Бу соҳага ажратилган маблағлар йилдан йилга ошиб бормоқда.

Уй-жой ва коммунал хўжалиги аҳолининг турмуш даражасига бевосита таъсир кўрсатувчи соҳалардан биридир. У турли минтақада турли даражада ривожланган. Унга асосан – саноатнинг ривожланиши, минтақанинг географик жойлашуви, миллий урф-одатлар шу кабилар сабабдир.

Уй-жой ва коммунал хўжалигини фаолиятини таҳлил этиш ва прогнозлаштириш билан вилоят, шаҳар ва туман иқтисодиёт ва статистика бошқармалари ҳамда Уй-жой ва коммунал хўжалик вазирлигининг минтақадаги тегишли ташкилотлари шуғулланади.

Коммунал хўжалик шаҳар ва қишлоқларнинг ободончилиги ва санитария ҳолатини яхшилашга хизмат қилувчи соҳалардан бири. У ўз таркибига шаҳар ва қишлоқларни кўкаламзорлаштириш, ичимлик сув билан таъминлаш, иссиқлик энергияси, газ таъминоти, йирик шаҳарларда эса, шунингдек, электр транспорти тармоқларини олади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида уй-жой, коммунал хўжалигини ислоҳ қилиш долзарб масалалардан биридир. Коммунал хўжалигини давлат тасарруфидан чиқариш ижарага бериш, аукционда меҳант жамоалари томонидан сотиб олиш шаклларида амалга оширилади.

Вилоятларда маиший хизмат кўрсатиш тармоғини яхши ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирларини амалга ошириш зарур.

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-минтақавий тузилиши. Т.: «Ўзбекистон», 1996.
3. «Бюджет тизими тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни. Тошкент 9 октябрь 1999 йил
4. И.А.Каримов. «Ўзбекистон буюк келажак сари» Тошкент «Ўзбекистон» 1997 йил.
5. Ишмухамедов А.Э., Шибаршова Л.И. «Хорижий мамлакатлар иқтисодиётини тартибга солиш» фанидан маърузалар матни. Тошкент «Иқтисодиёт ва статистика» факультети 2000 йил.
6. Шевелева С.А. Основы экономики и бизнеса: Учебное пособие /С.А.Шевелева, В.Е.Стогов.- 2-е изд., перераб. и доп.- М.: ЮНИТИ, 2005.- 515 с. 1 экз.
7. И. А. Родионова. Мировая экономика. Издательство: Питер, 2005. -253с.

8. Кистанов В.В., Копылов Н.В. Региональная экономика России . Издательство: ФИНАНСЫ И СТАТИСТИКА, 2005. -584с.
9. Коваленко Е. Г. [Региональная экономика и управление. Учебное пособие.](#) Издательство: ПИТЕР, 2005. -152с.

Интернет веб-сайтлари

1. <http://www.cer.uz> –Ўзбекистон Республикасининг “Иқтисодий тадқиқотлар маркази” нинг “Экономическое обозрение” журналининг электрон манзили. Турли хил иқтисодий мавзуларга оид материалларни олишга имкон беради.
2. <http://www.economyfaculty.uz> – “Микро-макроиқтисодиёт” кафедраси сайти мавжуд бўлган веб-сайт
3. <http://economics.com.ua> –бозор иқтисодиётига тааллуқли бўлган маълумотлар веб-сайти
4. <http://www.bearingpoint.uz> – “Ўзбекистон иқтисодиёти” кўлланмасининг веб-сайти

9-мавзу. Минтақаларда табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш.

Фанни ўқитиш технологияси:

«Минтақаларда табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш

"мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	<p>Тайёрлов босқичи:</p> <p>1.1.Дарс мақсади: Минтақаларда табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳақида талабаларга тушунчалар бериш.</p> <p>1.2.Идентив ўқув мақсадлари:</p> <p>1.2.1. Мамлакатимиздаги экологик ахволни изоҳлаб беради.</p> <p>1.2.2. Табиий ресурсларни тушинтира билади.</p> <p>1.2.3. Ҳозирги даврда минтақалараро экологик муаммоларни тушинтира олади.</p> <p>1.3.Асосий тушунча ва иборалар: Табиий муҳит. Ижтимоий-иқтисодий тизимлар. Атроф-муҳитнинг ифлосланганлиги. Ифлослантирувчи моддалар. Тоғ-водийларда жойлашган саноат корхоналарининг зарарли ташламалари. Ҳавони муҳофаза қилиш. Ташламаларни камайтириш. Ҳозирги даврдаги минтақалараро экологик муаммолар. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий манбалардан самарали фойдаланишнинг минтақалараро моҳиятига эга бўлган муаммолари. Саноат корхоналарида айланма ва ишлатиладиган сувдан қайтадан фойдаланиш.</p> <p>1.4.Дарс шакли: гуруҳ ва микрогуруҳларда.</p> <p>1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар: суҳбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, видеоусул.</p> <p>1.6.Керакли жиҳоз ва воситалар: Ўқув-методик мажмуа, видеопроректор, видеофилмлар.</p>	Ўқитувчи
2	<p>Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
3	<p>Гуруҳда ишлаш босқичи:</p> <p>3.1. Талабаларга муаммоли савол беради .</p>	Ўқитувчи-талаба,

	3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади. 3.3. Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. 3.4. Умумий хулосага келинади.	40 минут
4	Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи: 4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: - Республикадаги экологик аҳволни тушунтиринг? - Табиий ресурслардан самарали фойдаланиш деганда нимани тушунасиш? - Минтақалараро экологик муаммоларни тушунтиринг? 4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	Ўқитувчи, 15 минут
5	Ўқув машғулоти яқунлаш босқичи: 5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади. 5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади. 5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	Ўқитувчи, 10 минут

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Мамлакатимиздаги экологик аҳвол.
2. Табиий ресурслардан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари.
3. Минтақалараро экологик муаммолар ва табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизми

Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:

1. Ўзбекистонда экологик аҳволни қандай изоҳлайсиз?
2. Табиий манбалардан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишларини қандай изоҳлай оласиз?
3. Худудлараро экологик муаммолар ва табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизми масаласига қандай ёндашасиз?

Мавзуга оид таянч тушунчалар ва иборалар:

Табиий муҳит. Ижтимоий-иқтисодий тизимлар. Атроф-муҳитнинг ифлосланганлиги. Ифлослантирувчи моддалар. Тоғ-водийларда жойлашган саноат корхоналарининг зарарли ташламалари. Ҳавони муҳофаза қилиш. Ташламаларни камайтириш. Ҳозирги даврдаги минтақалараро экологик муаммолар. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий манбалардан самарали фойдаланишнинг минтақалараро моҳиятига эга бўлган муаммолари. Саноат корхоналарида айланма ва ишлатиладиган сувдан қайтадан фойдаланиш.

1-савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда мамлакатимиздаги экологик аҳвол ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Атроф муҳитни ифлослантирувчи манбаларни тушунтира олади.
2. Ўзбекистонда ҳозирги экологик аҳволни ёритиб бера олади.

1-савол баёни: Атрофимизни ўраб турган табиий муҳит инсон ҳаётини доимо таъминлаб турувчи табиий муҳитни яратади, усиз тирикчиликнинг ўзи ҳам бўлмайди. Демак, табиатга зарар етказишда эҳтиёт бўлишимиз керак. Дарҳақиқат, табиатга етказилган зарар ўзимизга зиён келтиради.

Эндиликда ижтимоий-иқтисодий тизимлари турлича бўлган мамлакатларнинг сиёсат ва жамоат арбоблари табиатни ва унинг бойлиқларини сақлаб қолиш, инсоннинг табиий жараёнларига кўрсатилган салбий таъсирини йўқотиш, ҳозирги замон кишисининг яшаш шароитини яхшилашни ер юзидаги барча халқларнинг бирликдаги куч-ғайратлари билан амалга ошириш мумкин ва лозимлигини тушинишмоқда.

Инсоният олдида кўндаланг бўлиб турган озик-овқат, энергетика, саноат ва ижтимоий ривожланиш масалаларини табиий муҳитни муҳофаза қилмай ва ундан фойдаланишни яхшиламай туриб ҳал қилиб бўлмайди. Шунинг учун атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари Ўзбекистон миллий иқтисодиёти учун ҳам асосий муаммолардан бири бўлиб турибди. Республикада аҳолининг жуда зич жойлашганлиги, яъни ерларга сув чиқарилиши ва сув ресурсларининг етишмаслиги, ўрмонларнинг йўқлиги ва чўлнинг ўзлаштирилиши натижасида бу муаммо янада долзарб бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон фақат оқ олтин ўлкасигина бўлиб қолмай, зангори ёки рангли металлургия ўлкаси хазинаси ҳамдир.

Ўзбекистоннинг қатор вилоятларида пахтачиликда йирик энергетика, сув, материаллар ишлатиладиган корхоналар хизмат кўрсатмоқда. Ҳозирги даврда сув ва хаводан фойдаланиш технологияларини етишмаслиги оқибатида республика сув хавзаларига ҳар йили 300 миллион куб метр ифлос оқовалар оқизилмоқда, ҳавога эса, кўчмас манбаларнинг ўзидагина 1,4 миллион тоннага яқин заҳарли моддалар чиқарилмоқда. Автомобиль манбаларидан чиқаётган ташланмалар 2,8 миллион тоннага тенг. Бу ҳаво, ер юзи ва ер ости сувларини, тупроқ қатламларини ифлослантirmoқда, ҳайвонот, наботот олами ва табиий муҳитнинг бошқа объектларига зарар етказмоқда.

Назорат саволлари:

- 1.Инсоният олдида қандай ижтимоий-иқтисодий-экологик муаммолар мавжуд?
- 2.Республикамиздаги йирик шаҳарларни экологик ҳолати ҳақида нима дея оласиз?

2-савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда табиий ресурслардан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.Ҳавони муҳофаза қилишдаги асосий йўналишларни тушунтира олади.
- 2.Ташламаларни камайтиришнинг бошқа чораларини ёритиб бера олади.

2-савол баёни: Ҳавони муҳофаза қилишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардир:
-ҳавонинг ифлосланиши йўл қўйиладиган даражадан ошиб кетган шаҳар ва аҳоли пунктларида ҳаво ҳолатини норматив талаб даражасида яхшилаш;
-республиканинг барча шаҳарлари, аҳоли пунктлари ва саноат марказларида ҳаво сифатини санитария-гигиена нормативлари даражасида яхшилаш;
-иқлимга салбий таъсир кўрсатишини камайтириш.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги ишларни бажариш талаб этилади:

-яқин йилларда республиканинг ҳавоси энг ифлосланган шаҳарларида ноқулай вазиятни юзага келтираётган корхоналар, шунингдек, республиканинг қолган барча корхоналарида ҳам ҳавога чиқадиган ташламалар ҳажмини белгилаган нормативлар даражасига тушириш;

-стационар манбалардан ҳавони ифлослантirmoқчи моддалар чиқарилишини камайтириш учун чиқитсиз технологияга, энергиянинг муқобил турларига ўтиш, чанг-тўзондан тозаловчи янги-асбоблар, ёқилғи, олтингугуртдан тозалаш қурилмаларини ўрнатиш, мавжудларининг самарадорлигини ошириш, ишлатиш муддатини ўтаган ва эскирган технологик ускуналарни алмаштириш зарур;

-автотарнспортдан заҳарли моддалар чиқаришни умуман республика бўйича камайтириш керак. Этил бензинидан фойдаланишни тўхтатиш ва автомобилларни ишлаган газларни бартараф қилувчи воситалар билан таъминлаш бу муаммони ҳал этишда муҳим йўналиш бўлади.

Ташламаларни камайтиришнинг бошқа чоралари:

-автомобиллар ва двигетелларнинг тузилишини такомиллаштириш, ёқилғининг турли хилларидан, тутунга қарши қўшимчалардан фойдаланиш, газ билан ишлайдиган автомобиллар паркларини кўпайтириш, ташхис станциялари, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш шахобчаларини яратиш, автомобиллар ишлаган газлар заҳиралилиги ва сертутунлигини назорат қилиш самарадорлигини ошириш йўллари топиш;

-экологик жиҳатдан хавфли барча корхоналар ва ишлаб чиқариш ташкилотлари атрофида санитария назоратини янада кучайтириш (минтақа чегарасида яшайдиган аҳолини кўчиришни таъминлаш ва ҳ.к.).

Назорат саволлари:

1. Ҳавони муҳофаза қилишнинг қандай йўналишлари мавжуд?
2. Ҳавони ифлослантирувчи манбалар нималар деб айта оласиз?
3. Чиқиндиларни қандай йўллар билан камайтириш мумкин?

3-савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда минтақалараро экологик муаммолар ва табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизми ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Минтақалараро экологик муаммоларни тушунтира олади.
2. Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизмини мазмунан ёритиб бера олади.

3-савол баёни: Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий манбалардан самарали фойдаланишнинг минтақалараро моҳиятига эга бўлган муаммоларини ҳал этиш учун Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон ва Қирғизистон Республикаларининг атроф-муҳитни сақлаш, табиий манбалардан самарали фойдаланиш юзасидан минтақалараро узоқ йиллик дастурини ишлаб чиқиш лозим. Бу дастурда биринчи навбатда, Орол денгизи ҳавзасидан, сув, ер ва биологик манбалардан фойдаланишнинг комплекс лойиҳасини ишлаб чиқиш, Сирдарё ва Амударё ўзанларида сувни муҳофаза қилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, Тожикистон алюминий заводи, очик кўмир кони, Қувасой цемент заводи ва бошқа шу каби саноат корхоналари жойлашган минтақаларидаги экологик жиҳатдан хавфли бўлган корхоналар учун ҳам ишлаб чиқариш, қайта қуриш, кўчириш тадбирларини, Чордара ва Туямўйин сув омборлари минтақасида балиқ манбаларини муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, муҳофаза қилинаётган минтақа (кўрикхоналар, халқ боғлари) ягона минтақалараро тармоғини яратиш. Устюрт ясси тоғлиги жанубида мавжуд Коплонғир кўрикхонаси асосида ҳайвонлар ва ўсимликларнинг ноёб турларини сақлаш учун республикалараро кўрикхона ташкил этиш ва ҳ.к.

Марказий Осиё давлатлари дастурининг мақсад ва вазифалари, уларни ҳал қилиш йўллари бевосита Оролбўйи муаммоси билан боғлиқ. Оролни табиий ҳолатида сақлаб қолиш бу минтақада экологик ва санитария-гигиена вазиятини тубдан яхшилашга хизмат қилади.

Яқин келажакда ташкилий-иқтисодий хусусиятга молик қуйидаги умумий тадбирларни амалга ошириш зарур:

-табиий манбаларга тўлов нормативларини, шунингдек, табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни чиқарганлик (ташланганлик, чиқиндиларни жойлаштирганлик) учун тўлов нормативларини корхоналарга узоқ муддатли нормативлар таркибига киритиш учун етказиш;

-ифлослантирувчи моддаларни табиий муҳитга чиқаришга йўл қўйилмайдиган (белгиланган лимитлар) даражасидан оширганлик ҳамда табиий манбалардан самарасиз фойдаланганлик учун бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлардан озгина ҳақ чегириб олиш (иқтисодий нормативга нисбатан кам миқдорда), жамоанинг хўжалик ҳисоби даромади унинг манбаи ҳисобланади;

-табиий манбалар учун амалдаги тўловлар минтақалараро табақалаштириш даражасини ошириш ва яхшилаш, шунингдек, табиатдан фойдаланиш учун тўловлар таркибини мукамаллаштириш, жумладан, ер, ўрмон, сув манбалари ер ости бойликлари, ҳайвонот ва наботот оламини муҳофаза қилишга кетадиган харажатларни қоплаш учун тўловларни унинг таркибига киритиш;

Табиатни муҳофаза қилиш маҳаллий фондларига банклар кредит бериши ва бошқа шунга ўхшаш жараёнларни бажариш бўйича вазифалар билан шуғулланишни киритган ҳолда, табиатдан фойдаланишни молиявий-кредит жиҳатидан тартибга солишнинг янги усулларини жорий этиш;

-нарх белгилаш тартибини ислоҳ қилиш жараёнида маҳсулотларнинг улгуржи ва харид нархларини жаҳон нархларига яқинлаштириш, табиатдан пул тўлаб фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш ва экологик-иқтисодий оқибатларга ижтимоий зарур харажатлар сарфланишини назарда тутиш;

Табиатни муҳофаза қилиш қонунларига намунали риоя қилганлик учун корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш тартибини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

-табиатни муҳофаза қилиш жиҳозлари, материаллар, асбоблар ва атроф-муҳит ҳолатини назорат қилиш воситаларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган маблағларнинг бир қисми ҳисобидан корхоналар, кооперативларга солиқ солишнинг имтиёзли тартибини, шунингдек, экологик жиҳатдан хавfli маҳсулот ишлаб чиқарганлик учун эса солиқ солишни белгилаш;

-хўжалик ҳисоби асосида табиатни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқариш фондлари (тозалаш иншоотлари, қурилмалар ва бошқалар) дан самарали фойдаланганлик учун меҳнат жамоалари, корхоналарнинг раҳбарлари ва алоҳида ходимларнинг иқтисодий масъулиятини ошириш.

Назорат саволлари:

- 1.Минтақаларо экологик муаммолар бугунги кунда қандай ҳолатда?
- 2.Марказий Осиё давлатларида Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида олиб борилаётган сув хўжалиги сиёсати қандай олиб борилмоқда?
- 3.Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизми мазмуни қандай элементлардан ташкил топган?

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

Ҳозирги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари Ўзбекистон миллий иқтисодиёти учун асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

Табиий манбалардан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари мавжуд. Жумладан, ҳавони муҳофаза қилиш, ташламаларни камайтириш, ўсимликларнинг ноёб турларини сақлаб қолишнинг асосий йўналишлари белгиланган.

Атроф - муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий манбалардан самарали фойдаланишнинг минтақаларо моҳиятга эга бўлган муаммоларни ҳал этишга эътибор қаратилган.

Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизми асосларини табиий манбалардан фойдаланиш лимитлари ва тўловлари, табиий муҳитни ифлослантирганлик учун тўловлар, табиатни муҳофаза қилиш фондлари ва бошқа молия-кредит механизмлари ташкил этади.

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-минтақавий тузилиши. Т.: «Ўзбекистон», 1996.
3. «Бюджет тизими тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни. Тошкент 9 октябрь 1999 йил
4. И.А.Каримов. «Ўзбекистон буюк келажак сари» Тошкент «Ўзбекистон» 1997 йил.
5. Ишмухамедов А.Э., Шибаршова Л.И. «Хорижий мамлакатлар иқтисодиётини тартибга солиш» фанидан маърузалар матни. Тошкент «Иқтисодиёт ва статистика» факультети 2000 йил.
6. Шевелева С.А. Основы экономики и бизнеса: Учебное пособие /С.А.Шевелева, В.Е.Стогов.- 2-е изд., перераб. и доп.- М.: ЮНИТИ, 2005.- 515 с. 1 экз.
7. И. А. Родионова. Мировая экономика. Издательство: Питер, 2005. -253с.
8. Кистанов В.В., Копылов Н.В. Региональная экономика России . Издательство: ФИНАНСЫ И СТАТИСТИКА, 2005. -584с.

Интернет веб-сайтлари

1. <http://www.cer.uz> – Ўзбекистон Республикасининг “Иқтисодий тадқиқотлар маркази” нинг “Экономическое обозрение” журналининг электрон манзили. Турли хил иқтисодий мавзуларга оид материалларни олишга имкон беради.
2. <http://www.economyfaculty.uz> – “Микро-макроиқтисодиёт” кафедраси сайти мавжуд бўлган веб-сайт
3. <http://economics.com.ua> – бозор иқтисодиётига тааллуқли бўлган маълумотлар веб-сайти
4. <http://www.bearingpoint.uz> – “Ўзбекистон иқтисодиёти” қўлланмасининг веб-сайти

10-мавзу. Минтақа молияси.

Фанни ўқитиш технологияси:

«Минтақа молияси "мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	<p>Тайёрлов босқичи:</p> <p>1.1. Дарс мақсади: Минтақа молияси ҳақида талабаларга тушунчалар бериш.</p> <p>1.2. Идентив ўқув мақсадлари:</p> <p>1.2.1. Молиявий маблағларни изоҳлаб беради.</p> <p>1.2.2. Махалий бюджет ва унинг тушумларини тушинтира билади.</p> <p>1.2.3. Махалий солиқларни тушинтира олади.</p> <p>1.3. Асосий тушунча ва иборалар: бюджет, молия сиёсат, дотация, субвенция, солиқ, урбанизация, молиявий ресурс, бюджетдан ташқари фондлар.</p> <p>1.4. Дарс шакли: гуруҳ ва микрогуруҳларда.</p> <p>1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар: суҳбат, маъруза-хикоя, баҳс, видеоусул.</p> <p>1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар: ўқув-методик мажмуа, видеопроректор, видеофилмлар.</p>	Ўқитувчи
2	<p>Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
3	<p>Гуруҳда ишлаш босқичи:</p> <p>3.1. Талабаларга муаммоли савол беради .</p> <p>3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади.</p> <p>3.3. Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p>3.4. Умумий хулосага келинади.</p>	Ўқитувчи-талаба, 40 минут
4	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</p> <p>4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади:</p> <p>- Молиявий маблағларни тушунтиринг?</p> <p>- Махалий бюджет деганда нимани тушунаси?</p> <p>- Махалий солиқлар ва уларнинг йўналишларини тушунтиринг?</p> <p>4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
5	<p>Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:</p> <p>5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p>5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади.</p> <p>5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.</p>	Ўқитувчи, 10 минут

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Минтақа молия маблағлари ва уни бозор иқтисодиётига ўтиш шароитидаги аҳамияти.
2. Махаллий бюджет, унинг тушумлари ва харажатлари.
3. Минтақавий бюджетлардан ташқари фондлар

Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:

1. Минтақа молияси орқали давлат ўзининг ижтимоий сиёсатини минтақада фаол олиб боради. Сиз бу мулоҳазани қандай фикрлайсиз?
2. Минтақавий ҳокимликлар бириктирилган даромадларнинг кўпайишидан манфатдордирлар. Ушбу мулоҳазани изоҳлай оласизми?
3. Минтақавий ривожланишда дотация ва субвенция муҳим аҳамият касб этади. Сиз бу масалага қандай ёндошасиз?

Мавзуга оид таянч тушунчалар ва иборалар: бюджет, молия сиёсат, дотация, субвенция, солиқ, урбанизация, молиявий ресурс, бюджетдан ташқари фондлар.

1-савол бўйича дарс мақсади: Минтақа молия маблағлари ва уни бозор иқтисодиётига ўтиш шароитидаги аҳамияти ҳақидаги тушунчаларга эга бўлиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Минтақа молиясини моҳияти ва заруриятини тушунтира олади.
2. Минтақани комплекс ривожлантиришда минтақа молиясининг ролини тушунтира олади.

1-савол баёни: Бюджет молия сиёсати авваламбор республикада бозор механизми тўлиқ ишлашини таъмин этишга қаратилган. Бюджетни молиялаштиришни амалга оширишда эса номарказлашган йўналиш асосий ўринни тутди.

Ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан давлат бюджети харажатлари республикада 1991 йил 52,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2005 йилга келиб, бу кўрсаткич 33,2 фоиз бўлди.

Давлат молия тизимининг таркибий қисмларидан бири ҳудуд молияси ҳудуднинг эҳтиёжлари қондирилиши муҳим ўринни эгаллайди.

Минтақа молияси аҳолининг ижтимоий-маданий ва коммунал-маиший эҳтиёжлари қондирилишига қаратилган тадбирлар амалга оширилишини таъминлайди. Демак ҳудуд молияси-минтақанинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига қаратилган маблағлар тақсимланиши бўйича иқтисодий муносабатлар тизимидир.

Минтақа молияси орқали давлат ўзининг ижтимоий сиёсатини ҳудудда фаол олиб боради.

Минтақа молияси ёрдамида давлат иқтисодий-ижтимоий ривожланишида барча тарихий, жуғрофий сабабларга кўра, ортида қолиб кетган ҳудуднинг ривожланиши даражасини тенглаштиради. Шу мақсадда ҳудудий дастурлар тузилади.

Ҳозирги вақтда минтақа ҳокимликларига ҳудудни комплекс ривожлантириш вазифаси юкланмоқда. Бу мақсадда минтақа маблағларини кенгайтириш ва ривожлантириш базасини мустаҳкамлаш эҳтиёжи борган сари ривожланмоқда. Эндиликда минтақа маблағларининг шакллантирилиши ва ўзлаштирилиши бўйича янги усулларни жорий этиш борасидаги муаммоларни ҳал этиш зарур.

Минтақа маблағларининг таркибий қисмларидан бири хўжалик субъектларининг маблағларидир. Бу маблағлар биринчидан, муниципал мулк эгалигида бўлган коммунал-маиший корхоналар маблағларидан, иккинчидан, ижтимоий-маданий ва маиший объектларга хизмат кўрсатадиган корхоналар ва фирмалар маблағларидан, учинчидан, бюджетдан ташқари фондлардан (заём маблағлари, кўнгилли бадаллар ва бошқалар) ташкил топади.

Назорат саволлари:

1. Минтақа молияси орқали давлат узининг ижтимоий сиёсатини ҳудудда фаол олиб боришининг сабаби нимада?
2. Минтақавий ривожланишдаги нотенгликни давлат минтақа молияси орқали қандай тенгалштириш имкониятлари мавжуд?

2-савол бўйича дарс мақсади: Маҳаллий бюджет, унинг тушумлари ва харажатлари туғрисида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.Минтақа бюджетларини манбаларини санаб бера олади.
- 2.Минтақа бюджетларини барқарорлаштиришда дотация ва субвенцияларни ролини изоҳлай олади.
- 3.Маҳаллий солиқларни санаб бера олади.
- 4.Ер солиғининг аҳамиятли эканлигини тушунтириб бера олади.
- 5.Урбанизация атамасини тушунтириб бера олади

2-савол баёни: Маҳаллий молия негизини маҳаллий бюджет ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси ўз ичига маҳаллий ҳокимият идораларининг даромад ва харажатларини олади. Масалан АҚШ, Германия ва Японияда давлат молия ресурсларининг 50-60 фоизи маҳаллий молия ҳиссасига тўғри келишига қараб, у жамият иқтисодий ҳаётида қандай муҳим аҳамиятга эканлигини кўриш мумкин.

Минтақавий ҳокимликларнинг асосий молия базаси уларнинг бюджетлари. Уларга берилган ҳуқуқлар тасдиқланган бюджетларининг бажарилишига имкониятлар яратади. Минтақа бюджетлари-аҳолига жамиятнинг ишлаб чиқариш фаолияти яқунларини етказиш бўйича асосий каналларидан биридир. Бундан ташқари, бу бюджетлардан ҳудуднинг ва озиқ-овқат саноати, маиший-коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарининг ривожланиш бўйича молия таъминоти амалга оширилади.

Минтақа бюджетларининг даромадлари. Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришида ҳудуд бюджетларига катта аҳамият берилади. Аҳолига хизмат кўрсатилиши бўйича тадбирларнинг амалга оширилишида бу бюджет маблағлари асосий манба ҳисобланади.

Минтақа бюджетлари даромадлари **бириктирилган ва тақсимловчи** ресурслардан шаклланади. Минтақавий ҳокимликлар бириктирилган даромадларнинг кўпайишидан манфатдордир. Бунинг учун маҳаллий корхоналарга иқтисодий ривожланиши ва бюджетга тўловларни кўпайтириш мақсадида ташаббускорлик имконияти яратилган. Бириктирилган даромадларнинг ҳудудий харажатлар ўсишига нисбатан секин кўпайиши бу харажатларни қисман юқоридан тушган тақсимловчи маблағлар ҳисобидан қоплаш эҳтиёжини туғдиради.

Минтақа бюджетларини барқарорлаштириш мақсадига қаратилган тақсимловчи маблағлар қуйидагиларда ифодаланади:

- юқоридаги бюджетлардан тушган солиқлардан тўловлар фоизи;
- дотациялар;
- субвенциялар;
- бюджетнинг бажарилиши жараёнида юқори бюджетдан тушган маблағлар.

Республикадаги иқтисодий танқислик баҳоларнинг тўхтовсиз ошиб бориши шароитида, оғир молиявий қийинчиликларни бартараф қилиш, республика ва маҳаллий бюджетларни маблағ билан ўз вақтида таъминлаш, меҳнаткашлар, корхона ва ташкилотларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида республика Олий Мажлиси 1993 йил 6 майда Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар туғрисида ҳамда Ер солиғи туғрисидаги қонунларни қабул қилди.

Дотациялар ва субвенцияларнинг салбий томонларига қарамасдан, уларни бутунлай бартараф этиш мумкин эмас. Чунки бу режавий тадбирлар, молия таъминоти анча қийинлашишига олиб келади. Юқорида таъкидлаганимиздек бириктирилган даромадларнинг асосини маҳаллий солиқлар ташкил этади.

Минтақавий ҳокимликларга асосан ижтимоий-маданий соҳа корхоналари, биринчи навбатда, ҳалқ таълими ва соғлиқни сақлаш муассасалари бўйсунди. Шунинг учун ҳудуд бюджетларининг харажатлари асосан ижтимоий-маданий йўналишда амалга оширилади. Шаҳар, вилоят бюджетларида уларнинг улуши тахминан 50% бўлса, қишлоқ, ва овул бюджетларида 60-80% ни ташкил этади.

Урбанизация ривожланганида, одатдагидек халқ таълимига харажатлар улуши ортади. Чунки, худуд хўжалиги мураккаблашади, тураржой куриш, коммунал-маиший хизмат хажмларини кўпайтириш эҳтиёжи, асосий фондлар нархи ва уларнинг техник таъминоти миқдори ошади.

Йирик шаҳарларнинг ривожланиши-худудий бюджетларнинг ўсишига таъсир кўрсатувчи муҳим омилдир. Лекин йирик шаҳарларда аҳоли эҳтиёжларининг тобора ортиб боришини ҳам инобатга олиш зарур.

Шаҳарларда ишлаб чиқариш, кимё ва биология саноатларининг ривожланиши ҳамда аҳолининг кескин кўпайиши атроф муҳитга салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун худуд бюджетларида атроф-муҳитни сарамжон қилиш харажатлари ошади.

Маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилдиган соҳалар қонунчилик билан белгилаб берилган ва Ўзбекистон Республикасининг "Бюджет тизими тўғрисида"ги қонунда маҳаллий бюджетдан молиялаштирилдиган соҳалар қуйидагича гуруҳланган:

- 1) фан, таълим, маъданият, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт (маҳаллий бюджетдан молиялаштирилдиган ташкилотлар бўйича);
- 2) ижтимоий таъминот;
- 3) аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш;
- 4) маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини таъминлаш;
- 5) иқтисодий турли тармоқларининг бюджет ташкилотларини сақлаш;
- 6) қонун ҳужжатларга муофиқ иқтисодий тармоқларини ривожлантиришнинг мақсадли дастур ва тадбирларни амалга ошириш;
- 7) қонун ҳужжатларда назарда тутилган бошқа мақсадлар.

Бюджетлараро муносабатлар - бюджет дейилганда тизимининг юқори ва қуйи звенолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тушинилади. **Бюджет маблағларидан тежаб-тергаб фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир. Бу бизга қуйидаги имкониятларни беради:**

- Инвестиция учун амалга оширилаётган молиялаштириш хажмини кўпайтиради;
- Мамлакат иқтисодий-иқтисодий юқори даражага кўтариш ва уни мустаҳкамлаш учун амалга оширилаётган чора-тадбирларни молиялаштириш хажмини оширади;
- Давлатнинг ташқи иқтисодий-иқтисодий фаолиятини кенгайтиради;
- Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун ажратилаётган маблағлар хажмини оширади;

Давлат бюджети даромадларининг катта қисмини жойларга бериш, маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Бу худудлар мустақиллигини ошириш, уларнинг ташаббускорлигини, бюджетнинг ижросидан манфаатдорлиги ва бу борадаги маъсулиятини ошириш имконини беради, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг янги манбаларини қидириб топишни рағбатлантиради, бюджет интизомини мустаҳкамлайди.

Маълумки маҳаллий ҳокимиятларни ўзларига тегишли минтақаларда тадбиркорликни ривожлантиришдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромадлар маҳаллий бюджетлар ихтиёрига берилган.

Назорат саволлари:

1. Маҳаллий молия негизини кима ташкил этади?
2. Минтақавий бюджетининг даромадлари қандай манбалардан ташкил топган?
3. Маҳаллий солиқларнинг қандай турлари бор ва улар қандай ундирилади?
4. Солиқлар қандай такомиллаштирилиб борилади?
5. Минтақа бюджети маблағлари қандай йўналишларга сарфланади?
6. Корхоналарнинг худуд ривожига қаратилган қандай молиявий ресурслари бор?
7. Маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилдиган соҳаларни санаб беринг?
8. Бюджет маблағларидан тежаб-тергаб фойдаланиш қандай имкониятларни вужудга келтиради?

3-савол бўйича дарс мақсади: Минтақавий бюджетлардан ташқари фондлар ҳақидаги тушунчаларга эга бўлиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.Минтақавий бюджетдан ташқари фондларни ажратиб кўрсата олади.
- 2.Минтақавий хўжаликни ривожлантириш фондларини тушунтириб бера олади.

3-савол баёни: Минтақавий ижтимоий инфратизимни ривожлантириш учун корхоналар ва бюджетлар маблағларининг бирлаштирилиши долзарб бўлиб қолмоқда. Бунга эришиш йўлларида бири ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича минтақавий бюджетдан ташқари фондларни ташкил этишдир. Бунда фондлар қуйидагича шаклланади:

- корхоналар, ташкилотлар ва фуқароларнинг кўнгилли хайрия тўловлари ва бадалларидан;
- минтақавий заём, пул-буюм лотереялари, аукционлардан тушган даромадлардан;
- корхона, ташкилот, жамоа хўжаликлари, жамоа ташкилотларининг кўнгилли равишда жалб этилган маблағларидан;
- атроф-муҳитдан фойдаланиш меъёрларини бузганлик, тарихий объектлардан ноқонуний фойдаланиш қабилар учун ундирилган жарималардан.

Бундай фондлар минтақавий ваколат органлари қарорларига мувофиқ жорий этилади ва улар махсус тайинланган бошқарув ҳайъати томонидан бошқарилади. Ҳайъат таркибига ҳудуд ҳокимлиги ва манфаатдор ташкилотларнинг вакиллари киритилади.

Фондларда жамғарилган маблағлар қуйидаги тадбирларга ишлатилиши мумкин:

- кооперация усулида қурилаётган ижтимоий-маданий объектларга;
- бюджетда белгиланмаган тадбирлар, асосан ободонлаштириш бўйича;
- бюджетнинг ўсган жорий ҳаражатларини қоплаш лимитлаштирилган ҳаражатлардан ташқари маблағлари;
- даромад йиғиш режаси бажарилмаган тақдирда-режавий тадбирларга ва бошқа кўзда тутилмаган ҳолларга.

Корхоналар ва ташкилотлардан тушган бадаллар ҳисобига шаклланган маблағлар асосан умумҳудудий аҳамиятга эга бўлган объектлар таъминотига йўналтирилиши керак.

Минтақавий хўжаликни ривожлантириш фондлари:

- ижтимоий-маиший инфратизимнинг ривожланишига қаратилган маблағларни бирлаштиради;
- ўз хўжалик фаолияти ижобий натижаларидан минтақавий ҳокимликларнинг манфаатдорлигини кучайтиради;
- молия ва пул маблағларининг ишлатилиш самарадорлигини оширади;
- минтақадаги корхоналар ва ҳокимликларнинг иқтисодий алоқаларини кучайтиради;
- корхоналар ўз фаолиятларига тегишли бўлмаган тадбирларни бажаришдан озод этилади.

Назорат саволлари:

- 1..Минтақавий бюджетидан ташқари қандай фондлар мавжуд?
- 2.Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида минтақавий ёндашув самарадорлиги ҳақида нима дея оласиз?

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

Маҳаллий молия негизини маҳаллий бюджет ташкил этади. У ўз ичига маҳаллий ҳокимият идораларининг даромад ва ҳаражатларини олади.

Солиқлар давлат бюджетини молиявий ресурслар билан таъминлайди. Бозор иқтисодиёти шароити солиқ воситаси орқали давлат томонидан иқтисодиётни бошқариш, ишлаб чиқариш қувватлари, географик жойлашиш ва бошқа омиллар ҳисобга олинади.

Маҳаллий солиқлар қайта кўриб чиқилди. Унинг сони ҳозирги пайтда 13 тани ташкил этади.

Маҳаллий солиқлар орасида ер солиғи муҳим аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғи жорий этилиши солиққа тортиш тизимининг янада такомиллашганидан далолат беради.

Мавзуга оид адабиётлар:

9. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 1992.
10. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-минтақавий тузилиши. Т.: «Ўзбекистон», 1996.
11. «Бюджет тизими тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни. Тошкент 9 октябр 1999 йил
12. И.А.Каримов. «Ўзбекистон буюк келажак сари» Тошкент «Ўзбекистон» 1997 йил.
13. Ишмухамедов А.Э., Шибаршова Л.И. «Хорижий мамлакатлар иқтисодий тартибга солиш» фанидан маърузалар матни. Тошкент «Иқтисодий ва статистика» факультети 2000 йил.
14. Шевелева С.А. Основы экономики и бизнеса: Учебное пособие /С.А.Шевелева, В.Е.Стогов.- 2-е изд., перераб. и доп.- М.: ЮНИТИ, 2005.- 515 с. 1 экз.
15. И. А. Родионова. Мировая экономика. Издательство: Питер, 2005. -253с.
16. Кистанов В.В., Копылов Н.В. Региональная экономика России . Издательство: ФИНАНСЫ И СТАТИСТИКА, 2005. -584с.

Интернет веб-сайтлари

5. <http://www.cer.uz> –Ўзбекистон Республикасининг “Иқтисодий тадқиқотлар маркази” нинг “Экономическое обозрение” журналининг электрон манзили. Турли хил иқтисодий мавзуларга оид материалларни олишга имкон беради.
6. <http://www.economyfaculty.uz> –“Микро-макроиқтисодиёт” кафедраси сайти мавжуд бўлган веб-сайт
7. <http://economics.com.ua> –бозор иқтисодиётига тааллуқли бўлган маълумотлар веб-сайти
8. <http://www.bearingpoint.uz> –“Ўзбекистон иқтисодиёти” қўлланмасининг веб-сайти

11-мавзу: Минтақада фермер хўжаликларини ривожлантириш асослари Фанни ўқитиш технологияси:

“Минтақада фермер хўжаликларини ривожлантириш асослари” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	Тайёрлов босқичи: 1.1.Дарс мақсади: Минтақада фермер хўжаликларини ривожлантириш асослари ҳақида талабаларга тушунчалар бериш. 1.2.Идентив ўқув мақсадлари: 1.2.1.Фермер хўжалигининг моҳиятини очиб бера беради. 1.2.2.Фермер хўжалигининг ташкилий-иқтисодий асосларини изохлаб бера олади. 1.2.3.Фермер хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини ёритиб бера олади. 1.3.Асосий тушунча ва иборалар: Фермер хўжалиги, колхоз, совхоз, ширкат, ёрдамчи хўжалик, фермер хўжалигини ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатлари . 1.4.Дарс шакли: гуруҳ ва микрогуруҳларда. 1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар: суҳбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, видеоусул. 1.6.Керакли жиҳоз ва воситалар: Ўқув-методик мажмуа,	Ўқитувчи

	видеопроректор, видеофилмлар.	
2	Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи: 2.1.Мавзу эълон қилинади. 2.2.Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	Ўқитувчи, 15 минут
3	Гуруҳда ишлаш босқичи: 3.1.Талабаларга муаммоли савол беради . 3.2.Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади. 3.3.Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. 3.4.Умумий хулосага келинади.	Ўқитувчи- талаба, 40 минут
4	Мустақамлаш ва баҳолаш босқичи: 4.1.Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: - фермер хўжалигини моҳиятини тушунтиринг. - қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишни қандай шакллари ва усуллари мавжуд? - фермер хўжалигини ривожлантириш бўйича қабул қилинган қонунларни изоҳланг. 4.2.Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	Ўқитувчи, 15 минут
5	Ўқув машғулотини яқунлаш босқичи: 5.1.Талабалар билими таҳлил қилинади. 5.2.Мустақил иш топшириқлари берилади. 5.3.Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	Ўқитувчи, 10 минут

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1.Фермер хўжалигининг моҳияти, ривожланиш хусусиятлари ва унинг қишлоқ хўжалигида тутган ўрни ва аҳамияти.

2.Фермер хўжалигининг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий асослари.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Фермер хўжалиги, колхоз, совхоз, ширкат, ёрдамчи хўжалик, фермер хўжалигини ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатлари.

Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:

1.1.Фермер хўжалигини ташкилий иқтисодий асослари ва уни такомиллаштириш йўналишлари.

1.2.Фермер хўжалигининг бошқа корхоналар билан иқтисодий алоқалари ва уни ташкил этиш асослари.

1-савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда фермер хўжалигининг моҳияти, ривожланиш хусусиятлари ва қишлоқ хўжалигида тутган ўрни тўғрисида тушунчалар ҳосил қилдириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1.1.Фермер хўжалигининг моҳияти, ривожланиш хусусиятларини баён қила олади.

1.2.Фермер хўжалигининг қишлоқ хўжалигида тутган ўрни ва вазифаларини айтиб бера олади.

1-савол баёни: Республикада фермер хўжаликларини мустақил хўжалик юритиш субъекти сифатида расман тан олиш ва фаол шакллантириш жараёни 1991 йилнинг охиридан бошланди. Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини жорий этишни жадаллаштириш, мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келтириш, хусусий мулк ва шахс манфаатларининг устивор ривожланишини таъминлаш мақсадида 1991 йил 29 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 295-сонли «Республикада деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустақамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Бу фармоннинг қабул қилиниши республикада фермер хўжаликларини бозор шароитида шаклланиб келаётган хўжалик юритишининг янги шакли сифатида ҳисобга олиш ва

ривожлантириш учун дастлабки ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди. Фармонда фермер хўжаликларини шакллантириш мақсадида бошланғич ер фондини шакллантириш, уларни моддий-техника ресурслари ва кредитлар билан таъминлаш ҳамда фермерлар фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш масалалари белгилаб берилди.

Дастлабки ташкил этилган фермер хўжаликлари асосан республика ҳукумати томонидан ажратилган давлат ер фонди базасида, захирадаги ерларда, меҳнат ресурслари етишмайдиган, янги суғориладиган, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг кам унумли, фойда бермайдиган ёки кам рентабелли ерларида шакллантирилган. Бунда юридик шахс ҳуқуқи билан ташкил этилган мустақил деҳқон(фермер) хўжаликлари билан бир қаторда жамоа(ширкат) хўжаликлари ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг таркибида ички ижара шартномаси асосида (юридик шахс мақомига, мустақил баланс ва банкларда ҳисоб рақамига эга бўлмасдан) тузилган деҳқон хўжаликлари ҳам шаклланиб борди.

Фермер хўжалигини номланишида баъзан «деҳқон хўжалиги» ёки «фермер хўжалиги», кўп ҳолларда эса «деҳқон (фермер) хўжалиги» деган атамалар ишлатиб келинди. «Фермер хўжалиги» деганда кўпроқ чорвачилик йўналишидаги хусусий хўжаликлар назарда тутилди.

Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларининг фаол кириб бориши ва тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши билан фермер хўжаликларининг янги ижтимоий-иқтисодий уклад сифатида моҳиятини аниқлаштириш, уларнинг ташкилий-иқтисодий асосларини теранлаштириш ҳамда ҳуқуқий мақомини мустақамлаш зарурияти юзага келди.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги ва «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунлари қабул қилиниши билан фермер хўжалиги ва деҳқон хўжалигининг мақоми, уларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва ташкилий-иқтисодий асослари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъекти сифатидаги умумий ва фарқли томонларини аниқ белгилаб берилди.

«Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунга мувофиқ қишлоқ хўжалиги корхоналари табиқида юридик шахс мақомини олмай ички хўжалик шартномаси асосида фаолият кўрсатиб келган деҳқон (фермер) хўжаликлари фермер хўжалиги сифатида расман тан олинмайдиган бўлди. Фақатгина ўз мустақил баланси, банкларда ҳисоб рақамига эга ҳамда мустақил юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган деҳқон хўжаликлари фермер хўжалиги мақомини олди. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 300-сонли қарори билан барча мустақил ва мустақил бўлмаган деҳқон хўжаликлари аттестациядан ўтказилиб, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун талабларига мос ҳолда қайта рўйхатдан ўтказилди.

“Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 1-бандида: “Фермер хўжалиги ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқориши билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритиш субъектидир», -деб белгилаб берилган.

Фермер хўжалиги уни тузаётган аъзолар ҳоҳишига кўра ихтиёрий ташкил этилиб, ўз ишлаб чиқаришини белгиланган қонунчилик доирасида юқори фойда олишни кўзлаб ташкил этади ва ишлаб чиқаришнинг қонун билан таъқиқланмаган ҳар қандай тури билан шуғилланишга ҳақлидир.

Фермер хўжалигининг иқтисодий негизини ишлаб чиқариш воситаларига (ер бундан мустасно) ва ўз меҳнати натижаларига мулкий эгалик ташкил этади ва у тадбиркорлик эркинлиги, оила ҳамда шахснинг ўз моддий фаровонлиги йўлида меҳнат қилишига таянади. Мустақил хўжалик юритиш субъекти сифатида у мулкчиликнинг бошқа шаклларидаги хўжаликлар билан тенг ҳуқуқларга эга ишлаб чиқариш бирлиги ҳисобланади.

Фермер хўжалигининг жамоа, ширкат ёки ҳиссадорлик каби йирик хўжаликлардан асосий фарқи ва устунлик томони эса фермернинг ишлаб чиқариш воситалари билан бевосита бирикувида, яъни мулк ва меҳнат натижаларини тасарруф этиш бўйича масалаларни мустақил ҳал этишидир.

Фермер хўжалиги қишлоқ хўжалигида хўжалик юриштишнинг шаклларида бири сифатида ўзига хос бўлган ижтимоий-психологик, ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий хусусиятларга эга бўлиб, буни қуйидаги чизмада яққолроқ кўриш мумкин(3.1-чизма).

Фермер хўжалигини юриштишдан кўзда тутилган мақсад, фермер манфаати томонидан туриб ёндошсақ ички истеъмол ва товар маҳсулоти ишлаб чиқариш, шунингдек бошқа кўп қиррали фаолияти орқали ўзи ва оиласининг моддий фаровонлигини таъминлашдан иборатдир.

1.	Ижтимоий-психологик жиҳатдан	Жамиятнинг бошланғич бўғини-оила ва унга хос бўлган ахлоқий-тарбиявий қадриятларга ҳамда шахсий манфаатдорлик, хусусий ташаббускорлик ва тадбиркорлик эркинлигига таянувчи аҳолининг ижтимоий қатлами
2.	Ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан	Юридик шахс мақомига (ўз баланси, ҳисоб рақами, муҳри ва бошқ.) эга бўлиши шарт
3.	Меҳнат муносабатлари жиҳатидан	Хўжаликда аъзолар меҳнати билан биргаликда ёлланма меҳнатдан фойдаланиш мумкин
4.	Ишлаб чиқариш йўналиши жиҳатидан	Ишлаб чиқариш қисман ички истеъмолга ва асосан бозорга йўналтирилган товар хўжалиги
5.	Мулк муносабатлари жиҳатидан	<ul style="list-style-type: none"> ▪ ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик; ▪ ер майдони узоқ муддатли ижарага (энг камида 30 йилдан узоғи билан 50 йилгача) берилади, ижара муддатида ижара ҳуқуқини мерос қилиб қолдириш мумкин
6.	Хўжалик юриштиш учун ажратиладиган ер майдони ҳажми жиҳатидан	<p>Хўжалик юриштиш учун ажратиладиган ер майдони ҳажмининг қуйи чегараси:</p> <ul style="list-style-type: none"> -ғалла ва пахта етиштиришга ихтисослашганда камида 10 га; -боғдорчилик, узумчилик ва сабзавот-полизчиликда камида 1 га; -чорвачиликда камида шартли 30 бош чорва моли бўлган тақдирда ҳар бир шартли бош мол учун вилоятлар ва ҳудудларга қараб 0,3 –0,45 га.дан (лалми ерларда 2 га).

1.1-чизма. Фермер хўжалигининг хусусиятлари

Фермер хўжалигининг асосий вазифаси қишлоқ аҳолисини фойдали меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш орқали ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланишга эришиш ҳамда шу асосда энг кам сарф-харажат бирлиги эвазига маҳсулот етиштиришни ҳар томонлама кўпайтиришдан иборат.

Фермер хўжалиги мустақил хўжалик юриштиш субъекти сифатида ўзига хос бўлган маълум бир тамойилларга таянади:

1) Фермер хўжалиги ихтиёрийлик асосида тузилади, яъни, фермер хўжалиги аъзолари ўз хоҳишлари, манфаатлари ва имкониятларидан келиб чиқиб хўжаликни ташкил этадилар. Улар ишлаб чиқариш йўналишларини белгилаш ва ўзлаштириш, бошқа хўжаликлар ва давлат органлари билан муносабатларни ҳам мустақил равишда амалга оширадилар. Қисқача қилиб айтганда фермерлар тўлиқ танлов ва тадбиркорлик эркинлигига таянадилар.

2) Фермер хўжалигида мулк эгаллиги ҳуқуқи алоҳида хусусиятга эга. Фермер хўжалигидаги мол-мулк шу хўжалик аъзоларининг хусусий мулки бўлганлиги туфайли, улар бу мулкни яхши сақланиши ва кўпайиб боришидан манфаатдордирлар. Бу эса фермерларда мулкдан оқилона фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилади. Ер майдонининг 50 йилгача муддат билан ижарага, ижара муддатида ижара ҳуқуқини мерос қилиб қолдириш билан берилиши эса ер ресурсларидан унумли фойдаланиш, тупроқ таркиби ва ҳосилдорлигини муттасил ошириб боришга рағбат яратади.

3) Фермер алоҳида статусга эга шахс сифатида юзага чиқади, яъни бунда ўз меҳнати билан ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи меҳнатқаш, юқори фойда олишни кўзлаб ўз мол-мулкни таваккалчилик асосида ишлаб чиқаришга жалб этган тадбиркор ва маълум бир интеллектуал қобилиятга эга бўлган бошқарувчи бир шахс тимсолида мужассамланади.

4) Фермер хўжалигида меҳнатнинг характери ҳам ўзига хос хусусият касб этади. Аграр ишлаб чиқаришнинг доимий равишда жонли организмлар билан боғлиқ ҳолда юритилиши, бу соҳада ишлаб чиқаришга ҳақиқий жавобгарлик ҳисси билан ёндашувчи, унинг натижаларидан бевосита манфаатдор шахслар меҳнат қилиши лозимлигини кўрастади. Фермер фақат унинг ўзи ва оиласининг фаровонлигини таъминлашга йўналтирилган эркин, ижодий меҳнатдагина ўзининг қобилиятлари ва маҳоратини тўлаллигича намён эта олади.

5) Фермер хўжалигини асосини жамиятининг бошланғич бўғини-оила ташкил этади. Оилавий хўжаликда ўзгача ижтимоий ва маънавий муҳит мавжуд бўлиб, бу ерда ҳар бир шахснинг манфаати бутун оила манфаати билан кўшилиб кетади. Бунда меҳнат жамоаси вакиллариининг бир-бирига бўлган ишончи юқорилиги сабабли, ҳар бир киши умумий оила фаровонлиги йўлида виждонан ва сифатли маҳнат қилади, меҳнат ва унинг натижаларини кадрлашга ўрганади, ўзаро ёрдам ва шахсий жавобгарлик ҳислатларига мослашади.

Фермер хўжалиги ўзига хос маънавий ва ахлоқий кадрятлар давомчиси ҳамдир. Фермернинг оилавий турмушида ўзи яшаётган ердаги маҳаллий аҳолининг урф-одатлари, маънавий кадрятлари бевосита ўз ифодасини топади. Хўжалик юритишнинг бу шакли ўзига хос меҳнат ва тарбия мактаби ҳам бўлиб, бунда минглаб йиллардан бери ажодларимиз томонидан тўпланган меҳнат тажрибалари ва кўникмалари, ерга ва табиатга муҳаббат ҳисси ҳамда энг яхши миллий анъаналар мустаҳкамланиб авлоддан-авлодга ўтказиб борилади.

6) Фермер хўжалиги қисман бозорга йўналтирилган майда товар хўжалиги сифатида бозор конъюктурасига тез мослашувчан бўлади. Бундай хўжаликлар бозор ҳолатидаги озгина ўзгаришни ҳам тезда илғаб, бозордаги истеъмолчилар талабига мос таклиф билан чиқишга интилади. Фермернинг маҳсулотига ўрнатиладиган баҳо бозорда, харидорлар томонидан ўрнатилиши туфайли, унинг учун маҳсулот сифатини харидорлар дидига мослашдан бошқа илож қолмайди. Бу ҳолатлар бир томондан аҳолини зарур маҳсулотлар билан ўз вақтида, керакли микдорда ва сифатда таъминлаш имконини яратса, иккинчи томондан бозорлар мўл-кўлчилиги шароитида баҳоларнинг аста-секин арзонлашиб боришига сабаб бўлади.

7) Фермер хўжалиги республикаимиз қишлоқ хўжалигида эндигина шаклланиб келаётган тадбиркорлик шаклларида бири сифатида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга имкон берувчи кучли рағбатлардан биридир. Бозор иқтисодиёти шароитида айнан шу хусусий тадбиркорлик фаолиятини жонлантириш орқали ишлаб чиқаришда юксак натижаларга эришиш мўлжалланган.

8) Ҳар қандай иқтисодий системада ишлаб чиқариш самадорлигини юксалтиришнинг энг муҳим шартларидан бири-бу турли мулк шаклларига асосланган товар ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий эркинлиги ва улар ўртасида вужудга келадиган соғлом рақобатдир. Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, соғлом

рақобат кураши вужудга келиши учун жамиятда мулк шакллариининг хилма-хиллигини таъминлаш зарур.

Фермер хўжаликлари аграр соҳада янги уклад сифатида шаклланиб бориши бир томондан ҳақиқий мулк эгалигининг вужудга келишига имкон яратса, иккинчи томондан мулкчиликнинг бошқа турларига асосланган корхоналар билан маълум даражада рақобат кураши муҳитини яратишга йўл очади.

Ўзбекистонда фермер хўжаликларини ривожлантириш 4-босқичдан иборатдир, яъни;

- **1-босқич.** 1991-1998 йилларда фермер хўжаликларини ташкил этиш ва фаолият юритишининг асосий меъёрий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди.
- **2-босқич.** 1999-2002 йилларда зарар билан фаолият кўрсатаётган ширкат хўжаликларини тугатиш, улар негизида фермер хўжаликларини ташкил этиш жараёни ривожланди.
- **3-босқич.** 2003 йилдан фермер хўжаликларини устувор йўналиш сифатида ривожлантириш белгиланди.
- **4-босқич.** 2008 йилда фермер хўжаликларининг ер участкаларини мақбуллаштириш жараёни амалга оширилиб, уларни иқтисодий барқарор фаолият кўрсатишига замин яратилди.

1 – босқич. 1991-1998 йилларда фермер хўжаликларини ташкил этиш ва фаолият юритишининг асосий меъёрий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди,

- 1991-1997 йиллар ичида қишлоқ хўжалигида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, турли мулкчилик ва хўжалик юритиш шакллари яратилди.
- Мамлакатимизда йирик хўжаликлар ичида ички фермер хўжаликлари, туман хокимларининг қарори билан мустақил фермер хўжаликлари ташкил қилина бошланди.
- 1992 йилда “Дехқон хўжалиги тўғрисида” қонун, 1998 йил 30 апрелда “Ер кодекси”, “Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунлари қабул қилинди ва шулар асосида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш учун тўла ҳуқуқий асос яратилди.

2-босқич. 1999-2002 йилларда зарар билан фаолият кўрсатаётган ширкат хўжаликларини тугатиш, улар негизида фермер хўжаликларини ташкил этиш жараёни ривожланди. 1999-2002 йилларда амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ зарар билан фаолият кўрсатаётган қишлоқ хўжалиги корхоналарини санациялаш жараёни бошланди. Санациялаш давридан сўнг ҳам молиявий ҳолати оғир бўлган қишлоқ хўжалиги корхоналарини тугатиш ва улар негизида фермер хўжаликларини ташкил этиш жараёни ривожланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги 8-сонли “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”, “Фермер хўжалиги тўғрисида” ва “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунлари қабул қилинди. Шунингдек, мамлакатимизда фермер хўжаликларини ташкил этиш бўйича асосий ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, тасдиқланди, яъни паст рентабелли ва зарар кўриб фаолият кўрсатган ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш механизми ишлаб чиқилди ва амалиётда тўлиқ қўлланилди; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 майдаги 243-сонли қарорига асосан Хоразм вилоятидаги 8 та ширкат хўжалиги танлов асосида фермер хўжаликларига айлантирилди; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 25 декабрдаги 543-сонли қарори билан 8 та ширкат хўжалиги тугатилиб, фермер хўжаликларига айлантирилди; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 декабрдаги 516-сонли қарорига асосан 52 та ширкат хўжалиги тугатилиб, улар негизида фермер хўжаликлари ташкил этилди.

3-босқич. 2003-2008 йилларда фермер хўжаликларини устувор хўжалик юритувчи субъект сифатида ривожлантиришга асосий эътибор қаратилди, чунончи бунда Вазирлар

Маҳкамасининг 2002 йил 5 майдаги 8-сонли қарори билан 83 та ширкат хўжалиги тугатилиб, фермер хўжалигига айлантирилди, бу жараён билан боғлиқ меъерий хужжатлар тўплами тасдиқланди, ширкат хўжаликлари негизда фермер хўжалиklarини ташкил этишнинг асосий шарти сифатида уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар ташкил этиш белгиланди ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 январдаги 38-6-сонли қарори билан 177 та ширкат хўжалиги фермер хўжалиklarига айлантирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги ПФ-3226-сонли Фармонини қабул қилиниши эса бу борадаги ишларни сифат босқичга олиб чиқди. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги 607-сонли қарорига асосан 406 та ширкат хўжалиги тугатилиб, янгидан фермер хўжалиklarи ташкил этилди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш Концепцияси тўғрисида”ги ПФ-3342-сонли Фармони қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарорига асосан 284 та ширкат хўжалиги фермер хўжалиklarига айлантирилди ва республика бўйича 26 та туманда барча ширкат хўжалиklarи тугатилиб, улар негизда фермер хўжалиklarи ташкил этилди (1.1-жадвал.). Хусусан, 1999-2007 йиллар давомида 2102 та ширкат хўжалиklarини тугатиш эвазига улар ўрнида 161321 та янги фермер хўжалиklarи ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиklarида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-308-сонли қарорига асосан кам таъминланган, ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларга мол бериш, мамлакатда чорвачиликни ва инфратузилма объектларини янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ-842-сон “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиklarида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, кучли озуқа етказиб бериш ва сотишга ихтисослашган 13 та ҳудудий ва 170 та туман бирлашмалари ҳамда 1484 та ҳудудий шохобчалар ташкил қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 ноябр “Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжи учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштираётган фермер хўжалиklarини қўллаб-қувватлаш чора тадбирлари тўғрисида”ги 725-сонли қарорини қабул қилиниши ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжи учун маҳсулот етиштираётган фермер хўжалиklarини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини амалиётга жорий қилинишига олиб кела бошлади. Бу мақсадда 2008 йилда 60 млрд. сўм, 2009 йилда эса 120 млрд. сўм ажратилди.

1.1.-жадвал.Ширкат хўжалиklarи негизда ташкил этилган фермер хўжалиklarи

Йиллар	Тугатилган ширкат хўжалиklarи сони	Ташкил этилган фермер хўжалиklarи сони
1999 йилда	8	531
2000 йилда	8	479
2001 йилда	52	3031
2002 йилда	91	3822
2003 йилда	177	11383
2004 йилда	326	15161
2005 йилда	445	25024
2006 йилда	666	74030

2007 йилда	329	27860
ЖАМИ	2102	161321

4-босқич эса 2008 йилда фермер хўжалиklarининг ер участкаларини мақбуллаштириш жараёнини амалга ошириш билан бошланди. Ва бу билан уларни иқтисодий барқарор фаолият кўрсатишига замин яратилди. 2008 йил 6 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3077-сонли “Фермер хўжалиklarига тасарруфидаги ер участкаларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида махсус комиссияни ташкил қилиш тўғрисида”ги Фармойиши қабул қилинди. Фермер хўжалиklари ер участкаларини мақбуллаштириш жараёни билан мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини янада ривожлантиришнинг тўртинчи босқичи бошланди. Бунда кўйилган мақсад энг аввало:

- маҳсулот етиштириш миқдорини кўпайтириш эвазига юқори даромадга эга бўлган фермер хўжалиklари сонини кўпайтириш;
- ер ва сувдан самарали фойдаланишни таъминлаш;
- агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли бажарилишига эришиш;
- тижорат банкларининг кредитларидан фойдаланиш учун етарли мулкка эга бўлишни таъминлаш;
- энг аввало ўз даромади (ёки банк кредитлари) ҳисобидан техника ва бошқа воситаларни харид қилинишига эришиш;
- қишлоқ хўжалиги тармоғи билан биргаликда ҳудудларда касаначилик ва бошқа соҳаларни ривожлантириш асосида янги доимий ишчи ўринларини ташкил қилишдан иборатдир.

Мамлакатимизда 2001 йилда фермер хўжалиklари сони – 42315 тани, 2005 йилда – 99892 та, 2008 йилда – 215776 тани, 2009 йилда - 105200 та, 2011 йилнинг бошига келиб эса 66134 тани ташкил этмоқда.

Республикада фермер хўжалиklarининг ер участкаларини йириклаштиришда асосий эътибор бир неча омилларга қаратилмоқда, хусусан;

А) ер майдонлари кичик бўлган ва улардан оқилона фойдаланилмаган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларида охириги 3 йил давомида белгиланган кадастр баҳосидан паст ҳосил етиштирган, тупроқ унумдорлигининг пасайишига йўл қўйган;

Б) қонунда белгиланган муддатларида ягона ер солиғи ва бошқа тўловларни мунтазам равишда тўламаган;

В) давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик экинларини тўлиқ ҳажмларда экмаган ва улар бўйича тузилган шартномавий мажбуриятларини сурункасига бажармаган;

Г) мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланмаган, ирригация-мелиорация тадбирларини бажаришга етарли эътибор қаратмаган, насосларга сарфланган электр энергияси харажатлари бўйича тўловларини муддатида тўламаган фермер хўжалиklarининг ер ижара шартномаси бекор қилинди.

1.2.-жадвал. Ўзбекистонда фермер хўжалиklари сони ва уларга ажратилган ер майдони ҳажмининг ўсиш динамикаси

Йиллар	Хўжалиklar сони	Ер майдони, минг га	Хўжаликда банд бўлган ишчилар сони, минг киши	Бир хўжаликка тўғри келадиган		Бир ишчига тўғри келадиган ўртача ер майдони, га
				ер майдони, га	ишчилар сони, киши	
1993	7630	70,6	29,0	9,4	3,8	2,43
1994	14236	193,1	58,4	13,6	4,1	3,31
1995	18085	264,6	94,0	14,6	5,2	2,81

1996	19307	294,7	102,3	15,3	5,3	2,88
1997	21416	413,3	134,4	19,2	6,3	3,07
1998	23048	446,5	163,1	19,4	7,1	2,74
1999	31090	665,7	176,5	21,4	5,7	3,77
2000	43759	889,6	294,9	20,3	6,7	3,02
2001	55445	1054,7	386,2	19,0	7,0	2,73
2002	72406	1367,7	505,9	18,9	7,0	2,70
2003	87552	2148,1	603,0	24,0	6,9	3,56
2004	103921	2935,3	765,3	27,5	7,4	3,83
2005	125668	3775,3	954,2	30,0	7,6	3,95
2006	185492	4881,9	1396,8	26,3	7,5	3,49
1.10. 2008	219976	5939352	1600,0	27,0	7,3	3,7
1.12.200 8	105033	5860100	1600,0	56	15,2	3,6
2011	66134	5885600	1600,0	88	29,2	4,8

Жадвал: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида тузилган

1.2.-жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 1998-2006 йиллар мобайнида фермер хўжалиklarининг ривожланишида янги босқич бошланганлигини кўриш мумкин. Шу даврда 185492та фермер хўжалиklари ташкил этилган. Таъкидлаш лозимки, фермер хўжалиklари сонининг ўсиши улар фаолияти самарадорлиги даражаси тўғрисида тўлиқ тасаввур бермайди. Фермер хўжалиklари фаолияти самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва меҳнат унумдорлигини ошириш учун уларнинг ихтисослашув даражаси муҳим аҳамиятга эгадир. Хозирги кунга келиб, ўртача бир фермерга тўғри келадиган ер майдони 88 гани, одам сони 29,2 тани ҳамда бир ишчига тўғри келадиган ер майдони эса 4,8 гани ташкил этмоқда. Умуман, хозирги кунда фермер хўжалиklарида жами 1600 минг киши иш билан банддир.

Шу билан бирга мана шу давр мобайнида фермер хўжалиklарига бириктирилган ер майдони ҳам кескин кўпайиб борган. 1998 йилда фермер хўжалиklарига ажратилган ер майдони 446,5 минг гектарни ташкил этган бўлса, 2006 йилга келиб фермер хўжалиklари ихтиёридаги ер майдони 1998 йилдаги кўрсаткичига нисбатан 10,7 марта кўп бўлиб, 4,8 млн. гектардан кўпроқ майдонни ташкил этган. 2009 йилга келиб эса фермер хўжалиklarининг жами ер майдони 5,8 млн гектарни ташкил этмоқда ёки 1998 йилга нисбатан 13,1 марта кўпдир.

Таъкидлаш жоизки, фермер хўжалиklари нафақат сон жиҳатдан, сифат жиҳатдан ҳам маълум ижтимоий-иқтисодий ютуқларга эришди. Хусусан, фермер хўжалиklари сони ошиши ҳамда уларга бириктирилган ер майдони кўпайиши билан ушбу хўжалиklарда банд бўлган ишчилар сони ҳам кўпайиб борган. Масалан, хўжалиklарда банд бўлган ишчилар сони 1998 йилда 163,1 минг кишини, 2003 йилда 603 минг кишини, 2006 йилда 1396,8 минг кишини ташкил этган бўлса 2010 йилга келиб эса 1600 минг кишини ташкил этмоқда ёки 1998 йилга нисбатан 10 марта кўп демакдир.

Бундай ижобий ўзгаришларнинг сабаби, фермер хўжалиklари асосан паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган ширкатлар негизида ташкил этилмоқда ва тугатилган ширкат хўжалиги аъзолари кўпчилиги фермер хўжалиklарида ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Шу боис мулкдан самарали фойдаланишга бўлган табиий қизиқиш ҳам мустаҳкамланиб бормоқда.

Фермер хўжаликларида асосий экинлар дон, пахта, шунингдек картошка, сабзавот, полиз маҳсулотларини етиштириш учун ажратилган ер майдони ҳам ўсиб бормокда.

1.3.-жадвал.1991-2010 йилларда мева-узум, сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси (минг тонна)

№	Маҳсулот тури	1991 йил	1995 йил	2000 йил	2005 йил	2010 йил	2010 йилда 1991 йилга нисбатан % ҳисобида
1	Мева	516,6	602,3	801,0	949,3	1696,4	328,4
2	Узум	480,5	620,9	573,0	641,6	997,5	207,6
3	Сабзавот	3324,1	2712,6	2643,1	3494,7	6218,2	187,1
4	Картошка	355,7	439,9	730,7	916,8	1687,3	474,4
5	Полиз	925,8	471,9	359,1	609,4	1246,8	134,7

1.3.-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида 1991 йилда 516,6 минг тонна мева, 480,5 минг тонна узум, 3324,1 минг тонна сабзавот, 355,7 минг тонна картошка, 925,8 минг тонна полиз ишлаб чиқарилган бўлса, 2000 йилда 801,0 минг тонна мева, 573,0 минг тонна узум, 2643,1 минг тонна сабзавот, 730,7 минг тонна картошка, 359,1 минг тонна полиз, ҳамда 2010 йилда эса 1696,4 минг тонна мева, 997,5 минг тонна узум, 6218,2 минг тонна сабзавот, 1687,3 минг тонна картошка, 1246,8 минг тонна полиз етиштирилган ёки 2010 йилда 1991 йилга нисбатан мева етиштириш 328,4 фоизга ошган, узум- 207,6 %га, сабзавот- 187,1 %га, картошка- 474,4 %га , полиз етиштириш эса 134,7 фоизга кўпайган.

1.4.-жадвал.Ўзбекистонда 1991-2010 йилларда аҳоли жон бошига мева-узум, сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси

№	Маҳсулот тури	1991й	2010й	1991 йилга нисбатан 2010 йилда % ҳисобида
1	Мева	25,8	57,2	221,7
2	Узум	24,0	34,0	141,7
3	Сабзавот	138,6	212,0	153,0
4	Картошка	15,1	57,0	377,5
5	Полиз	39,0	41,0	105,1

1.4.-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, 1991-2010 йилларда аҳоли жон бошига мева-узум, сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси мева бўйича 221,7 фоизга, узум бўйича - 141,7%, сабзавотда -153,0 %га , картошка бўйича-377,5% га ва полиз ишлаб чиқариш бўйича эса 105,1 %га ошган. Шу билан бирга 2005-2010 йилларда чорва ҳайвонлари ва паррандалар бош сони ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда бўйича ҳам ижобий ўзгаришларга эришилган (1.6.-жадвал)

1.5.-жадвал. 2005-2010 йилларда чорва ҳайвонлари ва паррандалар бош сони ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари

	2005 йил	2010 йил	2010 йилда 2005 йилга нисбатан % ҳисобида
Бош сони (минг бош)			
Йирик шохли қорамоллар	6571,4	8911	135,6
Шу жумладан, сигирлар	2821,3	3686	130,6
Қўй ва эчкилар	11351,9	15112	133,1
Парранда	20540,4	37686,5	183,4
Маҳсулот ишлаб чиқариш (минг тонна)			
Гўшт (тирик вазнда)	1061,2	1569,4	147,9
Сут	4554,9	6130,2	134,5
Тухум	1966,7	3060,8	155,6

Умуман, қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган барча маҳсулот турларида фермер хўжалиқларининг улуши 1998 йилдан бошлаб ўсиб бормоқда. Жумладан, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги учун асосий тармоқ ҳисобланмиш пахтачилик соҳасида ҳам фермер хўжалиқлари улушига тўғри келаётган маҳсулот миқдори 1998-2000 йиллардаги 15 фоиздан 2010 йилга келиб 99,1 фоизга етди. Фермер хўжалиқларида қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини етиштириш асосан экстенсив (экин майдонлари кўпайиши ва фермер хўжалиқлар сони ўсиши) йўли орқали амалга оширилмоқда. Юқорида берилган маълумотлар, пахта, дон маҳсулотлари, полиз экинлари ва сабзавотларни етиштириш кескин кўпайиб бораётганлигидан далолат беради. Бу ўз навбатида, ушбу экин турларига ажратилган ер майдонининг кўпайиб боришида намоён бўлмоқда. 2005 йилда республикаимиз бўйича дон экинлари майдонининг 57,7 %, пахтанинг 69,0 %, картошканинг 5,8 %, сабзавот ва полиз маҳсулотлари экин майдонларининг тегишлича 15,7 % ва 43,6 % фермер хўжалиқлари зиммасига тўғри келган. Бу 1999 йилги кўрсаткичлардан дон экинлари бўйича – 5,4 марта, пахтада – 4,4 марта, картошкада – 1,6 марта, сабзавотда – 2,5 марта ва полиз экинларда – қарийб 3 марта кўпдир. 2010 йилга келиб эса ушбу кўрсаткичлар янада ўсган.

Юқорида келтирилган фермер хўжалиқларига ҳос бу хусусият- республикаимизнинг аграр соҳасида уларнинг хўжалиқ юритишнинг энг самарали шаклларида бири сифатида мустақкам ўрин эгаллаётганлигини кўрсатади.

Назорат саволлари:

- 1.1. Фермер хўжалигининг иқтисодий моҳиятини очиб беринг.
- 1.2. Фермер хўжалигининг ривожланиш хусусиятларини санаб беринг.
- 1.3. Фермер хўжалигининг қишлоқ хўжалигида тутган ўрнини ёритиб беринг.

2-савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда фермер хўжалигининг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий асослари тўғрисида тушунчалар ҳосил қилдириш, ҳамда фермер хўжалигининг объект сифатидаги фаолиятини ёритиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 2.1. Фермер хўжалигининг ташкилий асосларини ёритиб бера олади.
- 2.2. Фермер хўжалигининг иқтисодий асосларини изоҳлай олади.
- 2.3. Фермер хўжалигининг ҳуқуқий асосларини асослай олади.

2-савол баёни: Ҳар қандай хўжалиқ юритиш шакли муайян бир ижтимоий-иқтисодий тизимда вужудга келиш ва ривожланиш жараёнида ташкилий иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий ва психологик характердаги бир қатор омиллар таъсирида шаклланиб, ўзига йўл очиб боради.

Фермер хўжалигининг вужудга келиши ва шаклланишида унинг ташкилий-иқтисодий асослари муҳим аҳамият касб этади. Амалдаги қонунчиликка кўра фермер хўжалиги ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан:

- хўжалик аъзоларнинг биргаликдаги фаолиятига асосланган;
- ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи;
- ўз номи ўйиб ёзилган ҳамда герб тасвири туширилган муҳрга ҳамда штампга эга, юридик шахс мақомидаги;
- банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб варақалар очадиган;
- тегишли давлат органларида руйхатдан ўтган;
- бошқа корхоналар, ташкилотлар, бирлашмалар ҳамда муассасалар билан ўзаро тенг ҳуқуқли муносабатларга киришувчи мустақил ҳужалик юритиш субъекти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги фармонида фермер хўжаликларини шакллантиришнинг қуйидаги принциплар қоидалари белгилаб берилган:

- фермер хўжаликлари қоида тарикасида, тугатиладиган зарар билан ишлаётган, паст рентабелли ва истикболсиз ширкатлар негизида барпо этилади;
- фермер хўжалиги юридик шахс сифатида, асосан хусусий корхона шаклида, кейинчалик улар турли шаклдаги кооперацияларга бирлашиш ҳуқуқи билан барпо қилинади;
- ер майдонлари фермерларга танлов асосида эллик йилгача узоқ муддатли асосда, ижара муддати давомида мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан ижарага фойдаланиш учун берилади;
- фермер хўжаликларига бериладиган ер майдонлари ширкат хўжаликларининг балансидан чиқарилади;
- етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш ҳамда моддий-техника ресурслари ва хизматларни олиш учун шартномаларни фақат фермер хўжаликларининг ўзлари тайёрлов, қайта ишлаш ҳамда хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари билан тўғридан-тўғри тузадилар.

Қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликларининг бошқа хўжалик юритиш шакллари билан тенг шароитларда ва соғлом рақобат асосида ривожланиши учун мустақам ҳуқуқий-меъёрий база яратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Бош Қомуси, «Фуқаролик Кодекси», «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар, республика Президентнинг бир қатор фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фермер хўжаликлари фаолиятининг мулкий дахлсизлиги ва тадбиркорлик эркинлигини таъминлашга ҳамда қўллаб-қувватлаш вазифаларини амалга оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва ҳуқумат қарорларида фермер хўжаликларига берилган кафолатлар, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда рағбатлантириш чоралари белгилаб берилади.

Фермер хўжалиги тадбиркорлик фаолиятининг субъекти сифатида қонун билан мустақамлаб қўйилган бир қатор ҳуқуқларга эга:

- ишлаб чиқариш фаолиятини ўзига берилган ер участкасида уставда назарда тутилган доирада мустақил ташкил этиш;
- етиштириладиган ва реализация қилинадиган маҳсулотга мустақил равишда нарх белгилаш;
- ўзи етиштирган маҳсулотни, шу жумладан бу маҳсулотни истеъмолчиларга ўз хоҳиши буйича реализация қилиш ҳуқуқини тасарруф этиш;
- тадбиркорликдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ солинадиган, чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш;

- ижарага берувчининг рухсати билан ёки қонунда ёхуд ижара шартномасида назарда тутилган ҳолларда ер участкасини ижарага бериш ҳуқуқини кредит олиш учун гаровга қўйиш;
- ўрта ва кичик корхоналар учун берилган имтиёзларнинг барча турларидан фойдаланиш;
- ходиларни ишга ёллаш ва улар билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилиш.

Шу билан бирга фермер хўжалиги ўз зиммасига муайян бир мажбуриятларни ҳам олади:

- ижарага олинган ер участкасини бир йил ичида ўзлаштириш, ундан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланиш ва унга зарар етказмаслик;
- ер участкасини асраш, унинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш юзасидан сарф-харажатлар қилиш;
- агротехника талабларига, белгиланган режим, сақлаш вазифаси ва сервитутларга риоя этиш;
- фермер хўжалигининг мажбуриятлари ва қарзлари бўйича тўла жавобгар бўлиш;
- фермер хўжалигининг барча аъзолари ҳамда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ва Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасига мажбурий бадаллар тўлаш;
- фермер хўжалигининг аъзолари ҳамда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларнинг меҳнат фаолияти ҳисобини юритиш;
- хўжалик аъзолари учун хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаш;

Фермер хўжаликларини тузишнинг қуйидаги шакллари мавжуд:


1. Махсус республика фондидаги, меҳнат ресурслари етарли бўлмаган ва янги суғориладиган мавзелардаги ерлар ҳамда захира ерларда махсус давлат ер фондини шакллантириш орқали фермер хўжаликларини тузиш.
2. Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)нинг ерларида аъзоларининг ихтиёрийлик асосида кооператив (ширкат)дан чиқиб, фермер хўжалиги тузиш учун борган аризасига биноан умумий мажлиснинг қарори билан ажратиладиган ерларда фермер хўжаликларини тузиш.
3. Сурункасига зарар кўриб келаётган истиқболсиз ёки кам рентабелли хўжаликларни ҳокимликларнинг тавсияси асосида Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида қайта ташкил этиб тўлиғича фермер хўжаликларига (уюшмага аъзо бўлган ҳолда) айлантириш.

Махсус тузилган ер фонди негизида фермер хўжаликларини тузиш ислохотларнинг дастлабки босқичларида кўпроқ аҳамиятга эга бўлган. Чунки, барча экин майдонлари йирик қишлоқ хўжалиги корхоналарининг балансида бўлган ҳамда фермер хўжаликларининг ўзларининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини республика миқёсида кўрсатиб беришга улгурмаган илк босқичларда уларни шакллантириш асосан ҳукуматнинг топшириғига мувофиқ махсус ер фонди тузиш орқали амалга оширилган. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 30 декабрдаги 315-сонли қарори билан 200 минг гектар, 1994 йил 23 февралдаги 87-сонли қарор билан 76921 гектар, 88-сонли қарори билан 100 минг гектар, жами 376921 гектар ер фонди ажратилган ва 17325 та фермер хўжаликларини ташкил этилган.

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликларининг)дан кооператив (ширкат) аъзоларининг мустақил фермер хўжалиги тузиш мақсадида чиқиши тартиби «Фермер хўжалиги тўғриси»даги қонуннинг 11-бандида белгилаб берилган (3.2-чизма).

Қонунга мувофиқ «Қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) таркибидан чиқиш ва мустақил фермер хўжалиги юритиш истагида бўлган аъзолари кооператив (ширкат) уставига биноан ўзларига тегишли мулк пай кийматини ҳамда даромаддан (фойдадан) миқдори кооператив (ширкат) аъзосининг меҳнат иштирокини инобатга олган ҳолда аниқланадиган улушни олишга ҳақлидир».

Бунда фермер хўжалиги мутлако ихтиёрийлик асосида, унинг аъзоларининг кишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкати) бошқаруви ва туман ҳокимиятига ёзган мувожаотига асосан ташкил этилади.



1.2-чизма. Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари) ерларида фермер хўжаликларини тузиш тартиби

Фермер хўжалигини юритиш истагини билдирган фуқаролар биринчи навбатда «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 10-бандиди белгилаб берилган тартибда узок муддатли ижарага ер участкаси ажратишни сўраб қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви номига ариза берадилар. Бунда аризаларни бериш ва кўриб чиқиш қишлоқ хўжалиги экинларини йиғиб олиш тугаган вақтга тўғри келиши мақсадга мувофиқдир.

Ариза ширкат хўжалиги бошқаруви томонидан ўн кун муддатда кўриб чиқилиб, хўжаликнинг умумий мажлисига тақдим этилади. Умумий мажлис тегишли қарор қабул қилади.

Фуқаронинг аризаси ва умумий мажлис қарори фермер хўжалигининг бизнес-режаси билан бирга туман ҳокимига юборилади. Ушбу ҳужжатлар туман ҳокими томонидан беш кун муддатда ер участкаларини бериш масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясига хулоса бериш учун топширилади.

Комиссия ўн беш кун муддатда ҳужжатлар билан танишиб чиқади ва бўлажак фермер билан суҳбат ўтказади ҳамда ижарага ер бериш мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги ҳақида хулосасини тайёрлайди. Хулосани юқоридаги ҳужжатлар билан бирга туман ҳокимига тақдим этади.

Туман ҳокими ўн беш кун муддатда тақдим қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, фермер хўжалиги юритиш учун фуқарога ер участкаси бериш тўғрисида қарор қабул қилади.

Туман ҳокими қарори қабул қилингандан сўнг ўн кун муддат ичида ҳокимиятнинг ер тузиш ва ердан фойдаланиш хизмати билан фермер хўжалиги бошлиғи ўртасида ер ижараси шартномаси тайёрланиб, имзоланиши лозим.

Шартнома имзолангандан сўнг ўн кун муддатда туман бош ер тузувчиси ва ширкат хўжалиги вакили фермер учун ажратилган ерни кўрсатади ва уч нусхадаги далолатнома билан тасдиқлайди.

Фермер хўжалиги туман ҳокимлигида давлат рўйхатидан ўтадилар. Бунинг учун Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 августдаги қарорига мувофиқ ушбу тоифадаги хўжаликлар туман ҳокимлигига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

1. Ариза.
2. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий йиғилишининг ёки бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси олий бошқарув органи ёки иш берувчиси (маъмурияти)нинг фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги қарори.
3. Нотариал тасдиқланган Уставнинг иккита асл нусхаси.
4. Давлат божи ёки рўйхатдан ўтиш тўлови тўланганлиги тўғрисида банк тўлов ҳужжати (энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдорида).
5. Ваколатли шахар (туман) ҳокимияти органлари томонидан берилган хўжалик номини тасдиқловчи ҳужжат.
6. Ҳокимият қарори билан ташкил этилган танлов комиссиясининг ер участкаси бериш ҳақидаги қарори, товар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг бизнес-режаси нусхалари.
7. Муҳр ва штампнинг уч нусхадаги эскизи.

Фермер хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур ҳужжатлар бўлажак фермернинг ўзи ёки шартнома асосида туман ҳокимлигининг фермер хўжалигини давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги қарори ёки рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарори ариза берувчи ариза берган кундан бошлаб 7 (етти) иш кунда, туман ҳокимлигининг фермер хўжалигини давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги қарори билан бир пайтда қабул қилинади. Шундан сўнг туман ҳокимлиги янги ташкил этилган фермерга «Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида» ги гувоҳнома ва туман ҳокимияти муҳри билан тасдиқланган «рўйхатга олинган» белгисига эса таъсис ҳужжатларини ҳамда муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатномани топширади.

Фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг учинчи йўналиши сурункали зарар келтириб ишлаётган ва кам рентабелли қишлоқ хўжалиги корхоналарини қайта ташкил этиб, тўлиқ фермер хўжаликларига айлантирилишидир.

Қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатиб келган хўжалик жамоа (ширкат) хўжаликларида бошқарувнинг эски иерархик усули сақланиб қолинганлиги, мулк эгалиги ҳиссининг деҳқонлардан бегоналашганлиги, ишлаб чиқаришни ташкил этишда инсон омилининг тадбиркорлик ва ташаббускорлик хислатларига эътибор берилмагани, шунингдек, қишлоқ хўжалигига хос хусусиятлар туфайли вужудга келган бошқа бир қатор омиллар таъсирида ишлаб чиқариш самарадорлиги кескин пасайиб кетган эди. Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида»ги қонунига асосан 1998 йилда 104 та, 1999 йилда 150 та ва 2000 йилда 84 та сурункасига зарар келтириб ишлаётган хўжаликлар санацияга тортилди. Аммо, қишлоқ хўжалиги корхоналарини санациялаш жараёни кутилган натижани бермагани сабабли сурункали зарар билан ишлаётган ва кам рентабелли хўжаликларни истиқболда фермер хўжаликларига айлантириш тажрибаси амалиётга кенг жорий этила бошланди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 13 майдаги 243–сонли ҳамда 1999 йилда 25 декабрдаги 543–сонли қарорлари қабул қилиниши билан Қорақалпоғистон Республикасида 5 та хўжалик ўрнида 378 та, Сирдарё вилоятида 3 та хўжалик ўрнида 186 та ва Хоразм вилоятида 9 та хўжалик ўрнида 472 та жами 103 та фермер хўжаликлар ўрнида фермер хўжаликларини ташкил этилди.

Республикада сурункали зарар келтириб ишлаётган истиқболсиз ва кам рентабелли хўжаликларни санациялаш амалиётидан воз кечиб, уларнибосқичма-босқич фермер хўжаликларига айлантиришни истиқболли йўналиш сифатида қаралмоқда. Хусусан, 2002 йилнинг 5 январиди қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 8-сонли «Қишлоқ хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу соҳада янги имкониятлар яратди. Ушбу қарор билан зарар келтириб ишлаётган истиқболсиз ва кам рентабелли хўжаликларни фермер хўжаликларига айлантириш тартиби тасдиқланди (3.3.-чизма).

Қарорга асосан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича кам рентабелли ва зарар келтириб ишлаётган 83 та қишлоқ хўжалиги корхоналарини қайта ташкил этиш уларнинг базасида 4559 та фермер хўжалиги ташкил этилган.

Фермер хўжалиги фаолиятининг иқтисодий асоси мулкчилик муносабатларига бориб тақалади. Фермер хўжалиги ўз мол-мулкига, (ердан ташқари) ишлаб чиқарган маҳсулотига ҳамда оладиган даромадларига мутлақ эгаллик ҳуқуқига эга.

Фермер хўжалиги мол-мулкнинг шаклланиш манбалари биринчи навбатда хўжалик аъзоларининг пул маблағлари ва моддий воситаларидан ташкил топади. Шунингдек, ишлаб чиқариш натижасида етиштирилган маҳсулотлар, олинган даромадлар, кредитлар, турли хайрия ва эҳсонлар ҳамда қонун билан таъқиқланмаган бошқа манбалар хўжалик мол-мулкни шакллантириш манбалари сифатида чиқиши мумкин.

Фермер хўжалигининг мулки умумий (улушли ёки биргаликдаги) эгаллик асосида унинг аъзоларига тегишли бўлади. Аъзоларнинг истагига кўра хўжалик ҳар бир аъзосининг мулкдаги улуши пай асосида белгилаб қўйилиши мумкин. Мол-мулкдан фойдаланиш аъзоларнинг келишувига мувофиқ амалга оширилади.

Хўжалик фаолияти натижасида олинган фойданинг фермерлар ихтиёрида қоладиган якуний қисми ҳам, аъзоларнинг мулкдаги улушига мос ҳолда тақсимланиши мумкин. Мулкдан фойдаланиш бўйича шартнома тузилиши хўжалик аъзолари орасида келиб чиқадиган турли ихтилофларнинг олдини олади.

Ерга эгаллик масаласи фермер хўжалигининг мулкчилик муносабатларида асосий ўринни эгаллайди. Негаки, бутун аграр сиёсатнинг муҳим масаласи- негизи- ерга мулкчилик масаласидир.

Ўзбекистон Республикасининг "Ер тўғрисида"ги қонуни ҳамда "Ер кодекси"га мувофиқ республикамызда ер мутлақ давлат мулки бўлиб, уни олди-сотди қилиш ёки ҳада этиш мумкин эмас. "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонунда фермер хўжалиги юритиш учун фуқароларга ер участкалари эллик йилгача бўлган, лекин ўн йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилиши кўзда тутилган. Фермер хўжалигига узоқ муддатга ижарага берилган ер майдонини ижара муддати давомида мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи берилган.

Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш асосан хўжалик аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланади. Шу билан бирга қонунга биноан фермер хўжалигида ишларни бажаришга ўзга шахслар меҳнат шартномаси асосида вақтинча жалб этилиши мумкин.

Фермер хўжалигининг ёлланма меҳнатдан фойдаланиши асосида фермернинг ўзгалар меҳнاتини эксплуатация қилишга интилиш эмас, балки ишлаб чиқариш зарурияти ётади. Бу энг аввало қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг кучли мавсумийлик характерга эга эканлигидан келиб чиқади.

Қишлоқ хўжалигида ишларнинг йил давомида бир текисда тақсимланмагани, экин экиш ёки ўрим-йиғим каби иш тиғиз пайтларда қўшимча ишчи кучига эҳтиёж сезилади. Йил давомида керакидан ортиқча ишчи кучи сақлаш эса фермер учун ортиқча сарф - харажат қилишга олиб келади.

Фермер ўзи ва оила аъзоларининг манфаатларидан келиб чиқиб, иложи борича ўзгалар меҳнатидан фойдаланмасликка интилади. Чунки ёлланма меҳнатдан фойдаланиш бир томондан хўжалик даромадининг бир қисмини иш ҳақи сифатида четга сарф бўлишига олиб келса, иккинчидан ёлланиб ишлаётган шахсларнинг астойдил меҳнат қилишига ҳар доим ҳам кафиллик бериб бўлмайди.

Фермер хўжаликларида меҳнат қилаётган шахслар (шу жумладан ёлланиб ишлаётганлар ҳам) қонун йўли билан ижтимоий ҳимояланган, яъни улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат ижтимоий суғуртасидан ўтказилиши лозим ҳамда қариллик ёки ногиронлик нафақаси олишга, шунингдек вақтинчалик меҳнат қобилятини йўқотган тақдирда ҳам нафақа олишга ҳақлидир.

Меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш томонларнинг келишувига биноан белгиланиб, пул билан ёки натурада амалга оширилиши мумкин. Аммо унинг минимал миқдори энг кам иш ҳақидан паст бўлмаслиги

зарур ва хўжалик фаолиятининг натижаларига боғлиқ бўлмай биринчи навбатда тўланиши керак.

Фермер хўжалигида ишланган вақт ижтимоий суғурта бадаллари тўлаб борилган тақдирда умумий ва узлуксиз иш стажига қўшилади. Иш юзасидан бўладиган барча муносабатлар шартнома билан мустақамланиши ва шартномада ҳар иккала томоннинг ҳуқуқ ва бурчлари аниқ қилиб белгиланиши лозим.

Назорат саволлар:

1. Фермер хўжалигини хўжалик юритувчи субъект сифатида тавсифланг.
2. Фермер хўжалигининг вазифаси нимадан иборат.
3. Фермер хўжалигини ташкил этишнинг қандай тамойиллари мавжуд?
4. Фермер хўжаликлари қандай тартибда ташкил этилади?
5. Фермер хўжалигининг иқтисодий ва ҳуқуқий асослари нималардан иборат?

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

Фермер хўжалиги ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Фермер хўжалиги танлов асосида, кўпроқ меҳнат ресурслари ортиқчалиги сезилмаётган ерларда ва ҳудудларда ташкил этилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)нинг аъзолари ўз хоҳишларига кўра қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) таркибидан чиқиш ва мустақил фермер хўжалиги тузиш ҳуқуқига эга.

Фермер хўжаликларини ташкил этишнинг учинчи йўналиши сурункали зарар келтириб ишлаётган ва кам рентабелли қишлоқ хўжалиги корхоналарини қайта ташкил этиб, тўлиқ фермер хўжаликларига айлантирилишидир.

Қишлоқда кичик бизнес вакили-фермер хўжаликларини ривожлантириш мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг истиқболдаги устивор йўналишидир.

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 октябрдаги «Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида» ги фармони.- «Халқ сўзи», 1998, 11 октябр.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 1992.
3. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-минтақавий тузилиши. Т.: «Ўзбекистон», 1996.
- 4.
5. «Бюджет тизими тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни. Тошкент 9 октябр 1999 йил
6. И.А.Каримов. «Ўзбекистон буюк келажак сари» Тошкент «Ўзбекистон» 1997 йил.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни-Т.: 2004.

7..У.Маҳмадиев Дехқон ва фермер хўжалиги иқтисоди, маърузалар матни-Т.: ТДИУ. 2000.

8..Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С., ва бошқ. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди-(ўқув қўлланма)-Т.: ТДИУ. 2004.

9.Ишмухамедов А.Э., Шибаршова Л.И. «Хорижий мамлакатлар иқтисодиётини тартибга солиш» фанидан маърузалар матни. Тошкент «Иқтисодиёт ва статистика» факультети 2000 йил.

10.Шевелева С.А. Основы экономики и бизнеса: Учебное пособие /С.А.Шевелева, В.Е.Стогов.- 2-е изд., перераб. и доп.- М.: ЮНИТИ, 2005.- 515 с. 1 экз.

Интернет веб-сайтлари

1. <http://www.cer.uz> –Ўзбекистон Республикасининг “Иқтисодий тадқиқотлар маркази” нинг “Экономическое обозрение” журналининг электрон манзили. Турли хил иқтисодий мавзуларга оид материалларни олишга имкон беради.
2. <http://www.economyfaculty.uz> – “Микро-макроиқтисодиёт” кафедраси сайти мавжуд бўлган веб-сайт
3. <http://economics.com.ua> –бозор иқтисодиётига тааллуқли бўлган маълумотлар веб-сайти
4. <http://www.bearingpoint.uz> – “Ўзбекистон иқтисодиёти” қўлланмасининг веб-сайти

Амалий машғулотлар:

1-амалий мушғулот: Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти фанига кириш. Фаннинг предмети методи ва вазифалари.

Дарс мақсади: Талабаларда минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти фанига кириш. Фаннинг предмети методи ва вазифалари ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти фанининг предмети, моҳияти ва ўрганиш объекти, унинг бошқа фанлар билан алоқасини тушунтириб бера олади.
2. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти фанининг вазифаларини изоҳлай олади.
3. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиётини тартибга солишда қўлланиладиган тамойиллар ва усулларни тушунтира олади.
4. Минтақа комплекс иқтисодий-ижтимоий ривожланишини тартибга солишда маҳаллий органлари ролининг ошиб боришини изоҳлай олади

Керакли манбалар: Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти фанидан таёрланган ўқув методик мажмуалар тўплами. Фанга доир ўқув кулланмалар

Ишни бажариш тартиби:

1. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти фанининг предмети, моҳияти ва ўрганиш объекти, унинг бошқа фанлар билан алоқасини тушунтириб беринг.
2. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти фанининг вазифаларини изоҳлаб беринг.
3. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиётини тартибга солишда қўлланиладиган тамойиллар ва усулларни изоҳлаб беринг.
4. Минтақанинг комплекс иқтисодий-ижтимоий ривожланишини тартибга солишда маҳаллий органлари ролининг ошиб боришини тушунтириб беринг.

Керакли адабиётлар:

1. Раҳимова М. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти-(ўқув қўлланма)-Т.; ТДИУ, 2004. 5-15 бетлар.
2. М.Рахимов, М.Ирматов. Худуд иқтисодиёти асослари, Ўқув қўлланма, — Т.: 1999. 15-17 бетлар.
3. Региональная экономика. (под ред. Т.Г.Морозовой). — М.: ЮНИТИ, 2000.

2-амалий мушғулот: Минтақавий сиёсатнинг аҳамияти ва уни амалга ошириш йўллари.

Дарс мақсади: Талабаларда минтақавий сиёсатнинг аҳамияти ва уни амалга ошириш йўллари ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Минтақавий сиёсат тушунчасини тушунтира олади.
2. Минтақавий сиёсат бўйича чет эл тажрибасини изоҳлай олади.
3. Ўзбекистонда минтақавий сиёсатнинг амалга оширилишини тушунтира олади.
4. Минтақавий сиёсат бўйича муаммолар ва уларни ҳал этиш йўлларини изоҳлаб бера олади.

Керакли манбалар: Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти фанидан таёрланган ўқув методик мажмуалар тўплами. Фанга доир ўқув кулланмалар.

Ишни бажариш тартиби:

1. Минтақавий иқтисодий сиёсатни амалга ошириш йўллари ва унинг аҳамиятини тушунтириб беринг.
2. Худудий иқтисодий сиёсат бўйича хорижий тажрибаларни таҳлил қилинг.
3. Мустақиллик йиларида Ўзбекистон худудий сиёсатининг асосий йўналишларини тушунтириб беринг.

Керакли адабиётлар:

- 1.Раҳимова М. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти-(ўқув қўлланма)-Т,: ТДИУ, 2004. 16-21 бетлар.
- 2.М.Рахимов, М.Ирматов. Худуд иқтисодиёти асослари, Ўқув қўлланма, — Т.: 1999. 18-19 бетлар.
- 3.Региональная экономика. (под ред. Т.Г.Морозовой). — М.: ЮНИТИ, 2000.

3-амалий мушғулот: Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиётини ташкил этиш ва унинг фаолият кўрсатиш тизими

Дарс мақсади:Талабаларда минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиётини ташкил этиш ва уни фаолият кўрсатиш тизими ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1.Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида минтақа бошқариш ва режалаштириш ташкилотлари тизимини қайта қуриш хусусиятларини тушунтира олади.

2.Минтақаларни ривожланишини хозирги давирдаги хусусиятларини изоҳлай олади.

3.Вилоят иқтисодиёти бош бошқармаси, вазифаларини тушунтира олади.

Керакли манбалар: Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти фанидан таёрланган ўқув методик мажмуалар тўплами. Фанга доир ўқув қўлланмалар.

Ишни бажариш тартиби:

1.Минтақада бошқариш ва режалаштириш ташкилотлари тизими, уларнинг вазифаси ва бурчларини аниқланг.

2.Минтақада ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш режаларини мувофиқлаштириш ва уларнинг бажарилишини ташкил этиш чора-тадбирларини кўрсатиб беринг.

3.Иқтисодиёт вазирлигининг вазифаларини тушунтириб беринг.

Керакли адабиётлар:

- 1.Раҳимова М. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти-(ўқув қўлланма)-Т,: ТДИУ, 2004. 22-28 бетлар.
- 2.М.Рахимов, М.Ирматов. Худуд иқтисодиёти асослари, Ўқув қўлланма, — Т.: 1999. 20-21бетлар.
- 3.Региональная экономика. (под ред. Т.Г.Морозовой). — М.: ЮНИТИ, 2000.

4-амалий мушғулот: Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш,унинг иқтисодий ва молявий асослари.

Дарс мақсади:Талабаларда маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш унинг иқтисодий ва молявий асослари ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1.Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тўғрисидаги қонунни изоҳлай олади.

2.Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тизими уларнинг таркибий қисмларини тушунтира олади.

3.Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ташкилотларини ваколатларини изоҳлай олади.

Керакли манбалар: Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти фанидан таёрланган ўқув методик мажмуалар тўплами. Фанга доир ўқув қўлланмалар.

Ишни бажариш тартиби:

1.Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тизими ва уларнинг таркибий қисмларини таҳлил қилинг.

2.Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тизимининг иқтисодий ва молиявий асослари, улар ваколотларининг кенгайишини тушунтириб беринг.

Керакли адабиётлар:

- 1.Раҳимова М. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти-(ўқув қўлланма)-Т,: ТДИУ, 2004. 29-33 бетлар.
- 2.М.Рахимов, М.Ирматов. Худуд иқтисодиёти асослари, Ўқув қўлланма, — Т.: 1999. 20-21бетлар.
- 3.Региональная экономика. (под ред. Т.Г.Морозовой). — М.: ЮНИТИ, 2000.

5-амалий мушғулот: Минтақа ишлаб чиқариш кучларни жойлаштириш ва ривожлантириш.

Дарс мақсади:Талабаларда минтақа ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантириш ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1.Ишлаб чиқариш кучлари тушунчаси, уларни жойлаштириш ва ривожлантириш хусуиятларини тушунтира олади.

2.Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш тамойиллари ва қонуниятларини изоҳлай олади.

3.Ишлаб чиқарувчи кучларни бозор иқтисодиёти механизмлари асосида жойлаштириш ва ривожланишини тушунтира олади.

Керакли манбалар: Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти фанидан таёрланган ўқув методик мажмуалар тўплами. Фанга доир ўқув қўлланмалар.

Ишни бажариш тартиби:

- 1.Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш назарияларини изоҳланг.
- 2.Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш тамойиллари ва омилларини таҳлил қилинг.
- 3.Саноат корхоналарини жойлаштиришда уларнинг туркумлларини ҳисобга олишни таҳлил қилинг.
- 4.Ишлаб чиқаришда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни изоҳланг.

Керакли адабиётлар:

- 1.Раҳимова М. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти-(ўқув қўлланма)-Т,: ТДИУ, 2004. 34-42-бетлар.
- 2.М.Рахимов, М.Ирматов. Худуд иқтисодиёти асослари, Ўқув қўлланма, — Т.: 1999. 252-27 бетлар.
- 3.Региональная экономика. (под ред. Т.Г.Морозовой). — М.: ЮНИТИ, 2000.

6-амалий мушғулот: Минтақада меҳнат ресурслари.

Дарс мақсади:Талабаларда минтақада меҳнат ресурслари ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1.Минтақа меҳнат ресурслари ва унинг бозор иқтисодиёти шароитидаги ҳолатини тушунтира олади.

2.Минтақа меҳнат бозори ва унинг хусусиятларини изоҳлай олади.

3.Минтақаларда ишсизлик муаммоларини тушунтира олади.

4. Бандликнинг минтақавий асосларини изоҳлай олади.

Керакли манбалар: Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти фанидан таёрланган ўқув методик мажмуалар тўплами. Фанга доир ўқув қулланмалар.

Ишни бажариш тартиби:

- 1.Мехнат ресурслари ва уларнинг ҳудудий хусусиятларини тушунтиринг. 2.Ишчи кучи ва ундан фойдаланишни белгиловчи кўрсаткичларни баён қилинг.
- 3.Ишсизлик турлари ва уларнинг моҳиятини таҳлил қилинг. Ишсизликнинг табиий даражаси ва мехнат ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш муаммоларини изоҳлаб беринг.
- 4.Бандликнинг мумтоз ва Кейнс назариясини тушунтиринг.

Керакли адабиётлар:

- 1.Раҳимова М. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти-(ўқув қўлланма)-Т,: ТДИУ, 2004. 43-54-бетлар.
- 2.М.Рахимов, М.Ирматов. Ҳудуд иқтисодиёти асослари, Ўқув қўлланма, — Т.: 1999. 252-27 бетлар.
- 3.Региональная экономика. (под ред. Т.Г.Морозовой). — М.: ЮНИТИ, 2000.

7-амалий мушғулот: Минтақа ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожини тартибга солиш.

Дарс мақсади:Талабаларда минтақа ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожини тартибга солиш ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.Минтақада саноат ишлаб чиқариш ривожини тушунтира олади.
- 2.Коммуникация комплексини изоҳлай олади.
3. Минтақа транспорти ва теллекоммуникацияни тушунтира олади.
4. Инвестиция жараёни ва унинг минтақалардаги аҳволини изоҳлай олади.

Керакли манбалар: Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти фанидан таёрланган ўқув методик мажмуалар тўплами. Фанга доир ўқув қулланмалар.

Ишни бажариш тартиби:

- 1.Минтақа саноатининг таркиби ва уни ривожлантиришни таҳлил қилинг. 2.Саноатда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тажрибасини баён қилинг.
- 3.Минтақа қишлоқ хўжалигининг ривожланишини тушунтиринг.
- 4.Минтақа капитал қурилишни ривожлантириш дастурини тушунтиринг.
- 5.Минтақа транспортининг ривожланишини тушунтиринг.

Керакли адабиётлар:

- 1.Раҳимова М. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти-(ўқув қўлланма)-Т,: ТДИУ, 2004. 55-77-бетлар.
- 2.М.Рахимов, М.Ирматов. Ҳудуд иқтисодиёти асослари, Ўқув қўлланма, — Т.: 1999. 130-137 бетлар.
- 3.Региональная экономика. (под ред. Т.Г.Морозовой). — М.: ЮНИТИ, 2000.

8-амалий мушғулот: Минтақа ижтимоий соҳа тармоқларини ривожлантириш ва тартибга солиш.

Дарс мақсади:Талабаларда минтақа ижтимоий соҳа тармоқларини ривожлантириш ва тартибга солиш ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.Ижтимоий соҳани ривожлантириш зарурати ва таркибини тушунтира олади.

2. Уй – жой ва коммунал хўжалигини изоҳлай олади.

3. Минтақада маиший хизмат, соғлиқни сақлаш, халқ ва олий таълимни тушунтира олади.

Керакли манбалар: Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти фанидан таёрланган ўқув методик мажмуалар тўплами. Фанга доир ўқув қулланмалар.

Ишни бажариш тартиби:

1. Ижтимоий сиёсат тушунчаси, ижтимоий сиёсатнинг хусусияти ва аҳамиятини изоҳлаб беринг.

2. Ижтимоий соҳани ривожлантириш заруриятини тушунтиринг. Бозор иқтисодиётига ўтишда таълим тизимини тартибга солишни таҳлил қилинг. 3. Ўтиш даврида соғлиқни сақлаш тизимини баён қилинг.

4. Минтақада уй-жой ва коммунал хўжалиги ривожланишини тартибга солишни тушунтиринг.

5. Минтақада аҳолига маиший хизмат кўрсатишни ривожлантиришни изоҳлаб беринг.

Керакли адабиётлар:

1. Раҳимова М. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти-(ўқув қўлланма)-Т.: ТДИУ, 2004. 78-95-бетлар.

2. М.Рахимов, М.Ирматов. Худуд иқтисодиёти асослари, Ўқув қўлланма, — Т.: 1999. 200-207 бетлар.

3. Региональная экономика. (под ред. Т.Г.Морозовой). — М.: ЮНИТИ, 2000.

9-амалий мушғулот: Минтақаларда табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва атроф мухитни муҳофаза қилиш.

Дарс мақсади: Талабаларда минтақаларда табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва атроф мухитни муҳофаза қилиш ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Республика вилоятларида экологик ахволи ва бу борадаги вазифаларни тушунтира олади.

2. Табиий ресурслар ва улардан самарали фойдаланишни изоҳлай олади.

3. Маҳаллий солиқлар ва уларнинг йўналишларини тушунтира олади.

Керакли манбалар: Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти фанидан таёрланган ўқув методик мажмуалар тўплами. Фанга доир ўқув қулланмалар.

Ишни бажариш тартиби:

1. Республикамиздаги экологик аҳволни баён қилинг.

2. Табиий манбалардан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишларини тушунтиринг.

3. Минтақалараро экологик муаммоларни баён қилинг.

Керакли адабиётлар:

1. Раҳимова М. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти-(ўқув қўлланма)-Т.: ТДИУ, 2004. 96-106-бетлар.

2. М.Рахимов, М.Ирматов. Худуд иқтисодиёти асослари, Ўқув қўлланма, — Т.: 1999. 235-240 бетлар.

3. Региональная экономика. (под ред. Т.Г.Морозовой). — М.: ЮНИТИ, 2000.

10-амалий мушғулот: Минтақа молияси.

Дарс мақсади: Талабаларда минтақа молияси ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Молия маблағлари ва уни бозор иқтисодиётига ўтиш шароитидаги аҳамиятини тушунтира олади.

2. Маҳаллий бюджет, унинг тушумлари ва харажатларини изоҳлай олади.

3. Маҳаллий солиқлар ва уларнинг йўналишларини тушунтира олади.

Керакли манбалар: Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти фанидан таёрланган ўқув методик мажмуалар тўплами. Фанга доир ўқув кулланмалар.

Ишни бажариш тартиби:

1. Минтақа молиясининг моҳияти, таркиби ва ҳудуднинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишидаги аҳамиятини тушунтиринг.

2. Минтақа молияси-ҳудудий ҳокимлик бюджетларининг асосий молия манбаи эканлигини изоҳлаб беринг.

3. Корхоналарнинг минтақанинг ривожланишига қаратилган молиявий ресурсларини изоҳлаб беринг.

4. Минтақа бюджетлардан ташқари фондларни изоҳлаб беринг.

Керакли адабиётлар:

1. Раҳимова М. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти-(ўқув қўлланма)-Т.: ТДИУ, 2004. 106-121-бетлар.

2. М.Рахимов, М.Ирматов. Ҳудуд иқтисодиёти асослари, Ўқув қўлланма, — Т.: 1999. 256-266-бетлар.

3. Региональная экономика. (под ред. Т.Г.Морозовой). — М.: ЮНИТИ, 2000.

11-амалий мушғулот. Минтақада фермер хўжаликларини ривожлантириш асослари

Дарс мақсади: Талабаларда минтақада фермер хўжаликларини ривожлантириш асослари ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Фермер хўжалигининг моҳиятини тушунтира олади.

2. Фермер хўжалигининг ташкилий-иқтисодий асосларини изоҳлай олади.

3. Фермер хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини ёритиб бера олади.

Керакли манбалар: Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти фанидан таёрланган ўқув методик мажмуалар тўплами. Фанга доир ўқув кулланмалар.

Ишни бажариш тартиби:

1. Минтақа фермер хўжалигининг моҳияти ва минтақанинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишидаги аҳамиятини тушунтиринг.

2. Минтақа фермер хўжалигининг ташкилий-иқтисодий асосларини изоҳлаб беринг.

3. Фермер хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини тушунтиринг.

Керакли адабиётлар:

1..Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни-Т.: 2004.

2..У.Маҳмадиев Дехқон ва фермер хўжалиги иқтисоди, маърузалар матни-Т.: ТДИУ. 2000.

3. Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С., ва бошқ. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди-(ўқув қўлланма)-Т.: ТДИУ. 2004

4. Раҳимова М. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти-(ўқув қўлланма)-Т.: ТДИУ, 2004. 106-121-бетлар.

- 5.М.Рахимов, М.Ирматов. Ҳудуд иқтисодиёти асослари, Ўқув қўлланма, — Т.: 1999. 256-266-бетлар.
- 6.Региональная экономика. (под ред. Т.Г.Морозовой). — М.: ЮНИТИ, 2000.

Мустақил иш топшириқлари.

- 1.Маҳаллий меҳнат бозори тавсифи. Унинг омиллари ва чегаралари.
- 2.Меҳнат бозорида талаб, унинг динамикаси ва омиллар.
- 3.Маҳаллий меҳнат бозорида ишчи кучи таклифи ва ишсизлик.
- 4.Меҳнат бозорини тартибга солиш ва бандлик дастурлар.
- 5.Минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органларининг ислоҳ қилиш йўллари.
- 6.Иқтисодиётни давлат томонидан бошқаришнинг асосий вазифалари.
- 7.Мол - мулк солиғининг маҳаллий бюджетдаги роли.
8. Чегарабўйи минтақаларда атмосфера ҳавосининг ифлосланиши.
- 9.Кичик бизнесни мамлакат ривожланишидаги аҳамияти.
10. Кичик корхоналарнинг ривожланишидаги хорижий тажрибалар.
11. Кичик корхоналар чегараларини аниқлаш мезонларини белгилаш.
12. Кичик корхоналар самарадорлиги.
13. Вилоят меҳнат ресурслари ва уларнинг бозор иқтисодиётидаги аҳамияти.
14. Вилоят саноатининг таркиби ва уни ривожланиши.
15. Вилоят кичик бизнесни қуллаб –қувватлаш ва рағбатлантириш тажрибаси.
16. Вилоят қишлоқ хўжалигининг ривожланиши.
17. Вилоятга чет эл инвестицияларини жалб этиш.

Фан буйича назорат саволлари

- 1.Минтақа тушунчаси нимани англатади.
- 2.Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти фанининг предмети ва вазифалари нимадан иборат?
- 3.Минтақа иқтисодиётини тартибга солишда қандай услубий тамойиллар ва усуллардан фойдаланилади.
- 4.Меҳнат тақсимоти тушунчасини изоҳлаб беринг.
- 5.Меҳнат тақсимоти қандай омиллар таъсири остида ривожланишини кўрсатинг.
- 6.Минтақа иқтисодиёти қандай принциплар асосида ривожланиши лозим.
- 7.Минтақа иқтисодиётининг асосий функциялари нималардан иборат.
- 8.Ҳудудий иқтисодий сиёсат мазмунини очиб беринг.
- 9.Минтақа сиёсат қандай вазифаларни амалга оширишга йўналтирилган.
- 10.Минтақавий комплекс ривожлантириш тушунчасини шарҳлаб беринг.
- 11.Минтақавий башоратлаш моҳиятини очиб беринг.
- 12.Минтақани комплекс ривожлантириш жараёнини башоратлаш принциплари нималардан иборат.
- 13.Минтақани ижтимоий жиҳатдан ривожлантириш моҳиятини очиб беринг.
- 14.Миллий иқтисодиёт тушунчасини шарҳлаб беринг.
- 15.Бир секторли иқтисодиёт модели тўғрисида тушунча беринг.
- 16.Икки секторли иқтисодиёт модели тўғрисида тушунча беринг.
- 17.Мезоиктисодиёт вужудга келишининг асосий бўғинлари.
- 18.Мезоиктисодиёт микроиктисодиётдан қандай жиҳатлари билан фарқланади.
- 19.Ҳиссадорлик жамиятлари тўғрисида тушунча беринг.
- 20.Мезоиктисодиётнинг аниқ шакиллари тўғрисида тушунча беринг.
- 21.Молия саноат гуруҳлари тўғрисида тушунча беринг.
- 22.Молия саноат гуруҳларини ривожлантиришнинг асосий мақсадлари нималарга йўналтирилган.
- 23.Минтақа ривожланишига таъсир этувчи омилларни санаб беринг.
- 24.Халқ хўжалиги тармоқларини мутаносиб ривожланиши дейилганда нима тушунилишини изоҳлаб беринг.

25. Демократия тушунчасини изоҳлаб беринг.
26. Иқтисодий қонунларни шарҳлаб беринг.
27. Режалаштиришнинг асосий вазифаларини тушунтириб беринг.
28. А ва В гуруҳ ишлаб чиқариши ўртасидаги муносибликни изоҳлаб беринг.
29. Ижтимоий ишлаб чиқариш, бозор инфратузилмаларини бир биридан фарқлаб беринг.
30. Ишлаб чиқариш, хом ашё истеъмолчи, меҳнат талаби каби омиллардан келиб чиққан ҳолда саноат корхоналари жойлаштирилишини тушунтириб беринг.
31. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими тўғрисида тушунча беринг.
32. Ж.М. Кейнснинг бандлик назариясини тушунтириб беринг.
33. Ж.М. Кейнснинг жамғармалар муаммосини тушунтириб беринг.
34. Ишсизлик турларини фарқлаб беринг.
35. Ишсизликнинг табиий даражаси ҳақида тушунча беринг.
36. Давлат мулкни хусусийлаштиришда ҳудудий бошқарув органларини ўрни қандай.
37. Минтақада бошқарув органлари фаолияти самарадорлигини кўрсатувчи асосий негизлари нимада.
38. Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришда қандай омиллар ҳисобга олинади?
39. Саноат корхоналарини хусусиятларига қараб қандай тармоқларга ажратиш мумкин?
40. Ишлаб чиқариш корхоналарини арзон хом ашёга ёки арзон ишчи кучига яқин жойлаштиришни ажратиб кўрсатиш мумкинми?
41. Вилоят миқёсида арзон ишчи кучлари мавжуд ҳудудларда қайси ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштиришни таклиф этган бўлардингиз?
42. Меҳнат ресурслари тушунчаси нимани англатади? Унинг ҳудудий хусусиятлари нимада?
43. Ишчи кучи ва ундан фойдаланишни белгиловчи қандай кўрсаткичлар мавжуд?
44. Ишсизлик нима ва унинг қандай турлари бор?
45. Бандликнинг мумтоз (классик) ва Кейнс назариялари моҳияти нималардан иборат?
46. Республикамиз саноат корхоналарида ижтимоий ҳимоянинг қандай анъанавий кўринишлари амалга оширилади?
47. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ишончли тизимини жорий этмасдан туриб, иқтисодиётда туб ўзгаришлар қилиш мумкин эмас деган иборани изоҳлаб беринг?
48. Меҳнат талаб корхоналарга қайси турдаги корхоналарни ажратиб кўрсатиш мумкин?
49. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг иқтисодий ва молиявий асослари нималардан иборат.
50. Минтақа ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш тамойиллари ва қонуниятлари нималардан иборат.
51. Бандликнинг ҳудудий асослари қандай жиҳатлар билан изоҳланади.
52. Минтақа меҳнат биржаларини ташкил этишнинг аҳамияти нимада.
53. Минтақа меҳнат бозори хусусиятларини тушунтириб беринг.
54. Маҳаллий саноат тушунчасини изоҳлаб беринг.
55. Маҳаллий саноатни ривожлантиришда кичик корхоналарнинг ўрнини очиб беринг.
56. Маҳаллий саноат олдида турган асосий вазифаларни шарҳлаб беринг.
57. Саноат корхоналарини ривожланишини баҳолашда фойдаланилувчи асосий кўрсаткичлар тизимини шарҳлаб беринг.
58. Ишлаб чиқариш қувватлари балансини изоҳлаб беринг.
59. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий вазифаларини изоҳлаб беринг.
60. Маҳаллий қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ҳудудий хусусиятларни кўрсатиб беринг.
61. Қишлоқ хўжалигида таркиб топган янгича хўжалик юритиш шакллари тўғрисида тушунча беринг.
62. Қишлоқ хўжалигида горизонтал иқтисодий муносабатлар тўғрисида тушунча беринг.
63. Қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантириш заруриятини изоҳлаб беринг.

- 64.Агросаноат консорциумлари фаолияти тўғрисида тушунча беринг.
- 65.Минтақада кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш зарурияти нимада деб ўйлайсиз?
- 66.Ердан фойдаланиш баланси тўғрисида тушунча беринг.
- 67.Минтақа саноат ишлаб чиқариш таркиби ва уни таркибий ўзгаришлар ҳисобига самарадорлигини ошириш йўллари изохланг.
- 68.Қишлоқ хўжалиги-худуд иқтисодиётининг асосий тармоғи сифатида эканлигини изохланг.
- 69.Қишлоқ хўжалиги иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичларни сўзлаб беринг
- 70.Минтақа қишлоқ хўжалигига чет эл сармояларини жалб этиш имкониятларини баён қилинг
- 71.Инвестиция жараёни ва унинг худудлардаги аҳволи.
- 72.Чет эл инвестицияларини худудларга жалб этиш имкониятларини кўрсатинг.
- 73.Минтақалардаги ижтимоий соҳа тармоқлари ва уларнинг ривожига ҳақида сўзлаб беринг.
- 74.Ўзбекистон шаҳарлари, туманлари ва қишлоқларнинг ривожланиш хусусиятлари нималардан иборат.
- 75.Вилоят, шаҳар, район, қишлоқларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиши.
- 76.Минтақаларда экологик вазиятни тартибга солиш асосий жиҳатлари нималардан иборат.
- 77.Минтақанинг сув ресурслари, улардан самарали фойдаланиш.
- 78.Минтақаларнинг молиявий маблағлари.
- 79.Маҳаллий бюджет, унинг тушумлари ва харажатлари.
- 80.Маҳаллий солиқлар ва уларнинг йўналишлари.
- 81.Минтақа транспорти, унинг ўзига хос хусусиятлари.
- 82.Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ташкилотларининг ваколатлари.
- 83.Маҳаллий молия негизини нима ташкил этади
- 84.Минтақа бюджетининг даромадлари қандай манбалардан ташкил топган?
- 85.Урбанизация нима?
- 86.Бюджетдан ташқари фондлар деб қандай фондларга айтилади.
- 87.Маҳаллий солиқларнинг қандай турлари бор ва улар қандай ундирилади?
- 88.Солиқлар қандай такомиллаштирилиб борилади?
- 89.Фермер хўжалигини хўжалик юритувчи субъект сифатида тавсифланг?
- 90.Фермер хўжалигининг вазифаси нимадан иборат?
- 91.Фермер хўжалигини ташкил этишнинг қандай тамойиллари мавжуд?

Тестлар:

1.Транспорт ишини тартибга солишда қандай вазифалар ва режалаштириш ишлари бажарилади:

- 1.барча жавоблар тўғри.
- 2.ҳар бир минтақа бўйича маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш баланси тузилади.
- 3.минтақаларо ва минтақа ичидаги юкларнинг алмашинувини аниқлаш учун шахмат баланслари маҳсулотларнинг муҳим турлари бўйича тўзилади.
- 4.ташиладиган юклар транспорт турларига тақсимланади, транспортнинг моддий-техника базаси ривожланиши ва иш фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар аниқланади.

2.“Таълим тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонунининг 3-моддасида таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари қуйидагилар:

- 1.барча жавоблар тўғри.
- 2.таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги, таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги.
- 3.умумий ўрта шунингдек ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг йўналишини: академик лицейида ёки касб-ҳунар колледжида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги.

4. таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги, давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиклиги, таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув, билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш, таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

3. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида давлат ижтимоий сиёсатнинг асосини қуйидагилар ташкил этади:

1. барча жавоблар тўғри.
2. халқ фаровонлигини ошириш асоси сифатида иқтисодий фаолият эркинлигини таъминлаш.
3. меҳнат фаоллигини ошириш.
4. йўналтирилган ижтимоий ҳимоялаш, ҳақиқатда ночор аҳоли қатламларини давлат томонидан қўллаб қувватлаш.

4. Минтақа бюджетлари даромадлари..... ва тақсимловчи ресурслардан шаклланади.

1. бириктирилган.
2. боғланма.
3. корхонавий.
4. барча жавоблар тўғри.

5. Меҳнат соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ўз ичига қуйидагиларни камраб олади:

1. барча жавоблар тўғри.
2. сермахсул меҳнат мотиви ва рағбатларини кучайтириш учун иқтисодий ва ижтимоий шароитларни яратиш, мулкчилик шаклидан қатъий назар ходимларнинг ойлик маошларини тартибга солиш тизимини яратиш, меҳнат моддий техник, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш асосида меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигини ошириш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқариш.
3. меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш, меҳнат муносабатларига ойдинлик киритиш мақсадида давлатнинг қасаба уюшмалари билан ҳамкорлигини кучайтириш.
4. аҳоли бандлигини ошириш бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, демографик вазиятни башоратлаш ва меҳнат салоҳиятини шакллантириш.

6. Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди.

1. 1997 йилда.
2. 1995 йилда.
3. 1998 йилда.
4. 1993 йилда.

7. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурнинг мақсадини амалга ошириш қуйидаги вазифаларни ҳал қилишни тақозо этади:

1. барча жавоблар тўғри.
2. таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини демократик ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнига мослаш.
3. таълим, кадрларни тайёрлаш тизими ва муассасаларни юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш.
4. таълим ва кадрлар тайёрлаш муассасалари ходимларини аттестациядан ўтказиш, аккредитация қилиш сифатига баҳо беришнинг холис тизимини жорий қилиш, узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан, чет эл инвестицияларини жалб этишнинг реал механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

8. Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий соҳанинг бир булаги бўлган соғлиқни сақлашга давлат томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда бу соҳани ривожлантириш учун:

1. барча жавоблар тўғри.
2. соғлиқни сақлаш тармоқлари замонавий типдаги янги техника ва технологиялар билан жиҳозланмоқда.

3.замонавий жихозланган бино, иншоотлар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда.

4.кадрлар малакаси ва сифатига алоҳида эътибор берилмоқда.

9.Ҳозирги даврда соғлиқни сақлаш тизими олдида ҳам талай муаммолар мавжуд.

Уларга:

1.барча жавоблар тўғри.

2.аҳолини дори-дармон билан таъминлашни яхшилаш (бу масалани ҳал этиш борасида миллий фармацевтика саноатини ривожлантириш, дори-дармонларни тақсимлаш тизимини яратиш лозим).

3.аҳоли юқумли касалликлар билан, айниқса, қишлоқ жойларда касалланишини камайтириш.

4.демографик вазиятни, соғлиқни сақлаш тизими ва давлат томонидан таъминлашни ривожлантиришда кишиларни жойлаштиришнинг ўзига хос томонларини етарли даражада ҳисобга олиш зарурати.

10.Минтақа.....минтақанинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига қаратилган маблағлар тақсимланиши бўйича иқтисодий муносабатлар тизимидир.

1.молияси.

2.корхонаси.

3.ишлаб чиқариши.

4.барча жавоблар тўғри.

11.Бюджет маблағларидан тежаб-тергаб фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир. Бу бизга қуйидаги имкониятларни беради:

1.барча жавоблар тўғри.

2.инвестиция учун амалга ошириладиган молиялаштириш ҳажмини кўпайтиради.

3.мамлакат иқтисодиётини юқори даражага кўтариш ва уни мустахкамлаш учун амалга ошириладиган чора-тадбирларни молиялаштириш ҳажмини оширади, давлатнинг ташқи иқтисодий – сиёсий фаолиятини кенгайтиради,

4.худудларни ижтимоий– иқтисодий ривожлантириш учун ажратилаётган маблағлар ҳажмини оширади.

12.“Таълим тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонунининг 3-моддасида таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари қуйидагилар:

1.барча жавоблар тўғри.

2.таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги, таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги.

3.умумий ўрта шунингдек ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг йўналишини: академик лицейида ёки касб-ҳунар колледжида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги.

4.таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги, давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиклиги, таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув, билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш, таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

13.Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида давлат ижтимоий сиёсатнинг асосини қуйидагилар ташкил этади:

1.барча жавоблар тўғри.

2.ҳалқ фаровонлигини ошириш асоси сифатида иқтисодий фаолият эркинлигини таъминлаш.

3.меҳнат фаоллигини ошириш.

4.йўналтирилган ижтимоий ҳимоялаш, ҳақиқатда ночор аҳоли қатламларини давлат томонидан қўллаб қувватлаш.

14.Ижтимоий сиёсатни юргизишда таълим масалалари уч асосий сабабга кура муҳим аҳамиятга эга:

1.барча жавоблар тўғри.

2.кишиларнинг қонунга амал қилиш ва демократияга асосланган жамиятни қуришда иштирок этиш ҳуқуқидан фойдаланишларида таълим асосий омиллардан бири ҳисобланади.

3.таълим ижтимоий бойликнинг муҳим қисми ҳисобланади, у ўзбек халқининг бой тафаккури ва миллий меросини тиклашда асос вазифасини ўтайди.

4.таълим иқтисодий ўсишни таъминлайди, кишиларга иқтисодиётга моддий ҳисса қўшиш учун зарур бўлган кўникмаларни беради.

15.Қишлоқ хўжалигининг минтақадаги вазифаларига қуйидагилар қиради:

1.барча жавоблар тўғри.

2.ердан самарали фойдаланиш ва шу асосда ҳосилдорликни ошириш, ернинг мелиоратив ҳолатини комплекс яхшилаш, сув хўжалиги фаолиятини юксалтириш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, кам сув талаб қиладиган технологияга ўтиш.

3.илмий асосланган кимёлаштиришга ўтиш, биоусулдан кенг фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасини юксалтириш, уни ишлаб чиқариш воситаларининг энг самарали турлари билан таъминлаш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш.

4.чорвачиликнинг ем-хашак базасини ривожлантириш, чорва таркибини, наслини яхшилаш, тезкор омиллардан фойдаланиб, маҳсулдорликни кўпайтириш.

16.Маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган соҳалар қонунчилик билан белгилаб берилган ва Ўзбекистон Республикасининг "Бюджет тизими тўғрисида"ги қонунда маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган соҳалар қуйидагича гуруҳланган:

1.барча жавоблар тўғри.

2.фан, таълим, маъданият, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт (маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотлар бўйича).

3.ижтимоий таъминот, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини таъминлаш.

4.иқтисодиёт турли тармоқларининг бюджет ташкилотларини сақлаш, қонун ҳужжатларга мувофиқ иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг мақсадли дастур ва тадбирларни амалга ошириш, қонун ҳужжатларда назарда тутилган бошқа мақсадлар.

17.Республика Олий Мажлиси.....Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида ҳамда Ер солиғи тўғрисидаги қонунларни қабул қилди.

1.1993 йил 6 майда.

2.1995 йил 6 майда.

3.1998 йил 1 майда.

4.2000 йил 6 майда.

18.Кадрлар тайёрлаш миллий дастурнингтаълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий, ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишдир.

1.мақсади.

2.вазифаси.

3.қонуни.

4.барча жавоблар тўғри.

19.Ижтимоий сиёсатни юргизишда таълим масалалари уч асосий сабабга қура муҳим аҳамиятга эга:

1.барча жавоблар тўғри.

2.кишиларнинг қонунга амал қилиш ва демократияга асосланган жамиятни қуришда иштирок этиш ҳуқуқидан фойдаланишларида таълим асосий омиллардан бири ҳисобланади.

3.таълим ижтимоий бойликнинг муҳим қисми ҳисобланади, у ўзбек халқининг бой тафаккури ва миллий меросини тиклашда асосий вазифасини ўтайди.

4. таълим иқтисодий ўсишни таъминлайди, кишиларга иқтисодиётга моддий ҳисса қўшиш учун зарур бўлган кўникмаларни беради.

20. Қишлоқ хўжалигининг минтақадаги вазифаларига қуйидагилар киради:

1. барча жавоблар тўғри.

2. ердан самарали фойдаланиш ва шу асосда ҳосилдорликни ошириш, ернинг мелиоратив ҳолатини комплекс яхшилаш, сув хўжалиги фаолиятини юксалтириш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, кам сув талаб қиладиган технологияга ўтиш.

3. илмий асосланган кимёлаштиришга ўтиш, биоусулдан кенг фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасини юксалтириш, уни ишлаб чиқариш воситаларининг энг самарали турлари билан таъминлаш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш.

4. чорвачиликнинг ем-хашак базасини ривожлантириш, чорва таркибини, наслини яхшилаш, тезкор омиллардан фойдаланиб, махсулдорликни кўпайтириш.

21.деганда муайян давлат ҳокимиятининг ижтимоий соҳа бўйича ўз олдига қўйган вазифа ва мақсадларини амалга ошириш билан боғлиқ сиёсати тушунилади.

1. ижтимоий сиёсат.

2. ҳудудий сиёсат.

3. комплекслик.

4. барча жавоблар тўғри.

22. Маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган соҳалар қонунчилик билан белгилаб берилган ва Ўзбекистон Республикасининг "Бюджет тизими тўғрисида"ги қонунда маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган соҳалар қуйидагича гуруҳланган:

1. барча жавоблар тўғри.

2. фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт (маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотлар бўйича).

3. ижтимоий таъминот, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини таъминлаш.

4. иқтисодиёт турли тармоқларининг бюджет ташкилотларини сақлаш, қонун ҳужжатларга мувофиқ иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг мақсадли дастур ва тадбирларни амалга ошириш, қонун ҳужжатларда назарда тутилган бошқа мақсадлар.

23. Республика Олий Мажлиси.....Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида ҳамда Ер солиғи тўғрисидаги қонунларни қабул қилди.

1. 1993 йил 6 майда.

2. 1995 йил 6 майда.

3. 1998 йил 1 майда.

4. 2000 йил 6 майда.

24. Кадрлар тайёрлаш миллий дастуринингтаълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий, ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишдир.

1. мақсади.

2. вазифаси.

3. қонуни.

4. барча жавоблар тўғри.

25. Аграр-индустриал давлатларда жамият осойишталигининг барометри.....соҳа ҳисобланиб, унинг ривожланиш суръатлари макроиқтисодий кўрсаткичлар даражасини белгилайди.

1. аграр.

2. саноат.

3. транспорт.

4. савдо.

26. Даромадни қўллашни Кейнс назарияси қайси қисмларга бўлинади:

- 1.барча жавоблар тўғри.
- 2.даромаддан истеъмол сарфиётлари.
- 3.солиқлар тўлаш.
- 4.жамғармалар учун фойдаланиш.

27.....ишсизлик ишчи кучлари талаби таркибидаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, мажбурийлик хусусиятига эга. Эски тармоқлар йўқолиши ва янгиларини пайдо бўлиши асосида.

- 1.таркибий.
- 2.фрикцион.
- 3.даврий.
- 4.барча жавоблар тўғри.

28.....-мамлакат ҳалқ хўжалик мажмуасининг кичик тизими бўлиб, у демографик табиий-экологик ижтимоий-иқтисодий ва техник-иқтисодий жараёнларнинг ички алоқаси ва ўзаро муносабатлари туфайли ҳосил бўлган яхлит бирликдир.

- 1.минтақа.
- 2.маъмурий бирлик.
- 3.сиёсий бирлик.
- 4.барча жавоблар тўғри.

29.Ишсизликнинг ҳақиқий даражаси унинг табиий даражасидан қанчалик юқори бўлса, ЯММ ўзилиши шунча кўп бўлади, деб қайси олим айтган.

- 1.А.Оукен.
- 2.И.Тюнен.
- 3.А.Вебер.
- 4.Иоганн Пюне.

30.Саноат ишлаб чиқаришини жойлаштириш назарияси ким томонидан яратилган.

- 1.А.Вебер.
- 2.И.Тюнен.
3. Иоганн Пюне.
- 4.У.Айзард.

31.....деб шундай хўжаликка айтиладики, у республика минтақасининг маълум маъмурий қисми туман, шаҳар ва маҳаллий хўжалик талабларини қондиришга хизмат қиладиган хўжаликлардир.

- 1.маҳаллий хўжалик.
- 2.маҳаллий коммуникация.
- 3.қишлоқ хўжалиги.
- 4.саноат таркиби.

32.....аҳолининг кундалик талабларини қондиришга хизмат қиладиган ҳалқ хўжалигининг тармоқлари мажмуидан иборат. У ўз ичига қишлоқ, хўжалиги, маҳаллий саноат, автотранспорт, маҳаллий коммуникация (алоқа), уй-жой коммунал хўжалиги, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, ҳалқ таълими муассасалари, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот тизимларини олади.

- 1.маҳаллий хўжалик.
- 2.минтақа.
- 3.коммунал хўжалик.
- 4.барча жавоблар тўғри.

33.....мамлакат ишлаб чиқариш кучларининг жойлашувини, минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, муҳим табиий иқтисодий, демографик ва экологик хусусиятлар ҳамда уларнинг минтақалараро, минтақа ичидаги ва давлатлараро иқтисодий алоқаларини ўрганишдан иборат.

- 1.фанининг предмети.
- 2.фаннинг объекти.
- 3.фаннинг вазифаси.

4.барча жавоблар тўғри.

34.....ижтимоий ишлаб чиқаришнинг минтақавий жиҳатларини ўрганишдан иборат.

1.фаннинг асосий вазифаси.

2.фаннинг объекти.

3.фаннинг вазифаси.

4.барча жавоблар тўғри.

35.Минтақа ривожланишидаги.....-турли минтақа аҳолисининг турмуш даражаси буйича тафовутларни бартараф этишдан иборат.

1.энг муҳим вазифалардан бири.

2. энг муҳим муаммолардан бири.

3. энг муҳим қонунлардан бири.

4.барча жавоблар тўғри.

36.Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти фанининг.....ҳар бир минтақада мавжуд бўлган меҳнат тақсимооти ташкил этади.

1.объектив асосини.

2.мезонини.

3.қонуниятини.

4.барча жавоблар тўғри.

37.Минтақада қандай ўхшаш жиҳатлар мавжуд:

1.барча жавоблар тўғри.

2.аҳоли ва унинг хусусиятлари.

3.табiiй-иқлимий шароитдаги ўхшашликлар.

4.ишлаб чиқариш, ижтимоий инфратузилма ва коммуникация бирликлари.

38.Минтақада режаларнинг энг асосий тамойиллари:

1.барча жавоблар тўғри.

2.илмийлик.

3.режаларнинг хақиқийлиги, режаларнинг комплекслиги.

4.етақчи бўғинларнинг устивор даражада ривожланишини таъминлаш, ижтимоий самарадорлик.

39.Минтақа иқтисодиётини тартибга солишда асосий ҳисобланадиган усуллар қуйидагилардан иборат:

1.барча жавоблар тўғри.

2.баланс.

3.норматив, мақсадли дастурий.

4.иқтисодий математик.

40.Режалаштиришнинг.....ёрдамида турли ишлаб чиқариш тармоқлари ва минтақа ривожланишида координация ва пропорцияларни таъминлашда ижтимоий талаб ва ресурсларни бир-бирига боғлаш мумкин.

1.баланс усули.

2.иқтисодий математик.

3.мақсадли дастурий.

4.норматив.

41.....режалар ижтимоий-иқтисодий мақсадлар ва ИТТ ютуқларини акс эттирувчи норма ва нормативларнинг илғор тизимини жорий этиш йўли билан амалга оширилади.

1.норматив усули.

2.баланс усули.

3.иқтисодий математик усул.

4.мақсадли дастурий усул.

42..... минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг давлат томонидан тартибга солинишидир.

1. минтақавий сиёсат.
2. илмийлик тамойили.
3. минтақавий тафовут.
4. барча жавоблар тўғри.

43. Минтақавий сиёсат вазифасини аниқ белгилаш ва муаммоларини ҳал этишдан аввал минтақавий нотенгликларнинг сабабларини ўрганиш лозим. Бунда қуйидагиларга эътибор берилади:

1. у ёки бу технологияларни ишлаб чиқаришга таъсир этувчи технологик омиллар (хомашё ресурслари, оралик маҳсулотлар, тайёр маҳсулот ва хизматлар); умумий ва минтақавий сиёсат нормалари мамлакатдаги сиёсий шарт-шароитлар, минтақанинг автономия даражаси, уларнинг ривожланиш даражаси; ишлаб чиқариш инфратузулмаси-транспорт тармоқлари, саноат майдонлари билан таъминланиши, телекоммуникацион тизимларнинг мавжудлиги; ижтимоий, маданий омиллар-шаҳарлашув (урбанизация) даражаси, аҳолининг маълумоти, малакаси, илмий марказларнинг мавжудлиги;

2. табиий иқлим шароитидаги кескин тафовутларни айрим минтақада яшовчи аҳолининг турмуш шароити ва тадбиркорлик фаолиятига таъсирини ўрганиш; минтақанинг унумдорлиги (тараққий этганлиги, ривожланганлиги);

3. минтақаларнинг чекка ҳудудда жойлашганлиги туфайли транспорт харажатлари ортади. Бу эса, маҳсулотлар харид нархларининг ортишига олиб келади, оқибатда уларнинг бозори тораяди; мамлакат иқтисодий ривожланишидаги тенденцияларга кўра, иқтисодий ўсиш даврида қолақ минтақада янги корхоналар барпо этилади ва уларнинг фаолияти натижасида минтақада иқтисодий ўсиш даражаси ортади, стагнация даврида эса пасаяди;

4. барча жавоблар тўғри.

44. Жойлаштириш назарияси бўйича дастлабки асар.....1826 йилда нашр этилган “Ажралган давлат” асари бўлди.

1. Иоганн Пюненинг.
2. И. Тюнен.
3. А. Вебер.
4. У. Айзард.

45. Кейинги йилларда минтақалар орасида минтақавий нотенгликлар янги омиллар натижасида келиб чиқмоқда:

1. барча жавоблар тўғри.

2. туб иқтисодий ислохотларни амалга ошириш суръатларидаги тафовутлар (масалан, давлат мулкани хусусийлаштириш); ижтимоий муаммоларни ҳал этиш ва иқтисодиётга таъсир кўрсатиш соҳасида минтақавий, давлат ва ўзини ўзи бошқариш органлари билан марказий ҳукумат ўртасида вазифалар тақсимоли жараёнининг охирига етмаганлиги.

3. аҳоли даромадларининг тафовутлашув жараёни (турмуш даражасининг пасайиши) аҳолининг алоҳида қатламлари орасида ҳам, минтақа орасида ҳам назорат қилинмаганлиги;

4. айрим минтақа учун имтиёзлар ва субвенциялар ажратиш жараёнининг назорат қилинмаслиги;

46. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида минтақавий сиёсатни амалга оширишнинг қайси усуллари кенг қўлланилади:

1. адолатли ва самарали.
2. адолатли, норматив.
3. самарали ва пасив.
4. барча жавоблар тўғри.

47.ишсизлик иш қидириш ёки кутиш билан боғлиқ бўлиб, ходимларнинг иш ва турар жойи ўзгариши натижасида, ўқув юртлари ёхуд мавсумий ишларнинг тугалланиши сабабли юзага келади.

1. фриксион.
2. таркибий.

3. даврий.

4. барча жавоблар тўғри.

48. Минтақавий иқтисодий сиёсатни амалга оширишдан мақсад қуйидагиларни ҳал этишдан иборат:

1. барча жавоблар тўғри.

2. иқтисодий қолоқ минтақа ривожланишини рағбатлантириш.

3. марказий ҳокимият вазифаларининг катта қисмини маҳаллий давлат органлари зиммасига юклаш.

4. йирик шаҳарларда саноат ишлаб чиқаришини чеклаш; янги ўзлаштирилган минтақада ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, уларни ривожлантириш.

49. Биринчи марта йилда Европа Иттифоқи қошида минтақавий мувофиқлаштириш жамғармааси ташкил этилди.

1. 1975.

2. 1985.

3. 2005.

4. 1655.

50. Аввал И. Тюнен ва кейинчалик..... айрим корхоналарни энг қулай ерга жойлаштириш назариялари билан чиқдилар.

1. А. Вебер.

2. И. Тюнен.

3. Иоганн Пюненнинг.

4. У. Айзард.

51. Кўплаб хорижий мамлакатлар..... муҳим хусусияти шундаки, унда йирик маъмурий бирликлар (штат, губерния, провинция) эмас, балки муайян шаҳар ва муниципалитетлар минтақавий ривожланиш маконлари ҳисобланади, жумладан, Францияда кам ривожланган Жанубий-Ғарб минтақасининг 9 агломерация ва 17 шаҳари, Италияда 12 та саноатни ривожлантириш ареаллари ва 26 та индустриал ядролари, Германияда 300 та аҳоли пунктлари мавжуд.

1. минтақавий сиёсатининг.

2. минтақавий қонуниятнинг.

3. минтақавий заруриятнинг.

4. барча жавоблар тўғри.

52. Ишсизлик бир неча турларга:

1. барча жавоблар тўғри.

2. фриксион.

3. таркибий.

4. даврий.

53. Шаҳарлар ва қишлоқлар ривожланишини режалаштириш бўйича биринчи марта Белгияда 1915 йилда қабул қилинган.

1. конун.

2. мезон.

3. омил.

4. барча жавоблар тўғри.

54. Иқтисодиёт минтақавий органларига қандай вазифалар юкланади:

1. барча жавоблар тўғри.

2. минтақада бозор ислохотларини чуқурлаштиришга оид тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; минтақавий балансларни, минтақани комплекс ривожлантириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашга оид таклифларни тайёрлаш.

3. аҳолини иш билан таъминлаш асосида унинг турмуш даражасини ошириш; истеъмол бозорини товарлар ва хизматлар билан тўлдириш, ижтимоий соҳа тармоқларини ривожлантиришнинг йуналишларини ва аниқ йўллариини белгилаш.

4.халқаро меъёрлар ва стандартларга жавоб берувчи статистик ахборотларни тўплаш ва қайта ишлаш услубларини жорий этиш, минтақа иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида рўй бераётган жараёнларнинг статистик ҳисоби ва таҳлили тўлиқлиги ва тезкорлигини таъминлаш.

55.Вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси қайси йўналишларда фаолият юритади:

1.барча жавоблар тўғри.

2.вилоятни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш режаларини белгиланган муддатда ва тартибда ишлаб чиқиш, вилоят ҳудудидаги барча корхоналар, шаҳар ва туманларнинг бизнес-режалари устидан услубий раҳбарлик қилиш.

3.республиканинг ишлаб чиқарувчи кучларини жойлаштириш дастурини, ҳудудий ишлаб чиқариш дастурларини тузишда бевосита иштирок этиш ва тегишли тавсия ва таклифлар бериш.

4.иш жойини ташкил этиш, меҳнат баланси, моддий баланслар тузиш, режаларининг бажарилишини назорат қилиш ва ҳоказо.

56.Хомашёга яқин жойлаштириладиган корхоналар:

1.барча жавоблар тўғри.

2.тез бузиладиган хомашёни қайта ишлаш корхоналари (консерва, вино, пахта тозалаш, меваларни қуритиш ва шарбатини олиш).

3.кўп оғирликдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш корхоналари. (ғишт заводлари, темир-бетон заводлари киради).

4.хомашёси тайёр маҳсулотдан бир неча марта оғир бўлан корхоналар (пиво ишлаб чиқариш, кондитер маҳсулотлари, ичимликлар ишлаб чиқариш).

57. “Иқтисодчининг ҳақиқий бурчи бизнинг шўрлик воқелигимизни изоҳлаб бериш эмас, балки уни яхшилашдир, ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштириш муаммосини ҳал этиш унинг ҳақиқатдан жойлашувини шунчаки тасвирлашдан кўра анча олийжаноброқ вазифадир”-деб қайси олим айтган.

1.А.Лёш.

2.И.Тюнен.

3.А.Вебер.

4.У.Айзард.

58.....давлат мулкани республика ва коммунал мулкка, қонунларга биноан айлантиришдир.

1.муниципаллаштириш.

2.хусусийлаштириш.

3.минтақавий сиёсат.

4.режавий сиёсат.

59.....идоралари минтақа аҳолисининг бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий-иқтисодий фаолиятини оширади ва жамиятнинг барқарор ривожини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади.

1.маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш.

2.маҳаллий ҳокимият.

3.халқ депутатлари маҳаллий кенгаши.

4.барча жавоблар тўғри.

60.....“Хўжаликни жуғрофий жойлаштириш”ини жойлаштириш муаммолари бўйича энг асосли асарлардан бири деб ҳисобламоқ керак.

1.Август Лёшнинг.

2.И.Тюненнинг.

3.А.Вебернинг.

4.У.Айзарднинг.

61.Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари таркибига қуйидагилар киради:

1.барча жавоблар тўғри.

2. маҳаллий ҳокимият идоралари, улар минтақадаги барча ижтимоий-иқтисодий масалаларни тартибга солиш ва мувофиқлаштиришга ҳақлидир. Жумладан, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идораларини ташкил этиш, экологик вазиятни муҳофаза қилиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва ҳоказо.

3. бевосита демократиянинг турли шакллари кўринишидаги маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари. Уларга мисол тариқасида маҳаллий референдумларни, фуқароларнинг йиғинларини кўрсатиш мумкин. Ушбу гуруҳдаги маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари маҳаллий аҳамиятга эга бўлган катор масалаларни демократик нормалар асосида эркин ҳал этади ва маҳаллий ҳокимиятга тегишли масалаларни ҳал этиш учун кўмаклашади.

4. халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг минтақавий ижтимоий ўзини-ўзи бошқариш идоралари. Буларга мавзеларнинг кенгашлари ва кўмиталари, маҳалла ва уй кўмиталари киради.

62. Ишчи кучини ишлаб чиқаришга бир неча омиллар таъсир этади:

1. барча жавоблар тўғри.

2. илмий-техника тараққиётининг ривожланиши.

3. янги фойдали қазилмаларнинг очилиши ва у ерларда янги иш жойларининг ташкил этилиши.

4. қишлоқ хўжалигида янги ерларни ўзлаштириш.

63. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идораларининг мулк шакллари асосан.....мулкдан ташкил топган.

1. коммунал.

2. ижтимоий.

3. сиёсий.

4. барча жавоблар тўғри.

64.деб, давлатдан қайтариб бермаслик шарти билан маҳаллий кенгашларга берилган мулкка ва маҳаллий кенгашларнинг ўз маблағлари ҳисобига ташкил қилинган мулкка айтилади.

1. коммунал мулк.

2. табиий мулк.

3. шахсий мулк.

4. давлат мулки.

65. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жойлаштириш назарияси ким томонидан яратилган.

1. Иоганн Пюне.

2. И. Тюнен.

3. А. Вебер.

4. У. Айзард.

66. Ҳозирги вақтда буржуа иқтисодчилари орасида минтақавий таҳлил масалалари бўйича энг йирик сиймо шубҳасиз.....

1. У. Айзарддир.

2. И. Тюнендир.

3. А. Вебердир.

4. Иоганн Пюнедир.

67. Меҳнат ресурслари қуйидаги қисмдан ташкил топади:

1. барча жавоблар тўғри.

2. меҳнатга яроқли, меҳнат ёшидаги 16 ёшдан 59 ёшгача бўлган эркеклар.

3. 16 ёшдан 54 ёшгача бўлган аёллардан (худди шу ёшлардаги ногиронлар, имтиёзли тарзда нафақа олувчилар меҳнат ресурсларига кирмайди).

4. ижтимоий ишлаб чиқаришда ўз меҳнати билан иштирок этаётган 60 ёшдан ошган эркеклар, 55 ёшдан ошган аёллар ва 16 ёшгача бўлган болалар.

68.Ҳозирги шароитда ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш қуйидаги тамойиллар билан белгиланади:

- 1.барча жавоблар тўғри.
- 2.ишлаб чиқаришни барча вилоятлар ва туманлар ишлаб чиқариш аппарати, табиий ҳамда меҳнат резервлардан энг самарали фойдаланишнинг вазифаларига мувофиқ равишда режали ва комплекс жойлаштириш; барча вилоятлар ва аҳолисининг ўзаро ёрдами асосида туманлар ўртасида ижтимоий меҳнат тақсимотини ривожлантириш.
- 3.ишлаб чиқариш хомашё ва тайёр маҳсулотни ташишни оқилона ташкил этишнинг барча босқичларида ижтимоий меҳнатни тежаш мақсадида саноатнинг тегишли тармоқларини хомашё манбаларига яқинлаштириш; вилоятлар ва туманлардаги, саноат ҳамда қишлоқ хўжалигини тараққиёт учун энг қулай табиий ва иқтисодий шароитлар мавжуд бўлган тармоқларга ихтисослаштириб, комплекс ривожлантириш.
- 4.ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришда мамлакат муҳофаа қудратини ҳисобга олиш; туманлар ва минтақа ўртасида халқ хўжалигини ҳамда минтақавий-ишлаб чиқариш алоқаларини иқтисодий жиҳатдан энг оқилона тарзда ташкил этиш.

69.Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш қуйидаги вазифалар ҳал этилишини тақозо қилади:

- 1.барча жавоблар тўғри.
- 2.минтақанинг малакали ишчи кадрларга ва мутахассисларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш, минтақанинг малакали ишчи ходимлар ва мутахассисларга бўлган эҳтиёжини қондириш.
- 3.меҳнат ресурсларининг самарадорлигини ошириш ва халқ хўжалигининг тармоқлараро ва минтақалараро меҳнат билан таъминланишини такомиллаштириш;
- 4.аҳолининг табиий ўсиши ва меҳнат ресурсларининг сон ва сифат жиҳатдан таркиб топишини таъминлаш учун зарур бўлган шарт -шароитлар яратиш.

70.Транспорт, иш кучи ва огломерация омилларини пухта ажратиш ҳамда таҳлил қилишда.....хизматлари катта.

- 1.А.Вебернинг.
- 2.У.Айзарднинг.
- 3.И.Тюеннинг.
- 4.Иоганн Пюеннинг.

71.Саноат корхоналарининг хом ашё истеъмол қилишини меҳнатнинг талаби ва ишлаб чиқаришнинг хусусиятига қараб қуйидаги тармоқларга ажратишимиз мумкин:

- 1.барча жавоблар тўғри.
- 2.хомашёга яқин жойлаштириладиган корхоналар.
- 3.меҳнатга талаб корхоналар.
- 4.бир неча омилларни ҳисобга олган ҳолда жойлаштириладиган корхоналар.

72.Меҳнатга талаб корхоналар:

- 1.барча жавоблар тўғри.
- 2.асбоб ишлаб чиқариш, электро-механика.
- 3.радиотехника ишлаб чиқариш корхоналари.
- 4.юқори малакали ишчи кадрлар билан таъминланган минтақага пойабзал, тикувчилик, тўқимачилик, трикотаж, атторлик моллари ишлаб чиқарувчи корхоналар жойлаштирилади.

73.Ҳозирги пайтда республика аҳолисининг 63 фоизи ёки 14 миллион нафари қишлоқда истиқомат қилади. соҳада 3,5 миллионга яқин киши банд бўлиб, бу, ишчи кучларининг 40 фоизини ташкил қилади.

- 1.аграр.
- 2.саноат.
- 3.транспорт.
- 4.савдо.

74.....қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва реализация қилиш билан шуғулланади.

- 1.агроконсорциумлар.
- 2.саноат корхоналари.
3. қишлоқ хўжалиги тармоқлари.
- 4.барча жавоблар тўғри.

75.Ҳозирги вақтда республикамизнинг кўпгина корхоналарида ижтимоий химоянинг қандай анъанавий кўринишлари амалга оширилмоқда:

- 1.барча жавоблар тўғри.
- 2.даромадларни маълум даражада тутиб туриш.
- 3.бандликни таъминлаш, иш шароитларини яхшилаш.
- 4.болалар муассасалари, соғломлаштириш муассасалари, уй-жой хўжалиги хизматлари учун ижтимоий тўловлар.

76.Ишлаб чиқарувчи кучларни оқилона жойлаштириш омиллар:

- 1.барча жавоблар тўғри.
- 2.табiiй шароитлар, меҳнат ресурслари, ишлаб чиқаришнинг техника даражаси ва техника тараққиётининг суръатлари.
- 3.ишлаб чиқаришни ижтимоий ташкил этиш шакллари.
- 4.инфратузулма ҳамда огломерация.

77.Капитал маблағларнинг кўшимча манбалари:

- 1.барча жавоблар тўғри.
- 2.чет эл сармояси.
- 3.банк кредитлари (асосан саноат-қурилиш банки кредитлари).
- 4.чет эллик шахсларининг (хусусий шахсларнинг) маблағлари ва бошқа маблағлар ҳисобланади.

78.Меҳнат ресурсларини прогноз қилишда ва тартибга солишда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- 1.барча жавоблар тўғри.
- 2.Аҳолининг минтақадаги зичлиги кўрсаткичи.
- 3.аҳолининг йиллик ўртача ўсиш суръати, меҳнат унумдорлигининг ўсиш кўрсаткичи.
- 4.меҳнат ресурслари самарадорлигини ифодаловчи энг асосий кўрсаткич меҳнат унумдорлиги ҳисобланади.

79.Республикада таълим тизимини ислоҳ қилиш зарурияти:

- 1.барча жавоблар тўғри.
- 2.очиқ иқтисодиёт шароитида аҳолининг меҳнат бозори талабларига мослашув зарурияти ва сифат жиҳатидан янги рақобатбардошли инсон капиталини шакллантириш.
- 3.таълимни жамиятда юз бераётган ўзгаришлар ва бозор иқтисодига ўтиш талабларига мос ҳолга келтириш эҳтиёжи, Ўзбекистоннинг демографик хусусияти яъни аҳолининг 43% ни 16 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар ташкил этади, 62% эса қишлоқ ҳудудларида яшаши.
- 4.болалар ва ўсмирларни ўқитиш ва тарбиялаш сифатини ошириш ва уларни баркамол шахс сифатида шакллантириш эҳтиёжи билан боғлиқдир.

80.....ишсизлик ишлаб чиқаришнинг тушиб кетиши ва ишчи кучларига талаб етарли эмаслиги натижасида келиб чиқади.

- 1.даврий.
- 2.фрикцион.
- 3.таркибий.
- 4.барча жавоблар тўғри.

Фан бўйича якуний хулосалар:

1. Фаннинг объектив асосини ҳар бир минтақада мавжуд бўлган меҳнат тақсимоти ташкил этади. Меҳнат тақсимоти ихтисослашишни ривожлантиради. Ижтимоий меҳнат тақсимотидаги маълум бир ишлаб чиқаришнинг қайсидир минтақаси бўйича жойлашувига айтилади.

Минтақа иқтисодиётини тартибга солишда бир қанча тамойилларга амал қилинади. (Масалан, илмийлик, ҳақиқийлик ва ҳоказолар.

Минтақалар иқтисодиётини тартибга солишда баланс, норматив ва бошқа усуллардан фойдаланилади. Маҳаллий ҳокимиятларга бир қанча ваколатлар берилган бўлиб, улар бозор иқтисодиёти институтларини ҳамда бозор стратегиясини яратиш жараёнида янада такомиллашади.

2. Минтақавий иқтисодиёт мамлакат ва ҳудудларнинг табиий ресурс салоҳиятини, мамлакатнинг жаҳон хўжалиги тизимидаги ўрни, аҳоли, меҳнат ресурслари ва ҳозирги демографик муаммоларни ўрганади; бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат ва ҳудудларнинг иқтисодий даражасини таҳлил қилади.

Минтақавий иқтисодиёт иқтисодиёт назарияси, социология, тармоқлар иқтисоди, иқтисодий география, статистика, демография ва бошқа ижтимоий-иқтисодий фанлар билан ўзвий алоқадор.

Минтақавий иқтисодиёт бўйича тадқиқот ишларини олиб боришда тизимий таҳлил, баланс услуби, иқтисодий-географик тадқиқотлар, иқтисодий-математик моделлаштириш, картографик, таксономик ва ижтимоий сўров усулларидан кенг фойдаланилади.

3. Ҳозирги пайтда мамлакатимиз маъмурий жиҳатдан 14 минтақага (Тошкент шаҳри, 12 вилоят ва Қорақалпоғистон Республикаси) бўлинган. Ўз навбатида ушбу минтақаларда 119 шаҳар, 113 шаҳар поселкаси, 159 қишлоқ туманлари, 1464 қишлоқ фуқаролик кенгашлари 11838 қишлоқ аҳоли пунктлари ва 7801 маҳалла йиғинлари мавжуд.

4. Ишлаб чиқаришни жойлаштириш бўйича назариялар орасида И. Тюнен ва, А. Вебернинг «стандартлар назарияси», А. Лешнинг «бозор минтақаси назарияси», В. Кристаллернинг «марказий ўрин назарияси», Ф. Перрунинг «ўсиш қутблари ва ривожланиш марказлари назарияси» кабилар муҳим ўрин эгаллайди.

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг асосий қонуниятлари қуйидагилардан иборат:

- ишлаб чиқариш кучларини оқилона ва самарали жойлаштириш;
- минтақаларни комплекс ривожлантириш;
- минтақалар ўртасида ҳудудий меҳнат тақсимоти;
- минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини тенг-лаштириш.

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг қуйидаги муҳим тамойиллари мавжуд:

- ишлаб чиқаришнинг энергия, хом ашё, ёқилғи манбаларига ва истеъмол минтақаларига яқинлашуви;
- табиий ресурсларнинг энг самарали турларини ўзлаштириш ва улардан комплекс фойдаланиш;
- экологик вазиятни соғломлаштириш, табиатни муҳофаза қилиш бўйича самарали чоратadbирларни кўриш ва табиатдан оқилона фойдаланиш;
- меҳнат тақсимотининг иқтисодий қулайликларидан фойдаланиш, хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни тиклаш ва ривожлантириш.

5. Мамлакатнинг бозор иқтисодиётига ўтиши билан биринчидан, иқтисодий жараёнларга давлат аралашуви кескин камаяди, иккинчидан, давлат бошқарувининг янги иқтисодий шароитга мос усуллари ҳаётга татбиқ этилади.

Иқтисодиётга давлат бошқарув вазифалари шартли равишда икки гуруҳга ажратилади - асосий ва ёрдамчи ёки таъминловчи.

Асосий гуруҳдаги вазифалар иқтисодиёт ривожланишининг ҳар бир муайян босқичида янги шароитлар яратишни таъминлайди. Мазкур гуруҳ: топшириқ берувчи, мувофиқлаштирувчи, назорат қилувчи, тартибга солувчи вазифаларни ўз ичига олади.

Иккинчи гуруҳ мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни баҳолаш ва ҳар бир муайян ҳолат учун бошқарувнинг энг самарали усулини амалга ошириш имконини берадиган вазифалардан (норматив-услубий, ахборот ва эксперт-тахлил функциялари) таркиб топади.

6.Минтақавий молия давлат молия тизимининг муҳим таркибий қисми бўлиб, у турли даражадаги (вилоят, туман, шаҳар) маҳаллий бюджетлар, нобюджет фонлари, минтақа эҳтиёжини қондириш учун сарфланадиган хўжалик субъектларининг молиявий воситаларидан иборат.

Маҳаллий бюджет - маҳаллий бошқарув органлари асосий молиявий манбасидир.

Мол-мулк солиғи - маҳаллий ҳокимият органлари учун мўлжалланган энг салмоқли солиқ тури бўлиб ҳисобланади.

7.Фойдали қазилма - бу ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришнинг ҳозирги даражасида саноатда фойдаланиш учун яроқли бўлган ер қобиғидаги табиий минерал моддалардир.

Ўзбекистонда Менделеев даврий жадвалидаги минерал ресурсларнинг деярли барча турлари мавжуд.

Республикамизда минерал хом ашё ресурслари ниҳоятда нотекис жойлашган.

8.Республиканинг кўпгина шаҳарлари ва саноат марказларида атмосфера ифлосланиш индекси меъёридан ортиқча. Айниқча, Нукус, Олмалик, Тошкент, Фвргона шаҳарларининг бу соҳадаги кўрсаткичлари юқори. Атмосфера ҳавоси энг ифлос шаҳар - Навоий (АИИ - 7,62).

Стационар манбалар чиқиндилари орасида олтингугурт диоксида, углеводородлар, каттиқ чиқиндилар, ҳаракатланувчи манбалар орасида эса углерод оксиди ва углеводородларнинг улуши катта.

Нефт ва газ қазиб чиқариш ва уни қайта ишлаш тармоғи стационар манбалардан чиқиндилар чиқариш бўйича энг етакчи ўринни эгаллайди.

9.Ишчи кучи - иш кидирмаётганлардан ташқари барча ишловчилар ва ишламокчи бўлганлар тушунилади. Демак бу тушунчага иш билан банд бўлганлар ҳам, ишсизлар ҳам киради.

Фрикцион, таркибий (структурали), даврий (циклик) ва умумий ишсизлик турлари мавжуд.

Республикамиз кишлок хужалигида барча иқтисодий фаол аҳолининг 46,5% га яқини ишлаяпти. Хисоб-китобларга караганда, ишлаб чиқаришга мутлако зарар етказмаган ҳолда 2 миллионга яқин кишини бу соҳадан озод этиш мумкин. Бунинг учун бу соҳада юқори натижаларга эришган иқтисодий ривожланган мамлакатлар, хусусан Хитой, АҚШ, Япония ва Швеция давлатлари тажрибасини мукамал ўрганиш ва уларни Ўзбекистон шароитига мослаб ҳаётга татбиқ этиш лозим.

10.Кичик бизнеснинг иқтисодиётдаги аҳамияти аввало, унинг истеъмол бозоридаги мувозанатни таъминлашда катта.

Кичик бизнес йирик корхоналарнинг муайян турдаги маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқаришда яққахукмронлик ҳолати пайдо бўлишининг олдини олади.

Кичик бизнеснинг аҳамиятли томонларидан яна бири шундаки, у йирик компаниялар ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни билвосита рағбатлантирувчиси ҳисобланади.

Кичик ва ўрта корхоналар чегараларини аниқлаш мезони - бу ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муайян тарихий чегарасида сифат ва миқдор жиҳатидан ўзига хос мақсадли дастурдир.

11.Маҳаллий молия негизини маҳаллий бюджет ташкил этади. У ўз ичига маҳаллий ҳокимият идораларининг даромад ва харажатларини олади.

Солиқлар давлат бюджетини молиявий ресурслар билан таъминлайди. Бозор иқтисодиёти шароити солиқ воситаси орқали давлат томонидан иқтисодиётни бошқариш, ишлаб чиқариш қувватлари, географик жойлашиш ва бошқа омиллар ҳисобга олинади.

Маҳаллий солиқлар қайта кўриб чиқилди. Унинг сони ҳозирги пайтда 13 тани ташкил этади.

Маҳаллий солиқлар орасида ер солиғи муҳим аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғи жорий этилиши солиққа тортиш тизимининг янада такомиллашганидан далолат беради.

12. Ҳозирги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари Ўзбекистон миллий иқтисодиёти учун асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

Табиий манбалардан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари мавжуд. Жумладан, ҳавони муҳофаза қилиш, ташламаларни камайтириш, ўсимликларнинг ноёб турларини сақлаб қолишнинг асосий йўналишлари белгиланган.

Атроф - муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий манбалардан самарали фойдаланишнинг минтақалараро моҳиятга эга бўлган муаммоларни ҳал этишга эътибор қаратилган.

Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизми асосларини табиий манбалардан фойдаланиш лимитлари ва тўловлари, табиий муҳитни ифлослантирганлик учун тўловлар, табиатни муҳофаза қилиш фондлари ва бошқа молия-кредит механизмлари ташкил этади.

13. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари таркибига маҳаллий ҳокимият идоралари, бевосита демократиянинг турли шакллари кўринишидаги маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг ҳудудий-ижтимоий ўзини-ўзи бошқариш идоралари киритилади.

14. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идораларининг мулк шакллари асосан коммунал мулкдан ташкил топади. Ҳудуд хўжалигида мулкчиликнинг турли шакллари асосланган корхоналар мавжуд. Уларнинг йиғиндиси ҳудуд хўжалигини ташкил қилади.

15. Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришда учта омил, яъни арзон хомашё ва унинг захираси, арзон ишчи кучи мавжудлиги, маҳсулотларни сотиш бозори ҳисобга олинади. Ҳозирги даврда ушбу омилларга сиёсий-иқтисодий барқарорлик, ижтимоий омиллар қўшилади.

16. Саноат корхоналари хомашё истеъмол қилиши, меҳнатга талаби ва ишлаб чиқариш хусусиятига қараб, бир қанча тармоқларга, яъни хомашёга яқин жойлаштириладиган, меҳнатталаб корхоналарга ажратилади.

17. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ишончли тизимини жорий этмасдан туриб, иқтисодиётда туб ўзгаришлар қилиш мумкин эмас. Ҳозирги пайтда республикамизнинг кўпгина корхоналарида ижтимоий ҳимоянинг анъанавий кўринишлари амалга оширилмоқда, яъни даромадларни маълум даражада тутиб туриш, бандликни таъминлаш, иш шароитларини яхшилаш, болалар муассасалари, соғломлаштириш муассасалари, уй-жой хўжалиги хизматлари учун ижтимоий тўловлар.

18. Меҳнат ресурслари ҳар бир мамлакатнинг энг асосий бойлигидир. Фан-техника тараққиётининг ҳозирги даврида иқтисодиётнинг ривожланиши инсон омилининг таъсири билан боғлиқдир. Меҳнат ресурсларининг ҳудудий хусусиятлари мавжуд бўлиб, уларга меҳнат ресурсларининг табиий ўсиши, малакали ходимлар билан таъминлаш, ҳудуднинг миллий, анъанавий, табиий, иқлимий хусусиятлари қиради.

19. Меҳнат ресурсларининг кўрсаткичлари аҳолининг ҳудуддаги зичлиги, меҳнат унумдорлигининг ўсиши, меҳнат ресурслари самарадорлиги ҳисобланади. Шунингдек, иш билан таъминланганлик, малакали мутахассислар сони, ишсизлар сони ва хоказо кўрсаткичлар таҳлил қилинади.

ГЛОССАРИЙ:

Акселератор (accelerator) – иқтисодиётда истеъмолчилик сарф-харажатлар ҳажми ўзгариши билан юзага келадиган капитал қўйилмалари ҳажмининг ўзгаришини тавсиф этувчи кўрсаткич.

"**Ёввойи рақобат**" ва "**цивилизациялашган рақобат**" тушунчалари. Биринчиси асосан ривожланмаган бозорга хос бўлса, иккинчиси асосан аралаш иқтисодиёт ва ривожланган бозорга хосдир.

Соф миллий маҳсулот (net product) – ЯММ ва амортизация ажратмаларининг жами миқдорини айирмасини ифодаловчи макроиқтисодий кўрсаткич.

Акселерация принципининг моҳияти шундан иборатки, иқтисодиётда истеъмолчилик харажатлари динамикаси инвестициялар ҳажми динамикасига ўз таъсирини кўрсатади: истеъмолчилик харажатларининг сезиларли ўсиши инвестицион фаолликни юзага келтиради, рағбатлантиради ва аксинча.

Аксмонопол сиёсат – монополия ҳукмронлигага қарши қаратилган давлат сиёсати. Бунда қонунчилик ва бюджет - пул, кредит - пул сиёсатларидан фойдаланилади.

Активлар (assets) – иқтисодий фаолият субъектларининг пул ва молиявий маблағлари, асосий ва айланма фондлар қиймати.

Альтернатив вариантлардан танлов (tradeoff) – танлаб олинган вариант муқобил вариантдан воз кечиш эвазига амалга оширилишини тақозо этувчи қарор қабул қилиш зарурати. Макроиқтисодий атамалар доирасида иқтисодий атамалар сиёсати чоратадбирларни ишлаб чиқиш жараёнида у ёки бу ғояларнинг танлов-муаммоларини белгилаш учун ишлатилади. Масалан, ишсизликнинг ўсиши ва инфляция жадаллиги, фойданинг ўсиши ёки иш ҳақининг ошиши орасидаги танлов муаммоси.

Амортизация (depreciation) – асосий жамғармаларни (асбоб-ускуналар) ишлатилгани сайин ўз қийматини маҳсулот ҳисобига ўтказиш жараёни.

Асосий жамғармалар истеъмол нархини тўла ёки қисман тиклаш учун амортизация орқали амалга ошириладиган нархини тўлатиши зарур.

Асосий нарх (base price) – халқ хўжалигини ривожлантириш ва статистик ҳисоб олиб боришда индексларни ҳисоблаш ва тўлашгача бўлган нарх.

Асосий фондлар ва уларнинг баҳоси (capital stock) – турли хўжалик субъектлари ва фуқароларнинг пул маблағларини аниқ бир мақсад йўлида биргалаштириш ва ишлатиш.

Аҳолининг бандлиги (employees) – ижтимоий ишлаб чиқаришнинг фуқаролик секторида банд бўлган ва мамлакат қонунчилиги томонидан белгиланган нормаларга мос равишда ҳисобга олинadиган меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли.

Бандлик даражаси (rate of employees) - бандлар умумий сонининг меҳнатга лаёқатлаш ёшдаги аҳолига нисбати.

Банк захиралари (reserves) – банкда сақланаётган нақд пулларнинг марказий банкда сақланаётган фоизсиз депозитлари.

Банк кредити (banking credit) – даромад (%) кўринишида олиш мақсадида банк томонидан қарзга пул бериш.

Баргараф этилган инфляция – бошқариладиган нархларни бошқаришга бўлган иқтисодиёт доирасида инфляция жараёнларнинг ўзига хос кўриниши. Директив тарзда белгиланган нархлар даражаси сақланган ҳолда инфляция муомиладаги пул миқдори кўпайиши ва унинг сотиб олиш қобилияти пасайиши, булар таъсирида кескин талаб кескин ошиб бориши ҳамда товар ва хизматлар таҳчиллиги орқали намоён бўлади.

Баҳо, нарх (price) – товар қийматининг пулдаги ифодаси. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатлар ва фойдани кўрсатади.

Белгиланган алмашув курси (fixed exchange rate) – миллий валютанинг чет эл валюталарига нисбатан анъанавий тарзда белгиланadиган ва ўзгармас тизим.

Бозор муносабати (market clearing) – бозордаги талаб ва таклифларнинг миқдоран ва таркибий жиҳатдан бир-бирига мувофиқ келиши. Агар шундай мувофиқлик бўлмаса, бозор мувозанати издан чиқади.

Бозор нархи (market price) – иқтисодийда жами талабларнинг ўзгармас ҳолда қолувчи нархлари.

Бюджет харажатларини нисбатан қисқартириш мақсадида ҳукумат Бундесбанк раҳбариятидан ҳисоб ставкасини пасайтиришни сўраган эди. Аммо улар рози бўлишмади. ×унки, ҳисоб ставкасини атиги 0,5 фоизга пасайтириш муомаладаги пул массасини 5-6 фоизга оширар экан. Бу эса миллий валютанинг харид қуввати пасайишига олиб келади.

Бюджет, солиқ сиёсати (fiscal policy) – бюджет сиёсатида давлат ўз истаги билан бюджет харажатлари ва даромадларини шакллантирган ҳолда 3 хил бюджет сиёсати юритади. Бюджет харажатлари, трансфер харажатлари шаклидаги харажатлар. Даромадлар эса уч манбадан келиши мумкин: солиқлардан, хазина томонидан, чиқарилмаган қимматбаҳо қоғозларнинг реализациясидан ва бюджет томонидан маълум қисми марказ томонидан банки эмиссияси ҳисобига ёпилишидан. Шунга кўра, давлат харажатлар ва даромадларни бошқариш орқали бюджет сиёсати юритилади.

Валюта курси – мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигида ифодаланган баҳоси.

Гиперинфляция (hyper - inflation) – ҳаддан ташқари инфляция, нархнинг муддат билан ўсиши, пул қадрининг ғоят тез пасайиши, пул топишга интилишнинг минимал даражага келиши.

Давлат бюджети (state budget, local budget) –

Давлат бюджети тақчиллиги (budget deficit)– давлат бюджетида харажатларнинг даромадлардан устун бўлиши бюджет тақчиллиги деб аталади.

Давлат истеъмоли - маҳсулот ва хизматларга кетган давлат истеъмоли харажатлари, хусусий секторда ишлаб чиқилган.

Даромад (income) – ишлаб чиқариш натижасида тушган пул (фойда).

Даромаднинг мавжуд миқдори (disposable income) – сарф харажатлар ва жамғармалар учун ишлатиш мақсадида иқтисодий секторларнинг қўлида мавжуд бўлган даромадлар; даромадлар ва тўғри солиқлар орасида фарқ билан аниқланади.

Девальвация (devaluation) – мамлакат савдо ва тўлов балансининг кескин ёмонлашуви, валюта курсининг пасайиши билан боғлиқ ҳолда миллий пул бирлиги қийматининг расмий тартибда пасайтирилиши.

Депозитлар (deposits) – омонатга қўйилмалар – банк ва омонат кассаларига қўйилган омонатлар: банк дафтардаги ёзувлар; кредит муассасаларига сақлаш учун топширилган қимматбаҳо қоғозлар (акция ва облигация).

Дефляция (deflation) – инфляция даврида чиқарилган муомаладаги қоғоз пулни камайтириш. Давлат томонидан муомаладаги пул миқдорини камайтиришга қаратилган молия ва пул- кредит тадбирларини қўллаш билан амалга оширилади.

Дивиденд (dividend) – ҳиссадорлик жамиятлари фойдасининг бир қисми, акциянинг сони ва турига қараб ҳар йили ҳиссадорлар орасида тақсимланади.

Дисконт (discount) – марказий банк томонидан тижорат банкларига бериладиган қарзларга қўйиладиган фоиз.

Доимий, давомий инфляция (chronic inflation) – нисбатан юқори ёки паст инфляция даражаси узок муддат давомида ушлаб туриладиган иқтисодий вазият. Барқарорликка эришгунга қадар давомли юқори инфляция даражасига хос бўлган мамлакатларга мисол қилиб, Бразилия, Исроил, Мексика, Перу Аргентинани келтириш мумкин.

Ёпиқ иқтисодий (closed economy) – ташқи иқтисодий бозорда кенг савдо-иқтисодий имкониятларга эга бўлмайдиган иқтисодий.

Жамғармага мойиллик (propensity to save) – даромадда жамғарма ҳиссасининг қанчани ташкил этиши.

Жами банд аҳоли (employees) – банд бўлган аҳоли ва ҳарбий хизматчилар.

Жами таклиф (aggregate suply) – мамлакатда ишлаб чиқарилган ҳамма товар ва хизматларнинг жами қиймати, миллий маҳсулот деб ҳам аталади.

Жами талаб (aggregate demand) – мамлакатнинг реал сотиб олиш қобилиятини акс эттирувчи кўрсаткич, жами харажатлар деб ҳам аталади. Унга давлатнинг истеъмол харажатлари, хусусий сектор истеъмоли, жами инвестициялар ва экспорт-импорт садоси харажатлари киради.

Иқтисодий ўсиш – реал миллий даромад (маҳсулот)нинг ўсиши ёки бу даромаднинг аҳоли жон бошига ўсиши.

Импорт (import) – мамлакат ички бозорларида сотиш учун чет эл молларини, капиталини ва технологиясини олиб келиш. Импорт халқаро меҳнат тақсимоли натижасидир. У халқ хўжалиги, вақтни тежаш, халқ эҳтиёжини қондириш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилишга кўмаклашади.

Импорт қилишга мойиллик (propensity to import) – даромадда импортга қаратилган харажатлар ҳиссаси.

Инвестиция (investment) – ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида мамлакат ёки чет эллардан иқтисодиётнинг турли тармоқларига узоқ муддатли капитал киритиш. Унинг молиявий ва реал турлари мавжуд.

Инвестицияларга бўлган мойиллик (propensity to invest) – истеъмол харажатларнинг даромаддаги ҳиссаси.

Индексация (indexation) – иқтисодиётдаги нархларнинг ўртача даражаси ўзгаришига боғлиқ равишда иш ҳақи ва бошқа даромадларни тузатиш, келиштириш тизими.

Индекслар– ЯММ дефляторлари (GNP deflators) – ЯММ кўрсаткичларини солиштирма нархларда акс эттириш учун ишлатиладиган индекслар гуруҳи, буларга нархларнинг агрегат индекси, ЯММ маъхум дефлятори нархлари индекси, истеъмолчи нархлар индекси, шунингдек, махсус ташкил қилинган индекслар киради.

Инсонга капитал сифатида ёндашувнинг ижобий томони шундан иборатки, бундай ёндашув ресурслардан самарали фойдаланишни, уларнинг, оқилона тақсимланишини таъминлайди.

Инфляция (inflation) – пулнинг қадрсизланиши, муомиладаги пулнинг қадрсизланиши, пул массасининг товарлар массасидан устунлиги натижасида товар билан таъминланмаган пулларнинг пайдо бўлиши. Инфляция товар баҳосининг очикчасига ва яширин равишда ошиб кетишига олиб келади.

Инфляция даражаси (rate of inflation) – маълум вақт ичида (ой йил) нарх даражасининг фоиздаги ўзгариши.

Истеъмол (consumption) – кишиларнинг иқтисодий талабларини қондириш жараёнида ижтимоий маҳсулотдан фойдаланиш, ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнини охири босқичи.

Истеъмол қилишга мойиллик (propensity to consume) – истеъмол харажатларининг даромаддаги ҳиссаси.

Истеъмол кредити (consumer credit) – марказий банк томонидан барқарорлик даврида қўлланиладиган пул сиёсати воситаси. У банклар томонидан берилиши мумкин бўлган ички кредитнинг максимал миқдори расмий равишда белгиланишини тақозо этади.

Истеъмол нархлар индекси (consumer price index) – оила томонида, одатда, истеъмол қилинадиган товар ва хизматлар нархининг базис даврга нисбатан ўзгаришининг ўртача даражасини акс эттирадиган кўрсаткич, инфляция кўрсаткичи сифатида ишлатилади.

Истеъмол харажатлари – макроиқтисодиётда уй хўжалиги харажатлари, қурилиш харажатлари.

Ички истеъмол учун мўлжалланган товарлар (nontraded goods) – ташқи бозорда реализация қилиб бўлмайдиган ички ишлаб чиқариш товар ва хизматлари (кўчмас мулк, хизматларнинг айрим турлари ...).

Иш вақти (hours of work) – ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳолининг ишлаган вақти ҳажми.

Иш вақтининг умумий соатлар сони (total hours of work) – ўртача статистик ишловчи банд бўлган иш вақтининг ўртача соатлари сони.

Иш ҳақи (wage, nominal) – пул, қиймат шаклидаги иш ҳақи.

Ишлаб чиқариш функцияси (production function) - маҳсулот ишлаб чиқариш учун корхонага зурур бўлган барча кишилар ва меҳнат қурооллари ҳаракатлари мажмуи.

Ишлаб чиқарувчилар нархи (producers price) – товар ва хизматларнинг базис нархи; унга солиқлар қўшилади ва субсидиялар қўшилмайди.

Ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекси (producer price index) - базис даври оралиғида хомашё материаллар ва оралиқ товарлар нархи ўзгаришининг ўртача даражасини акс эттирувчи кўрсаткич. ЯММни максимал даражада деталлаштирилган компонентлари нархини солиштирма нархларга ўтказишда ишлатилади.

Ишсизлик (unemployment) – аҳоли иқтисодий фаол қисмининг ўзига иш топа олмай, меҳнат захираси армиясига айланиши.

Ишсизликнинг даражаси (unemployment rate) – ишсизлар умумий сонининг ишчи кучига нисбати.

Ишсизликнинг табиий даражаси (natural rate of unemployment) – реал ва потенциал ялпи миллий маҳсулотнинг ўсиши бир-бирига мос келадиган, иқтисодий ривожланиш даври оралиқларига хос бўлган ишсизлик даражаси.

Ишчи кучи (labour force) – одамларнинг меҳнат қобилияти, ҳаёт неъматларини ишлаб чиқариш жараёнида улар ишга соладиган жами жисмоний ва маънавий кучлар.

Ишчи кучи ҳиссаси (labour force rate) – одамларнинг меҳнат қобилияти, ҳаёт неъматларини ишлаб чиқариш жараёнида у ишга соладиган жами жисмоний ва маънавий кучлар.

Қадрсизланиш (depreciation) – миллий валютанинг нархи чет эл валюталарининг баҳосидан камайиши.

Капитал экспорти – тижорат мақсадда амалга ошириш.

Қарз бериш (crediting) – пул ёки товарларни қайтариш шарти билан маълум муддатга бериш (қарз ишлатилгани учун олдиндан келишилган фоизлар тушунилади).

Қарзлар - “заёмлар” (borrowing) – маълум муддатга қайтариб олиш шарти билан берилган маблағлар. Қарзлар қуйидагича бўлиши мумкин: фоизсиз тижорат шаклидаги қарзлар, имтиёзли қарзлар ҳамда ички ва ташқи қарзлар; жисмоний, юридик шахсларнинг қарзлари ички қарзларга киради.

Қимматбаҳо қоғозлар (securities) – эгасининг капитал ёки мол-мулкка эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ва дивиденд кўринишда даромад келтирувчи ҳужжат.

Кутилаётган инфляция даражаси (expected rate of inflation) - мавжуд ижтимоий иқтисодий ахборотлар, маълумотлар асосида алоҳида шахс ва корхоналар асосида алоҳида шахс ва корхоналар томонидан кутилаётган бўлғуси даврдаги инфляция даражаси.

Ликвидлик (liquidity) – турли корхоналар, бирлашмалар, фирмалар ва банкларнинг ўз қарзини тўлай олиш ёки бошқа мажбуриятларини бажара олиш имконияти.

Макроиқтисодиёт (macroeconomics) – барқарорлаштириш, миллий валютамуносиб мустаҳкамлаш, капитал куриш дастури, иқтисодиётнинг таркибий жиҳатдан янгилаш йўлини давом эттириш режасини ёки мулкдорлар синфини янгилаш, қонунчилик ёки ҳуқуқий таркибни мустаҳкамлаш.

Марказий банк (Central bank) – мамлакатнинг жами кредит тизимига раҳбарлик қилувчи, давлат пул-кредит сиёсатини, пул ва қимматбаҳо қоғозлар эмиссиясини монополь ҳуқуқда амалга оширувчи муассаса.

Меҳнат умумдорлиги (labour productivity) – меҳнатнинг маҳсулотлигини, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ифодаловчи умумлашма кўрсаткичлардан бири.

Миллий даромад (national income) – миллий ишлаб чиқаришда олинган даромад ёки иқтисодийнинг барча турдаги даромади баҳоси.

Монетар – сиёсатга алоҳида эътибор билан қаровчи, иқтисодийни маблағ ёрдамида кўтаришни таклиф этувчи гуруҳ.

Монетаристлар (monetarists) - улар сиёсатга катта аҳамият беради ва пул ёрдамида иқтисодийни кўтаришни таклиф қилади. Монетаристлар пул муомиласида асосий хавф ҳукумат фаолиятидан келиб чиқади, деб ҳисоблайдилар. Шу сабабли улар бюджет камомадини марказий банк кредити ҳисобидан қопланишга қатъиян қарши чиқадилар. Бу назарий қонданинг аҳамиятлигига жаҳон амалиёти бир неча бор гувоҳи; хусусан, Олмония марказий банки мисолида яққол намоён бўлди. Бизга маълумки, икки немис давлатнинг қўшилиши билан боғлиқ харажатларнинг ҳар йили 25-30 миллиард маркаси Олмония федерал бюджети ҳисобидан молиялаштиришмоқда.

Монополия – бозордаги ҳукмронлик. Сотувчи ёки харидорлар ўз иқтисодий қудрати ва имкониятларига суяниб, бошқа бозор иштирокчиларига ўз таъйиқларини ўтказадилар, ўз манфаатларига тўла йўл очишга ҳаракат қиладилар. Натижада рақобат сусайиб, истеъмолчилар манфаатига зарар етади.

Мулк (property) – бирон шахсга қарашли қийматга эга бўлган бойлик.

Муомаладаги пуллар (currency) – мамлакатнинг пул бирлиги ва унинг типи (олтин, кумуш, қоғоз): пулга тенглаштирилган тўлов воситалари; пул ҳисоб-китобларини тақозо этадиган халқаро иқтисодий айрибошлаш ва бошқа алоқаларда қатнашади.

Нархлар индекси (price index) – икки ҳар вақт оралиғида товар ва хизматларга нархнинг мувозанати ўзгаришини акс эттирувчи кўрсаткич.

Нархлар коррективкаси (price adjustment) – бозор вазияти ўзгаришига нархларнинг мослашув жараёни.

Номинал алмашув курси (nominal exchange rate) – миллий валюта ва чет эл валюталари бирликларининг, одатда, мавжуд бўлган нисбати. Ушбу нисбат ҳам қатъий белгиланган, ҳам чайқалиб турувчи асосда амалга оширилиши мумкин.

Номинал фоиз ставкаси (nominal interest rate) – маълум давр ичида (ой, йил) қарзга олинган пул бирлигига тўланган пул миқдори. Депозит ҳисобларда ва қимматли қоғозларда активларнинг номинал қиймати ўсимтаси белгиланишига фоиз ставкалари дейилади.

Номинал ЯММ (gross national product–GNP) – жорий нархларда акс эттирилган ялпи миллий маҳсулот.

Оралиқ истеъмол (intermediate consumption) – ишлаб чиқаришнинг бир босқичида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни бошқа босқичда меҳнат предметлари сифатида ишлатилиши.

Ортиқча таклиф (excess supply) – мавжуд нархларда товар ва хизматлар таклифи уларга бўлган талабдан устун бўладиган иқтисодий вазияти, шунингдек, ортиқча ишлаб чиқариш деб ҳам аталади.

Ортиқча талаб (excess demand) – мавжуд нархлар ҳолатида товарлар ва хизматларга бўлган талаб таклифлардан устун бўладиган иқтисодий вазият, дефицит деб ҳам аталади.

Очиқ иқтисодий (open economy) – ташқи иқтисодий бозорда кенг савдо-иқтисодий ва молиявий алоқаларга эга бўлган иқтисодий.

Паритет (parity) – тенг ҳуқуқли, тенг вакиллик асосларида бирон бир иқтисодий (сиёсий) ҳаракатда иштирок этиш.

Пасайиши (recession) – иқтисодий фаолликнинг пасайиши.

Потенциал ЯММ (potential GNP) – мавжуд сармоя ресурслари ва ишчи кучи ҳисобига эришилиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш ҳажми.

Пул (money) – рақобатчилар ўртасидаги жазоловчи шартнома; фойдани барча иштирокчилар ўртасида тақсимлаш учун тақдим этиш ҳақидаги шартнома; биржа спекулянтларининг вақтинча бирлашиши.

Пул базаси - МО (monetary) – муомаладаги нақд пуллар, кассадаги корхоналарнинг пуллари ва миллий банкдаги тижорат банк захираси.

Пулга бўлган талаб (demand for money) – мамлакат аҳолиси жамғариш ва истеъмол қилиш, олди-сотди ва ҳар хил иқтисодий битимлар тузиш учун эгалик қилмоқчи бўлган маблағ миқдори; истеъмол, фоиз ставкаси, операцион харажатлар ва бошқа функциялар билан ифодаланади.

Рақобат ва монополия ҳолатига қараб тўрт хил *бозор модели* юзага келади: а) соф рақобатли; б) монопол рақобатли; в) олигопол рақобатли; г) соф монополли.

Рационал кутишлар (rational expectations) – ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўзларида мавжуд бўлган барча ижтимоий-иқтисодий маълумотлар асосида энг рационал тарзда ўз иқтисодий хулқ - атворини режалаштирадилар деб таъкидловчи назария.

Реал алмашув курси (real exchange rate) - иккала мамлакатдаги нархлар даражасининг ўзаро нисбати, муносабатини ҳисобга олувчи алмашув курси. Солиштиралаётган мамлакатлардаги номинал алмашув курси нархлари индексларини уларнинг ўзаро нисбатига бўлиши орқали ҳосил бўлади.

Реал иш ҳақи (real wage) – нархлар ўзгариши даражаси ҳисобига тузатиш киритилган номинал иш ҳақи (ёки номинал иш ҳақидан нархлар ўзгариши даражасининг ҳисобга олингани).

Реал фоиз ставкаси (real interest rate) – маълум давр ичида депозит ҳисоблар ва қимматли қоғозлардаги активларнинг реал қиймати ўсиши юз берадиган фоиз ставкаси: номинал фоиз ставкасидан шу давр оралиғида кутилаётган номинал фоиз ставкаси.

Реал ЯММ (potential GNP) – солиштирма доимий нархлар орқали акс эттирилган ЯММ. У жорий нархларда ҳисобланган ЯММ нархларини ўзгариши (инфляция даражаси) ҳисобига тўғрилаш йўли билан ҳисобланади.

Ревальвация (revaluation) – миллий валюталар курсини ошириш, пулларнинг ички бозордаги харид қобилиятини кучайтириш кўринишидаги тузатиш.

Револьвация (revaluation) – мамлакат пул бирлиги расмий курсини чет эл валюталарига нисбатан ошириш.

Рейтинг (rating) - қийматни баҳолаш, аниқлаш, молиявий ҳолатни баҳолаш; синф, тур, тоифа қаторига кўйиш.

Ремитент (remettre) – ўтказилувчан вексель ёхуд чек бўйича пул олувчи.

Савдо баланси (merchandise trade balance) – бунда экспорт ва импортдан келадиган тушумлар ва тўловларни акс эттирувчи хужжат. Уни савдо битимида кўзда тутилган, аммо жорий даврда амалга оширилмайдиган тўловлар ва тушумлар ўз аксини топмайди.

Савдо балансини ижобий сальдоси (trade surplus) – ҳисобот даври охирида экспорт бўйича жами даромадлар импорт бўйича харажатлардан устун келган.

Савдо балансининг дефицити (trade deficit) – ҳисоб даври охирида импорт бўйича қилинган жами харажатлар экспорт даромадларидан устун келган вазият. **Санация (sanatio)** – молиявий ва иқтисодий тадбирлар тизими бўлиб, фирма, банк, трестларнинг банкротлигининг олдини олиш мақсадида ўтказилади.

Саноат цикли (business cycle) – иқтисодиётнинг турли ривожланиш босқичлари; умумий ишбилармонлик фаоллиги ошиши ва тушумларидан, пасайишларидан иборат.

Сарф- харажат баланси (spending balance) – макроиқтисодиётда ЯММ ни ишлаб чиқаришга кетган жами харажатлар ва яратилган ялпи миллий маҳсулот охирги истеъмол мақсадида ишлатилиши орасидаги баланс.

Солиқ сиёсати – солиқ сиёсатини ривожлантириш учун капитал қўйилмаларни молиялаштиришда “мажбурий жамғармалар” ташкил қилувчи асосий омиллардан бири.

Солиқлар (taxes) – миллий даромадни тақсимлаш жараёнида унинг бир қисмини давлат ихтиёрига олиш. Солиқ бюджет ва бюджетдан ташқари пул фондларини ташкил этишининг асосий воситаси ҳисобланади.

Солиштирма афзаллик (comparative advantages) – айрим иқтисодий агентларнинг товар ва хизматларни камроқ харажатлар эвазига ишлаб чиқариш хусусияти. Макродаражада солиштирма афзалликлар принципи ишлаб чиқариш ва экспортнинг самарали структурасини шакллантириш учун қўлланилади.

Спрэд (spread) – биржа спекуляцияси бўлиб, худди ўш бир маҳсулотнинг турли муддатлари учун котировкалар ўртасидаги одатдаги нисбатларнинг ўзгаришидан фойда кўриш мақсадида ўтказилади.

Субвенция (subvenire) – айрим соҳалар ва корхоналарга давлатнинг молиявий ёрдами шакли.

Субсидия (subsidy) – давлат бюджети ҳисобидан корхоналар, ташкилотлар ва хорижий давлатларга қайтариб бермаслик шарти бериладиган маблағ. Субсидия бозор иқтисодиётини тартибга солиш воситаси ҳисобланади.

Тайёрланаётган маҳсулотга кетган сарфни тайёрланаётган маҳсулотга сингдириб бориш асосий жамғармаларнинг амортизациясини ташкил этади. Асосий жамғармаларнинг амортизацияси харажатлари маҳсулот таннархини ичига киради. Бу, корхона, ташкилотларга асосий жамғармаларнинг моддий ва маънавий сарфини қоплаш учун маҳсулотларни сотиш орқали маблағ тўлаш имконини беради.

Талаб этилугунга қадар сақланадиган депозитлар (demand deposits) – банкдаги қўйилмаларда талаб этилгунгина қадар сақланадиган пул воситалари.

Тариф (tariff) – хизматлар кўрсатиш учун тўлов (нарх) ставкаси ёхуд солиқ хизматлари ундирадиган бож ставкаси.

Таркибий ишсизлик (structural unemployment) – иқтисодиётни таркибий қайта қуриш, эскирган тармоқ ва касбларнинг бартараф этилиши, ишчи кучининг малака даражаси пастлиги ёки умуман, йўқлиги натижасида юзага келадиган мажбурий ишсизлик.

Ташқи дунё – шу мамлакатни ташқи иқтисодий алоқалар олиб боровчи иқтисодий агентлар билан бирлаштирувчи институционал сектор.

Тижорат банк (Commercial bank) – қўйилмалар шаклидаги пул капиталлари ва жамғармалар ҳисобига барча тармоқ корхоналари учун универсал банк харакатларини амалга оширувчи кредит муассасаси. Тижорат банки – кредит тизимининг етакчи бўғинидир. Унинг харакатларида саноат ва савдо корхоналарини кредитлаш асосий ўринни эгаллайди. Банк, шунингдек, комисион муомаларни ҳам олиб боради.

Тижорат кредити (comercial credit) – қисқа муддатли қарз (1 йил муддатгача берилади), сотиб олинадиган товарларига тўлаш учун пул қарз кўринишда берилади.

Товар экспорти – ички ишлаб чиқариш маҳсулотлари четга сотиш ҳамда хориждаги шерикларга ишлаб чиқариш ва талабгорлик хусусиятидаги хизматларни кўрсатиш.

Трансфер тўловлари (transfer payment) – ўтқазма тўловлар, яъни давлат бюджетидан аҳолига ва хусусий тадбирларга бериладиган тўловлар. Тадбирларга ёрдам давлат қарзи бўйича фоизларни - улаш, ижтимоий эҳтиёжларда аҳолига нафақа тўловларига бўлинади.

Трансферт (transfer) – пул маблағларини бир банк ҳисоб рақамидан бошқасига ўтказиш.

Трассант (trassante) – траттани тақдим этувчи, ўз тўловларини бошқа шахсга ўтказувчи шахс.

Тратта (tratta) – ўтказилувчан вексель; чек ёхуд бошқ бир ҳужжат тури бўлиб, унинг эгасига кўрсатилган пул суммасини олиш ҳуқуқини беради.

Тўлов баланси (balance of payment) – мамлакатларнинг ташқи иқтисодий муносабатлари ҳолатини, жаҳон иқтисодиётдаги мавқеини, халқаро миқёсда тўловга қобиллигини кўрсатувчи категория. Тўлов балансида мамлакатларнинг хорижий давлатларга улашган ва хорижий давлатлардан келган барча тўловлар ва тушумларнинг ҳақиқийдаги суммаси акс эттирилади. Шунингдек, шартномаларда кўзда тутилган, аммо ҳали келиб тушмаган тўловлар ёки тушумлар суммаси ўз аксини топади.

У шунингдек, иқтисодий ривожланишнинг ҳақиқий ва структуравий ишсизлик кўрсаткичлари йиғиндиси сифатида ҳам ҳисобланиши мумкин. Шунингдек, **бетараф ишсизлик (natural rate of unemployment)** – атамаси ишсизликнинг ўсмайдиган даражаси кўрсаткич ҳам қўлланилади. Бу кўрсаткич ижтимоий жиҳатдан нисбатан нейтрал бўлиб, инфляцияни турғун, барқарор суръатлари ҳамда реал ва потенциал ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) мос тушиши ҳолатдаги ишсизлик даражасини акс эттиради.

Узоқ муддат давомида ишлатувчи товарлар (durable goods) – истеъмолчиларга узоқ вақт хизмат қиладиган (1 йилдан кам) товарлар. Бундай товарларга автомобиль, холодильник ва бошқа маиший хизмат воситалари киради.

Ўзгарувчан алмашув курси (flexible exchange rate) – ички мувозонатини тиклаш мақсадида мамлакат алмашув курсига эга бўладиган халқаро ҳисоб-китоблар тизими.

Фактор даромад (factor income) – ишчи кучи, капитал мулк, ишлаб чиқариш омилларининг қўлланиши натижасида юзага келадиган даромад.

Факторинг (factoring) – дебиторларнинг тўланиши лозим бўлган ҳисоб рақамлари гарови остида маблағларни аванслаш.

Фактура (facture) – алоҳида савдо амалиётлари бўйича ҳисоб-китоблар қилиш учун стандарт бланк кўринишидаги тўлов ҳужжати.

Филипс эгри чизиғи (Phillips curve) – инфляция ва ишсизлик даражаси динамикаси ёки реал ЯММни потенциалидан оғиши орасидаги ўзаро боғлиқликнинг графикда ифодаси.

Фоиз (interest) – даромад, мулкни бошқа жисмоний ва ҳуқуқий шахсларга фойдаланишга бериб, фойда олиш.

Фоиз ставкаси (interest rate) – кредит ёки қарз ставкаси капитали эвазига тўлов фоизи кўрсаткичи. Одатда, қарзга олинган пул белгиси бир- бирларига тўғри келадиган йиллик тўловни акс эттиради.

Фойда (profit) – қўшимча маҳсулотнинг пул шакли: корхона, тармоқ ва бутун халқ хўжалиги ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятини умумлаштирувчи кўрсаткичи. Корхонанинг молиявий аҳволи, иқтисодий рағбатлантириш фондини шакиллантириш имкониятлари, бюджет ва юқори турувчи органлар бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши фойда ҳажмига боғлиқ.

Форфетлаш (forfaiting) - қарз мажбуриятларини ҳисобга олувчи, иш амалиётларини молиялаш.

Франшиза (franchise) – суғуртачи қопламайдиган юк нархининг маълум фоизи миқдордаги зарар; солиқдан озод этиш; имтиёз.

Фрикцион ишсизлик (frictionfl unemployment) – бир ишдан бошқа бир ишга ўтиш билан боғлиқ бўлган вақтинчалик ишсизлик.

Фронтинг (fronting) – бундай амалиёт жараёнида компания суғурта полисини расмийлаштиради, бироқ молия таваккалини бошқа суғуртачига юклайди.

Фьючерс (futures) – 1) иш битимини амалга ошириш жараёнида унинг шартлари ўзгаришини кўзда тутувчи молиявий амалиётлар; 2) молиявий дастаклар ёхуд маҳсулотарни товар биржаларида сотиб олиш ёки сотиш бўйича келишув. Бунда уларни келажакда етказиб бериш шарт қилиб қўйилади.

Хедж (hedge) – 1) нархларнинг эҳтимолли тушишидан суғурталаш учун тузиладиган муддатли биржа келишуви; 2) муддатли маҳсулот бозорларидаги молиявий амалиёт бўлиб, у одатдаги бозорда тузилган байга қийматий ҳажмига кўра тенг ҳамда ўз хусусиятига кўра зиддир.

Хусусийлаштириш (privatization) – давлат мулки, иқтисодиётдаги давлат секторини хусусийлаштириши. Хусусийлаштириш давлат мулки монополиясини тугатиш, эркин соҳибкорлик ташаббусига йўл очиш, бозор иқтисодиётини рағбатлантириш мақсадида амалга оширилади.

Цедент (cedant) – ўз қарз талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказувчи кредитор.

Чек (cheque) – банкка юбориладиган ёзма фармойиш бўлиб, унга кўра, у ердаги мавжуд жамғармалар ҳисобига кўрсатилган пул суммасини тўлаш лозим.

Шахс сармояси – капитал сифатида ёндашув икки томонлама хусусият эга бўлади. Унинг салбий томони шундан иборатки, бундай қарашларни ижтимоий муаммолар ва меҳнатдан капитал томонидан эксплуатация қилиш ҳақидаги фикрларга уланиб кетишга олиб келади. Бу ерда капитал меҳнатни эксплуатация қилар экан, у ҳолда инсон капитали ҳам меҳнатни эксплуатация қиладими, деган савол туғилади.

Шахсий даромад (personal income) – жисмоний шахсларнинг солиқ тўлагунга қадар даромади.

Экспорт (export) – ташқи бозорда товарлар, хизматлар ва капиталларни реализация қилиш мақсадида четга чиқариш.

Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) (national product) – истеъмолчиларнинг йил давомида маҳсулот яратиш учун қилган харажатлари қийматини жамлаш орқали, яъни маҳсулотни умумий пул қиймати аниқланиши орқали ҳисобланади. Ялпи миллий маҳсулотни ҳисоблашда жамиятдаги иқтисодий ўсиш аниқланади, ҳозирги пайтда бу жараёнда ялпи ва хусусий инвестиция тушунчалари қўлланмоқдаки, улар орқали йил давомида қурилган уйлар, фабрика, завод, машиналар ифода этилади.

ЯММ даражалардаги фарқлар (GNP gap) – потенциал ва реал ЯММ даражалар орасидаги фарқ.

ЯММни мавҳум дефлятори нархлар индекси (GNP implicit price deflator) – жорий нархлардаги ЯММни солиштирма нархлардаги ЯММга нисбатан тавсифловчи кўрсаткич ёки номинал ЯММнинг реал ЯММга нисбати.

Яширин ишсизлик (hidden, latent, disguised) – ишлаб чиқариш жараёнида объектив ҳолда ишчилар сонини ҳам талаб этадиган, лекин амалда ишлаб чиқаришда ортиқча бўлган ишчилар сони.

Информацион – услубий таъминот

1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: «Ўзбекистон», 2003.
2. Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида. - Т.: «Адолат», 2004.
3. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси. – Т.: «Адолат», 2004.
4. Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари) тўғрисида. – Т.: «Адолат», 2004.
5. Фермер хўжалиги тўғрисида. – Т.: «Адолат», 2004.
6. Деҳқон хўжалиги тўғрисида. – Т.: «Адолат», 2004.
7. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида. - Т.: «Адолат», 2003.
8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида. - Т.: «Адолат», 2003.
9. Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида. - Т.: «Адолат», 2003.
10. Қимматли қоғозлар бозорининг амал қилиши тўғрисида. - Т.: «Адолат», 2003.
11. Эркин иқтисодий ҳудудлар тўғрисида. - Т.: «Адолат», 2003.
12. Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқ ва кафолатлари тўғрисида. - Т.: «Адолат», 2002.
13. Меҳнат муҳофазаси тўғрисида. - Т.: «Адолат», 2002.
14. Биржа ва биржа фаолияти тўғрисида. - Т.: «Адолат», 2001.
15. Рақобат ва товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида. - Т.: «Адолат», 2001.
16. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. - Т.: «Адолат», 2001.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида. 2007 йил 24 январь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2006 йил 5 январь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2006 йил 23 март.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2006-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасида сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожланишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2006 йил 17 апрель.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида. 2006 йил 26 апрель.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2005 йил 11 апрель.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитасини ташкил этиш тўғрисида. 2005 йил 30 апрель.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2005 йил 20 июнь.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг қарори. 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида // Халқ сўзи, 2007 йил 15 февраль.

- 2.Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида. 2003 йил 20 август.
- 3.Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида. 2001 йил 22 август, 347-сон.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари.

1. Янгилашни ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2007 йил 13 февраль.
- 2.Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий кадрият. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. «Халқ сўзи», 2005 йил 8 декабр.
- 3.Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
- 4.Каримов И. А. Эскича қарашлар ва ёндашувлар билан янгича ҳаёт қуриб бўлмайди. - Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
- 5.Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
- 6.Каримов И.А. Мавжуд имконият ва ресурслардан оқилона фойдаланиш – тараққиёт омили. - Т.: “Ўзбекистон”, 2004.
- 7.Каримов И.А. Иқтисодий эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш – бош йўлимиз. Т.: “Ўзбекистон”, 2002.
- 8.Каримов И.А. Иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш – энг муҳим вазифамиз. Т.: “Ўзбекистон” 2000.
- 9.Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
- 10.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари//Т.: Ўзбекистон, 2009 йил, 56 б.
- 11.Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси), “Халқ сўзи”, 2010 йил 13 ноябр, №220

5.Дарсликлар .

- 1.Региональная экономика. (под ред. Т.Г.Морозовой). — М.: ЮНИТИ, 2000.
- 2.Тўхлиев Н. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти Т.:-2002. 305 б.
- 3.В.В. Кистамов Н.В., Копилов, Региональная экономика России Москва «Финанси и статистика». 2006г.
- 4.Региональная экономика. Учебник под общей редакции проф: В.И. Видянина. Проф: М.В. Степанова. Москва. Инфра-м. 2006г.
- 5.Г.Г. Фетисов, В.П. Орешин. Региональная экономика и управление. Учебник. Москва «Инфра-м». 2006г.
- 6.Гранберг А.Г. «Основы региональной экономики» учебник.-4е изд.—БМ.: издательский дом ГУВШЭ 2004-г.
- 7.Региональная экономика под ред. Морозовой Т.Г.М.: «Банка и биржи» 2000г.
- 8.Региональная экономика под ред. Ведяпина В.Н. М.: «ИНФРА» 2002г. 9.Алимов Р.Х. ва бошқалар «Маҳаллий иқтисодиёт ва менежмент».-Т.: ТДИУ, 2004-й.
- 10.Йўлдошев З.Ю. «Миллий иқтисодиёт», Т.: «Фан» 2004-й. 185б.

6.Ўқув қўлланмалар.

- 1..Ўзбекистон иқтисодиётини либерллаштириш йилларида 1,2,3,4,5 - қисмлар акад. С.С.Ғуломов таҳрири остида. ТДИУ, 2006 й.

2. Жумаев З.А. «Муниципал иқтисодиёт»: ТДИУ 2004 й.
3. Тошпулатова Л.М. Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти. Т.ТДИУ 2004.
4. Минтақавий иқтисодиёт Т.Миллий Университет. 2004.
5. Рахимова М., Ирматов М. Худуд иқтисодиёти асослариТ.: ТДИУ, 1999.
6. Рахимова М. Худуд ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти. Т.: ТДИУ, 2004-128 бет.

7.Илмий монографиялар, мақолалар.

1. Бекмуродов А.Ш. ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш йилларида. 1-5-қисмлар. Т.: ТДИУ, 2005. – 310 б.
2. Ҳамроев О.Ҳ. Иқтисодий мувозанат ва уни таъминлаш механизмлари. – Т.: ТДИУ, 2004.
3. Шадыбаев Т. и др. Особенности антимонопольной политики в Узбекистане: общие принципы и правовая база. - Экономическое обозрение, №2, 2004.
4. Шодмонов Ш. Бозор иқтисодиётига ўтишда пулнинг янги мазмуни ва роли. Бозор, пул ва кредит. Махсус нашр, 2001.
5. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: «Янги аср авлоди», 2001.

8.Статистик маълумотлар.

1. Ўзбекистоннинг 2009 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари. – Т.: «Ўзбекистон» 2005й.
24. Узбекистан и страну СНГ. Статистический ежегодник Т.: «Узбекистан», 2009г.
25. Узбекистан в цифрах за 2007 год. Статистический ежегодник Т.: 2008.
- Экономика Узбекистана. Аналитический обзор за 2008 год. 2009г. №8.

9.Интернет сайтлари

26. [www. arbt. ru](http://www.arbt.ru)
27. [www.sovnet. ru.](http://www.sovnet.ru)
28. [projektm. narod. ru](http://projektm.narod.ru)
29. [www. pmi. ru.](http://www.pmi.ru)
30. [www. pmproft. ru.](http://www.pmproft.ru)
31. [www. DOCFLOW.ru](http://www.DOCFLOW.ru)
32. Новости Узбекистана – www.uzreport.com
33. [http://www.vqi.freenet.lez. trudy. bratisvriko.](http://www.vqi.freenet.lez.trudy.bratisvriko)

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Фаннинг мақсади ва вазифалари.....	5
Фанни ўқитишнинг концептуал асослари.....	13
1-мавзу: Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти фанига кириш. Фаннинг предмети методи ва вазифалари.....	15
2-мавзу: Минтақавий сиёсат унинг аҳамияти ва уни амалга ошириш йўллари.....	21
3-мавзу: Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиётини ташкил этиш ва унинг фаолият кўрсатиш тизими.....	26
4-мавзу: Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш унинг иқтисодий ва молиявий асослари.....	32
5-мавзу: Минтақа ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва ривожлантириш.....	37
6-мавзу: Минтақанинг меҳнат ресурслари.....	44
7-мавзу: Минтақа ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожланишини тартибга солиш.....	56
8-мавзу: Минтақа ижтимоий соҳа тармоқларини ривожлантириш ва тартибга солиш.....	74
9-мавзу: Минтақаларда табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва атроф- муҳитни муҳофаза қилиш.....	86
10-мавзу: Минтақа молияси.....	91
11-мавзу: Минтақада фермер хўжаликларини ривожлантириш асослари.....	96
Амалий машғулотлар.....	114
Мустақил иш топшириқлари.....	120
Фан бўйича назорат саволлар.....	120
Тестлар.....	122
Фан бўйича якуний хулосалар.....	135
Глоссарий.....	138
Информацион – услубий таъминот.....	147
Мундарижа.....	150

